

**ЭРКИН ФУЛОМОВ**

# **ҲАЁТ ЗИЙНАТИ**

**МАЖБУРИЙ НУСХА**

**„ISTIQLOL“  
Тошкент – 2013**

УЎК: 37.018.1

КВК: 87.7

F 79

*Жисса*

**«Мустаҳкам оила йили» ва  
«Обод турмуш йили»га бағишиланаади**

87.7

F 79


Фуломов, Эркин.

Ҳаёт зийнати: Э.Фуломов; сўз боши муаллифи Н.Ёкубов.

— Тошкент: Istiqloł, 2013. — 264 б.

Инсон ўсигб-улғайиб балогат ёшига етгач, баркамоллик сари интилади. Ҳаёт қозонида қайнаб, ҷуқур илм билан касб-хунар эгаллаб, оила қуриб, жамиятда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади. Ватанини, ҳалқини эъзозлаб, ўзидан муносиб фарзандлар қолдиришни муқаддас бурч деб билади.

Бу китоб чин маънода инсонийлик қиссаси. Мустақил Ўзбекистонимизнинг ибратли оиласари, маҳаллалари, устоз-мураббийлари ҳақидаги ҳикоялардан иборат. Улардан сиз ҳам озгина бўлса-да сабоқ олсангиз мамнун бўлардик.



41758  
2

УЎК: 37.018.1

КВК: 87.7

ISBN 978-9943-308-66-4

© «Istiqloł nashriyoti», 2013

*Биз ўз маънавий ҳаётимиз ва келажагимизни қураёт-  
ганда бекиёс миллий қадриятимиз бўлмиши ошлани асосий  
таянч деб биламиз. Чунки ўзлигимизга қайтиш, миллий  
урф-одатларимизни эъзозлаш, катталарга ҳурмат ва  
кичикларга ғамхўрлик, одамийлик, ҳалоллик, олижаноб-  
лик, меҳр-оқибат сингари асл инсоний фазилатлар айнан  
оила мұхитида шакланади...*

\* \* \*

*Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати,  
тили ва динидан қатви назар, бу дунёда баҳтли яшаш  
учун келади. Бундай юксак орзуга етишининг шарти ва  
гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга  
маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли  
қиласиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамларнинг ўз  
уйи, ўз юртини ҳам гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи  
мамнун бўлиб яшашида яққол намоён бўлади.*

**ИСЛОМ КАРИМОВ**



## ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

Муаллифнинг мазкур китоби „Ўзликни англаш“, „Эзгулик – ҳаёт гултожи“, „Мехр қолур, оқибат қолур“, „Покиза дил“ рисолалари каби иштиёқ билан, чин юракдан завқтаниб, қизиқиб ўқиладиган, ўқитганинг сари ҳаётга чорлайдиган, янада яқинлаштирадиган, оила деб аталмиш муқаддас даргоҳ, обод ва фаровон турмуш ҳақида изчил ва онгли эътиқодга сазовор этадиган китоблар сирасига киради.

Оила қуриш, уни бошқариш ва мустаҳкамлашнинг барча омиллари мужассамлашган, ўқувчини маънан ва руҳан бойитадиган, давр руҳи ва талабини қамраб, чинакам оиласавий муносабатларни такомиллашириш, фарзанд тарбияси, комил инсонни вояга етказадиган, ёш оиласарга қўлланма бўладиган, юракда олижанобликни уйғотиб, қалбларда кўтаринкилик баҳш этадиган, оиласавий ҳаёт тақдирини чукур ҳис этиш, масъулиятни англашга руҳдантирадиган, тежамкорлик, сариштасаранжонликда ўрнак олишга йўналтирадиган, маънан, тўлақонли оила барпо этишда намуна бўладиган, моҳир мураббийлик вазифасини ўтайдиган рисоладир. Дилларга қўл солувчи, ибратли оиласар, ҳаётий бой тажриба ва инсоний нафосатдан баҳраманд этадиган мажмуалардан бири.

Китоб, айниқса, ёшларга оила ҳақида атрофлича билим беради, яхши фикр-мулоҳазаларни уйғотиб, турмуш масалаларида гўзал ва фойдали маслаҳатлар инъом этади, китобхон ўзини худди дононолар даврасида ўтиргандек ҳис этади.

Сабаб бўладиган баъзи қусурлар – манманлик, молпарастлик, шуҳратпарастлик, ношукурлик, майшатпарастлик, бевафолик, беҳаёлик ва андишасизлик каби ғайриинсоний, ғайриахлоқий феъл-автор ва туйгуларни бартараф этиш йўл-йўриқлари ҳам ушбу китобда ўз аксини топган.

Катта масъулият, бой тажриба ва ихлос билан ёзилган ушбу рисола кенг китобхонлар, маънавий, маърифий ва диний тарбия билан шугулланувчиларга, маънан тўлақонли оила қурувчиларга энг яқин маслаҳатгўй дўст вазифасини ўтай олади, деган умиддамиз.

Невмат ЁҚУБОВ,  
Ўзбекистон ёзуучилар ва Ўзбекистон  
журналистлар уюшмаси аъзоси

## СҮЗ БОШИ

*„Миллатлар шарафини юқори мартабага кўтаридаған нарса миллионлар ила саналмакда бўлган аскарлару дунёда энг буюк ва зўр бўлган кимсалар эмас, балки... оиласидир.“*

Ризоуддин ибн Фахриддин

Азал-азалдан ҳәётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг асосий бўгини, кичик ҳужайраси, ижтимоий-маданий организми саналмиш оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, мамлакат обод ва барқарордир, деб эътироф этилишида чуқур мазмун бор.

Чунки оила кишиларнинг табиий-биологик, уй-рўзгорни бошқариш, хукуқий, масалан, никоҳни фуқаролик ҳолатларда қайд этиш, маънавий, яъни эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги севги, оқибат туйгуси каби муносабатларга асослангандир.

Мустақил Ўзбекистон шароитида оила масаласининг муҳим аҳамият касб этишини қўйидагича изоҳлаш мумкин:

— биринчидан, Ўзбекистон аҳолисининг деярли ярмини мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар ташкил этади;

— иккинчидан, келажагимиз гарови бўлган соғлом авлодни тарбиялаш заруриятидан бўлса, учинчидан, истибодд ўйларида таъзиқ остида қолган ўзбек оиласининг баъзи хусусиятларини тиклаш масаласидир.

Масалан, тарихан ташкил топган ўзбек ҳовлисининг ташқи ва ички ҳовлига бўлиниши — халқнинг миллий руҳини, имону эътиқодини, тоату ибодатини акс эттирган. Ҳовлиларнинг ички-ташқига бўлиниши аёлларда фаросат ва малоҳат туйгуларини шакллантиришга, фарзандларнинг ҳар хил одамларнинг нигоҳидан йироқроқ бўлишига, ортиқча гап-сўзларни эшитмасликка, катталар ишига арадашмасликка имкон берган.

Лекин шўролар ҳукумати даврида кўр-кўронга тарзда Оврупо маданиятининг айрим жиҳатларини тарғиб қилиниши оилавий тарбияда ўзининг салбий аксини топиб, шарқона тарбиянинг таъсирини камайтириб, ожизланиш ва маънавий қашшоқликнинг кучайишига сабабчи бўлди.

Миллий истиқолол шароғати билан халқнинг оиласи қадрияти йил сайин тикланиб, мустаҳкамланиб бормоқда, сунъий равища турмушга киритилган айрим оиласи маросимлар халқ назаридан қолиб, ҳаётдан айрим сиқиб чиқарилган урф-одатлар эса қайта тикланиб равнақ топиб бормоқда.

Мұхтарам Президенттімиз томонларидан қатор йилларни оиласалар равнақига қаратылған номлар билан аталиши Ватанимизнинг ижтимоий-сиеций, іқтисодий ва маънавий ҳәётида ўчмас из қолдириб келмоқда. „Оила йили“, „Аёллар йили“, „Соғлом авлод йили“, „Қарияларни қадрлаш йили“, „Оналар ва болалар йили“, „Сиҳат-саломатлық йили“, „Ёшлар йили“ ва „Баркамол авлод йили“ шулар жумласидандыр.

2012 йилни „Мустаҳкам оила йили“, 2013 йилни эса „Обод турмуш йили“ деб аталиши эса мұқаддас ва дахлсиз ўзбек оиласига нисбатан дүнёдаги энг улуғ ғамхўрликлар.

Президенттімиз оиласи янада мустаҳкамлаш ҳақида тұхталиб, қуйидагиларга эътибор бериш кераклигини таъкидлаб шундай дейдилар:

— «Оила олдіда турған вазифаларни ҳар томонлама амалға ошириш, авваламбор, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиласинг барча ташвишларини осонлаштириш каби мұхим масалаларни ҳал этиш, ... ҳар қайси оиласинг юкини ҳеч нолимасдан, ҳаётга шукронга қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, оила қўргонининг ҳам чиройи, ҳам ҷароғони бўлған аёл зотининг, она-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш билан баробар эканини эсимиздан чиқармаслигимизни истардим».

Шулардан келиб чиқиб, баҳтли оила саройини қуриш нимадан бошланади, унинг заминини мустаҳкамлап омиллари, нималарга эътибор берилса оила баҳтиёрликнинг абадий масканига айланади, оила баҳти ва равнақи, ободончиликнинг моддий-маънавий асосларини белгиловчи энг мұхим омиллар, кишиларни маънавий, ахлоқий бузилишдан сақлайдиган қонуний никоҳнинг аҳамияти, оиласа эр-хотин, қайнона-келин муносабатлари, уларнинг бурч ва масъулиятлари, фарзанд тарбияси, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчлари, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятлари, қариндош-уруг, қўни-қўшни ва қуда-андалар ўртасидаги муносабатлар, тотув ва иноқликда яшашнинг афзалларни, рўзгор юритишнинг санъати, сарышта-саранжомлик ва тежамкорлик каби масалалар китобнинг асосий мавзулари қилиб олинди.

Шунингдек, айрим оиласларни инқирозга бошловчи, оила аъзолари ўртасида душманлик, келишмовчилик кайфиятларини вужудга келтирувчи, фарзандлар иқболи ва баҳтсизлигига сабаб бўлувчи бемеҳрлик, совуқёнлик ва бепарволик, хиёнат, ўринсиз рашк, зино, кўпхотинлилик, гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик ҳамда жамики разилликларга йўл очиб берувчи ёлғончилик, алдаш каби қусурларнинг оила мустаҳкамлигига раҳна солувчи илиат эканлиги ҳақидаги масалаларга ҳам китобда кенг ўрин берилган.

Китобда аёл билан эркак ўртасидаги муомалага доир „Висол лаззати“ ва „Ашёларнинг хосияти“ номли рисолалардан айрим намуналар келтиришни ҳамда инсондаги түгма феъл-авторнинг келгусидаги ҳаётга, биринчи навбатда эр-хотин, қолаверса, оила аъзолари ўртасидаги муносабатларда муҳим аҳамият касб этувчи „Шарқий мучал“ни ва анъанавий маҳр масаласини тиклашни ҳам зарур деб топдик.

Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Хайриддин Султонов ва Назрулла Жўраевлар қаламига мансуб «Ватан туйғуси» номли китобда шундай дейилади:

— «Ҳаёт мураккаб, турмуш тасодифларидан ҳоли эмас, эҳтиёт чораси сифатида кафолатнома керак. Мабодо турмуш бузилса, ёш она қўлида боласи билан бошпанасиз қолмайди... Келин тушириш орзусида юрган ота-оналар тўй бошлашдан олдин келин-куёвнинг, туғилажак невараларининг етарли ва қулай бошпаналари бўлиши ҳақида қайғуришлари лозим. Энди, ариза ёзиш билан текинга уйжой олиб бўлмайди. Меҳнат ва фақат ҳалол меҳнат билан бошпанали бўлиш мумкин. Ёшларни ҳам мулкдорлик руҳида тарбиялаш керак».

Китоб Президентимизнинг кўплаб асар ва маърузалари, Шарқ донишмандларининг қатор ҳикматлар тўплами, муқаддас китобимиз Қуръони карим, Ҳадислар тўплами, ислом оламининг буюк мутафаккири Абу Ҳомид Газзолий асарлари, машҳур шоирларимизданFaфур Ғулом, Ҳабибий, Чустий, Уйғун, Эркин Воҳидов, Гулчехра Жўраева, Маҳмуд Ҳасаний, Муҳаммад Юсуф, Маҳмуд Тоиров, Нилуфар ва Аюбхон Муҳаммадий шеърлари, қатор намунали оиласлар ҳамда узоқ йиллик илмий-педагогик, жамоатчилик фаолиятимиз жараёнида орттирган тажрибаларимиз асосида ёзилди. Ҳамда муаллифнинг „Эзгулик – ҳаёт гултожи“, „Ўзликни англаш“, „Меҳр қолур, оқибат қолур“ номли китобларидағи оиласга оид айрим мавзуларни ҳам ушбу китобга киритишни зарур деб топдик.

## I боб

# Тақдир белгилаш – баҳтли оила пәндеғөби

### ЁЛГИЗЛИКДА ЁР ЯХШИ

Ёлғизлик азоби ёмон, уни ҳатто табиат ҳам  
әқтірмайды, чунки ёлғиз бұлған барча тириклик  
йүғлилікка маҳкум. Зоро, Аллох ҳамма нарсаны  
жұфт яратған.

Хикмат

Инсониятнинг меҳр-муҳаббати, қадр-құммати ва вафосини  
сақловчы асосий құрғон, яғни оила кишиларни ёлғизликдан  
күтқаруучи эң улуғ, мұқаддас ва бирдан-бир илохий маскандыр.  
Хеч ким оиласы ради этиб баҳтли ҳаёт кечира олмайды. Ҳаётда  
танқолик, ёлғизликда яшашдан оғир, изтиробли ва ғурбатлы нарса  
йўқ. У инсонни йўқолишига, ҳалок бўлишига, кулфат ва қаровсизлик  
азобларига гирифтор қилувчи иллат.

Оиласиз яшаб ёлғиз қолган одамларнинг миясига дунёниг барча  
ғовға ва ташвишлари бостириб келаверади, қулоқларда унинг қайноқ  
шавласи биқирлаб, ҳаёлларни турли ваҳимали, шубҳали воқеа ва  
ҳодисалар томон олиб қочади.

Ёлғиз қолган одам ҳеч ким, ҳеч нарсаны англамайды. Юрек  
бағри хүн бўлиб, девоналарча ҳаёт кечиради. Юраги худди қорда  
қолган гул каби тезда музлаб, сўла бошлийди.

Доно ҳалқимизнинг кўплаб мақолаларида ҳам ёлғизликнинг  
аянчли қисмати ва оқибатлари ўзининг чиройли ифодасини топған.  
„Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас“, „Ёлғиз  
бөтір ёвға йўқ, ёлғиз йиғашт довга йўқ“, „Дёвнинг чанги чиқмас,  
ёлғизнинг мунги (ийғи) чиқмас“, „Ёлғиз ғоз товуш бермас“, „Ёлғиз  
ғознинг уни чиқмас, ёлғиз қизнинг мунги чиқмас“, „Ёлғиз уйда қозон  
қайнамас“, „Ёлғиз ёғоч уй бўлмас“, „Якка ёғоч билан уй бўлмас, якка

*одам билан түй бўлмас*“, „Елғиз ўғиљ ёвдан қаттиқ, хотини қалмоқдан қаттиқ“ (қалмоқ қадимги зулмкор қабилалардан бири), „Елғиз дараҳт ўрмон бўлмас“, „Елғиз юриб ўйл топгандан, кўп билан адашган яхши“, деганларидек, оила – эр-хотинларнинг севги-хурматда бир-бирларига суяниб яшашлари ва қариганларида ёлғизланиб қолишдан асровчи ятона имкониятдир.

Фақат ёмон одам билан яшагандан, ёмон улфат билан ўтиргандан кўра ёлғиз яшаган маъқулдир. Бошқа ҳар қандай шароитда ёлғизлик кишини ҳалокатга олиб боради. Инсонлар дил боғининг ободлиги ҳам, умрининг шодлиги ҳам фақат ўзининг муносиб жуфти ва жамият билан яшашдадир. Бунинг учун ҳар бир инсон севиши ва севилиш баҳтига мусассар бўлмоғи керак. Акс ҳолда у бир умрга ёлғизлика яшашга ва қаровсиз ўлимга маҳкумдир.

Севмаган ва севилмаган, қадрланмаган кимсалар миллионлаб одамлар ичиди ҳам ёлғизлиқда танҳо гарибдек яшайверади. Ва бундай инсонларининг қалби ҳамиша ғам-андух, дунёси эса фожиага тўла бўлиб, ёлғизлик ғами қалбларни худди занг темирни емирғандек емириб боради. Шунинг учун ҳам Аллоҳ кишиларни ёлғизлик кулфати ва қариллукдаги қаровсизликдан кутқарувчи никоҳ деб атальмиш қутлуғ бир балогардонни яратган.

Муқаддас китобларимизда таъкидланганидек, кимдаки жуфтликнинг улуғ таҳтидан ва буюк баҳтидан бенасиб бўлса, у бу дунёдан бебаҳра ўтиб кетаёттан гариб нотавондир. Ёлғизлиқда яшаган инсон қанчалик бадавлат ва эҳтиёжсиз бўлмасин, лекин у ҳеч қачон баҳтли бўлолмайди. Чунки улар ёлғизлик туфайли севиши ва севилиш саодати, баҳтнинг олтин тожи бўлган муҳаббатдан, орзулар ижобати, баҳтиёрлик маскани бўлган никоҳ ва оиласдан, оила гули ва ҳаёт ижодкори деб атальмиш келин-куёвлик ва эр-хотинлик мартабасидан ҳамда оила боғони деган ота-оналик баҳтидан маҳрум бўлган инсонлардир.

Ёлғизларнинг кўрган азблари, чеккан бало ва жафолари, хоҳ у эркак, хоҳ аёл бўлмасин, чексиздир. Эрсиз бир хотин – кўланкасиз бир дараҳтга ўхшайди. Жуфт бўлиб яшаш, оила қуриш, уни равнақ топдириш, жамоа бўлиб яшаш, жамият билан ҳамнафас бўлиш инсонни умр бўйи ҳам маънавий, ҳам жисмоний танҳоликдан сақлайди ҳамда фикрлаш ва жисман ғарифликдан асрайди.

Хадисларда шундай дейилади:

„Жамоадан ажралманглар, чунки шайтон ёлғиз киши билан биргадир ва икки кишидан узокроқдир. Кимки жсаннат неъматларини хоҳласа, жамоат билан бирга бўлсин“.

Икки тоифадаги ёлғизларнинг аҳволи аянчлидир. Биринчиси манманликка берилиб, бошқалардан ўзини юқори тутувчи, бадхулқ, танбал ва одамови, оиласи рад этиб ўзидан зурриёт қолдирмай танҳо яшовчилар. Иккинчиси кексайган вақтида жуфтидан жудо бўлган ёлғизлар. Бу, айниқса, эрқаклар учун энг азобли ва бедаво ёлғизлик ҳисобланади. Мехр-вафо билан, севиб-севилиб, бир тан, бир жон бўлиб, бир-бирларини чин қалдан ардоқлаб, аҳиллик ва иноқликда яшаб келаётган нуроний мўйсафиднинг ўз жуфтидан маҳрум бўлиши кекса қалб учун энг аламли мусибат ва энг оғир азобдир.

— Саксон йиллик умримнинг етмиш йили давомида кўрмаган жабру-жасо ва ситамлилар қолмади, — дейди жуфтидан бева қолган Турсунбой ота. — Барчасига чидадим, сабр-тоқат билан енгиб келдим. Лекин беш йилдирки, аёлимнинг вафотидан кейинги ёлғизлик дардига бардош беролмаяпман. Тўрт қиз, икки ўглим, келин-куёвлар, йигирма тўрт набира ва авараларим ҳамиша атрофимда парвона. Ҳамма нарса бисёр. Лекин барибир лаънати ёлғизлик ва танҳолик муаммолари кексалик ожизликларига қўшилиб, тушкунлик изтиробида қийнайверади.

Аёл киши эрқак учун олтин қанот экан. Бир қаноти ўйқ қари қушдек ҳис этаман ўзимни. Ёлғизлик мени баҳтли кексаликнинг саодатидан маҳрум қилиб қўйди. Қаровсизликдан ҳам айрилиқ кулфати оғир экан.

*Юрак бағрим бурён этди,  
Золим айрилиқ, айрилиқ.  
Кўнглимни кўп вайрон этди,  
Золим ёлғизлик — ёлғизлик.*

*Қаевму-қардош, фарзанд билан,  
Дўстлар рози бўлган билан,  
Зарра ваҳм қилган билан,  
Ёмон ёлғизлик-ёлғизлик.*

Ҳа, бу Турсунбой отанинг рафиқаси вафотидан кейин юрагида яширинган ҳақиқий муҳаббат ва соғинчнинг қурдатли кучи мавжудлигидан далолат беради.

Турсунбой ота умр бўйи оиласи, фарзанд, келин, набира ва эвараларига меҳр қўйган олийжаноб инсон. Онда-сонда қалам тебратиб ижод қилишни, ҳазил ва мутойибани яхши кўрадиган, дили очиқ ва ҳозиржавоб инсон.

У кишининг дўстлари отанинг розилигини олмасдан туриб, Олтиной исмли бир бева аёлга совчи қўйишибди. Аёлнинг тоғдан келиб қўйган шартларига Турсунбой ота қуидагича жавоб қайтаради.

## ПАНОХ

Қакраган лаб ташнанинг ҳолигавой,  
Ажралса шўҳ чашмалардан пойма-пой.  
Ул балиқнинг ҳолига мингвой-у оҳ,  
Бўлмаса унга агар дарё паноҳ.

*Абдураҳмон Жомий.*

Бева қолган кекса эркакнинг ҳолигавой,  
Кундалик ишлари хотинсиз пойма-пой.  
Ул кексанинг ҳолига мингвой-у – оҳ,  
Бўлмаса унга агар бир кампир паноҳ.

Қанотсиз күшдир эркак, қанча бўлмасин бой,  
Хотинсиз қайнатолмас, ҳатто бир чойнак чой.  
Бундай эркакнинг ҳолига мингвой-у оҳ,  
Тезроқ этмаса бир аёлни ўзига паноҳ.

Паноҳ топмоқ учун ночор бўйдоқ Турсунбойга,  
Қўйдилар совчи бева бир аёл Олтинойга.  
Текканим бўлсин дебди тул хотин ўша чолга,  
Фақат шартларимни олса бўлди эътиборга.

Шартим шулки, сотиб ҳовлисин домга чиқсан,  
Ўғил-қизлари биздан бироз йироқда турсин.  
Мол-мулк, уй-жойлар менинг номимда бўлса,  
Шундагина бу чолга эрга чиқсаним бўлсин.

Тинглаб аёл шартларин доно Турсунбой,  
Йўллади бир мактуб ўқисин деб Олтиной.

– „Ақлингдан зиёда бўлибдур нафсинг Олтиной,  
Қайсар нафс қўйига грифтор бўлибсан Олтиной.  
Нафсинки ақлингга бўйсингмади Олтиной,  
Керакмас менга сен каби молпараст Болтуной“.

Сүнг Турсунбой чуқур ўйлаб қилди бир хулоса,  
Керакмикан менга саксонимда шу тул кампир?  
Дили қора, тили аччик, билмаса муроса,  
Холвадир менга ёлғизлика аччик қалампир.

Омон бўлсинлар уйдаги меҳрибон ўз паноҳим.  
Ўғил-қиз, келин, набиралар – олтин қанотим.  
Жуфтим руҳини шод айлаб менга паноҳ бўлган,  
Фарзанд, келинларим баҳтини берсин Аллоҳим.

– Демак, ёлғизлик қанчалик аянчли қисмат бўлмасин,  
Турсунбой ота Олтиной каби молпараст нафсини ақлдан зиёда  
кўюувчи аёл билан яшагандан, дўстлар, қариндош-уруғ ва оила  
аъзолари бағрида бир умрлик ёлғиз қолишни, мархума рафиқасининг  
порлоқ хотираси билан яшашни афзал кўраяпти. Зоро, кўпдан  
ажрамаган ҳеч вақт ёлғиз қолмайди.

Қолаверса, китобдан зўр ҳамроҳ, ҳамсуҳбат дўст йўқ. У,  
ёлғизлика беминнат маслаҳатчи, беғараз суҳбатдош, оқ кўнгил  
юпатувчи, тўғри йўл кўрсатувчи сарбон, билим булоғи ва ақл  
йўлининг чироғидир. У, кишини бекорчиликдан ҳалос этади, боғи  
эрамиздан билим гулистонига сайд қилишга чорлайди ва бу беминнат  
улфат кишини нохуш ишлардан қайтаради.



## ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ

“Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тент ҳуқуқлигига асосланади.“

*Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг 63-моддаси*

“Мустаҳкам оила йили“. Тараққиёт, истиқбол занжиридан бош ҳалқани донишмандларча топиш, жамиятимизни янада мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигига қаратилган эзгу тушунча, катта орзулар ва олижаноб мақсадларга йўналтирилган доно тадбир бўлди. Ўзбекистон Президенти айтганлариdek, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсdir. Чунки инсоннинг энт соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади.

Яхшилик ва эзгулик, ҳалоллик ва тўғрисўзлик, меҳр-оқибат, ор-номус, андиша ва уят каби муқаддас туйғулар ҳам, ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, келажак наслларни қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи, маънавият қўрғони ҳам оиласидir.

Бир донишманд аёл ўз қизига шундай дейди: „*Агар бир қиз ота ва онасининг камбағалиги учун эрга берилиши керак бўлсайди, сен ҳеч замон узатилмаган бўлардинг. Чунки отанг жуда бой-бадавлат, катта шуҳрат, мақом ва эътибор соҳибидир. Лекин ҳаёт бошқачадир. Аллоҳ бизларни яратган ва биз учун ҳаёт қонунларини берган. Ҳар бир ёшдаги инсон ана шу қонунлар чегарасида ҳаётини ўтказади ва ҳаётга қадам қўядиган вақти келгач, ҳар бир қиз бир хожага, ҳар бир хожа бир аёлга муҳтож бўлади. Яъни, бир хотин бир эркак билан, бир эркак бир хотин билан дўст, маҳбуб ва маҳбуба бўлиб оила қурмоқликка эҳтиёж шаклида яратилгандир*“.

Мустаҳкам оила йили мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш, ҳаётга энди қадам қўяётган

ёш оиласарни моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз, имкониятлар яратиб бериш, уй-жойлар билан таъминлаш, бу борада маҷалла тизимининг ўрни ва таъсирини кучайтириш, оила қўргонининг ҳам чироийи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотининг оғирини енгил қилиш ва миллий табиатимиз, урфодатларимизга зид ҳар қандай заарарли таъсиirlарга қарши курашиш кўзланган мақсаднинг энг муҳим йўналишларини ташкил этади.

Мустаҳкам оила курища, авваламбор, никоҳ масаласи энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Никоҳ — оиланинг замини. Замин қанча мустаҳкам бўлса, оила шунча равнақ топади.

Никоҳ — орзуладир ижобати. У сулолага янги ҳалқа улайди, икки авлодни бирлаштириб, толелар ва орзу-умидларни туташтиради. Бу нарса инсонларга Одам Атодан азалий мерос бўлиб қолган ҳёт қонуни.

Аллоҳ томонидан яратилган улуғ неъматлар билан зийнатланган Одам Ато жаннатда сайр қиласидар. Лекин жаннат қанчалик хушманзара бўлмасин, у Одам Атони қизиқтирмас эди. Чунки ҳамма нарса ўз жинси билан яйрайди деганларидек, ўз жинслари йўқлигидан зерикб қоладилар. Бир дарахтга суюниб кўзлари мудроқ босгандан воқиф бўлган Аллоҳ таоло Жаброил алайҳиссаломга Одамнинг чап томонидан битта қовурғасини олишни буоради. Жаброил алайҳиссалом бу вазифани бажараётганида Одам ҳеч қандай оғриқ сезмайди. Шундан бўён эркак кишиларнинг чап қовурғаси ўн битта, аёлларда эса ўн иккитадан иборатдир.

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломнинг чап қовурғасидан ўз қудрати билан онамиз Момо Ҳаввони ниҳоятда малоҳатли, латофатли ва гўзал қилиб яратди. Унга нафису нозик етмиш қават жаннат либосларидан кийдириб, мудраб ётган Одам алайҳиссалом кўзларини очиши билан кўрадиган қилиб, олтин курсида унинг рўбарўсига ўтқазиб қўйди. Ниҳоят Одам алайҳиссаломнинг қалбига ишқ, муҳаббат ҳис-туйгуларини солди. Ва Одамни уйғотди. Одам ҳусну латофатда ягона Момо Ҳаввони кўриб вужуди яйраб, бир кўришдаёқ ошиқ бўлиб қолди. Момо Ҳаввога ҳайрат ва қувонч билан: „Кимсан? Кимникисан?“ — деб сўради.

— Аллоҳ мени Сиз учун яратди, — деб жавоб қилди Момо Ҳавво.

— Ундей бўлса олдимга келгин, — деди қувонч билан Одам.

— Йўқ, ўзингиз келинг, — деди Момо Ҳавво.

Одам Ато унга бўйсуниб, Мамо Ҳаввонинг ҳузурига боришга мажбур бўлди. Йигитнинг қиз ёнига бориши, совчи қўйиши, баъзи ҳолларда эркакнинг аёл раъийига қарashi ҳам ўша Одам Ато ва Момо Ҳавво илк учрашган даврдан бошланган анъанадир.

Одам алайхиссалом Момо Ҳаввога яқинлаб қўлини чўзди. Шунда: „Эй, Одам! Кўлингни торт, никоҳ ўқилиб, маҳр берилмагунча, у сенга ҳалол эмас“, деган нидони эшиитди. Сўнгра Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло фаришталарга жаннатдаги „Тубо“ дарахтининг остига йиғилишиб, Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг никоҳ тўйлари муносабати билан дастурхонлар ёзиб, уларни жаннат ноз-неъматлари ила безатишини буюрди. Илоҳий топшириқ бажарилиб, барча дастурхон атрофида жам бўлгач, Аллоҳ таоло ўз нафсига, яъни ўзи-ўзига ҳамду санолар айтиб, фаришталар ва жаннат ғимонларининг гувоҳлигига Момо Ҳавво маҳри учун Аллоҳга ҳамд, тасбих, таҳлил, шунингдек, Ҳабиби-пайғамбар Муҳаммад алайхиссаломга ўн марта саловат айтишни тайинлади. Шундан сўнг жаннат ғимонлари ва фаришталар келин-куёв устидан дуру жавоҳирлар сочиб, Момо Ҳаввони Одам Атога топширидилар.

Барча ишларимизга Аллоҳ таолонинг амири ва Пайғамбаримиз Муҳаммад алайхиссаломнинг Ҳадиси шарифларини асос қилиб олиш халқимизнинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолганидек, илоҳиёт билан боғлиқ никоҳ масалаларининг ҳам Конституциямизда маҳсус моддалар билан қонунлаштириб кўйилганлиги бежиз эмас.

Диний китобларда ёзилишича, никоҳ арши аълода амалга ошириладиган илоҳий аҳддир. Шунинг учун ҳам Пайғамбар алайхиссалом Ҳайбарда турган вақтларида **никоҳи мутъани** бекор қиласидилар. Никоҳи мутъя маълум бир муддатта уйланиш эди. Бундай никоҳ жоҳилият ва исломнинг аввалида мавжуд бўлган Ҳақиқатан ҳам никоҳиз эр-хотиндек яшаш ҳаром ва аҳлоқсизликни билдиради. У кишилар ўртасида муҳаббатда умргузаронлик қилишни барбод этади, фарзандларни ота ё она меҳридан бебаҳра қиласиди, жамиятда ўзаро адоват, зўравонлик ва бузуқчилик иллатлари авж олишига сабабчи бўлади. Никоҳ кишилик жамиятининг биринчи поғонаси ва пишиб етилган муҳаббатнинг қарор топишидир. У мұқаддас нарса. Донишмандлар никоҳнинг хосияти ҳақида шундай дейдилар: *„Кимгаки никоҳ ўқилмасин, албатта, одоб-аҳлоққа доир маъruzalar бўлади... иккала ёш фотиҳа қилингач, чиллалик деб қоронғу тушганда уйдан чиқармайдилар, иши ўнгидан келсин деган маънода останага аввал ўнг оёғини бостирадилар, эшикнинг ўнг табақасини очиб кўйилади. Тўйга аталган кўрпанинг бурчагига келин-куёвнинг юлдузлари иссиқ бўлсин, иши ўнгидан келсин, деган ният билан ўнақай ошиқ солиб қавийдилар; оқликни кўп ишлатадилар, совчиларга оқлик берилади, тўй олиб борувчиларнинг юзига, от бошига ун суртадилар,*

*келин бош-оёқ оқ кийинади, чимидиқ оқ матодан бўлади, тўй ошларига аччиқ ишлатилмайди...“*

Агар турмуш никоҳсиз бўлса ҳар иккала жинс ҳам ўзларини яхши одамлар қаторига қўшадиган қовушувдан қочиб, аксинча, ҳароб қиладиган қовушув исканжасига тушадилар. Аслида эса никоҳ остонасидан ўтган жуфтлик бамисоли маънавий олами битта бўлган шахсга айланмоғи керак.

Никоҳнинг умрбоқийлиги ва муқаддас туйғу эканлиги яна шундаки, никоҳ аҳди кишиларни маънавий, ахлоқий бузилишлар ва кўплаб жинсий касалликлардан ҳам қалқон каби асрайди. Демак, никоҳ фақатгина икки севишганинг эмас, ота-она ҳамда давлат манфаатларига ҳам мос ва хос бўлиши лозим.

**Эр-хотинлик ва оила қўргонига илк қадам қўювчи никоҳда нималарга эътибор бермоқ керак?**

*Биринчидан, севиб-севилиб қурилган никоҳдан олам гулларга тўла гулистон бўлиб кўринади. Том маънодаги пишиб етилган юрак чинакамига сева олади ва шундагина ана шу муҳаббат никоҳ мисолида ўзига ҳадя этилган энг олий мукофотни кўради ва ҳар қандай шуҳрат олдилда хиралашмайди, балки офтоб нуридан ўзининг ҳушбўй исли гулларини барқ уриб очилтиради. Қалбда ҳаётдаги энг гўзал мўъжиза ҳисобланувчи ҳаётбахш ва покиза муҳаббат пишиб етилмагунча, ёшлар бир-бирларининг одат, феъл-атворларини мукаммал ўрганмагунча „Бахт уйи“дек мўътабар кошонага қадам қўймай турганлари маъкул.*

Садоқат, ўзаро ишонч ва соф муҳаббатга асосланган никоҳ хаётдаги энг гўзал мўъжизадир. У янги вужудга келаётган ҳар бир оиласга жамиятимизнинг дуру гавҳаридек ҳадя этилади.

*Иккисинчидан, никоҳнинг икки авлоддаги кўплаб кишиларни бир-бирлари билан абадулабад қариндош ва дўст-биродар қиладиган қурдатли куч эканлигини эсдан чиқармаслик, яъни турмуш қураётгандарнинг авлод-аждодларини суруштириб, қониқиши, ишонч ҳосил қилгандан кейинги никоҳ мустаҳкам оиласининг муҳим омилларидан ҳисобланади.*

**Бобомиз Соҳибқирон Амир Темур бу ҳақда шундай деганлар:**

*“Ўғилларим, набираларим ва яқинларини ўйлантироқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмишлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштиредим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатликларини, жисмоний камолотларини аниқладим. Келин бўлмиш насли насибаси, одоб-аҳлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга тўй-тамоша берив, келин туширдим.“*


*Учинчидан*, никоҳдан олдин ҳар иккала ёш соғлиқ ундан баҳраманд кишига ҳам, бошқалар учун, бўлажак оиласи, фарзандлари учун ҳам буюк неъмат ва баҳт эканлигини эътиборга олиб, жиддий ва ишончли тиббий кўриқдан ўтишлари шарт. Келин ёки куёв бўлмишда, ҳатто инсон ҳаёти учун ҳавфли касали борлигини била туриб яширган ота-она, қўшнилар ва саломатлиги ҳақида таъмагирлик билан қалбаки ҳужжат ёзиб берган айрим шифокорлар энг қабиҳ жиноятчилардир.

*Тўртинчидан*. Яқин туғишган қон-қариндошлар ўртасидаги никоҳдан сакланиш. Акс ҳолда қони бир-бирига яқин жуфтлардан туғилажак фарзандлар бир умрга ногирон бўлиб қоладилар.

*Бешинчидан*. Никоҳ фақат маънавий эмас, моддий қовушма эканлигини ҳам назарда тутмоқ жоиздир. Агарда эркак моддий жиҳатдан нечоғли мустақил бўлса, турмуш ўртоғини боқиб, кийинтириб, бошпана топиб бера олсагина, оила мустаҳкам бўлади.

Ундан ташқари, шаърий никоҳда ҳам, қонуний никоҳда ҳам келинга бериладиган маҳрга жиддий эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳозирги вақтларда келинга маҳр тариқасида берилаётган тилла тақинчоқлар ҳеч қачон оила мустаҳкамлигини, унинг келажагини таъминлай олмайди. Маълумки, илгарилари хотинлар маҳрига уй-жой, боғу равотлар беришган ва қозилар буни ўз муҳрлари билан тасдиқлашган. Афсуски, собиқ шўролар ҳукмронлиги даврида маҳрни хотин-қизлар ҳуқуқини камситувчи ҳолат деб, шаръий никоҳ ҳам ва келинга бериладиган маҳр ҳам қонун билан маън этилган эди. Ҳозирги оила кодексининг 31-моддасида ёзилганидек, эр-хотин никоҳ шартномаси билан ўз мулкий ҳуқуқлари тартибини белгилаш ваколатига эга бўлсаларда, лекин келинга бериладиган анъанавий маҳр масаласи кўтариilmаган. Буни шаърий никоҳ ўқилганда муҳрлаб кўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шундагина арзимаган сабаблар билан бўлаётган оилавий ажримлар олди олинуб, ажримлар касрига аёл ва унинг фарзандлари ватансиз қолмайди.

*Олтинчидан*. Мучал белгиларининг ўзига хос хусусиятларига риоя этиш. Турмуш қураётганлар бир-бирларининг мучалларини қанчалик яхши билишса ва мучаллари бир-бирларига тўғри келса, ўзаро муносабатлари шунчалик яхши бўлади. Зоро, мучаллар инсон фазилатларини чуқур тушуниб олишда бирдан-бир беғараз маслаҳатгўйдир. Афсуски, ана шундай беминнат маслаҳатгўй, яъни мучаллар ҳам собиқ шўролар ҳукумати даврила унтилиб юборилганди.



## БЕФАРАЗ МАСЛАҲАТГҮЙ

Үз тақдирини қандай бўлишини, баҳтли, тотув ҳаёт кечиришни, маъшуқасининг юлдузи юлдузига тўғри келиш-келмаслигини истаган одам турмуш қургунга қадар ва ундан кейин ҳам мучалларга мурожаат қилиб турса нур устига аъло нур бўлади. Қадим-қадимлардан ҳам аждодларимиз турмуш қуриш масаласига жиддий ёндашиб, ота-оналар фарзандларининг никоҳидан олдин мунахжимлардан маслаҳат, ёрдам сўраганлар ва мучал китобларига мурожаат этганлар. Мунахжимлар, ҳатто юлдузларнинг жойлашишини, ой даврларининг такрорланишини ҳисобга олиб ва мучалга қараб, турмуш қурувчиларнинг бир-бирларига мос келиш-келмаслигини аниқлаб берганлар. Ва бу тавсияларга амал қылганларнинг аксарияти баҳтли ҳаёт кечирганлар. Ўн иккита ҳайвоннинг номи билан аталадиган ўн икки йиллик мучал қизиқ тафсилотларга эга. У Осиё ва Африка қитъаларидаги кўпгина мамлакат ҳалқлари орасида қадим замонлардан бери мавжуд. Маълумотларда келтирилишича, уни дастлаб Грек-Бақтрия подшолиги даврида кўчманчи-чорвадор ҳалқлар яратганлар. Кейинроқ Мўғилистон, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Миср, Ироқ, Эрон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларга тарқалган. Мучал ҳисобининг ватани Хитой ва Миср деган маълумотлар ҳам бор. Кишиларнинг туғилган йилларини сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, им, тўнғиз каби ҳайвонлар номи билан аташ одати қадимда ҳайвонларга сигиниш асосида келиб чиққан бўлиши мумкин. Инсон шу ҳайвонлар номи билан аталган ўн икки йилнинг қайси бирида туғилса, унинг мучали шу ҳайвоннинг номи билан аталган. Масалан, қуён йилида туғилган кишининг мучали қуён, товуқ йилида туғилган одамнинг мучали товуқ бўлган.

Мучал ҳисобига кўра ана шу айтилган ўн икки йиллик давр бир айланиб келса, одам бир мучалга тўлади. Лекин кишиларнинг ёшини аниқлашда уларнинг она қориндаги вақти ҳам бир йилга teng деб ҳисобга олинади, яъни киши бир мучалга тўлганида унинг ёши ўн икки эмас, ўн уч, икки мучалга тўлганида эса йигирма беш бўлади. Собиқ шўро ҳукуматига қадар кишиларнинг ҳаётида

мучалга тўлган йиллари муҳим вақт ҳисобланган ва кенг нишонланган.

Масалан, хотин-қизлар бир неча мучалга тўлганларида катта зиёфат берганлар. Энг муҳими одамлар ўз „йил“ларини, ота-оналари, оила аъзолари ва тарихий шахсларнинг „йил“ларини ёддан билганлар.

Ривоятларга кўра, ўн икки йиллик ҳисобдаги ҳар бир йилда муайян вақт-ҳодисалар содир бўлар экан. Масалан, „илон йили“ да қуруқчилик, қимматчилик, юртда нотинчлик бўлиб, қиши совук келиб, фарзанд туғилса нодон бўларкан. „Тўнғиз йили“ да эса ёғингарчилик кўп, нарх-наво арzon, туғилган фарзанд давлатманд ва доно бўлармиш. Туғилган боланинг тақдири, феъл-атвори ҳам унинг қайси мучалда туғилганлигига боғлиқдир.

Демак, ушбу йил ҳисобига кўра, ҳар бир инсон муайян йилда ўзининг келгусидаги ҳаётига таъсир кўрсатадиган туғма ҳислатларга эга бўлиб, туғилади. Бу бор нарса ва буни инкор этиб бўлмайди. Ва энг муҳими, бундай туғма истеъдод, ақл-идрок ёки салбий сифатларни ўзгартириш жуда қийин бўлади.

Никоҳдан ўтишдан аввал мучалномалардан фойдаланишнинг афзаллиги шундаки, туғилган йилни билган ҳолда мучал жадвалидан керакли белгини (ҳайвон номини) топиб, шу бўлимдан турмуш қурмоқчи бўлаётган қиз ёки йигитнинг феъл-атворига оид ижобий ва салбий хусусиятларни билиб олиш мумкин.

Ундан ташқари, мучалномада одамларнинг уч гуруҳи мучал номлари билан алоҳида санаб кўрсатилади:

- а) мутлақо мос келувчи мучал соҳиблари;
- б) ўртача мос келувчилар;
- в) мутлақо тўғри келмайдиган мучаллар.

Масалан, маймун мучалидагиларга аждаҳо ва сичқон: *хўрозга* ҳўқиз, илон, аждарҳо; *итга* от, йўлбарс, қуён; *тўнғизга* қуён, қўй; *сичқонга* аждарҳо, маймун; *ҳўқизга* илон, хўроз, сичқон; *йўлбарсга* от, аждаҳо, ит; *қуёнга* қўй, тўнғиз; *аждарҳога* сичқон, илон, маймун, хўроз; *илонга* ҳўқиз, хўроз; *отга* йўлбарс, ит, қўй; *қўйга* қуён, тўнғиз, от — мучалидагилар мутлақо тўғри келувчилардир.

Ҳар бир мучал соҳиблари нафақат ўз жуфтлари, балки оила аъзолари, ота-она, фарзанд ва келин-куёвларнинг мучалларини яхши билиб олганлари маъқул. Шундагина улардаги туғма феъл-атворга қараб, эҳтиётлик билан муомалада бўладилар. Чунки туғма ҳислатларни ўзгартириш жуда катта муаммо.

Масалан, йўлбарс йили туғилганлар ҳиссиётга берилувчан, аччиғи тез ва тартиб-интизомга риоя қилмайдиган кишилардир. Улар катта

ёшдагилар ёки раҳбарлар билан тез-тез жанжаллашиб туришади. Итоат этишни ёқтиришмайди, аммо бошқаларга айтганини қилдиришади. Табиатан курашувчан, қўрс ва жizzаки бўлиб, кўзлаган ишлари учун ўзларини қурбон қилишга ҳам қодир.

Ҳар бир мучал соҳиб ва соҳибалари ўзига хос фазилат ва хусусиятларига эга.

Чунончи, қўён йилида туғилган ўғил бола яхши киши бўлиб етишиб, эзгу фойдали ишлар қилади, узоқ ва бадавлат ҳаёт кечиради. Аёллари эса гўзал, жозибали, фурурли, ўзига ишонадиган, иродаси кучли, ичидан пишган, рашикли, ўз қадрини баланд тутадиган, ички сирларини ошкор қилмайдиган, одамлардан кўрган яхшиликни, ёмонликни икки баробар қилиб қайтарадиган хусусиятга эгадирлар.

Хулоса қилиб айтганда, оиласда ҳар бир мучал соҳибларининг туғма феъл-атворларни яхши билиш ва шунга яраша муомала қила билиш оиласлардаги ўзаро аҳиллик, тотувлик, хотиржамликни сақлаб, баҳтли ҳаёт кечиришнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Куйида шарқий мучалга оид маълумотлардан зътиборингизга ҳавола қиласиз.

## ШАРҚИЙ МУЧАЛ

Осиё ва Африка қитъаларидаги мамлакатларда қабул қилинган йилнома ҳайвонлар номи билан аталувчи 12 йилни ўз ичига олган мучалга асослангандир. Ушбу йил ҳисобига кўра, ҳар бир инсон муайян йилда ўзининг келгусидаги ҳаётига таъсир кўрсатувчи туғма хислатларга эга бўлиб туғилади.

Куйида берилаётган мучалдан қандай фойдаланиш керак? Ўзингизнинг ёки истаган кишининг туғилган йилини билган ҳолда, тақдим этилаётган жадвалдан керакли белгини (ҳайвон номини) топиб, шу бўлимдан мазкур йилда туғилган кишилар феъл-атворига хос хусусиятларни билиб олишингиз мумкин. Ҳар бир тавсиф сўнгтида одамларнинг уч гуруҳи мучал номлари билан санаб ўтилган. Бунда: а) тавсиф этилган белтида таваллуд топганлар учун дўстлар ёки ҳаёт йўлдоши сифатида мос келувчилар мучали кўрсатилган; б) ушбу мучалда туғилганлар бирмунча, шунингдек, маълум вазиятлардагина бир-бирига тўғри келади; в) мутлақо тўғри келмайди.

Куйида берилаётган мучал 1920 йилдан то 2027 йилгача тузилган. Шу боис уни биринчи йил – СИЧКОНдан эмас, балки МАЙМУН

Йили – түққизинчи йилдан бошлашни маъқул кўрдик. Тақдир ҳазилини қарангки, „маймун“ сўзи арабчада „баҳти“, „ижобий таъсир кўрсатувчи“ маъноларини англатади. Истагимиз, ушбу мучалномани ўқиганларнинг ҳаммаси ҳам баҳтиёр бўлсин.

## МАЙМУН ЙИЛИ

Бу мучалда туғилганлар қўнглига келган ишни қилувчи, ишончга сазовар бўлмаган ва терс одамлардир. Бироқ улар эпчил, ақлли, топқир бўлиб, энг қийин муаммоларни ҳам осонлик билан ҳал этишади. Айни пайтларда улар қув ва маккордир, шу боис улар билан доим ҳушёр бўлиб муомала қилиш керак. Уларнинг киришимлиликлари ва ҳатто ҳар қандай хизматга бел боғлаб туришлари ҳам мунофиқонадир, аслида эса ўз манфаатини ўйлаб шундай қилишади. Шунингдек, улар ҳушчақчақ ва илтифотли бўлиб, бошқалар тўғрисидаги юракни эзадиган фикр-мулоҳазаларини сохта ҳушмуомалаликлари билан яширадилар.

Улар ўз фаолиятларини авж олдира олмайдиган деярли бирорта соҳа йўқ, бўлаётган воқеалардан ҳамиша хабардор. Хотиralари жудаям кучли бўлиб, кўрган ёки эшитган нарсаларининг майда-чўйдасигача унудишмайди. Барча ишлари бетартиблиги учун ҳам уларга хотира зарур. Улар жуда ҳовлиқма бўлиб, ҳамма ишни шу заҳотиёқ амалга ошириб қўя қолишини хоҳлашади. Арзимас тўсиқ ҳам уларнинг дилини хира қилиб, режаларини бузиб юбориши мумкин. Бирор ишни бошламасдан туриб, шу заҳотиёқ унинг баҳридан ўтишлари мумкин, кўпчилиги қатъиятсизлиги ва ҳатто қўрқоқлиги билан ажralиб туришади. Уларнинг ҳар қандай мушкул аҳволга тушиб қолганларида ҳам, унга чап бериб қутулиб кетишларини муносиб баҳолаш даркор. Улар ўз ҳоҳишлирини амалга оширадилар. Амалпарастлик қонларида бор. Ҳеч иккиланмай, ҳатто виждонсизлик билан бўлсада, ўз ниятларига эришишга қодирлар. Ўз ҳафсалаларига қараб иш қилишса, кўпинча ном чиқаришади. Фақат улар одамларга малол келиши мумкин бўлган маҳмадонагарчиликлардан ўзини тийиши лозим. Гарчи баъзи қийинчиликлар бўлиб турса ҳам, умуман олганда, иқтисодий жиҳатдан яхши яшашади. Ишқ-муҳаббат бобида баҳтга эришишлари қийин. Чунки, улар эҳтиросли бўлиб, жуда тез ошиқ бўлиб, кўп ўтмай маъшуқаларидан қўнгиллари совиб, бошқасини қидиришга тушиши мумкин.

- а) аждарҳо, сичқон;
- б) қуён, қўй, ит, маймун;
- в) илон, тўнғиз, йўлбарс.

## ХҮРОЗ (ТОВУК) ЙИЛИ

Бу йилда туғилған одамларга журъят ва довюраклик хос. Булар чукүр фикрловчи ва истеъодли шахслардир. Мөхнатсевар ва ўз ишларига жон диллари билан берилишади. Курбилари етмаса ҳам ҳар қандай мажбуриятни бажаришга тиришишади. Мабодо муваффақиятсизликка утрашса, диллари жудаям сиёҳ бўлади. Нима ўйласалар, шуни рўй-рост гапирадилар. Бу эса, кўпинча, уларнинг ҳаддан ташқари тўғри сўзлигидан ўзини четга тортувчилар билан тўқнашувга олиб боради. Савлат тўкиб юришни яхши кўришади, ён-атрофдагилар эътибор бериши учун дид билан кийинадилар. Аммо, аслини олганда, улар ўзларига зарар етказишларига қарамай, мутаассибдирлар. Одатда, ўзларини мутлақо ҳақман, деб ўйлашади, айни пайтда қилаётган ишларининг моҳиятини яхши билишади. Ўзларига бино кўйишларининг сабаби ҳам шунда. Ҳақиқатан ҳам, кўпинча ҳақ бўлиб чиқишиади. Ақл-заковатлари теварак-атрофдаги одамларда уларга нисбатан қизиқиш уйғотади. Бироқ уларнинг кўпчилиги мақтанчоқлиги билан дарров ихлосни қайтаради. Кўлидан келадиган ишдан кўра, кўпроқ гапирадилар. Аксарият ҳолларда, ишқий дилкашликларига нисбатан, кўпроқ ёқимли қиёфалари билан кўзга ташланишади. Баъзан дангасаликка мойиллик билдиришади. Аслида, уларнинг фаол бўлиши учун ҳамма асос бор. Пул уларга ўз-ўзидан келавермайди – ўзини таъминлаш учун ишлаши лозим. Агар улар қатъият кўрсатиб, ўз дангасаликларини енга олсалар, мол-дунё билан таъминланишади. Аммо улар мабодо дангасалигу орзу-ҳаёлларига берилишни ўзларига эп кўрсалар, бу уларнинг хонавайрон бўлишларига, обрў-эътиборларини йўқотишларига, бошлаган ҳамма ишлари нуғига чиқишига олиб боради. Ишқ-муҳаббат бобида ҳаётлари анча машаққатли кечади, севган кишиларини кўлга олмоқ ва қўлдан чиқармаслик учун кўпдан-кўп куч-ғайрат сарфлашади. Бутун ҳаётлари давомида иқтисодий ва севги-муҳаббат соҳасида яхши кунларни ҳам, ёмон кунларни ҳам бошдан кечиришади. Улар камбағаликдан бойлиkkача, юксак муҳаббатдан тубанлиkkача бўлган йўлни босиб ўтишади. Кексайғанларида баҳти яшашади.

- а) хўқиз, илон, аждарҳо;
- б) сичқон, хўроз, ит, қуён;
- в) йўлбарс, от, маймун, қўй, тўнғиз.

## ИТ ЙИЛИ

Ушбу йилда туғилған одамларга энг яхши инсоний хислатлар хос. Улар содиқ ва соғдиллиги ҳамда сир сақтай олиши билан ўзларига нисбатан ишонч үйғотишади. Бундан ташқари, улар ҳазил-мутойиба түйгүсига эга, майда гаплардан узоқ. Бироқ улар ҳаддан ташқари ўжар ва тез-тез сурбетлик даражасигача боришади. Уларнинг кескин ва совуқ гаплар билан фикр билдиришга, ўринли ва ўринсиз танқид қилишга, ҳамма нарсадан кир қидиришга камчилик топишга интилишлари сезилиб туради. Ҳар қандай ноҳақлык ушбу йилда туғилғанларда норозилик үйғотади ва улар то уни бартараф этмагунча тиниб тинчишмайди. Шу билан биргә, бошқалар учун қўлларидан келган ҳамма эзгу ишни қилишади, садоқатлари туфайли ўз манфаатларидан воз кечишга қадар бориб етадилар. Ён-вериларидағи кишилар уларни бутунлай муносиб равишида ҳурмат қилишади. Ташқаридан бир оз худбин, ғайриоддий ва ақлга сифмайдиган даражада ўжар, ҳис-түйғудан маҳрумдек кўринадилар, лекин бу алдамчи таассуротдир. Аслида, барча яхши инсоний феъл-автор уларга хос. Фақирликда яшайдиларми ёки фаровон ҳаёт кечирадиларми, бундан қатъи назар, ақлга қараб иш тутишади. Моддий жиҳатдан тўкин-сочин яшамасалар ҳам қаноатлидиларлар. Ҳатто мўл-қўлликка эга бўлғанларида ҳам ҳашаматли уйларда яшашга мойил эмас. Бироқ мабодо уларга пул зарур бўлиб қолса, уни осонгина топа олишади. Одатда, бундай кишилардан яхши раҳбарлар ва фаол жамоат арбоблари етишиб чиқади. Одамларга раҳбарлик қилиш учун уларда ажойиб қобилият бор. Лекин энг муҳими, улар ҳар қанақанги соҳада ҳам соғдилликларича қоладилар. Шунга қарамай, улар кўпинча гапга нўноқ бўлиб, баъзан ўз фикр-мулоҳазаларини қийналиб баён этишади. Шунинг баробарида, ақлларирасо, ҳеч ким улардек зийраклик билан гапга қулоқ солиб тура олмайди. Севги-муҳаббат бобида ҳам пок ва фаросатлидиларлар, бироқ бутун умрлари бу соҳада машаққатли ўтади. Қолаверса бу, уларнинг қатъиятсизликлари билан боғлиқдир. Уларни адолат учун курашда катта саргузашт ва қизғин олишувлар кутади. Ҳаётлари осойишта ўтмайди.

- а) от, йўлбарс, қуён;
- б) сичқон, илон, маймун, ит, тўнғиз;
- в) аждар.

## ТҮНФИЗ ЙИЛИ

Бу мучалда туғилғанларни мардонавор феъл-атвори, одобназокат, хизматта шайлик, нозик табиатлилиқ бошқалардан ажратиб туради. Уларга ҳеч иккіланмай ишониш мүмкін, чунки улар хиёнат қилишмайды. Нимаики ишга ваяда берсалар, құлларидан келганича бажаришади. Чекиниш ва тараффудланишни билмаган ҳолда, фақат түғри йүлни танлашади. Булар виждонли ва мард кишилардир. Айни пайтда, дүлвор, ишонувчан ва ҳимоясиз кишилар бўлиб, уларнинг дилини оғритмоқ осон. Бошқа кишилар билан тил топишишлари қийин, аммо ўзларининг бармоқ билан санаарли дўстларини ҳеч қачон оғир аҳволда қолдиришмайди, умр охиригача уларга содиқ бўлишади. Моддий жиҳатдан таъминланғанларига келсак, түнфиз йилида туғилғанлар кундалик харажатлари учун керакли маблагни топа олишади. Лекин ҳаддан ташқари ишонувчанликлари ва бегамликлари туфайли ишлари ёмон тус олиши ҳам мүмкін. Шу боис доимо эҳтиёткор бўлишлари ва ҳеч кимга ишонмасликлари лозим. Кўпинча яхшиликларини сунистеъмол қилиб, зарар етказувчи кишилар топилади. Шунга қарамай, улар ёрдамдан юз ўтиргаслиги керак. Яхши ўйинчи бўла туриб, мусобақанинг руҳий ҳолатини ҳеч қачон пайқашмайди. Бирорни алдаганларида ҳам, фақат иложлари қолмаганда ва ўзларини ҳимоя қилишлари учунгина ёлғон гапиришади. Улар бегам кўринсалар-да, аслида иродали ва ўжардирлар. Ўйлаган ниятларига эришиш учун бутун куч-кувватларини ишга солиб интилишади. Табиатан бақувватлар – уларнинг куч-кувватига ҳеч ким бас келолмайди. Бироқ бирор қарорга келишдан олдин унинг „яхши“ ва „ёмон“ томонларини узоқ қиёслашади, шундай кезларда ён-веридаги кишилар назарида улар нима қилишни билмаётгандек тюлишади. Ҳақиқатда эса бундай эмас, улар ўз ишини жуда яхши билишади, фақат ишни мураккаблаштираслик, гоҳида унга зарар етказмаслик учун узоқ вақт муроҳаза юритишади.

Ушбу йилда туғилған аёллар совға-салом қилишни, шодхурсандчиликни хуш кўришади. Улар яхши она ва оқилона уй бекасидирлар.

- а) қуён, қўй;
- б) сичқон, йўлбарс, ҳўқиз, аждарҳо, хўроз, ит, түнфиз;
- в) илон.

## СИЧҚОН ЙИЛИ

Ушбу мучалда туғилғанлар ташқи қиёфасидан ёқимли, жозибадор, событқадам, меҳнатсевардир. Бир қарашла хотиржам ва босиқ күринишса-да, бунга ишонмаслик керак, чунки улар асабийлигу тажовузкорликларини яшириб туришади. Уларнинг тажанглиги, жонсараклиги, қизиққонлигини билиш учун олисдан туриб мuloқотда бўлишнинг ўзи кифоядир. Бу йилда туғилғанлар тежамкор, бойлик йигишига ихлосманддир. Тежамкорликларини фақат бирор нарсага ишқибозлик ёки буюк муҳаббатгина ёддан кўтариши мумкин. Баъзи бирларига очкўзлик ҳам хос. Ўзлари ёқтирган одамларгагина қўллари очиқ. Улар жанжалкаш, шу билан бирга турли-туман тартибсизлик ва тўс-тўполон чиқишига сабабчи бўлишади. Чакма-чакарликни хуш кўришади, фиску фужурдан ҳазар қилишмайди, шу боис ҳақиқий дўстларидан кўра таниш-билишлари кўп. Ҳеч қачон ҳеч кимга ишонишмайди, ғам-ташвишларини танҳоликда ўзлари тортадилар. Бундан ташқари, ҳамма нарсадан манфаат кўришга, фойда топишга интилишади. Ўз ҳусн-таровватларини ишга солиб, ундан жудаям кўп фойдаланишади. Ҳеч нарса билан қаноатланишмайди, хузур-ҳаловатлари йўлида ҳар қандай пасткашлиkkача етиб боришади. Айни пайтда, келажакларидан ташвишланиб, кексайганда бировга қарам бўлмаслик учун тежаб-тергашни ҳамиша орзу қилишади. Одатда, бирор иш қиладиган бўлишса, муваффақият қозониб, кўзлаган мақсадларига эришишади. Шунга қарамай, меҳнат билан эмас, балки муғомбирлик билан кун кечиришни афзал кўришади. Жисмоний ишлардан кўра ақлий меҳнат билан боғлиқ ишларни бажонидил бажаришади. Бахтга қарши, йиққан пулларини орқа-ўнгига қарамай шу заҳотиёқ сарф қилишади. Бу йилда туғилған аёллар эса ўз молпарастликлари билан ажralиб туришади. Кексайганда тинч ҳаёт кечиришади. Шунга қарамай, ўз рақибларини назардан қочирмаслиги, диққат билан кузатиб туриши лозим. Чунки бегамликлари бахтсизликка олиб бориши мумкин.

- а) аждарҳо, маймун, ҳўқиз;
- б) илон, йўлбарс, ит, тўнгиз, сичқон;
- в) от.

## ХҮКИЗ (СИГИР) ЙИЛИ

Булар сабр-тоқатли, камгап, ишончга лойиқ, вазмин, имиллаган, яхши феъл-авторлы кишилардир. Аксар ҳолларда содда қиёфада бўлишса-да, ақл-заковат соҳиби ҳамда чуқур мулоҳаза юрита олиш қобилиятига эга шахслардир. Одатда камгап, бироқ илҳом келганда гаплон бўлиб кетишади. Улар жисмоний жиҳатдан бакувват, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотишга бардошли. Ўзларига қаршилик кўрсатилишини ёқтиришмайди, ўжар ва бошлаган иши муваффақиятсизликка учраса, бунга чидолмай, ўзларини кўярга жой тополмай қолишади. Яхиси, уларга қаршилик кўрсатмаган маъқул; кимда-ким улар йўлига тўғаноқ бўлса, фалокатга йўлиқади. Ҳар ҳолда, улар жаҳли тез ва кайфиятини бузадиган ҳар қандай янгиликка душмандир. Булар ҳумкини ўтказадиган, айни пайтда урф-одатларга, расм-русумларга, ақидаларга ихлосманд кишилардир. Савдо-сотиқ ва ижтимоий муносабатларда паст-баландни яхши ажратা олишмайди, сиҳат-саломатлигига таъсир кўрсатадиган, осойишталикларини бузувчи, яъни сафар қилиш ёки иш жойларини ўзгартириш билан боғлиқ касблар уларга тўғри келмайди. Афсуски, ўжарлиги ва эскилиқ тарафдори бўлганлиги туфайли камдан-кам одам уларнинг феъл-авторига тушуниб етади. Турмушларида оила катта аҳамият касб этади. Болаларини яхши кўриб, улар билан фаҳрланишади, бироқ буйруқ беришга ўргангандилари сабабли уларга ҳам тез-тез кўполлик қилиб туришади. Шунга қарамай, хўкиз йилида туғилганлар ўз оиласига баҳт-саодат келтирувчи ҳақиқий меҳнаткаш кишилардир. Ушбу мучал аёллари хонанишин бўлиб, ўз оиласари учун жудаям жон куйдиришади, оила равнақи учун уни қаттиққўллик билан бошқариб боришади. Эрларини кўпинча ўз измларида тутишади.

Ушбу Йилда туғилган аксарият эр-хотинлар хушмуомала, садоқатли, ҳиссиятли бўлиши мумкин, лекин сира хаёлпараст бўлишмайди.

Кексайганларида мушкул аҳволга тушиб қолишлари мумкин, аммо уни бартараф эта олишса, қариллик гаштини хотиржам сураверадилар.

- а) илон, хўроз, сичқон;
- б) аждарҳо, қуён, маймун, тўнғиз, хўкиз;
- в) қўй.

## ЙҮЛБАРС ЙИЛИ

Бу мучалда туғилғанлар ҳиссиятта берилувчан, аччиғи тез ва тартиб-интизомга риоя құлмайдыған кишилардир, Улар катта ёшдатилар ёки раҳбарлар билан тез-тез жаңжаллашиб туришади, ҳатто ўзларининг ҳақ әмасликларини фақмасалар-да, бары бир баҳслашишга тайёрдирлар. Улардан күпинча инқилобчилар, раҳнамолар чиқади. Итоат этишни ёқтиришмайды, аммо бошқаларға айтганини құлдиришади. Шу билан бирга, күпинча, яхши ўйлаб күрмасдан қарор қабул қилишади ёки түғри холосаны жуда кеч чиқаришади. Агар улар бирор ишни бошлашдан олдин яхшилаб ўйлаб күриш ва доно маслаҳатларға қулоқ солишининг үдласидан чиқа олишса, катта-катта муваффақиятларға әришиши мүмкін. Табиатан курашувчан, күрс ва жizzаки бўлиб, кўзлаган ишлари учун ўзларини курбон қилишга ҳам қодир. Улардан яхши лашкарбошилар ёки корхоналарнинг раҳбарлари чиқади. Лекин хавфли жиноятчи ҳам бўлиши мүмкін, чунки таваккалчилик билан қилинадиган ҳар қандай фаолиятни яхши кўришади. Жудаям жўшқин ва кучли севги соҳибидир улар. Аммо эҳтиросли бўла туриб, камдан-камлари ишқ-муҳаббат бобида бахтга әришади. Дастлабки ҳаётлари осуда ва ҳаловатли ўтади, бироқ кейинчалик кучли ва шиддатли кечинмаларни бошдан кечиришади. Шунга қарамай, кексайгунча яшай олсалар, қолган умрлари тинч ва хотиржамлик билан ўтади. Булар, одатда, омадли одамлардир.

- а) от, аждарҳо, ит;
- б) сичқон, ҳўқиз, қўён, йўлбарс, қўй, ҳўроз, тўнғиз;
- в) илон, маймун.

## ҚУЁН ЙИЛИ

Ушбу йилда таваллуд топғанлар ўзига хос хислатларга эга бўлиб, қобилиятли, иззатталаб, камтарин, босиқ ва саҳоватли кишилардир. Бенуқсон дидлари билан ажralиб турадилар, ҳамманинг таҳсинига ва ишончига сазовор бўладилар. Бироқ жиддий камчилиги енгилтаклик бўлиб, ҳатто энг яхши хислатлари ҳам юзакидир. Бундан ташқари, фийбат қилишни, гап ташишни яхши кўришади, лекин буни киши билмас ҳолда, хушмуомалалик ва эҳтиётлик билан амалга оширишади. Одатда, вазмин ва тепса-тебранмас бўлғанлигидан, улар тинчини бузиш қийин. Уларда ҳақиқий ҳиссиятдан кўра, тантиқлик кучли. Арзимас баҳона билан йиғлашлари мүмкін, лекин шу заҳотиёқ овнуниб қолишиади. Одатда, уларнинг ҳаммаси мутаассиб бўлиб, ҳаёт

тарзларига путур етказадиган, уни қийинлаштирадиган ҳар қандай янгиликка тоқатлари йўқ. Энг аввал бадастир ва хавф-хатарсиз яшашга интилишади. Олдиндан „яхши“ ва „ёмон“ томонларини чамалаб кўрмагунча, ҳеч бир ишга қўл уришмайди. Ажойиб ишчанлик қобилиятига эга кишилардир. Гарчи, баъзан ўтакетган расмиятчи бўлишса-да, ҳалол ва ўз сўзларининг устидан чиқишиади. Иқтисодий жиҳатдан ҳамиша омадлари юришиади, ўйлаган ишларини амалга оширишда эпчиллик кўрсатишади. Улардан ажойиб ишбилармон кишилар етишиб чиқади. Ҳаётлари таҳлика остида қолмаса, истеъоддли ҳуқуқшунос ёки дипломат ҳам бўлишлари мумкин. Бу мучалда туғилган аёллар дид, меҳмондўстлик ва яхши вакиллик талаб қилинадиган ҳар андай соҳада ўзини кўрсатиши мумкин. Умуман, ушбу йилда таваллуд топғанлар ўзлари ёқтирган одамларга нисбатан жуда хушмуомала ва хизматига шайдирлар, лекин дўстлар манфаатига хизмат қиласман деб, энг яқин кишиларидан жудо бўлишлари осон. Агар улар фавқулодда ҳодисаларга, фожиали воқеаларга, енгигб ўтиб бўлмас тўсиқларга дуч келишмаса, бутун умр осойишта яшашади.

- а) кўй, тўнгиз, ит;
- б) сичқон, қуён, аждарҳо;
- в) хўroz.

## АЖДАРҲО (БАЛИҚ) ЙИЛИ

Кимда-ким ушбу йилда туғилган бўлса, жуда яхши сиҳат-саломатликка эга бўлиб, сергайрат ва бегубордир, пасткашлик, тилёғламалик ва фийбат уларга бегона. Ишонувчан ва ростгўйлар, кўпинча ёлғон-яшиқ гаплар туфайли ўз тинчлигини йўқотади. Баркамолликка интилиш уларни ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчан қилиб қўяди. Улар кўп нарсани талаб қилишиади, лекин талабларидан кўра кўпроқ ишини ўзлари амалга оширишиади. Вижлонли, таъсирчан ва довюрак кишилар бўлиб, уларга бемалол ишониш мумкин. Самимий киши бўлиб, одатда, билдирган фикр-мулоҳазалари ҳамиша асосли бўлади. Соддаларча ишонувчанликлари туфайли, уларни ҳамиша алдаш мумкин. Шу билан бирга, улар серзарда бўлиб, баъзан тилларига эрк бериб юборишиади. Бироқ уларнинг фикр-мулоҳазаси билан ҳисоблашиш керак, чунки яхши маслаҳат беришиади. Қизиқиб, дарров ишга берилиб кетишиади. Истеъоддли, ўқимишли ва иродали кишилардир. Бутун умр ҳеч нарсадан зориқишмайди, ҳар қанақангি ишда ҳам муваффақият қозонишлари мумкин. Қайси касбни таълашмасин, доимо галаба қозонишади. Улар кўпинча, ҳамма

учун севимлидирлар, бироқ ўзлари бошқаларни камдан-кам ҳоллардагина ёқтиришади. Ҳеч қачон муҳаббат умидсизлиги ёки дөгу алами уларнинг бошидан кечмайди. Аммо ўзлари муҳаббат можароларига сабабчи бўлиши мумкин. Бу мучалда туғилганлар камдан-кам ҳоллардагина ёшлигида оила қуришади, баъзилари ҳатто умр бўйи танҳо яшашади. Бироқ бу улар кўнглини чўқтирумайди, аксинча, ёлғиз яшагандা кўпроқ баҳтиёр сезишади. Қарз олишни ва узундан-узун гапиришни ёқтиришмайди. Раҳмдилликка мойил бўлиб, баъзан қисқа муддатга бўлса-да, бундан бошқаларнинг фойдаланиб қолишига йўл кўйишади. Кўпчилигининг муомаласи оғир, жинсий қониқмасликдан қийналиб юришади. Шоиртабиат жўшқинликлари туфайлын бутун умр кўплаб муаммоларга сабабчи бўлишади. Бироқ кексайланда баҳт-саодатга ва барча истакларининг амалга ошишига эришишади.

- а) сичқон, илон, маймун, хўроз;
- б) йўлбарс, от, қўй, тўнғиз, аждарҳо;
- в) ит.

## ИЛОН ЙИЛИ

Ушбу мучалда туғилганларга донолик ва зийраклик ато этилган. Улар вайсақи эмас, кўп ва хўб фикр-мулоҳаза юритишади. Бошлаган ишни қатъият билан охиригача етказишади, муваффақиятсизликни жуда ёмон кўришади. Табиатан хотиржам бўлсалар ҳам, ишнинг кўзини билиб, тез хулоса чиқаришади. Улар қиморбозликни ўрнига қўя олишмайди, шу боис бунақангни ишда таваккал қилмагани маъқул. Жудаям омадли кишилардир, лекин кўпинчча зиқналик қилишади. Гоҳида худбин ва мақтандоқ бўлишади. Қарз беришни ёмон кўришади, аммо хушларига келиб қолса, ёрдам беришдан бўйин товламайдиган пайтлари ҳам бўлиб туради. Бўрттиришга мойиллик уларга хос хусусият, мабодо бирорвга ёрдам бергудек бўлишса, жонларини ҳам аямайдилар, айни пайтда тортиндоқ бўлиб қолишади, натижада, фойдаларидан кўра заарлари кўпроқ тегиши мумкин. Бинобарин, бундай одамлардан ёрдам сўрашдан аввал ўйлаб кўриш керак. Акс ҳолда пушаймон қиласиз.

Ёстиқдошларини ўзлари танлашади, рашкчи ва инжиқдирлар. Енгилтакликлари оилавий ҳаётини қийинлаштиради. Никоҳсиз алоқалар — бу уларнинг заиф томонлари — ҳаётларини чигаллаштиради. Фақат оила аъзолари кўп бўлсагина, уларнинг бу майлига чек қўйиши мумкин.

Агар улар ўзларининг энг яхши ҳис-туйғуларини оиласа бағишлай олганларида эди, умрлари бир текис ва ғам-ташвишсиз ўтарди. Ҳаётларининг дастлабки даври нисбатан тинч ўтади. Умрларининг иккинчи яримида эса, ортиқча сертакаллуфликлари, эҳтиросларининг кучлилiği, саргузаштларга иштиёқмандлilikлари кўпдан-кўп мушкулликларга дучор этиши мумкин.

- а) ҳўқиз, ҳўрозд;
- б) сичқон, қуён, аждарҳо, илон, от, қўй;
- в) йўлбарс, тўнғиз.

## ОТ ЙИЛИ

Ушбу мучалда туғилганлар донгдор, мұътабар, хуштабиат ва пулни тежаб-тергаб ишлатувчи кишилардир. Яхши кийинишади, оммавий йигинларни ёқтиришади. Кўпинча, яхши натижаларга эришувчи ажойиб спортчи бўлиб етишишади. Гарчи баъзан кўп гапирсалар ҳам, ақлли ва сезгирирлар. Ҳамма соҳада ишлари юришади, кўзга ташланиб туришади, бошқаларнинг фикрини дарров уқиб олишади. Табиатан мустақил феъл-атворга эга бўлиб, маслаҳатларга қулоқ солишмайди, ҳаёлларига нима келса, шуни қилишади. Кўпинча бу ҳол бошлаган ишларининг барбод бўлишига олиб боради. Ўзларига ишонишади, қадрларини билишади. Шу йилда туғилган эркаклар эса аёлларга бефарқ қарашмайди. Мұҳабbat онларида ҳамма нарсани унудишишади. Хизмат вазифаларини мустасно этганда, бошқа ҳамма соҳада бор куч ва эҳтиросларини кучга солишга ҳаракат қилишади. Бошқа жинсдаги кимса билан бўладиган муносабатларга суюклари йўқ, ишқ-муҳабbat йўлида, ҳатто ҳамма нарсадан ҳам воз кечишлари мумкин. Шу боис бошлаб қўйган ишларida кўпинча муваффақиятсизликка учрашишади, кимда-ким ўзларининг бу заиф иллатларини енгиб, эҳтиросдан ақлни устун қўя олишса, баҳтили бўлиши ва муваффақиятга эришиши мумкин. Оила қургач, уйда доимо дикқат марказида бўлишади. Улар кўздан гойиб бўлишлари биланоқ, оиласида баҳт-саодати пучга чиқади. Баъзилари ёшлиқдан оиласида ташлаб кетишлари эҳтимолдир, лекин бу ҳол кўнгилсизлик юз бермай ўтмайди. Ҳис-туйғулар соҳасида ҳам уларнинг ҳаёти жўшқиндир. Кексайған чоғларида тинч ва хотиржам кун кечиришади.

- а) йўлбарс, ит, қўй;
- б) аждарҳо, илон, маймун, ҳўрозд;
- в) сичқон.

## ҚҮЙ ЙИЛИ

Мазкур йилда таваллуд топғанлар нафис саңъатлар соҳасида қобилиятлидирлар. Улар қадди-қоматлари келишган, истараси иссиқ ва табиат шайдолари бўлган кишилардир. Хулқ-атвори ёқимли, гапсўзи, ўзини тутиши оқилона, шундай бўлса-да, табиатан инжик, ҳардамхаёл, ҳамиша нимадандир зорланиб, ўз тақдирларидан нолишади. Одатда, художўй бўлиб, турли ҳәэлий ва ўта табиий нарсаларга қизиқишиади. Умуман, булар раҳмдил ва муҳтожларга борини беришга тайёр турган жуда яхши одамлардир. Бахтга қарши, баҳам кўрмоқчи бўлган нарсалари кўпинча ўзларига тегишли бўлмайди. Шуни айтиш керакки, уларда хусусий мол-мулкка нисбатан ҳеч қандай орзу-ҳавас йўқ. Ҳаёт кечиришлари, одатда, ўзларига эмас, бошқаларга, кўпинча, омадларига боғлиқ бўлади. Нимаики — яхши ё ёмон воқеа юз берса, уларнинг айби билан содир бўлмайди. Жавобгарлик ҳисси уларга бегона, ташаббус кўрсатишини ёмон кўришиади. Итоатгўй бўлиб яратилганликлари учун раҳбарлик ишларини уddyалай олишмайди. Уларда дид ва истеъодод бор. Бир пайтнинг ўзида техник ва артистлик маҳорати қўшиб олиб юриладиган ишларни қойилмақом қилиб бажаришлари мумкин. Лекин ҳеч қачон асосий вазифани бажаришмайди. Тижорат ишларидан ўзларини олиб қочишилари керак, чунки лаёқатсиз сотоввчи, савдогар бўлишиади. Гаплари кўпинча пойма-пой бўлиб, фикрларини қийналиб тушунтиришиади, тоҳ тез, тоҳ секин, баъзан дудуқланиб гапиришиади. Ҳаётлари давомида қўплаб ишқ-муҳаббат муаммоларига дуч келишиади ва улардан бири фожиа билан тугаши мумкин. Етуклик даври ёшлиқ ва кексаликларига қараганда яхши кечади, аммо ҳис-туйгуларига қаттиқ таъсир кўрсатади. Шуни эсда тутиш керакки, моддий жиҳатдан ғам-ташвиш чекилмайдиган ва маслаҳатгўйлари бор бўлган „кулинг ўргилсин ўтлоқда“ „қўй“нинг омади юришиади.

- а) қуён, тўнғиз, от;
- б) йўлбарс, аждарҳо, илон, қўй;
- в) ҳўқиз, ит.



## БАХТИЁРЛИК ТАДБИРЛАРИ

*Келин-Куёв! Тұрмушингиз шириң-шакар бұлиши үчүн бир-бираңғызның күнглиңгиздегини олдиндан аңгланғ, дидингиз, мақсадингиз ва қизықшиңгизни билиб, меҳр-хұрмат күрсатынг ва очиқ күнгіл билан хизматларынгизни қилинг. Ұнұтманғ, сөвгингизни ұхыматсизлик, манманлық, үзбілармөнлик ва ҳудбинарындан яралған нафрат ұлдради.*

**Хикмат**

Миллатимиз тақдирига дақылдор бўлган, юртимиз таянчи, инсоннинг меҳр-муҳаббати, қадр-құммати ва вафосини сақловчи, ҳимоя қилувчи оила мустаҳкамлигини таъминлаш умумхалқ ишидир. Бахтили оила саройи – муҳташам ва муқаддас маскан. Бундай маънавият қўргони ва саодатли оила саройини қуришда ФҲДЕ бўлимларининг хизмати алоҳида эътиборга сазовордир. Зангиота туманида ўн олти йилдан бери мудира лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган Юлдузхон Роҳатова ўз қасбига меҳр қўйган, ҳар йили бир неча юз, ҳатто минглаб ёш оиласарга маънавий ва ахлоқий қувват баҳш этиб келаётган оила илмининг етук ва фидойи мутахассиси. Оиласарни фақат баҳт сари чорлаш, нуқсонларни даф этиш, олий мақсад йўлида собитқадамлик, тўсиқлардан қўрқмаслик, талабчанлик, зиммасидаги вазифани бурч ва масъулият деб билиб, бу борада тиним ва ҷарашни билмаслик Юлдузхон фаолиятининг энг муҳим қирралиридан биридир.

Никоҳ деганда Юлдузхон фақат эр-хотинлик ҳолатини оддийгина расмийлаштиришнинг ўзи эмас, балки бир-бирларини севиш, ҳұрматлаш, қадрлаш, фарзандларни тарбиялаб, саодатда яшашнинг аҳду-паймонаидан иборат эканлитига ҳам алоҳида эътибор беради.

– Никоҳ муқаддас нарса, – дейди Юлдузхон Роҳатова у фақат эр-хотиннинг эмас, ота-она ва давлат манфаатларига ҳам мос бўлиши керак. Бугун никоҳдан ўтдими, демак, келин билан күёвнинг маънавий олами битта, қалб иккита бўлса ҳам истак ва мақсади

битта бўлган, ҳаётларини бир умрга бир-бирига боёлаган жуфтликка айланадилар.

**Никоҳ** – икки бошга бир тақдир беради. Шунинг учун соғ севги мөхиятини қалбан тушунмай, ясама оҳ-воҳлар билан, севги-муҳаббат ҳақида ясама, жарангдор гаплар, қуруқ, ёлғон ваъдалар билан ўзини кўз-кўз қиласиган соҳта ва эрталишар „мажнунлар“дан эҳтиёт бўлиш керак.

**Никоҳ** – илоҳий аҳд, орзулар ижобати. Эр-хотинлик ва оила қўргонига илк қадам ҳам никоҳ кунидан бошланиб, аҳил эр-хотинлар учун у жаннатдир. Никоҳсиз эр-хотин бўлиб яшаш эса харом турмуш ва аҳдоқсизликдан бошқа нарса эмас.

Донишмандлар интилиш ва гайрат мақсадга етишишни тезлаштиради, интилганни ҳамиша толе қўллаб қувватлайди, интилиш ва ташаббус – бахт уйининг олтин гишидири деганларидек, ҳам амалий, ҳам ақдий такомил соҳибаси бўлган Юлдузхон туманда деярли 80 йилдан буён эътибор бериlmай келаётган ҳаётий зарур ва ўта муҳим ишни ижобий ҳал қилди. Яъни умр бўйи „кўчманчи“ тарзда фаолият кўрсатиб келаётган ФҲДЕ бўлими Юлдузхон Роҳатованинг саъий ҳаракати, республика Адлия вазирлиги ва Тошкент вилояти Адлия бошқармасининг ёрдами билан бўлим „Мустаҳкам оила йили“ арафасида ўзининг замонавий муҳташам обод биносига эга бўлди.

Инсон ҳаётидаги энг қувончли, ҳаяжонли, бир умрга унутилмас бахтили жараённи, ҳаётларини бир-бирларига боғлаётган ёшларнинг пишиб етилган муҳаббатларини қонун асосида қайд этувчи, расмийлаштирувчи, йилига минглаб янги туғилган фарзандларга гувоҳномалар тақдим этувчи бундай „Бахт уйи“нинг ишга тушиши янгидан-янги эзгу ишлар режасини амалга ошириш имкониятини яратади.

Оила пойдеворининг барқарорлиги ҳақиқий никоҳ аҳди билан бошланишилгини чуқур ҳис этган Юлдузхон Роҳатова оила мустаҳкамлиги билан боғлиқ бўлган бирорта нарсани эътибордан четда қолдирмайди.

Унинг бевосита ташабbusи билан бўлим қошида ташкил этилган „Ёш оила мактаби“, „Мехр ва муҳаббат – оиланинг қуввати ва жони“, „Эр-хотин – ҳаёт ижодкори“, „Келиннинг баҳти – никоҳ қўргонида“, „Келин ва кўёв – оила гули“ каби ўқув машгулларининг маҳалла, коллеж ва лицейларда кўрсатаётган фаолияти оиласлар мустаҳкамлигини таъминлашда катта ҳисса қўшмоқда.

Никоҳ қонунларига қатъий риоя этиш, ўз ҳузур-ҳаловати учун эмас, жамият манфаатини, келажак авлод саодатини назарда тутиб, чин муҳаббат билан уйғуналашиб кетган никоҳни такомиллаштириши ҳақида Юлдузхон Роҳатованинг кўрсатаётган жонбозликлари қўплаб оиласарни мустаҳкамлашда ўз аксини топмоқда.

Қонуний никоҳсиз, балоғат ёшига етмаган қизларни фақат шаърий никоҳ билан турмушга бериш натижасида оиласи ҳароб қиладиган „қовушув исканжаси“ содир бўлиб, туғилажак фарзанд она ҳаётига ҳавф солади, болага туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олиш муаммога айланади ва эр-хотин ўртасидаги ажрим ҳам осонликча ҳал бўлади. Никоҳсиз яшаш қанчалик кўпайса, жамиятда маънавий ва ахлоқий бузулишлар ҳам шунчалик кучайиб, пиравардидаги давлатнинг ҳам инқизоризига сабабчи бўлиши мумкин. Энг аянчли томони, бегуноҳ болаларнинг тирик етим бўлиб қолиши ва бир умрга оиласавий саодатдан бебахра қолишидир.

Шундай нуқсонларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш вазифалари Зангиота туман ФХДЁ ходимларининг иш дастуридан кенг ўрин олган.

2011 йилда 375 нафар фақат шаърий никоҳ билан оила қурғанларнинг барчаси рўйхатга олиниб, уларни қонуний никоҳдан ўтказишга эришилди. Шунингдек, 25 нафар болаларга туғилганлик ҳақидаги далолатномаларнинг ўз вақтида олинмаганлиги, 75 нафар болаларнинг ёлғиз оналардан туғилганлиги ва қатор туғма ногиронларнинг сабаби яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳдан эканлиги ҳам аниқланиб, улар билан тегишли тарбиявий ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг „Мустаҳкам оила“ деган ғоянинг ҳаёти-миздаги амалий ифодасини кўришда, шубҳасиз, маҳалла тизимишининг ўрни ва таъсири бекиёс, айниқса, ёш оиласарни турли тўфонлардан асраш, унинг мустаҳкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, янги турмуш қураётган бирорта оиласи эътибордан қолдирмаслик, ҳаётий зарур кўмак ва маслаҳатлар бериш маҳаллалар фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланмоғи лозим, деган фикрларидан келиб чиқиб, Юлдузхон Роҳатова бу борада маҳалла тадбирларида иштирок этишни, аҳоли ўртасида, хонадонларга кириб тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб боришни канда қўлмайди.

Инсон орзуласарининг тантанаси бўлган баҳтнинг минглаб турлари мавжуд. Лекин оиласавий тотувлик ва осойишталик булар ичida энг олий баҳтлар. Ана шу баҳт ҳеч кимнинг оиласини тарқ этмасин!



## САОДАТГА ЭРИШИШ ЙЎЛЛАРИ

Халқлардан ҳеч бири ҳали никоҳдан ҳоли эмасдир. Никоҳ ўз урғочисини қизгониш ва талашиш каби (ёмон аҳволларга) йўлиқишидан сақлайди.

Никоҳ хусусида ҳар бир миллатнинг (ўзига хос) расми ва одати бордир.

*Абу Райҳон Беруний*

Никоҳ кишилик жамиятининг биринчи поғонасиdir.

*Цицерон*

Никоҳнинг хайрлиси енгилгина, тезлик билан бўлиб ўтганидир.

*Ҳадис* “дан

Омадли никоҳ ҳар куни таъмирлаб турилиши керак бўлган бинодир.

*A. Моруа*

Никоҳ дабдабали эркинлик муҳитда бўлса, муҳаббат сўнади.

*Э. Сенанкур*

Никоҳ мустақиллик жиҳатдан теппа-тенг бўлган эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларнинг ифодасидир, бунда мутелик ҳам бир хил, мажбурият ҳам бир хил.

*Л. Анспахер*

Қизинг балофатга етгандин сўнг ҳаракат қилиб эрга берғил, унга шафқат ва марҳамат кўргузғил, нединким, қиз отанинг асири бўлур. Ўғил отасиз бўлса ҳам бир иш талабига бора олур ва ўзини мишиштиғ тутар. Қиз эса ожиз ва бечора бўлур. Ҳар на боринг бўлса, аввал бурун қизга берғил ва унинг асбобини тузатғил. Тезроқ уни бир кишининг бўйнига банд этғил, токи унинг фамидин кутулғайсан. Агар қизинг эрга тегмаған бўлса, уйланмаған йигитга топширгил, токи унга кўнгул боғласин ва ул бунга кўнгул боғласин.

*“Кобуснома* “дан

Никоҳ одамзод авлодлари давомийлигини таъмин этувчи заруратдир.

*Лукиан*

Ёш хотиннинг биқинида чол ётгандан кўра, шу биқинга камон ўқи ботган яхши.

*Саъдий*

Кексаликдаги муҳаббат иллатга айланади.

*О.Балъзак*

Ошиқ қария табиатдаги энг катта мажруҳликдир.

*Ж. Лабрюйер*

“...қизингни хунук юзли одамга бермагил, нединким, қиз бадрўй йигитга кўнгул қўймагусидир. Күёвнинг юзи, сўзи пок бўлсун. У номусли ва қадхудо (рўзгор боши) бўлмоғи керакдур, аммо куёв неъмат ва ҳашаматда сендан пастроқ бўлсун, у сен била фаҳрлансан, аммо сен у билан фаҳрланмагил, токи қизинг иззаат ва роҳат била зиндагонлик қилсан. Бундоқ бўлғондин сўнг кўёвдин кўп нарса талааб қилмагил”.

*“Қобуснома “дан*

Кўча севгиси уйни барбод этади.

*Саъдий Шерозий*

— Узук бармоққа, ёр эса қалбга ярашуқ бўлиши керак.

*Арман мақоли*

— Ёмон куёв ёҳуд ёмон келин асабинг, турмушинг ва наслингни бузади.

\* \* \*

— Келин ва куёв танлашга ҳаёт-мамотни ҳал қилувчи масала леб қарамас экансан, авлодингга инқироз хавф солаверади.

\* \* \*

— Оиланинг аҳил ёки ноаҳиллиги келин келгандан кейингина билинади.

*Ҳикматлар.*

## АЖДОДЛАР ИБРАТИ

*Дил ороми – яхши бўлса гар хотин,  
Ёмон бўлса, ундан Худо асрасин.*

Саъдий Шерозий

“Машриқзамин – ҳикмат бўстони”, „Шарқ донишмандлари ҳикматлари“, „Ҳикматлар ҳазинаси“, „Ҳикматнома“, „Ҳикматлар гулдастаси“ каби китобларни ўқир экансиз оила, уни мустаҳкамлашга қаратилган мазмунан теран ва дурдона ҳикматлардан баҳраманд бўласиз. Улардаги севти ва муҳаббат, оиласвий садоқат, эр-хотин тотувлиги, фарзанд тарбияси, ота-онани ҳурматлаш, қайнона-келин муаммоларига доир ўтқир ифода, фойдали панду насиҳатлардан ҳар қандай одамнинг кўнгли таскин топади, юраклар тўлқинланади, қалблар мавж уриб, дил ҳаяжонланади.

Алломаларимиз „хотин“ деб аталган олижаноб сўз замиридаги эркак зотининг буюк мураббийси, жон малҳами, эрни эр қилиб, уни фақат олға юргиза биладиган ҳақиқий аёл ҳақида инсонга сабоқ бўлувчи, ибратли ва намунали фикрларни олға сурадилар.

Кишининг жуфти ҳалоли олижаноб бўлса, уйнинг зийнати ҳам, оройиши ҳам шундандир. Буюк аллома Саъдий ўз ғазалларида таъкидлаганларилик, гўзал турмуш – роҳат-фароғатда умр ўтказмоқ демакдир. Бунинг учун, аввало, эр-хотин тотувлиги, жуфтларнинг олийжаноблиги, айниқса, аёлнинг қобилу ва ақли расолиги, покиза дил ва ширин сўзлилиги керак. Дунёдаги энг баҳтли эркак – эзгу ниятли хотиннинг эридир. *Йигит кишининг энг катта обруйи яхши заифадир (ёр), лекин яхши заифа нокас эрга хайфдир,* деб донишмандлар бежиз айтишмаган. Аёл киши ҳеч қачон эрининг муҳаббатини сўндиримаслиги керак.

*Зеро, муҳаббат билан нафрат бир кўнгилга сиғмайди, нафрат бор кўнгулда муҳаббат турмайди,* деб буюк Саъдий ўз шахсий ҳаётларидан шундай мисол келтирадилар:

Маълумки, Саъдий ҳаётларининг кўп қисми саёҳат ва сарган-донликда ўтган бўлиб, Куддус биёбонларида кетаётгандларида фаранглар (европаликлар) асир олиб, яхудийлар билан ср қазиш

учун Траблис хандақаларига ишга жұнатадилар. Шунда Саъдийни бир таниши күриб қолиб ўз юрти Халабта олиб кетади.

— „Менинг ахволимга раҳми келиб танишим ўн динор тұлаб мени фаранглар кишинидан халос этиб, ўзи билан она юрти Халабта олиб кетди. Бир қизи бор эди, молига ўзидан юз динор құшиб, никоҳимга берди. Орадан бир оз вақт ўтди, қиз бағ табиат, жанжалқаш ва гапга күнмас, күнгли ғаш, тили узун, сўзи туташ касофат экан. У тилини тиймай, оғзига келганини деб кўнглимни ғаш қила бошлади.

*Яхши эркак ёмон хотинла ҳамдам  
Бўлса, бу дунёда уйи жаҳаннам.  
Ёмонларга яқин бўлмагин асло,  
Жаҳаннам ўтидан сақла, Раббано!*

Бир куни таъна тошини чўзиб:

- Сен ўша отам ўн тилла бериб фаранглар бандидан бўшатиб олган киши эмасмусан? — деди.
- Ҳа, — дедим, — отанг мени ўн динорга сотиб олди ва юз динорга сенинг тузофингга солди:

*Эшиждим бир киши бир қўйни кушод,  
Этибдир бўрининг оғзидан озод.  
Кечқурун бўғзига қадаркан пичоқ,  
Қўй руҳи дод солиб сўзламиши шундоқ:  
“Бўридан қутқардинг — десам ўшанда,  
Ўзинг экансан-ку менинг кушандам”.*

— Тўтиқуш зағизғон билан ҳамнафас бўлса, ҳар нафас қафасдан чиқиб кетгиси келади. Хотин ёмон бўлса-чи, эр ё бошни олиб чиқиб кетиши ёки бечоравор бўлиб бўйнини эгиб турбатда яшашга мажбур.

Ковуш тор бўлса киймаган яхши, уруш бўлса уй, турмаган яхши. Хотин бўлса нодону кир юрак, хотинмас у, бошингга балодан дарак. Саъдий бундай хотиндан қочиб кутилади.

Яманда юрган вақтларида ёлғиз ўғиллари ҳам вафот этади. Шоирнинг ундан кейинги ҳаётлари ҳақида бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ.

Эллик ўшларигача умрлари сафарда ўтган. Саъдий шаҳарма-шахар маддоҳлик қилиб, карвонларга соқчилек қилиб бўлсада, Эрон, Арабистон, Кичик Осиё, Миср, Хурросон, Шарқий Туркистон каби

мамлакатларнинг жуда кўп шаҳарларида бўлиб, илму-ҳикматни китоблардан эмас, ҳаётнинг ўзидан, одамлардан ўрганиб, замонанинг кўпни кўрган доно кишиси бўлиб етишдилар.

Оила кўргонининг бош мураббийи бўлган аёллар, барча яхши, юксак, қудратли, ёқимли ва ёрқин фазилатлар ижодкори, ҳаётнинг гули ва буюк безаги бўлган нафис ва жўшқин муҳаббат, баҳт омили бўлган оиласидан садоқат, эр-хотин тотувлигининг афзалликлари каби мавзулар ҳаёт ва гўзаллик куйчиси, оила, унинг муқаддаслити буюк шоир Алишер Навоий ижодларида ҳам салмоқли ўрин эгаллаган. Барча туйгулар ичидаги энг қудратли, ақлу ҳаёл, қалб ва вужудни эгаллаб олувчи севги, муҳаббат ҳақида буюк бобокалонимиз шундай дейдилар:

*Ҳар кимки муҳаббат уйини маскан этар,  
Кўнглига ҳабиб куйини гулшан этар,  
Кўз каби зиё дўст юзидан фан этар,  
Маҳбуб юзин кўрмаги, кўз равшан этар.*

Оила тинчлиги ва мустаҳкамлигини энг улуғ неъмат деб билувчи Навоий бутун борлифи, шоирона сезгиси ва қобилияти билан инсонларни тотув, қувноқ, жўшқин ҳаётга чорлайдиган, оила сирлари ва илмини чуқур ҳис этиш, эр-хотиннинг кўзини очишига, уларга аҳзил ва иноқликда яшаш йўлларини ўрганишга қаратилган дил сўзларидан бирида шундай дейдилар:

“...Оиланинг кайфиятида фарқлар бордир: Эр билан хотин бир-бирига мос тушса, ўртада бойлик ва саранжомлик бўлур. Уй безаги ундан, ва уйланганинг тиниши ундан.

Хусни бўлса кўнгулга ёқимли бўлур, яхшилиги бўлса жон озигидир: Ақлли бўлса, турмуш интизомли ва рўзгорга керак яроғи тартибли ва саранжом бўлади.

Киши бу хилдаги жуфтга эришиса, балки бундай таҳт қўлга тушса, яширин ғам ва кулфатда сирдош ва ҳамдаминг бўлур, маҳфий ва яширин дард ва машаққатда ҳамнафас ва маҳраминг бўлур. Турмушдан ҳар жафо етса, ҳасратдошинг ул ва айланувчи осмондан ҳар бало келса, кўмакдошинг ул.

Кўнглинг ғамидан у ғам чекади, баданинг заифлиги ва ҳоринлигидан у қийналади...

Носоз жуфт уй учун ҳам очиқ ва ҳам яширин қўрқинчли касалликдир. Уятсиз бўлса, кўнгил ундан озорланади. Ярамас бўлса, руҳ ундан азоб тортади. Тили ёмон бўлса куёвнинг кўнгли яраланади,

*ёмон ишик бўлса эрга юзқаролик келади. Майхўр бўлса, уй ободлиги йўқолади ва бузуқи бўлса, уй ичи расвогарликка айланади“.*

Шунингдек, Навоий ижодида барча эзгуликлар ва оила мустаҳкамлигининг асоси бўлган ота-онага меҳр-муҳаббат, иззатикром шубҳасиз муқаддас туйғу эканлиги, она қадри, она меҳри, она муҳаббатидан ҳам муқалласроқ, бегаразроқ ҳеч нарса йўқлиги, оналар қалбининг битмас-туганмас мўъжиза эканлиги, меҳри чексиз, меҳри дарё, бутун дунёни кўкраги билан боққан, жамики борлиқнинг фурури ва фахри бўлган оналарни шарафлаш жуда мазмундор ва таъсирчан мисраларда ифода этилган.

*Оналарнинг оёғи остидадур,  
Равзаи жаннату жинон боги.  
Равза боги висолин истар эсанг,  
Бўл онанинг оёғи туфроғи.*

Маълумки, ҳар қандай оиласида ота-онасини, ака-ука, опасингилларни, маҳалла, ватанини, ўртоқ ва дўстларини севишга ўрганмаган фарзанд келажакда ўз қайлиғи, хотини, ўзи танлаган аёлинни ҳам чиндан сева олишига ишониш қийин.

Фарзандлар, аввало, ўз волидаи меҳрибонлари ва падари бузрукворларини хурмат қилишлари қанчалик улуғвор туйғу эканлиги, уларнинг бирини ой, иккинчисини қўёшдек муқаддас деб билишлари кераклиги ҳақида Алишер Навоий бобомиз шундай дейдилар:

*Бошини фидо айла ато қошиға,  
Жисмни қил садқа ано бошиға.  
Икки жаҳонингга тиларсан фазо —  
Ҳосил эт ушбу иккисидин ризо.*

Бинобарин, инсонлар ўртасида кенг тарқалган энг муқаллас туйғу – оилавий муҳаббатдир. Ва ҳар қандай оиланинг мустаҳкамлиги эса, ана шу муҳаббатни латофату малоҳатлар қуршовида эъзозлашга боғлиқ. Оилавий баҳтнинг энг муҳим омили ҳам шундадир.

Ана шу муқаддас ва ҳаётбахш туйғунинг аҳамияти ҳақида Ўртбошимиз 2012 йилни „Мустаҳкам оила йили“ деб эълон қилаётуб шундай дегандилар:

— „...Азал-азалдан ҳалқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суюнчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замираida, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор“.



## КҮЗЛАР ЎЗИ СҮЗЛАЙДИ

*Севгучи кишининг юзи белгили.  
Гап очганда маъни, сўзи белгили.  
Севар, севмасин билай дессангиз,  
Сенга кўзи боқса, ўзи белгили.*

Юсуф Хос Ҳожиб

Эҳтиётлик, ақл-заковат билан, эҳтиросларга берилмасдан умр йўлдош танлашнинг ўзига хос нозик сирлари кўп. Яхши фазилатли ёстиқдош танлашда ниҳоятда хушёр бўлиш, шошмаслик, умр йўллошнинг хулқ-автори, тарбия-таълим даражаси, ҳуашалоқлиги, муҳаббат ва оила аҳдига садоқатлилигини аниқлашда бўлгуси рафиқасининг чиройли юзи, келишган қомати, шаҳло кўзлари ва ширин сўзларининг ўзига маҳлиё бўлиб қолиш кифоя қилмайди.

Маъшуқа қанчалик гўзал ва ширинсухан бўлмасин, дили пок ва қалби соф бўлмаслиги мумкин. Шу жиҳатларини ҳам имтиҳон қилмасдан, синааб кўрмасдан, алдамчи кўзнинг фитнасига таслим бўлиб, қурилган турмуш оқибатида бир умрга баҳтсиз бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Бу борада инсон танасининг подшоҳи, осмон каби тубсиз, олий даражадаги эзгулик ҳисобланмиш қалбга қулоқ солиш, синааб кўриш, юрак дардларини кўрсатиб турувчи, фитна кўз ва алдамчи тилларни фош этувчи кўзларга назар солиш севги қудрати ва кўламини аниқлаб берувчи омиллардан ҳисобланади.

Ҳикматларда таъкидланганидек, кўз ўз соҳиби – эгасининг қалбида нима борлигини ифода этади. Муҳаббатдан нима, нафратдан нима борлигини кўз сўзлайди, оғиз эса сукут сақлайди, барибир юракда нима кечаёттанини очиқ-ойдин зоҳир кўрсатади.

Ушбуга оид буюк мутафаккир Жалолиддин Румийнинг „Маънавий-маснавий“ асарида эътиборга лойиқ ажойиб мисоллар келтирилади.

*“Кўз ҳар нарсадан яқин экан, камоли карбияти – яқинлиги важҳидан инсон уни, ҳамто кипригини кўролмайди...”*

*Кўзда нурнинг нури дилнинг нуридир.  
Нур, кўзнинг нури кўнгил қўридир.*

Демак, кўз нурининг нури қалбнинг нуридир. Кўзнинг нури эса қалбнинг нуридан ҳосил бўлади. Агар инсоннинг қалби чуқур ҳис қилмаса, кўз ҳеч бир нарсани кўрмайди. Шундай экан, кўз нури қалб ва димоғдан бошланади ва қалб маънавий нур билан мунаввар бўлмаса, кўз ҳеч нарсани айтиб беролмайди. *Нур эса Ислом дини*. Олам ва одамни энг охирги бор огоҳлантириш, тозалаш ва сўнгги бор Ҳақиқатни англатмоқ учун нозил бўлган.

*“Бас имон келтиринг Аллоҳга, унинг Расулига ва биз нозил қилган нурга”*. (“Тағобун” сураси, 8-оят) Бинобарин, инсон қалби Аллоҳнинг уйи, бу уй қанча тоза, саришта бўлса, Аллоҳ нури, Аллоҳ илму-ҳикмати унда шунча акс этади.

Халқимизнинг „Кўз – кўнгил ойнаси“, „Кўз – кўнгил дарчаси“, „Кўнгилдаги сирни кўз билдиради“, „Кўз билан кўр, дил билан бил“ каби доно мақоллари ҳам қалб билан кўзнинг қанчалар чамбарчас боғлиқлигини англатади.

Инсон туйғусини, фикрини ифода этишда сўз қанчалик қурдатли қурол бўлмасин, лекин кўнгил ва дилни билишда, қалбни, теран туйғуларни англашда кўз олдида ожизлик қиласди. Гоҳо кўзларнинг бир бокиши минг оғиз сўздан кучлироқ таъсир кўрсатади. Дардни яширсанг истмаси ошкор қиласди, деганларидек, маъшуқа кўпинча ўз севгисини ошкор этолмаслиги мумкин, лекин ожиз кўзлар дилда ёнган севги ўтини яшира олмайди.

Кўзлар борки, қалб нури билан, бир зумда, бир нигоҳнинг ўзида ишқли дилларга нур бағишлайди, қалб гулзорларини яшнатиб, умрга шодлик ато этади. Мехрли кўзларида баҳт, покиза қалбida олтин баҳор, қувноқ руҳида баҳтли ҳаёт қайнаётгандек туйилади.

– Ҳаёлчан, андиша, ёрқин маъно ва самимият билан, юзида табассум, кўзларида қувонч нури порлаб, шўх руҳида ишқ тошиб турган, ўткир нигоҳли мастона кўзларнинг яширин ва гўзал қарашлари сермеҳр, сертоле, сербаҳор қалбдан, ҳасрат ва муғомбирликдан ҳоли эзгу ниятли, садоқатли ва ишончли жуфтдан дарак берали.

*Ҳусн аҳлига зору мубтало кўз эрмиш,  
Жоним била кўнглишга бало кўз эрмиш.  
Фаҳм айладим энди, Бобур, ишқ ичра,  
Кўзимни қарортқон қаро кўз эрмиш.*

Кўзда катта ҳосият ва хислат бор. Бегуноҳ, кулиб, ҳаё билан боқсан меҳрибон кўзга шайдо бўлиш ва унга мусассар бўлиш баҳтиёр оила саройини қуришдаги энг муҳим омиллардан биридир. Зеро, ҳаёли кўзларнинг меҳрли боқишиларида қалбнинг туби ҳам мусаффо ойнадек кўриниб туради.

Ёлғон сўзлайдиган, мугомбир, ноз-ишвали, тили заҳар фитна кўзларнинг алдамчи чироғига парвона бўлиб қолиш эса баҳтиёрик масканига ўт кўяди. Шунинг учун ҳам Абу Ҳомид Фаззолий кўз шайтоннинг тузогидир, деганлар. Вужудга энг тоза ва энг шиддатли таъсир ўтказувчи аъзо кўздир. Ким Раббига итоат қилиб, аъзосини нафснинг эътиборидан қолдирса, ният қилган амалига етишади. Ким дунё завқларига тўйиш учун аъзоларини нафснинг эътиборида қолдирса, ниятдаги амалларни ўзи бекор қилган бўлади.

Кўзларинг тондириб сехр йўлин ривож,  
Бобилу Кашимирдан ундирадир бож.  
Айёр сифат этса гоҳида торож,  
Танадан бош учар, бошдан эса тож.

Диёнат ва уятни билмайдиган, фирибгар, тулкидек айёр, кулиши сохта, серпардоз, мулойимлиги тагида маккорлик яшириниб ётган, ўзининг қора кўзи, нопок қалби ва кўксини минг карра оққа бўяб кўрсатувчи шайтон кўзлар билан баҳтли оила саройини қуриб бўлмайди.

### КЎЗ НУРИ – ДИЛ НУРИ

Эй нигаро, кўзларингдек кўз қани,  
Йиглабон ҳажрингда оқти кўз қони:  
Термулубон йўлинга, эй бағри тош.  
Интизорингда оқибдур кўз, қани!

*Алишер Навоий*

\* \* \*

Кўнгил кимни севса, у кўзда турар,  
Неча боқмасин кўз, яна орзулар.  
Дил орзу тилаги нима бўлса гар,  
Оғиз сўзга очгач, у тилга чиқар.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

\* \* \*

Севиклигинг айби ҳам раво қўринур.  
 Жами терс иши ўнг, ками тўлинур.  
 Кўнгил кимни севса – вужуди севик.  
 Кўрап кўзга урса, даво қўринур.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

\* \* \*

Сурма қўймай мунча ҳам, жоно қародур қўзларинг.  
 Ҳар бири жон қасдига боқсан балодур қўзларинг.

*Муқимий*

\* \* \*

Мунча золим бўлмиш ул хунрез қўзларинг,  
 Ким, солур ислом элига анча яғмо қўзларинг .

*Фурқат*

\* \* \*

Ул на қушдурким уясида, болалар ташқари,  
 Дон берур вақтидаги толпинмишин кўрдим букун.

*Увайсий*

\* \* \*

Кўзларим кўзларингга тушди ногаҳон,  
 Кўнглимда очилди янги бир жаҳон.  
 Кўзларнинг маъноси бундай бўлармиш,  
 Шарҳини қай китоб қиласжак баён?

*Ойбек*

\* \* \*

Карашма бирла ҳушим олди бир қўзи шахло,  
 Тогофил айлади-ю, кетди боқмади асло.

\* \* \*

- Кўз — торози, кўнгил қози.
- Кўз — кўзгу, тил-тилмоч.
- Кўз дарди кўринар, кўнгил дарди кўринмас.
- Кўз бўлмаса пешона нимани кўради.
- Кўз бор-кўрмоқ учун, ақл бор — билмоқ учун.
- Кўз — тан қоровули, ақл — жон қоровули.
- Кўз кўрмаса кўнгил севмас.
- Кўзга яқин — кўнгилга яқин.
- Кўздан тушган — тилдан ҳам тушар.

*Халқ мақоллари*



## МЕҮЁРНИ АНГЛАГАН БАХТСИЗ БҮЛМАЙДИ

*Меъёр буюк маслак. Уинсон қувончига қувонч бўлиб, хузур-ҳаловатини оширади. Үнга риоя қилган одам ҳамиша ҳаёти ва ютуғидан қониқиб ташвишисиз, баҳтли яшайди. Меъёрини билмай истеъмол этилган энг яхши малҳам ҳам заҳарга айланганидек, тўй ва маросимлардаги ортиқча дабдабабозлик, манманлик, мақтансоқлик ва исрофгарчиликлар ҳар қандай бойни ҳам камбағалга айлантиради. Чунки тежами бўлмаган исрофнинг сарф эшиги очиқ бўлиб, камбағаллик ҳам шу очиқ эшикдан бемалол кириб келаверади.*

**Муаллиф**

Табиатнинг йўлдоши, мустаҳкам ва соғлом оиланинг посбони бўлган, ҳатто саломатликнинг қўриқчиси — бу ҳамиша безарар, ҳамиша ҳаласкор дори деб аталмиш меъёр неъматидир. Еб-ичишда ҳам, юриш-туриш, тўй ва маросимларда, ҳатто севги ва муҳаббатда ҳам оқилона меъёрга риоя қилиш инсоний сифатларнинг энг улуғларидан ҳисобланади.

Узоқ умр қўришнинг сири ҳам овқат ейишида нафсни тия билиш ва ортиқча нарсага ружу қўймасликда бўлганидек, баҳтли оила саройини қуришдаги ортиқча, ўринсиз сарф-ҳаражатлардан тийилмоқ ҳам, кишини тўйдан кейин содир бўлиши мумкин бўлган муҳтоҷликдан кутқаради, оиласвий қувончта қувонч қўшиб, ёшларнинг хузур-ҳаловатда, хотиржамлик билан ҳаёт кечиришларига пухта замин бўлиб хизмат қилади.

Меъёр ҳамма яхшиликларнинг онаси. Лекин унга риоя қилинмаса ҳар қандай хатти-ҳаракат фойдалдан кўра кўпроқ зарар келтириб, энг ёқимли нарсалар ҳам ёқимсиз ва кераксиз бўлиб қолади.

Қайси соҳада бўлмасин, хусусан, тўй ва маъракалардаги ҳаддан ошиш, суиистеъмоллик, исрофгарчилик, сохта — обрў-эътибор деб қарзга ботиб қолиш, ҳавойи ўй-ҳаёл ва чексиз ҳоҳиш кўчасига кириб қолиш сўзсиз эркин ва мустақил шахс тарбияси ва оиласлар мустаҳкамлитига салбий таъсир кўрсатади.

Меъридан ортиқ сарфлашлик фақат иллат эканлиги ҳақида диний китобларимизда шундай дейилади:

“*Никоҳнинг тўйининг яхшиси енглидир*” (кам сарфлиси дир), „*Никоҳ тўйида бир кун таом бериш суннат, икки кун таом бериш фазилатдир*, уч кун таом бериш риёдир“, „*Овқатнинг энг ёмони – қорни түқлар чақирилиб, қорни очлар қолдирилган тўй таомидир*“.

Аллоҳ таоло уч нарсани қилишни ёмон кўради:

*Мис-миси гап тарқатишни, савонни кўп беришни ва молни беҳуда сарфлашини.* Пайгамбаримиз яна марҳамат қиласидарки:

“*Эй умматим, сиз учун қўрқанларимнинг энг қўрқинчлиси икки нарсадир: ҳою-ҳавас ва ҳавоий нафсга берилмоқ. Ҳою-ҳавас охиратни униттиради, ҳавоий нафсга берилиш эса кишини тўғри йўлдан адасттиради*“.

Демак, кимки бу дунёда ҳам, охиратда ҳам жони яхши ҳаёт қозонишини хоҳласа, бу дунёнинг дабдабаси ва манманлигидан қочиши керак.

Шунингдек, тўйларни ўтказишда ҳам киши ўз орзу-ҳавасини ортиқча, ўринсиз истак-ҳоҳишига қараб эмас, имкониятига қараб сарф-ҳаражат қиласа оила ҳеч вақт зориқмайди.

Дабдабозлик ва исрофгарчиликка қарши кураш бўйича Президентимиз томонларидан фармон эълон қилинганига ўн беш йил бўляяпти. Ва яна орадан бир неча йил ўтиб Юртбошимиз „Хужжат қабул қилингач, жойларда тўй ва маросимларни ўтказиш ишлари бир оз тартибга тушгандек бўлди. Бироқ, афсуски, кейинчалик бу иш яна эътибордан четда қолиб кетди. Менинг таклифим шуки, бу масалани, авваломбор, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари турар-жойларда чуқур ўрганиб чиқиб, ўз таклиф ва тавсияларини бериши лозим“, – деб билдирган эътиrozлари ниҳоятда адолатлидир.

Меъридан ортиқча сарпо, дабдабали мебель (мебель фақат Тошкентда одат тусига кирган), обрў орттираман деб таклиф этилиши шарт бўлмаган сон-саноқсиз меҳмонларни кутиш, куда томон меҳмонларига 20–30 талаб тўн кийгизиш, никоҳ базмида хизмат қиласиган санъаткорлар гуруҳининг кўплиги, пул қистириб, пул сочишлар, келин-куёвлар тўйхонадан қайтишгач яна хонаки базмнинг давом этиши, эрталабки келин саломгаям фалон долларга санъаткорларни таклиф этиш, „чорлар“, „куда чақирик“лардаги ҳаражатларнинг ҳаддан зиёдалиги, ҳатто „чорлар“ кунининг ўзидаёқ қайнота томондан күёвга енгил автомобиль машинасининг калитини тақдим этиш – ўта шуҳратпастлик, манманлик, мақтанчоқлик,

қолаверса хоҳиш ва истакнинг қули ва қурбонига айланишдан бошқа нарса эмас.

Инсоннинг бой ва бадавлатлиги, орзу-ҳавас, тўй ва маросимлари эмас, аввало оиласи, ҳалқи, Ватанига баҳт-саодат, осойишталик ва фаровонлик келтирадиган бўлиши керак. Меъёрдан ошиш эса ташвиш, ҳавф-хатардан иборат бўлган фурбатли ҳаётга гирифтор этади. Ва яна энг ёмони – исрофгарлик кишини албатта камбагаллаштириб, уни ҳатто энг хасис одамларга бош эгиб яшашга мажбуrlаб қўяди.

Оиланинг рўзгор ишларида аёллар етакчи бўлганлари учунни, тўй ва маросимларнинг сарф ҳаражатида ҳам асосий ташаббускор аёллардир. Шундай аёллар борки, пулни тўплаш эмас, сарфлашни яхши кўрадилар. Улар кўпроқ мақташ ва мақтаниш учун шундай ишларни қилиб, ўринсиз манманлик, иззатталаб ва шуҳратпастликлари эвазига самимиликдан маҳрум бўлиб, оиласи омадсизликка сабабчи бўлиб қоладилар.

Бахтили ва омадли оила қуришнинг энг ишончли ва порлоқ йўли – турмушнинг ўтадиган даражадаги давлатга қаноат қилиш, ҳаддан ошмаслик ва меъёрни билишdir. Қаноат ва меъёр улуғ кишиларнинг хислати. Бундай кишилар ҳеч қачон хор бўлмайди. Чунки улар оч ва яланғоч бўлсалар ҳам бойдир. Қаноатли, тежамкор одам роҳатда яшайди, бошқаларга ҳам яхши муомилада бўлиб, ёш оиласи ҳам ўzlари каби шодлик сари етаклайдилар. Борига сабр қилмай кўпига интилганлар эса, ҳирс балосига мубтало бўлиб, ҳаётлари умрбод озор чекади.

Охират саодатини, оиласи бахтини истаган одам бойлик, ортиқча молу-дунёга ҳирс қўймайди.

Ривоятларда келтирилишича, Пайғамбаримиз Фотиматуз – Захронинг уйига ташриф буюриб кўнглини оладилар-у, лекин ичкарига кирмайдилар. Шунда куёвлари Ҳазрат Али қайноталаридан нега уйга кирмай ўтирганларининг ҳикмат ва сабабини сўрадилар.

Расууллоҳ: „Мен Фотиманинг уйида шундай бир қимматбаҳо парда кўрдимки, у нозик нақшлар ва гуллар билан безалган. У парда менга ёқмаганлиги учун шу ерда ўтирдим. Қизимнинг ортиқча дунёга майли борлигини ёқтирмайман. Бундай безакларга берилиш, исрофгарчилик Аллоҳ қулларининг иши эмасdir“.

Бу гапларни Ҳазрати Али Ҳазрат Фотима волидамизга тушунтиридилар. Ва Ҳазрат Фотима волидамиз муҳтарам ҳожаси Ҳазрат Алига:

— “Севикли отам нима деб буюрсалар ўшандай қиласын, бориб билиб келинг,” — дедилар.

Расули Акрам:

— Ё, Али! Бориб қизим Фотимага айт. У парданы нысояттаңда эхтиеёжмандаға фәқир фалончига олиб совға қылсын, — дедилар. Ҳазрат Али уйга кириб хотинита айтди. Ва парданы Расуллұллоҳ айтган одамга совға қилды.

Дархақиқат, Пайғамбаримиздек улуғ зот оиласининг молудунёға ортиқча меҳрни хүш күрмаслик барчага намуна бўлмоғи лозим.

*Бўлса агар суву парча қотган нон,  
Ўзга косасига кўз тикма инсон.  
Бўлсанг агар тоғсу-таҳт учун муҳтож,  
Заминни таҳт деб бил ва қуёшни тоҳ.*

Қолаверса, янги бунёд этилаётган ёш оиласарни ҳаётнинг турли тўғонларидан асрар, уларни мустаҳкам сөёқса турғизишда елқадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг, хусусан оқсоқол маслаҳатчилари ва хотин-қизлар кенгашининг етакчилик роли табора ортиб бориши керак.



## II боб

# Бахтили һа одод ҳаёт ижодкорлари

### ЭРДАН САДОҚАТ, ХОТИНДАН ИТОАТ

Эр-хотиннинг қалби, тан-жони, тили ва  
ниятлари ҳам бир бўлмоғи лозим. Шундагина,  
ёстиқдошлар муҳаббат-вафо севинчида ва  
оиласий ҳузур-ҳаловатда яшашга мұяссар  
бўладилар.

#### Ҳикмат

Маълумки, инсон бахтининг олтин тожи, инсоний туйгулар  
гултохи деб аталмиш муҳаббатнинг муқимлигига никоҳ аҳди орқали  
эришилади. Ва никоҳ остонасидан ўтгандан кейинги ҳаёт **оила** деб  
аталади. Яъни, эр-хотинлик ва оила қўрғонига илк қадам ана шу  
никоҳ кунидан бошланади. Никоҳ икки бошга бир тақдирни инъом  
этисб, сўқмоқларни катта йўлга олиб чиқади ва ёш эр-хотинлар  
зиммасига **оила** деб аталмиш илоҳий, муқаддас маконни бошқариши,  
обод қилиш ва ривожлантиришнинг шарафли вазифалари юкландади.  
Янги оиласани кўркам бир боғга қиёслайдиган бўлсак, унинг  
боғбонлари албатта эр-хотиндир. Боғбонлар қанчалик миришкор,  
мехрли ва этиборли бўлсалар, боғ шунчалик обод ва кўркам  
бўлганидек, оиласани камоли, равнақи ва мустаҳкамлиги ҳам эр-  
хотин ўртасидаги ўзаро муҳаббат, ҳурмат ва вафо, садоқат ва  
аҳилликдандир. Буларнинг барчаси эр-хотинни инсоний садоқатга  
мұяссар қилувчи кучdir.

*Дейдиларки, меҳру-муҳаббат билан  
Парварии топган боғ гуллар муттасил.  
Дўстлар, оиласада дунёга келур  
Бизнинг авлодимиз, келажак насл.*

Эр-хотин – ҳаёт ижодкори. Ҳашаматли айвонни қўш устунсиз  
тасаввур этиб бўлмаганидек, оиласани ҳам ҳақиқий севиб-севилган  
эр-хотинсиз тасаввур этиб бўлмайди. Эр-хотин – қўш қанот.

Оилада эр-хотиннинг ўз вазифа ва бурчларини чуқур англаш, ҳис этиш, масъулиятни унутмаслиги жуда муҳим аҳамият касб этади. Оилавий ҳаёт шуни тақазо этадики, эр-хотинлик фақат маънавий жиҳатдан эмас, балки моддий жиҳатдан ҳам қовушишdir.

Эркак-эр ва ота деган шарафли номга лойиқ бўлиш осон эмас. Қачонки, илоҳий ва муқаддас оиласининг подшоси сифатида оила рўзгорининг вазири вазифасини бажарувчи, аёли билан турмушнинг барча ташвиши ва қийинчиликларини мардона енгib, фарзандларни яхши тарбиялаб, аҳиллик ва саодатда яшаш баҳтига мусассар бўлсагина, ундай эр ҳақиқий, саодатли, қутлуғ оиласига асос солган бўлади.

Оила қўшиқанотларининг вазифа ва бурчлари ҳақида Пайғамбаримиз Расулуллоҳ шундай деганлар:

— „Сизлардан ҳар бирингиз зиммангизга тушган вазифага кўра чўпон ҳисобланасиз. Ҳукмдор ўз қўйл остидагиларга чўпон. Чунки у ўз халқини адолат билан бошқарувга масъулдир. Аёл эрининг уйига чўпон, уйдаги ҳамма нарсага жавобгар, хизматчи эса хўжасининг муҳофазаси ва моли учун масъулдир. Огоҳ бўлингизки, ҳар бирингиз ўзингизга тегишили вазифаларга кўра чўпон саналурсизлар ва зиммангизга тушган вазифага масъулдирсиз“.

Оиладаги энг улуғ ҳузур-халоват эр-хотин ўртасидаги адо этилган ана шу бурчдан ва чуқур ҳис этилган масъулиятдан завқланишdir. Бунинг учун инсон камолатининг пойдевори бўлган тарбия эр-хотинда кучли бўлмоғи лозим. Зоро, оиласининг мустаҳкамланиб гуллаб-яшинашига яхши тарбия қанчалик сабабчи бўлса, вайрон бўлиши тарбиясизликдандир.

Оилада яхши тарбияли аёлни — умр йўлини ёритувчи нурли қуёшга қиёслаш мумкин. Чунки эрга ҳам, фарзандларга ҳам баҳт инъом этувчи, оиласига файз киритиб, саришта-саранжомликда бошқарувчи зот фақат тарбияли аёллардир. Тарбияли хотинлар ўз эътиқодларини покиза сақлайдилар, шариат маън этган нарсаларга эътиқод қилмайдилар ва шариат ҳамда ақлга хилоф бўлмаган ишларнинг барчасида ўз эрларига итоаткор бўладилар. Оила сирини сақлаш, кўркам ва яхши хулқли аёллар билангина суҳбат қилиш, эр яқинларини, қариндош-урӯғ, дўсту биродарларини, айниқса, қайнота ва қайноналарни хурмат қилиш, фарзандларга шафқатли ва меҳрибон бўлиш ҳам тарбияли хотинларнинг улуғ фазилатидир.

Қаноатли, сабр-тоқатли, оғир-вазмин бўлиш, ҳамма нарса бисёр бўлганда ҳам исроф қилмаслик, пешона тери билан жамғарилган

маблағларни лозимсиз зийнат ва замона урф-одатларига сарф-ламаслик — әзгу ва тарбияли хотинларнинг олижаноб фазилати.

Хотинларнинг эрларига ёқишиликнинг улуф шартлари ҳақида бир араб аёли ўз қизига шундай деб насиҳат қилган экан:

— “*Қизим! Улфат этган уйингдан чиқдинг, билмаган тұшакка кирдинг. Танимаган кишингга йўлдош бўлдинг, энди ушбу йўлдошингга сен ер бўл! У сенга кўк бўлур, сен ер каби остида тур!* У сенга кўк шаклидаги соя бўлиб турур, шифоли ёмғирлари билан кўк ерни роҳатлантиргани каби, у ҳам сенга марҳаматли бўлур демакдир. Сен унга тўшак бўл! У сенга терак бўлур, сен унга канизак бўл! У сенга қул бўлур, тоқати етмаган нарсалар учун уни эўрлама! Чунки бундай иш аччиққа сабаб бўлур. Ундан йироқ бўлма, ўзингни унумдирасан. Нақадар яқин бўлса, сен ҳам шу қадар яқин бўл! Унинг димогини эски ҳидлардан, қулогини ёмону заҳарли-пичинг сўзлардан сақла, покизаликка одат қил. Сендан ҳар доим ҳұшбўйлик келиб турсин. Сўзингни ширин, юзингни очиқ қил, эринг яхши ва мулойим сўзлардан бошқа нарсани сендан ҳеч эшиштмасин. Эски кийим ва рағбатсиз қиёфа билан эрингни кўзига кўринма. Одатий кўриниш вақтларида эринг сени рағбатсиз равишда кўрмасин.“

Демак, доимий поклик, дид ва фаросат билан кийиниши, меъёрида, андишали пардоз-андоз қилиш, соchlарига бегоналар сочини қўшмаслик, унга бачканга безак бермаслик, тишларини доимо покиза сақлаш, бет ва соchlарини ўринисиз упа ва бўёқлар билан пардоз қиммаслик, эрнинг ихлосини қайтармайдиган ҳолда ҳаёли ва иффатли бўлишлари, ҳар қандай номуссизлик ва ҳаёсизликлардан ўзларини сақлашлари, биринчи наубатда эрларига ёлғон сўзламасликлари улардаги энг катта маънавий бойлик ва гўзал ахлоқни англатади. Ва бундай гўзал зийнатлар эрларнинг қалбига муҳаббат уруғларини сочиб, эр-хотин ўртасидаги ишонч, меҳр-муҳаббат, вафо ва ор-номус барқарорлиги янада мустаҳкамланиб бораеверади.

Ҳақиқат излаган, росттўй, бир-бирларини алдамаган, вайдаларига вафо қилувчи эр-хотинлар оиласида ҳамиша меҳр-муҳаббат, самимийлик, ҳурмат, қувонч, баҳт саодат ва фаровонлик чироқлари порлаб тураверади. Халқ мақолларида „Ҳар бир улкан шахснинг ортида хотин бор“ деганларидек, ҳар бир хотин ўзининг аёллиги билан фаҳрланишга лойикдир. Зоро Аллоҳ таоло ҳам Куръони Каримнинг „Аъроф“ сурасида: „У (Аллоҳ) бир жон (Одам Ато)дан ва унинг ўзидан сукунат топиши учун жуфтлик яратди“, дейди.

Яъни „жуфт“ — хотин, сукунат, осойишталик, ором, латофат, меҳр-муҳаббат рамзидир.

*Хотин содиқ ани севгил азиз эр,  
Хар оғир ишда ҳам доим сени дер.  
Унга дүст бүлгилуни севгил, күнгил бер,  
Унинг сўз баҳридан гавҳарларни тер.*

Модомики, хотин чиройли хулқ-одоб соҳибаси экан, эрлар ҳам шунга яраша бўлмоқлари ва бундай аёлни мукаррам тутмоқлари лозим.

Оиласда эрни подшо, хотинни вазирга қиёсланади. Демак, эрнинг Энг муҳим сифатларидан бири унинг оила бошлиғи эканлигидадир.

Кичик бир давлатни бошқариш қандай белгилардан иборат бўлса, оилани бошқариш масъулияти ҳам ундан кам эмас.

**Эрларнинг хотинлари ва оила олдидаги вазифа ва масъулиятларига:**

— Оиласдий ташвиш ва турли муаммоларни етти ўлчаб бир кесган ҳолда ҳал қилиш, ақл-заковат, адолат билан иш кўриш, мунозараларга усталик билан барҳам бериш;

— Ҳадиси шарифларда „барҷаларингиз ўз қўл остиңгиздаги аҳли аёлингиз хусусида масъудирсизлар“, деган кўрсатмага амал қилиб, эр оила бошлиғи сифатида унинг ҳамма тарафдан баркамол, саодатли, тинч-омон бўлишилгини таъминлаш;

— эр ўзи еган овқатдан хотинига ҳам едирмоғи, ўзи кийим кийгандан, хотинига ҳам кийдирмоғи, юзига урмаслик, ёмон сўз айтмаслик, хотиндан ажralишга тўғри келса, хотиннинг уйидан ўзи чиқиб кетмоғи;

— ҳаром луқмани, бирорнинг ҳақини, пора, ўғирлик билан топилған таомни оиласа яқинлатмаслик, ҳаром ейиш — ҳаром юриш билан тенг эканлигини унутмаслик, қадимдан момоларимизнинг ризқ-рўз толишин учун жўнаб кетаётган эрларига: „Ҳаром қасб қўйманг, Аллоҳдан қўрқинг. Биз очлик-ночорликка чидаймиз, лекин дўзаҳнинг азобига чидай олмаймиз“, деган удумларига риоя қилиш;

— ўз аёли билан ёруғ юз ва очиқ сўзли бўлиш, муросаи-мадора билан яшаш, аёлнинг кўнглини топа-билиш, тотув-иноқликда яшаб, оиласдий ҳаёт эр-хотинлар орасидаги шериклик ҳаёт эканлигини чукур англамоқ;

— кўнгилни кенг тутиш, хотиндан баъзи хатолар ўтганда уни кечириш, ҳатто ажralиш зарурияти туғилганда ҳам ўз хотинининг камчилик ва сирларини бегоналарга айтмаслик. Куръони Каримнинг „Бақара“ сурасидаги „Улар (хотинлар) сизлар учун либосдир, сиз улар учун либосдирсиз“ мазмундаги оятга амал қилиш; (Яъни кийим

кишининг айбини беркитиб турганидек, эр-хотинлар ҳам ҳар қандай шароитда бир-бирларини фош этмасликлари):

— манман бўлмаслик, амали кўтарилиб пули кўпайиб қолганда бегона аёлларнинг макридан эҳтиёт бўлиш, хотинининг кўнглига шубҳа соловчи хатти-ҳаракатни қўлмаслик, имконият даражасида кўчадан уйга ўз вақтида келиш ва бегона жойда тунаб қолмаслик;

— ўз аёлига бўлган муҳаббатини сездириш учун мулойимликда, ҳамфирликда яшаш, хотинининг дардларига қулоқ солиш, кези келганда оиласавий юмушларда кўмаклашиш, муҳаббатнинг рамзи бўлган совғалар тақдим этиб туриш;

— эркак киши ўз аёлининг кўркам, гўзал, саришта ва саранжон бўлишини ёқтирганидек, эрнинг ўзи ҳам хотинига табиатли бўлиб кўринишга ҳаракат қилиши;

— саёҳат, дам олиш, театр, музейларга аёли билан бирга бориш;

— хотинига лутф билан муомала қилиб, уни чиройли исмлар билан чақириб, биргаликда қайнота-қайноналарни кўриб келиш, хотин томоннинг қариндош уруғлари билан яқиндан борди-келди қилиш каби олижаноб фазилатлар киради. Булар табиатан бус-бутун эр-хотинлар сифати, уларни янада бирлаштириб, ўзаро муҳаббатларини яшнатувчи ва оиласи мустаҳкамловчи, инсоний саодатга муяссар этувчи, бўстонга айлантирувчи омиллардир.

Демак, ўз оиласида ана шу масъулиятли вазифаларини бажара олган эр-хотинларгина, давлат ва жамиятдаги барча раҳбарлик поғоналарида ҳам топширилган ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқа оладилар.



## ОИЛА БОҒБОНЛАРИ ҲАҚИДА

Хотинларингиз билан яхшиликда яшанг, агарда уларни ёқтирмасангиз, шоядки сизга ёқмаган нарсангиз ортидан Аллоҳ сизга кўп яхшиликларни раво кўради.

(„Nico“ сураси. 19-оят)

\* \* \*

Мўмин баъда Аллоҳга бўлган имонидан сўнг эришган энг яхши нарса, солиҳа хотин бўлиб, унга қараса ҳурсанд қиласди ва Аллоҳнинг амрини бажарища ёрдам беради.

\* \* \*

Хулқи яхши мўмин имони комил мўминидир. Хотинларига яхши муносабатда бўлганлар, сизларнинг энг яхшиларингиздир.

\* \* \*

Сизларнинг ичингизда энг яхшингиз — аҳли-аёлига яхши бўлтанингиздир. Мен сизнинг ичингизда аҳли-аёлига яхшироғингизман.

„Ҳадис“

\* \* \*

Ривоятларнинг бирида хотини билан ноилож ажрашишга мажбур бўлган эрдан хотинининг айбини сўрашганда:

— „Бирорнинг айбини сўраб нима қиласизлар? Агар мен у билан қайта ярашиб кетсам, ўз хотинимнинг айбини бирорларга фош қилган бўламан, ярашмасам, бегона бир аёлнинг айбини фош қилган бўламан, у ҳам, бу ҳам одабдан эмас“, деган экан.

\* \* \*

Хотиннинг жиҳоди — эрга итоат этмоқдир.

Али ибн Абу Толиб

Хотинларда иффат, поклик энг улуғ жамолдир. Хиёнатга хиёнат қилиш билан қарши турма, балки хоинларни тарк эт.

Абу Аъло ал-Маарий

\* \* \*

Шаҳвати динидан олдин юрган инсон комил бўла олмайди“.

*Абул Ҳасан Сирий*

\* \* \*

Бадхулқ ва беъмани эрга учраган аёлнинг асосий вазифаси шундан иборатки, у бор кучини сарфлаб, эрининг нотўғри йўлдан кетаётганини тушунтириши, унга ваъзу насиҳат қилиши, барча чоратадбирларни қўллагандага ҳам эрининг тузалишига ишонч йўқ бўлгач, ундан кўнгил узиши, қутилиш йўлини қидириши керак“.

*Олимат ал-Баном*

\* \* \*

Дили бузук, ўзгаларнинг покдомон ва иффатли қиз-жувонларига кўз олайтирувчи нолок эркаклар ҳақиқий разил ва ифлос кишилардир.

*Муҳаммад Жавҳар Заминдар*

\* \* \*

Аёл кўп нарсани талаб қилмайди: фақат унинг эри ҳар қандай аёл олдида кучли бўлса-да, ўз аёлининг олдида заиф бўлиши керак.

*Араб ҳикмати*

\* \* \*

Ёмон хотин мисоли гўзал кийинган чаённинг ўзиdir.

*Али ибн Абу Толиб*

\* \* \*

Хотин зоти агар қалбинг улар ишқига гирифтор бўлганини сезса, бурнингни тупроққа ишқайди.

*Абулқосим аз-Замахшарий*

\* \* \*

Хотиннинг нафсоний орзуларига бўйсунган ҳар бир эркакни Аллоҳ жаҳаннам оташига отмай қўймайди.

*Ҳасан Басрий*

\* \* \*

Хотинларда эрнинг ҳаққи кўпроқдир. Эрларда эса оналарнинг ҳаққи кўпроқдир.

“Ҳадис “дан

\* \* \*

Эр билан хотин бир-бирига марҳамату муҳаббат назари билан қараса, бир-бирларига изҳори муҳаббат қилишса, бутун гуноҳлари бармоқ ораларидан тўкилади.

\* \* \*

“Хотинлар кийимини кийиб юрган эрларни ва эрлар кийимини кийиб юрган хотинларни Аллоҳ лаънатласин.“

“Ҳадис“дан

\* \* \*

Хотин талаб қилсанг, хотиннинг молини талаб қилмагил. Ниҳоятда хушрӯй хотин олмағилки, уни маъшуқ тутарлар. Хотин пок, тоза табиат ва покдил бўлсун: ишчан, уй бекаси эрига дўст бўлгай. Ҳаёлиғ, тақвотор, тили қисқа, молни яхши сақлагучи бўлсун. Дебдиларки, яхши хотин эрнинг ва умрнинг роҳати бўлур.

“Қобуснома“дан

\* \* \*

— Янги оила қурган ёшлар кўпинча бир хатога йўл қўядилар. Маълумки тўй арафасида бир-бирларига ёқиш учун улар яхшироқ кийинишга, ҳар қачон батартиб бўлишга, меҳрибонлик кўрсатиш, диққат-эътиборли бўлишга ҳаракат қиладилар. Лекин, тўй бўлиб ўтгач, улар ўзларига унчалик эътибор бермай қўядилар. Муомалаларида илтифотсизлик, кийинишларида бефарқлик, одмилик пайдо бўлади. Келинчаклар аввалгидек пардоз қилмай қўядилар. Натижада, ўзаро қандайдир жайдарилашиш кузатилади. Шунинг учун ҳам ёш келин-кўёвлар ҳар доим „форма“да бўлишлари, имкони борича ўзларининг ижобий томонларини кўрсатишга ҳаракат қилмоқлари лозимки, бу ҳам бўлса, ўзаро ёқимлилик, истараси иссиқликни сақлаб қолиш билан боғлиқдир.

\* \* \*

— Шуни ёдда тутиш керакки, яхши, иноқ оилалар ўз-ўзидан юзага келавермайди. Бундай оила ниҳоятда сабр-тоқат ва ақл-идрок билан бунёд этилади. Ана шунинг учун ҳам бирга яшашига аҳд қилган икки ёш доимо бир-бирларининг феъл-атворларига, дидларига мослашишга ҳаракат қилмоқлари лозим.

Улар кундалик турмушда учраб турадиган майда-чуйда нуқсонлар юзасидан риоягарчилик қилмоқлари керак.

\* \* \*

— Ҳиссиётларнинг сўнишига икки ёшдан бири, яъни бефарқ, лоқайд ва номеҳрибонлиги сабабчи бўлади. Зеро, севги ўз қиёмига етмоғи учун ҳар икки томондан қўллаб турилмоғи даркордир. Шундай қилинмаса, уларнинг бири севиб, бошқаси эса севилишига имкон беради, халос. Хотинга нисбатан паст назар билан қараш, уни фақат ўз хирсини қондириш учун бир манбаа деб билиш, аёл кишини ҳақоратлайди, дилини ўртаб юборади.

\* \* \*

— Эр-хотин ўртасидаги аҳиллик маромини кўп нарсалар белгилаб бера олади: турмуш тарзи, руҳий ва жисмоний жўшқинлик, маданий-маънавий қиёфа, ҳиссиёт бойлиги, ўз ҳис туйғуларини жиловлай билиш, керак вақтда, ҳатто беихтиёрий ҳатти-ҳаракатларни тўхтата оладиган иродা.

\* \* \*

— Эр-хотин доимо бир-бирларини юқори ҳиссиёт даражасида, кўттаринки руҳда, яхши кайфиятда бўлиш учун қўллашлари, доимий бирга қуиниши, бирга қайгуриш, бирга севинишлари керак. Бу оддий инсоний эҳтиёжлардан кўра зарурроқдир. Бу эҳтиёж қондирилмагунча, тўла муваффақият, яъни оиласвий баҳтга сазовор бўлинмайди.

\* \* \*

— Аёл киши ўзининг нозик ва нафис туйғулари, зийраклиги, нафосатни туйиши, табиатан муомаласи, ҳаётдаги майда-чуйдаларга ҳам гўзаллик баҳш эта олиши билан фахрланса арзиди. Аёл ўзидағи ана шу сифатларни оиласи мустаҳкамлаш учун ҳизмат қилдирмоғи керак.

\* \* \*

— Эр ҳам ўз наебатида аёлнинг ўзига хос эҳтиёжларини унутмаслиги, имкони борича уни баҳтли қилишга интилиши лозим. Умуман, эр-хотин ўртасидаги ўзаро хурмат ва иззат доимо устунлик қилиши зарур. Бу уларнинг жинсий ҳаётларига ҳам бирмунча ижобий таъсир кўрсатади.

\* \* \*

Эр-хотин тотувлиги ва ўрталаридаги хурмат, хушмуомалалик ота-онадан фарзандларга ҳам ўтиши табиий бир ҳолдир.

Улар ўртасидаги муҳаббат туйғуси, бир-бирларига кўмаклашиш истаги, қувонч бахшида этиш, диққат-эътиборли бўлиш, қайгуриш, соғдилиллик оила бахтининг таянчиdir. Оилавий муносабатлар кучи ва мустаҳкамлиги эрнинг ҳам, аёлнинг ҳам руҳий етуклиги, уларнинг ахлоқий-маънавий тарбиясига боғлиқdir.

*“Хикмат” китобидан*

\* \* \*

Ҳар жойда бошлиқ бор. Маҳаллада оқсоқол, корхонада раҳбар, туман шаҳарда — ҳоким, оиласда эса — эр раҳбардир. Бу илоҳий қонун. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло „Нисо“ сурасида „Эркак хотинларга раҳбардир“, деб эркакни оиласга раҳбар қилиб тайинлаган. Ҳамма жойда ҳам бошлаққа итоат этиш вожиб. Акс ҳолда низом бузилиб, жанжал чиқади.

*„Ислом одоби ва ахлоқи“ китобидан*

\* \* \*

Муҳаммад Юсуф

## ЎЗБЕКНИНГ АЁЛЛАРИ

Ухламайди тунлари,  
Ой нурлари тараалган.  
Ўзбекнинг хотинлари  
Фарзанд учун яралган.

Йилдан узун кунлари,  
Ким кўнглини сўролган.  
Ўзбекнинг хотинлари  
Меҳнат учун яралган.

Қирқ йил қирғин бўлса ҳам,  
Ўз аҳдида туролган.  
Ўзбекнинг хотинлари  
Тоқат учун яралган.

Ёт олдидан сал нари  
Қачон кокил ўролган.  
Ўзбекнинг хотинлари,  
Иффат учун яралган.

Ўзбекнинг аёллари,  
Ўзбекнинг хотинлари,  
Сувдан ҳалол,  
Гулдан пок,  
Қўллари олтинлари,  
Қай томонга бурса юз,  
Йўллари олтинлари –  
Иzzат учун яралган.

## САОДАТИНГ – ҚАЙНОНАНГ УЙИДА

— „Икки томонлама яхши тарбия кўрган одамлардан ўшғилган оиласларда келин-қайнона низолари бош кўттармас.

Бир тақим тарбиясизларнинг ярамас ишларига эргашмангиз, қайнисингилларингизни ўз сингилларингиз, қайноналарингизни ўз онангиз каби суюнгиз, уларга тамом ҳурмату риоятда бўлиб ҳайри дуоларини олингиз.“

Фаҳр ул Бонот

Агарда ҳаммаям донишмандларнинг мағзи ширин ва фойдали насиҳат ва ўгитларига амал қилганларида эди, ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлаб, унга жило берадиган ва келажак наслларнинг янада комил бўлиб етишишида раҳнамолик қилувчи оиласлардаги меҳр-муҳаббат, вафо, ор-номус ва аҳиллик барқарорлиги янайм равнақ топган бўларди.

Оиласларни файзу баракат, уни эзгулик нури билан мунаввар этиб туриш, фарзандлар тарбияси, қудалар муносабатидаги ҳамжиҳатлик кўп жиҳатдан қайнона-келинлар аҳиллигига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.

— Шу нарса жуда таажжублики, ўзи билан куёвнинг уйига меҳр-муҳаббат, ҳурмат, қадр-қиммат, эзгу ният, вафо ва садоқатни эргаштириб, туғилиб ўсган хонадони, ота-она ва туғишганларнинг иссиқ бағридан чиқиб, бегона хонадонга файз киритиб, уйларини сеплари билан безаган, икки қўлини кўксига қўйиб етмиш ёшдан бешикдагигача таъзим қилиб сизлаб гапирадиган, қайнота-қайноналарни ўзининг ота-оналаридан ҳам улуф кўриб, тиним нима эканлигини билмай оила аъзоларининг, айниқса қайнота, қайнона ва куёвнинг дилидаги мақсадлари, дид, қизиқиши ва дардларини эътиборга олиб, кир ювиш, ҳовли супириш, дазмол қилиш, турли-туман таомлар тайёрлашда сидқидилдан хизмат ва марҳаматлар кўрсатиб, уларнинг меҳрини қозонишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилаётган келин оиласда фақат битта одамга, у ҳам бўлса қайнонага ёқмайди.

Тонг саҳарда ҳаммадан бурун уйғониб, кўча, ҳовли супурса, чой тайёрлаб, оила аъзоларининг ҳар бирига ўзини унугтган ҳолда чой узатса, саломини канда қилмаса, ким нима деса „лаббай“, „хўп бўлади“, „кечирасиз“, „ҳозир-ҳозир“, деб қуллиқ қилиб турса ҳам келин ёмон. Айниқса, эр билан қайнонанинг зулми бирлашиб ҳужум қилса, ҳар қандай келинни ҳаётдан тўйғизиб юборади.

Табиийки, чеки йўқ ҳасрат-надомат остида яшаб, дили хун бўлган келиннинг албатта оиласидан бора-бора холисона, самимий меҳр-муҳабbat йўқолиб боради.

Инсоф билан айтганда келин эндиғина ҳаётга кириб келаётган 18–19 ёшли жон бамисоли ота-онаси бағрида эндиғина гунча бўлиб етилган гул. Ана шу гул илдиз-пилдизи билан мутлақо бегона муҳитга кўчириб ўтқазилади. Бу фунчанинг эндиликда илдиз отиб, гул бўлиб очилиши ва мева бўлиб етилиши қиз келин бўлиб тушган хонадоннинг соҳибларига боғлиқ.

Севимли ёзувчи ва шоирамиз Турсуной Содиқова шундай дейди:

— Бироннинг қизини келинликка олиб кетаркансиз, билингки, ота-онанинг йигирма йиллик ижодини, шунча йилги умрини олиб кетаяпсиз, уларнинг орзу-умидларини, фарзандига ўтиб қолган жон томирини олиб кетаяпсиз. Вояга етгунча улар қизига қўшлашиб хизматкор бўлди. Қизнинг ўзи энди хизматга яраб қолганда, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўлдингиз ва бироннинг ажал билан олишиб тукқан боласини қайтиб бермасликка, умрбодга олиб кетяпсиз. У ҳам етмаганидек, қиз бола келин бўлиб бораётган хонадонга ота-оналари томонидан юклатилган тоғдек масъулият ва вазифа билан жўнатилади.

*Келинчакнинг харир экан оқ рўмоли,  
Тўлин ойдай жилваланаар гул жамоли.  
Ҳазиллашиб рўмолини аста тортманг,  
Келин бўлган билар келин аҳволини.*

Қайнона-чи? Аввало, у она, кўпни кўрган, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, уй ишларини идора қилувчиларнинг каттаси ҳисобланади. У куёвнинг онаси бўлганлиги учун ҳам келин томонидан ҳурмат қилишга лойиқ мўътабар зот.

Қайнона келиннинг онаси ўргатмаганларни — *бала боқиши, мустақил рўзгор бошқариш, меҳмон кутиши* каби оиланинг мураккаб ишларига ўргатувчи мураббий, яъни иккинчи она ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда „қайнонали келин қарқара келин, қайнонасиз келин

*масхара келин*“ деб, жуда түгри айтилган. Келинлар қайнона туфайли улдабурон, чевар, моҳир пазанда бўладилар, бола боқиши ва овқатлантиришга ўрганадилар. Қайнона борки келинлар ясаниб-тусаниб тўй, маросим, ўқиш ва ишларига борадилар. Ясаниб-тусаниб, қарқара бўлиб, эрлари билан театр, музей ва концертларга борадилар. Акс ҳолда эса масхара бўлиб қоладилар.

Қайноналар борки, келинларини ўз қизларидек, куёвларини эса ўз ўғилларидек кўрадилар. Ва шундай келинлар борки, узоқдаги онасидан яқиндаги қайнонасини азиз кўради.

Қайноналар катта орзу-умид билан куёв хонадонига таъзим ила бош эгиб келган кelinga ота-оналик меҳрини инъом этиб, оила бошқаришнинг сир-синоатларини ўргатади. Ўғли ва келинига саодат ёр бўлишини истаган қайноналар келин-куёвлар уришиб қолган тақдирда, ўғлини эмас, келиннинг ёнини оладилар ва ҳар қандай шароитда бегоналарга келиннинг камчиликлари ҳақида гапирмайдилар. Аксинча, ўғилни кelinga ва келинни ўғилга мақтаб, бағри-кенглик, кечиримлилик билан оила аъзосига айланган кelinga меҳр кўйиб, хотиржамлик, аҳиллик ва роҳат-фарогатда умр кечиришнинг заминини мустаҳкамлаб борадилар.

Зангиота туманидаги „Алишер Навоий“ номидаги маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси Тоҳира Тошметова ёш қайнона-келинлар муносабатига бағишиланган машғулотда шундай дейди:

— „Келин олиш осон, лекин қайнона бўлиши қийин. Қайнона бўлдингизми, одил бўлиш керак, акс ҳолда уйда ҳар куни қиёмат бўлади. Қайси хонадонда қайнона адолатли бўлиб, келинни ўз қизидек ардоқласа ва келин ҳам қайнонасини ўз онасидек азизлаб иззат ва итоатда бўлсалар, албатта уларнинг барча орзу-умидлари рӯёбга чиқиб, тинчлик ва фарогатда ҳаёт кечирадилар.

Қайноналар келинни яна шунинг учун ҳурмат қилишилари керакки, келиннинг фарзандлари қайнона авлодининг давомчисидир. Қизининг фарзандлари эса ўзга авлодники ҳисобланади.

Келинларимиз ҳам очиқ бир ҳақиқатни эсдан чиқармасликлари керак. Қалбида ором, ишида самара, оиласвий ҳаётидага ҳузур-ҳаловат бўлишини истаган келин ўз баҳтини оқ сут бериб боққан онасининг уйидан эмас, ҳатто ёмон бўлса ҳам фақат қайнона ва эрнинг уйидан топади. Ҳар қандай шароитда ҳам эзгу ниятлар билан ноҳуш ҳаёлларни ҳайдаб, қалбни тиниқлаштириб, оиласвий баҳтини фақат никоҳ кўргонидан қидириш етти авлодини баҳтли қиладиган энг олийжсаноб келинлар фазилатидир“.

Қайнона-келиннинг оиласда тутган мавқеларидан келиб чиқиб, уларнинг бирини оила боғининг қуёши, иккинчиларини эса оиласнинг гулига қиёслаш муболага бўлмайди. Лекин ана шу қуёш билан гул ўртасидаги давом этиб келаётган азалий зиддиятлар, шулар заминида содир бўладиган оиласий ажримлар ва улар ҳақида тўқилган мақол ва ривоятлар кишини ҳайратга солади.

“Қайнона – фамхона“, „Қайфум йўқ – қайнонам қайфу“, „Қора товуқ қақи́ллайди, оқ товуқ шақи́ллайди“, „Қизига жони ачиған – келинини қарғайди“, „Қарға келса қарамадим, загизон келса санамадим, қўлдан келганини аямадим, ҳеч қайнонамга ярамадим“, „Қиз чоғим – султон, келин чоғим – ултон“ (таг чарм), „Келинлик – Бедилхонликдан қийин“ ва ҳ.к.

*“Жаннатда бир таҳт яратилган эмиш, у яхши қайноналарга аталган эмиш. Аммо, у ҳанузгача бўш эмиш“, деган ривоятлар ҳам бор.*

Аммо ҳаётда жуда кўплаб жаннати қайноналар борлигидан ҳам фаҳрланамиз.

Қайнона-келинлар можаросининг жиҳатлари кўп. Бош сабаби, ҳар иккала тоифани оиласнинг сон-саноқсиз, асабларни чарчатадиган, ҳар куни ҳар соатда такрорланаверадиган юмушларни бажариш жараёнидаги тўқнашувдан, „катта хоним“ билан „кичик хоним“, тажрибали, табиати нозик, талабчан қайнона билан, ҳали ёш, тажрибасиз, айрим ҳолларда бетга-чопар келинлар ўртасидаги зиддиятдан бўлса керак.

Қолаверса, келинлик вақтида кўнгли тўлмаган, қайнонанинг зуғумидан эзилган, вақтида қизининг баҳти очилмаган, ёки эридан ёш бева қолган айрим ҳасадгўй қайнона билан баҳти келинлар ўртасида ҳам тез-тез можаролар содир бўлиб туради.

Ҳаётда ҳали келин олмасданоқ, бўлғуси келинга қандай зуғум ўтказиши кераклигини кўрсатиб қўймоқчи бўлган қайноналар, ҳали келин бўлмасданоқ қайнона билан қандай ташлашиш кераклигини режалаштириб қўйган қизлар ҳам йўқ эмас.

Ниҳоят эзгу ниятили, бўлажак келиним ақдли, ҳушли, ҳаёли ва иффатли бўлиб, ўғлим билан аҳил яшаса, яхши набираларнинг тўйларини кўрсам деган жаннати қайноналар ҳам кўп.

Маълумки, кўпинча инсонларнинг насибаси ниятига яраша бўлади. „Яхши ният қиласанг яхшиликка, ёмон ният қиласанг ёмонликка дучор бўласан“, деган нақдлар жуда тўғри айтилган.

Ёш келин Шакархоннинг қайнонаси жуда кажбаҳт чиқиб қолди. У олдинги келинларига ҳам кун бермасди. Лекин Шакархон

янгасининг насиҳатларини қулоқقا олиб, қайнонани ўзига меҳрибон онасиdek қаратиб олишга аҳд қилди. Қайнона оқни қора деса, „*ҳа ойижон, жудаям қорайкан*“, деди. Ҳамма хўрлик ва ҳақоратларга чидади. Жеркиш ва камситишларга табассум билан жавоб қилиб, „*Хўб бўлади, ойижон*“, „*Кечирасиз, билмай қолибман*“, „*Вой каллам қурсин, ақлим етмабди*“, деб қайнонанинг у бетидан, бу бетидан ўпид, қаноат ва сабр лаззати билан қайнонани ўзига энг меҳрибон онага айлантириб, оиласда мустаҳкам илдиз отишга сазовор бўлди.

— Кажира-чи? Келин саломнинг ўзидаёқ, ҳовли тўла одамларни кўриб, гагни янгасига: „*Вой қоранг ўчгурлар-эй, намунча кўп?! Шунча одам ичидা қандай кун кўраман-а!*“ Йўқ, булар мени еб ташлашади“, — дейишдан бошлади. Фақат қайнатасига салом берди-ю, кеккайганича калласини бир силтаб кўйди-да, бирорта насиҳат, яхши гап таъсир қилмади. Бирор дард деса — бало деб, арзимаган гапларга кўчага чиқиб кетиши, уйига кетиб қолиш одатларини чиқара бошлади. Кажиранинг онаси ҳам қудаларига „*Мен қизимнинг қўлни совуқ сувга урдирмаганман, энди келиб сизларнинг ахлатингизни тозалайдими?*“ Йўқ, мен буни сизларга чўри қилиб бермаганман ўғлизга қайлиқ, уйингизга бека қилиб берганман“ каби ноўрин дўқлар билан қизини етаклаб уйига олиб кетаверди...

Оиласдаги келишмовчиликларнинг барчасига Кажиранинг ўзи сабабчи бўлди. Агарда қусурлари учун ўзини койиб, хатоларини тузатганда эди ва онаси уни ёнини олмагандан мол-мулқлари билан онасининг уйига қайтиб келмаган бўларди. Ўзи ва оиласи учун иқболли муҳитни яратаман деган келин итоатли, идрокли, шарм-ҳаёли, фаросатли ва андишалик бўлади. Бундан маҳрум бўлганлар эса, умрбод бебаҳт яшашга маҳкумдирлар.

*Келин баҳти – келиннинг ўз қўлида,  
Чаман бор қўлмоқ ҳам юрган йўлида.  
Меҳр қўйган уйига баҳти ёрдир.  
Меҳрда ром этувчи жоду бордир.*

Занги ота туманидаги Ҳалима Баҳромова, Муборак Маннопова, Гулнора Жамолова, Тоҳира Тошметова, Маърифат Дадаева, Норбуви Абдуғофурова, Ҳанифа Этамбердиева, Жамила Файзиева, Жамила Тилланазарова, Омина Каримова, Раҳима Самигова, Мавжуда Хайтметова каби қайноналар оиласвий меҳрни ҳаёт лаззати, оиласнинг қуввати ва жони, ҳаёт рангларига жило берувчи дилларнинг гулшани деб биладилар.

Улар ўз келинларини навниҳол, янги оиласининг гули, безаги, ҳаётларининг файзи ва кўрки деб биладилар.

Шаҳодат ая фақат Жамоловлар оиласинигина эмас, Юнусободдаги „Отчопар“ маҳалласининг ҳам ҳурматга сазовор бўлган қайноналардан эди. Уч ўғил ва тўрт нафар қизларини вояга етказган бу жаннати онанинг:

— Ўғилларимизнинг ёстиқдоши бўлмиши келинларни олқишиланг.  
Үйимизнинг юмуши деб ҳар куни уларнинг ўзидан олдин уйғонади. Ҳатто қизларимизга буюргаган оғир юмушларни келинларга юклаймиз.  
Келинларни ўз фарзандимиздек асройлик. Чунки улар ўғилларимизнинг умр йўлдоши ва невараларимизнинг онасидир. Эшикдан келин келди,  
тешикдан давлат, келин кирган уйга нур киради, „Келинойнг кейинги ойинг“, деганлар донишманлар. Қолаверса, келин қайнонанинг маъновий қизи, қайнона эса, унинг иккинчи онаси. Шунинг учун қайнона келинлар бир-бирлари билан меҳр-оқибатли бўлмоқлари лозим. Ҳаётда меҳрдан улуғ нарса йўқ. У қалб чамани қулфини очадиган ноёб олтин калит.  
Меҳр — барча самимий муҳаббат ва эзгуликларни яратувчисидир.  
Меҳрибон, оёқ-қўли чаққон келинларимиз борлигига шукур қишлоғимиз лозим,

*Келин тушган ҳовлининг  
Кексалари „шукур“ дер.  
Қолганиари қавмининг  
Сўрар шундай келин бер,*

каби доно ўгитлари Музаффар хожи Жамоловлар авлодидаги барча қайнона ва келинлар учун унугтилмас маънавий мерос бўлиб қолган.

Дарҳақиқат, бир-бирлари билан меҳр-муҳаббатда бўлган оиласани ҳеч қачон баҳт-иқбол тарқ этмайди.

Бу хонадонда Шаҳодат аядан кейинги Насиба ва Гулнора, Барнохон, Дилдора, Дилноза каби қайнона-келинлар ўртасида экилган меҳр ниҳоллари Жамоловлар оиласини муҳаббат мевалари билан барҳаманд этиб келмоқда.



## КЕЛИННИ – ҚИЗ БИЛ, КУЁВНИ ЎФИЛ

\* \* \*

„Мұхтарама она, шуни яхши билиб қўйингки, узатганингизгача қиз сизники, қанча ўргатсангиз ҳақли эдингиз, узатганингиздан кейин у энди сизнинг мактабингизни битириб бўлди, қўлингиздан чиқди. Энди унинг устози – турмуш ўртоғи ва қайнота-қайнонасиdir“.

*„Ислом одоби ва ахлоқи“ китобидан*

\* \* \*

Келин келса узоқдан,  
Арба-арба ош келар.  
Келин келса яқиндан,  
Арба-арба сўз келар.

\* \* \*

Келининг битта бўлса, ўтириб ейсан,  
Иккита бўлса, туриб ейсан,  
Учта бўлса, юриб ейсан,  
Тўртга бўлса йўргалаб ейсан.

\* \* \*

Келининг қаерлик бўлса,  
Мехмонинг шу ерлик.

\* \* \*

Келининг яхши бўлса, ўғлингдан кўр,  
Ўғлинг ёмон бўлса, келинингдан кўр.

\* \* \*

Мўмин келиннинг супургиси ҳашак остида туради.

\* \* \*

Келин – қайнона супургиси.

\* \* \*

Күёвим яхши – қизимнинг айтганини қилади,  
Үғлим ёмон келинимнинг айтганини қилади.

\* \* \*

Келин бўлдим – қайнонамга ёқмадим,  
Қайнона бўлдим – келинимга ёқмадим.

*Халқ мақоллари.*

\* \* \*

— Келинни ўғлингизга ёмонламанг, сочингизнинг оқи билан  
сиз чора тополмайсизу, фўр йигит нима қила олади?

\* \* \*

Аёлнинг яхши-ёмонлиги келин олганда маълум бўлади.

\* \* \*

Ўғлингизни келинга мақтанг, уни эшитиб ўғлингиз сиздан бир  
қадар севинса, иккинчи томондан, жуфтининг олдида боши баланд  
бўлади.

\* \* \*

Келиннинг ота-онаси ҳақида, умуман, келинлар ва уларнинг  
ота-оналари ҳақида салбий гапларни келинга эшитдириб айтманг,  
сиз билан уни боғлаб турган нозик ип узилади.

\* \* \*

Ака-укалар орасидан оқибат қочса, келинларни жазоланг.

\* \* \*

Овсинларнинг тили бир бўлса, эрларининг дили бир бўлади.

\* \* \*

Гап қайтармаган келин – болангдан азиз.

\* \* \*

Келининг ёмон бўлса, ўғилсиз қоласан.

\* \* \*

Келиннинг савол берадигани эмас, тинглайдигани — яхшиси!

\* \* \*

Келин ойим, яхши келин аталай десангиз, жуфтингизга ортда  
қолган онасини тез-тез эслатиб туринг...

*Турсуной Содикова*

\* \* \*

Қошинг қора, белинг нозик,  
Үнг қўлингда тилла узук.  
Файратингни бугун кўрдик,  
Таъзим қилиб турган келин.

*Бердақ*

\* \* \*

Яхши бўлса меҳрга ҳар дам хумор айлар келин,  
Гар ёмондир сирларинг ковлаб тумор айлар келин.

*Жамолиддин Саримсоқов*

\* \* \*

Уфқлардан қўш сурнайнинг куйи сезилди,  
Кизнинг қалби куз гулидек сўлди, эзилди.  
Уфқлардан боқар эди сўлғун бир лола,  
Киз қалбida титратар эди синиқ бир нола.

*Ойбек*

\* \* \*

Чақноқ кўзларига ойни беркитган,  
Оқ шоҳи либосда масрур келинчак.  
Қизлик дунёсини бу кун тарқ этган,  
Йигитнинг умрида очилган чечак.

*Абдулла Матёқубов*

\* \* \*

Келинчагим, кулиб-кулиб кетдингизми,  
Юрагимни тилиб-тилиб, кетдингизми.

Ёлғизлиқда нелар бўлсам бўлдим-ку мен,  
Сиз муродга етдингизми, етдингизми?...

*Муҳаммад Юсуф*

\* \* \*

Кипригимдан узилган кўз ёшимас, ҳаяжон,  
Юзимга қиё боқманг, тошар ҳаё, аяжон.  
О, ҳаяжон, ҳаяжон, тилимга бермас қалом,  
Икки қўлим кўксимда, ҳаммага келин салом,  
Ҳаммага келин салом!

*Гулчехра Жўраева*

## КҮНГИЛ МЕВАЛАРИ

Фарзанд эрүр давлат бошига ниҳол,  
Ундан кулиб боқар баҳт ила иқбол.  
Қолдирса агар у яхши деган ном,  
Эл ичра обрўиши ошар батамом.

Бархурдор ибни Маҳмуд

Конуний никоҳ асосидаги *үйланиш* табиий покликни англатиб, эр-хотинларда ўзларидан кейин зурриёт қолдириш туйфуси ййғонади. Фарзанд кўриш эр-хотинлар учун никоҳдан кейинги инсонга олам-олам ҳузур-ҳаловат баҳш этувчи ҳодисадир. Фарзанд Аллоҳ ҳадя эттан буюк неъматдир. У икки рафиқнинг бирга қўшилувидан дунёга келган, эр билан хотин ўртасидаги муҳаббатнинг жонли маҳсали. Фарзанд тану-гавда жиҳатдан жуда кичкина бўлгани билан, маъно, қиймати, фазилати жиҳатидан жуда улуф неъмат. Фарзандлар ота оналарнинг энг зўр кўнгил юпанчи ва оиланинг зийнати. Фарзанд — оиланинг гули, оила умрининг давомчиси, оиланинг чироғи, ота-онанинг савлати, давлатнинг боши, белнинг қуввати, уйнинг дили, ўғил бўлса, уйнинг булбули, қиз бўлса, уйнинг гули, бири қанотли от бўлса, иккинчиси қанотли қушдир. Ўғилли уй *фариштали*, қизли уй *сариштали* бўлади. „Кизи борнинг баҳти бор, ўғели борнинг таҳти бор“, „Кизли уй бўстон, ўғилли уй даврон“, „Кўй-қўзичоғи билан чиройли, хотин чақалоги билан“, деган доно нақллар ҳам бежиз айтилмаган.

Пайғамбаримиз Расулуллоҳ бу ҳақда шундай деганлар: „*Үйланнинглар, фарзандли бўлинглар, мен, албатта болалар туфайли қиёмат куни сизлардан хурсанд бўламан, бордию бола чала тушиб кетган бўлса ҳам*“.

Демак, инсониятнинг доимий барҳаётлиги, ҳаётнинг қувончи, шодлик ва баҳти аввало фарзандларнинг дунёга келишида экан.

Лекин соғлом, ақлан ва руҳан тетик, жисмонан бақувват фарзандларнинг туғилишида эр ва хотин ўртасидаги нозик муомала, жинсий суҳбат маданияти жуда муҳим аҳамият касб этади. Қадимги ҳаким ва табибларнинг фикрича, жинсий муомала учун баҳор ва куздан кўра яхшироқ ва созроқ вақт йўқ.

Чунки баҳор фаслида ҳаво мұйытадил ва мулойим, руҳ яхши ҳолатда, қон күп бўлади. Ёзинг иссиқ ва қишининг совуқ кунларида жинсий сұхбатдан қочмоқ лозим. Чунки бу вақтда қилинган сұхбатдан руҳга зарар ва нуқсон юзланади.

Жинсий сұхбатнинг қайси кунлари саъд (баҳтли) ва қайси кунлари нахс (баҳтсиз) эканлигини қуйидаги жадвалдан билиш мумкин:

### Висол сұхбати учун саъд ва нахс вақтлар ҳамда бошқа фойдалар ҳақида

T/p	Кунлар	Саъд ёки нахс	Сұхбат құлса нима бўлади?	Фарзанд бўлса нима бўлади?	Нега бундай бўлади?
1.	Якшанба	Нахс (ёмон)	Иситма пайдо бўлади	Ёлғончи, кўпол ва она безори бўлади	Куёш порлоқ бўлган кун
2.	Душанба	Саъд (яхши)	Тан дуруст бўлади	Хусн ва камолот эгаси бўлади	Ой порлоқ бўлган кун
3.	Сешанба	Нахс (ёмон)	Буйраги заиф бўлади	Ўғри ва қароқчи бўлади	Миррих подшоҳ бўлган кун
4.	Чоршанба	Нахс (ёмон)	Тутқаноқ касали бўлади	Хунаса бўлади	Аторуд подшоҳ бўлган кун
5.	Пайшанба	Саъд (яхши)	Тан дуруст бўлади	Оқил ва улуғ мартабали бўлади	Муштарий подшоҳ бўлган кун
6.	Жума	Саъд (яхши)	Тан дуруст бўлади	Олим ва парҳезгар бўлади	Зуҳро подшоҳ бўлган кун
7.	Шанба	Нахс (ёмон)	Беморлик пайдо бўлади	Фосиқ ва золим бўлади	Зуҳал подшоҳ бўлган кун

Бинобари, эр била хотин ўртасида нозик муомала, покиза ва ҳалоллик, ҳайрли кунлардаги висол сұхбатлари хусн ва камолот эгаси бўлган оқил ва парҳезгар, улуғ мартабали фарзандларни ҳадя этади. Бу демак, инсоният оламига янги бир вужуд қўшиш, улуғ ва зўр шарафли ишдир. Лекин ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаб, фарзанд кўришни, кўп болалик бўлишни ёқтирамайдиган айрим аёлларнинг

ноқобил хатти-ҳаракатлари ўринли нафратларга лойиқдир. Бағритош оналарнинг ҳомилаларини олдириб ташлашлари, шаърийсиз бола туширишлари Аллоҳ ва қонун олдида жавоб бериш ва азобга лойиқ бўлган қотиллиқдан бошқа нарса эмас. Фарзанди кўп бўлганларниниг эса ризқи ҳам кўп бўлади. Улар қанча яхши асралса, оила ризқи ортиб бориб, ҳаёт ҳам кўркам ва барокатли бўлиб бораверади.

Қадриятларимиз асоси бўлган аждодларимиз маънавий меросларида таъкидлаганидек, янги туғилган чақалоқнинг энг аввал эшигтан товуши Аллоҳ таолонинг исми бўлиши лозим. Яъни қулогига азон айтиб, еттинчи куни сочи олинади ва яхши, таъсирили исм қўйилади. Исмни мўътабар чол-кампирлар, олим, етук имомлар қўйишган. Ва яна шу еттинчи кунда ўғил бола учун икки, қиз бола учун бир қўй қурбон қилинган. Буни „ақиқа қурбони“ деб аталган. Бу қурбонликнинг бугун қисми кекса боболарга, қолгани фақирларга тарқатилган. Ақиқа қурбони боланинг саломат бўлиши учун деб тушунилган. Жоиз бўлса шуни таъкидламоқ, керакки, тарихий манбаларининг бирортасида ҳам ҳозиргидек дабдабали, яъни 300–400 кишиларнинг иштирокида бўлиб ўтаётган „ақиқа“лар ҳақида маълумот учрамайди. Барча қурбонликлар оиласвий тарзда нишонлаб келинган. Хусусан, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг оталари шундай деганлар:

“Ақиқа вақтида сени шайх Шамсуддинининг ҳузурига олиб бордим. Мен шайхнинг олдига кирганимда у Куръони Каримни ўқиб ўтирган бўлиб, оятда „Тамуру“ сўзи бўлганилиги учун биз сенга Темур исмини бердик”.

Ҳозирги вақтда ота-оналар ўз фарзандлари учун ўзларига ёқадиган исм танлашларида Э. А. Бегматовнинг „**14.600 исмлар изоҳи**“дан иборат бўлган „Ўзбек исмлари“ номли китоби ниҳоятда катта кўлланма вазифасини ўтаб келмоқда. Лекин шунда ҳам диний-маърифий соҳаларнинг етук мутафаккирлари билан маслаҳатлашиб исм қўйиш мақсаддага лойиқдир.

Янги туғилган фарзандларнинг тарбияси билан ўз вақтида шуғулланиш, уларни гўзал тарбияламоқ, яхши хулқларга ўргатмоқ, кўркам одат ва фазилатларни сингдириб бормоқ ота-онанинг энг шарафли бурчларидан ҳисобланади. Зоро, ҳаётда баҳтли яшаш йўлини кўрсатувчи, умр йўлини ёритувчи нурли қуёш фақат тўғри тарбиядир. Экинлар сув билан гуллаганидек, фарзанд ҳам фақат тарбия билан камолатга эришади. Лекин у гўдакликдан бошланмаса, ҳам ақлий, ҳам ахлоқий фазилатларига талаб даражасида эътибор берилмаса

ижобий самара бермайди. Тарбия билан фарзандни ҳам олтин, ҳам тупроқ қилиш мүмкін экан.

“Хикматлар қазинаси“ да шундай дейилади:

— *Халқымиз, гұдак беш ёшгача худди подшоқдек ўсмоғы лозим. Шу сабабдан, фарзандингизнің бу давридаги айтган барча безарар ҳоқиши ва истакларини мұхәйе этишга қаракат қилинг, шундагина сизнің боланғыз барқамол, хушхулқ өзінен бүлиб үлғаяди. Мабодо айтғанларини бажо қылмай, асабини бұлар-бұлmasға бузаверсанғыз, унда фарзандингиз бадхұлқ өзінен бүлиб вояға етади.*

Тарбия жараёнида, айниқса, ота ва оналарнің меҳрибон бўлмоқлари, фарзандларинің кўнглини топа билишлари ниҳоятда улуғлик саналади. Чунки, ота ва онаның фарзандларига бўлған мұхаббати минг *Мажнун ва Лайли* мұхаббатидан зиёддир, — дейди донишмандлар.

Айниқса, ўз ақл-заковатларини фарзандларинің онгига сингдиришга эришолган ота-оналар албатта маънавиятли, комил ёшларни вояға етказишнинг улласидан чиқа оладилар.

Мурғак қалбларга лағча ўт солтан, оқ сути билан фарзанд бағрини софликка қондирған, вақти, баҳти, ҳатто энг зиқ имкониятларини ҳам аямаган ва ҳаёт тизгинини фарзандлари қўлига тутқазған она шундай дейди:

*Менинг бойлигим йўқ сизлардан бўлак,  
Сизларга атадим умрим мазмунин.  
Сизлар деб талпинди юрак ҳам билак,  
Сизлар деб кундузга айланди туним.*

Ота-она ва устоzlарнің ёшлар тарбиясига бўлған ғамхўрлик-ларининг энг мұхим жиҳатлари — улар қалбининг фаросат ва камолот нури билан безатишидир.

Фарзандларга оқ сут беришдан бошланадиган оиласвий тарбия миллий қадрият ва анъаналар асосида ташкил қилинган, болалар албатта ота-она ва жамоатчилик дидларига мос мукаммал тарбияли инсон бўлиб шаклланиши мүмкін.

Ҳам ақлий, ҳам ахлоқий эътиқодни ўзида мужассамлаштирган тарбия шахс ва инсониятнің најжот бешиги бўла олади. У жуда мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, худди денгиздан дур-маржон чиқарипшига мұяссар бўлиш билан баробар.

Қалбларга фақат яхши хулқ ва гўзал фазилатларни, ақл-фаросат билан, билим ва одобни сингдириш, баҳт-саодатта элтувчи

йўлларни кўрсатиш мақсадли тарбиянинг бош шиорлари бўлиб ҳисобланади.

Мутахассисларнинг хуносаларига кўра, инсонлардаги 60—70 фоиз ижобий ёки салбий хулқ-авторлар болада етти-саккиз, яъни мактаб ёшигача шаклланади. Демак, тарбиянинг бош мактаби оила бўлиб, бу борада оила боғбонлари — ота-оналарнинг масъулияти ниҳоятда улуғ. Садоқатли, меҳр-оқибатли, ҳалол ва меҳнатсевар, талабчан, қатъиятли ва иродали ота-оналаргина бундай шарафга муюссар бўла оладилар.

Ҳаётда одобли фарзанд ва комил инсондан азиз ва яхши баҳт бўлмаса керак. Ҳар қандай одам ўзининг истаги ва лаёқатидан келиб чиқиб турли қасб эгаси бўлиши табиий. Лекин комил инсон бўлиш оддий қасб танлаш эмас, у мураккаб ва гўзал тимсол. Бунинг учун фарзандларнинг покиза қалбига инсоний туйғуларни йўлловчи куйидаги омил ва мезонларга зътибор бериш ва амал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

\* Болаликдан биринчи бўлиб салом беришга ўргатиш ва салом беришнинг *суннат*, алик олишнинг *вожиб* эканлигини тушунтириш. Зоро, салом-алик — бир лаҳзада қалбларни очувчи *олтин қалит* бўлиб, унинг оҳангি эса инсон дилининг ёрқин ёки тундлигини акс эттирувчи ойнадир.

\* Уйқудан барвақт туришга одатланиш, ўрин-кўрпаларни ўзи йиғиширишга ўргатиш, эрталабки нонуштага қадар жисмоний тарбия билан шугулланиш ва ўтган кунги дарсларини яна бир бор тақрорлашга вакъ топа билиш:

\* Фарзандларни гўзал табиатли ва яхши хулқли бўлишларига эришиш. Дарсларига вактида бориш, вактида келиш, бекорчи, фойдасиз ишлар билан қўчада юрмаслик, кийим, ўқув қуролларини тоза ва ораста сақлаш, вактида дарсларини тайёрлаб, вактида дам олишга одатланиш, овқатланиш маданиятига ўргатиш, катта ёшдаги одамлар сафида ўтираслик, уларнинг сухбатига аралашмаслик, ёлғон гапирамаслик ва чақимчи бўлмаслик, ота-она ва катталарнинг кўнгли қоладиган ишларга кўл урмаслик, кўпол ва баланд овозда гаплашмаслик, уйга келган меҳмонларга мулоимлик билан гапириш, гапираётган одамнинг сўзини бўлиб луқма ташламаслик, хоҳ ўғил, хоҳ қиз бола оила юмушларида ота-оналарига кўмаклашиш, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатни йўғунлаштириб бориш, ейиш-ичиш ва кийинишда оддий ва камтар

бўлиш, ютуқлар олдида гуурланмаслик, дўстлари, ўзидан кагта ва кичик ёшдагиларга марҳаматли, садоқатли ва шафқатли бўлиш, муҳтожларга беминнат ёрдамлашиш, сабр-тоқатли, тўсиқ ва қийинчиликлар олдида чекинувчан бўлмаслик, бошлаган ишни албатта ниҳоясига етказиш, нафсни тарбиялаш, ота-она ва устозларнинг ҳурматини ўрнига қўя билиш, қўни-қўшни ва қариндошлар билан доимий аҳиллик ва инокликда яшаш, совуқон, иккюзламачи бўлмаслик, ҳasad билан эмас, ҳавас билан яшаш, саришта ва саранжом, тежамкор бўлиш, исрофгар ва мақтанчоқ бўлмаслик, нодонларга эмас, доноларга эргашиш, кекса ва ногиронларга мурувватли бўлиш, она табиат ва Ватанга меҳрли бўлиш, жамоадан ажралмаслик ва кўпчиликнинг фикрини эътиборга олиш – буларнинг барчаси мўъжизакор қудратга эга бўлган таълим ва тарбиянинг энг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади...

Ана шундай тарбиянинг меваси ахлоқ ва одоб бўлиб, улар инсонни фақат тўғри йўлга бошлайди, фаросат, эзгуликка йўналтириб, қалбларни шодлик ва гўзаликка буркайди.

Ахлоқ ва одобнинг юқорилаги меъёр ва талабларига амал қилган инсонлардан етук олим ва раҳбарлар, санъат, адабиёт ва ҳунармандчиликнинг буюк намоёндалари етишиб чиқади. Чунки, жисмнинг озиги ейиш ва ичиш бўлганидек, ақл озиги илм ва ҳикматдандир. Илм нури билангина зулмат ёритилиб, ойдинлаштирилади. Илм ҳар нарсада юксак бир неъматдирки, бу неъмат ўртадан кўтарилса, дунёдаги жамики нарса барбод бўлади. *Расулулоҳ* (с.а.в.) айтганларидек, илм жаннат йўлини ойдинлаштирувчидир. У инсонга ҷўлгарда йўлдош, ёғизликда ҳамроҳ, кимсасизликда жондош дўстдир.

Дарҳақиқат, тупроқ ёмғир билан жонланганидек, ўлик қалблар илм билан тирилтирилади. Оилада фарзандларни илм рўшнолиги томон етаклаш билан уларнинг вужудига касбу-ҳунар либосини кийгизиш ҳам олижаноб вазифалардан саналади.

Фарзандларнинг қобилияти, истеъод ва қизиқишини эътиборга олиб касб-ҳунарга жалб этиш ҳам баҳт бўстони эшигини очувчи олтин қалитга эга бўлиш билан баробардир. Агар киши қанчалик олий насаб ва асл бўлмасин, лекин олтин хазина деб аталмиш ҳунари бўлмаса, ундай одам ҳалойиқнинг иззат ва ҳурматидан ноумид бўлиб қолишлиги ҳақида „Қобуснома“ китобида шундай дейилади:

“Эй фарзанд, огоҳ бўлки, ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига наф етурмас. Билурсанки, хори муғилоннинг (тиканли

*бута) тани бордур, аммо сояси йўқдур. Ҳунарсиз киши ҳам хори мугилон янглиғ на ўзига ва на ўзгага фойда берур“.*

Фарзандларга тарбия, билим бериш, ҳунарга ўргатиш санъати бошқа ҳамма санъатлардан энг улуғи ва энг азизи ҳисобланса ҳам, лекин болаликдан бошлаб дил гулшани, ғоя ва эътиқод тарбиячиси бўлмиш шеърият ва адабиётга, кўнгилларга чироқ ёқувчи, эзгуликларга чорловчи мусиқа ва қўшиқقا, истеъод меваси ва ақл қаймоги китобга қизиқиш уйғотиб бориш – инсон ҳаётини тобора гўзаллаштириб, бекорчиликдан халос этади, билим гулистонига сайдишига чорлайди ва бемарни улфат, нохуш ишлардан қайтаради, бинобарин, оиласвий тарбиянинг бундай серқирра, мураккаб ва масъулиятли жараёнларида хатога йўл қўймаслик учун албатта ҳар бир хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ, одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш мақсадгага мувофиқдир.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги билан ажralиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида воята етказиш, биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин. Одобли, билимдон ва ақдли, меҳнатсевар, имон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир. Ёшларни ҳар томонлама соглом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт агадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўргони бўлмиш оиласи мустаҳкамлаш буғунги кунда барчамизнинг асосий вазифамиз — инсоний бурчимиздир.



## ФАРЗАНД – ИНСОН ҲАЁТНИНГ КҮРКИ

Гўдаклар Аллоҳнинг райҳонидир. Ҳазрати Фотима туғилган вақтларида Расууллоҳ салоллоҳу алайҳи вассалам: „*Бу райҳонни Аллоҳ ҳидлаб туршиш учун менга ризқ қилиб берди*“.

\* \* \*

Ҳар бир туғилган чақалоқ то тили чиқиб дилидагини гапира олгунча Йслом табиати билан туғилган бўлади. Аммо ота-она фарзандни яҳудий ёки насроний, ёки мажусий қилиб қўяди.

\* \* \*

Фарзандини ўз ота-онасини севадиган қилиб тарбиялаган кишини Аллоҳ ўзи раҳматига олсин.

\* \* \*

Фарзандларингизга сувда сузишни, камонда отишни, найза улоқтиришни, отда чопишни ўргатинглар.

*Расууллоҳ с.а.в.*

\* \* \*

Авлодларингизни учта нарсани севадиган қилиб тарбияланг: Аллоҳни, Расууллоҳни, Аллоҳнинг китоби Қуръони Каримни.

\* \* \*

Фарзандлар қалбларимиз меваси, белларимиз таянчидир. Биз уларга юришлари учун замин ва соябон осмондирмиз.

*Аҳнаф ибн Қайс*

\* \* \*

Ўғил-қиз дея қийналар эр жони,  
Бу кулфатни билган ўғил-қиз қани?

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

\* \* \*

Кўнгулларнинг сурори, доги кўзлар нуридир фарзанд.

*Аваз Ўтар*

\* \* \*

Фарзанд меҳри аритар ғам зангини кўнгилдин.

*Нодира*

\* \* \*

Түғиб ташлаш билан бўлмас бола, бўлғай бало сизга,  
Вужуди тарбият топса, бўлур ул раҳнамо сизга.  
Темирчининг боласи тарбият топса, бўлур олим,  
Бузулса хулқи, Луқмон ўғли бўлса, бўлғуси золим.

*Абдулла Авлоний*

\* \* \*

Феъли кенг кишининг қўнгли қаримас,  
Болалик уйдан баҳт, шодлик аримас.

\* \* \*

Оила қувончи, фарзандлар баҳти,  
Қоядай бардошли, заҳматкаш, доно –  
Оталар – ҳаётнинг чинор дараҳти,  
Куёш меҳрингизга дилдан тасанно.

*Ҳикматлар*

\* \* \*

Болаларингизни чет кишилар ёнида уришиб, таъзирини берманг,  
меҳмондорчиликка чақирсалар, болаларингизни бирга олиб борманг.

Үйингизга меҳмон келса, ёш болаларингизни улар ёнига ўтқазиб,  
дастурхонга кўл узаттирманг.

*Руфъат ибн Исмоил*

\* \* \*

Ўғилларнинг кўп бўлишидан не фойда? Уларнинг қадр-қиммати  
сонидами? Яхши бир ўғил бўлсин, оиланинг таянчи ва мададкори  
бўлсин!

Ўқимишли ва ҳимматли бўлмаган ўғилнинг туғилишидан не  
фойда? Сут ва насл бермас сигирнинг кимга кераги бор?

*Хинд ҳикмати*

\* \* \*

Ота-она беҳад бўлади хурсанд,  
Фарзанд бўлса муносиб фарзанд.

*Муҳаммад Жавҳар Заминдор*

\* \* \*

Ҳақиқий фарзанд ҳар бир соҳада ўз отасининг ҳукмига тобе  
бўлади.

*Барҳурдор ибн Маҳмуд*

\* \* \*

Туғилиш бор экан, демак, инсоният доимо барҳаётдир.

\* \* \*

Үғил билан қизинг — мисоли икки кўзинг.

\* \* \*

Фарзандинг — давлатинг, фазилатинг, зийнатинг.

\* \* \*

Бол ширин, болдан бола ширин.

\* \* \*

Йигитнинг чироги — қизи билан ўғли.

\* \* \*

Фарзандим — асал-қандим.

\* \* \*

Она билан бола — гул билан лола.

*Мақоллар*

## ОНАНГНИ ҚҮЁШ БИЛСАНГ, ОТАНГНИ ОЙ БИЛ

*Аллоҳ Расули (с.а.в.) марҳамат құлдиларки:  
Фарзанд отасининг қарзини ҳеч қанақасига  
узолмайды...*

*Ота-онаға әхсан бермоқ ва иззат-икром  
құлмоқ, намоз ўқиши, закот бериш, рұза тутиши,  
хаж-умрага бориш ва Аллоҳ йўлида жиҳод қилишидан  
фазилатлироқдир.*

*Кимки ота-онасини мамнун этгап ҳолда эрта  
билин ўрнидан түрсса, унга жаннатнинг икки эшиги  
очилади... Кимки ота-онасини ранжитган ҳолда  
тонг оттисраса, унинг учун жаҳаннамининг икки эшиги  
очилади ... Асло уларга қарши борманғ — зулм  
үтказған бўлсалар ҳам, ўтказмаган бўлсалар ҳам...!!*

**Абу Ҳомид Фаззолий**

Мустаҳкам оила ҳаётининг қайси жабҳасида баҳту-саодатни, оиласадаги тотувлик-иқболни, фароғатни изласак, биз уни албатта шарқона ахлоқ-одобимиздан, хусусан, ота-оналарга бўлған ҳурмат ва иззат-икромдан топамиз. Бу хусусдаги масалада бошқа ҳар қандай тарбия воситаси бизнинг миллатимизга хос қалбга фақат яхшилик, олижаноб ҳулқ ва гўзал фазилатлар сингдирувчи тарбия воситасига етмайди. Асрлар давомида синовлардан ўтган донишмандларнинг ҳикматлари-ю, буюк мутафаккирларнинг асарлари, хусусан, Ислом таълимотида оила боғбонлари бўлған ота-оналарни ҳурматлаш ва эъзозлаш масаласи алоҳида ўринни эгаллайди. Ота-онанинг ҳурмати, фарзанд зиммасида бўлған ҳаққи тўғрисидаги оят ва ҳадислар, шарқона ҳикматлар, доно ҳалқимиз ҳаётидаги тажрибалар дунё тарихида мислсиз олиймақом қадрият эканлиги маълум ва машҳурдир. Баҳтиёр бўлишни истасанг аввало ота-онангнинг ҳаққини адо қил, намози бомдоддан кейин валидангни зиёрат қил ва хизматида бўл, аввало онангга яхшилик қил, яна онангга, яна онангга яхшилик қил, сўнгра отантга яхшилик қил, Жаннат оналар оёғи остидадир, Отага итоат — Аллоҳга итоат қилишдир каби нақдлар ҳақиқий шарқона ҳаёт фалсафасидир.

“Биз инсонга ота-онасини (яъни, уларга яхшилик қилишни) амр этдик. Онаси унга ожизлик устига ожизлик билан ҳомиладор бўлди (яъни, қорнида ҳомила каттарган сари онанинг ҳоли заифлаша борур). Уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилда (келур). (Биз инсонга буюрдикки), „Сен Менга ва ота-онангга шукур қилгин. Ёлғиз ўзимга қайтажаксан“, деб таъкидланади, „Луқмон“ сураси-нинг 14- оятида.

Ота-оналарга яхши муомалада ва ширинасухан бўлишлари, уларга меҳрибонлик кўрсатишлари, доимий эҳтиром билан уларни тақдирлаб туришлари, ота-она ўзларига тўқ бўлсалар ҳам, уларнинг нафақасини яхшилаш, ҳадялар бериб туриш, уларни сўрашга муҳтоҷ қилмай ёки миннат қилмай иззат кўрсатиш, айниқса қартайган вакътларида уларнинг ҳаққини тўлиқ адо этиш, ота-оналар, ҳатто мушрик бўлсалар ҳам уларнинг розилигини топиш, улар вафот этганларидан кейин ҳам ҳақларини адо этиш, яқин қариндошлар билан алоқани узмаслик каби фарзандлик бурчлари денгиздан томчидир, халос.

Ислом оламининг буюк мутафаккири Абу Ҳомид ал Фаззолий шундай деганлар:

— *Жаннатнинг ҳиди беш юз йиллик масофадан сезилади. Ота-онасини ранжитган ва силай раҳм қилмаган* (яъни бир-бирлари билан қон-қариндошлик алоқаларини узган) *кимса унинг ҳидини сезмайди.*

Шу жиҳатдан олганда машҳур ҳадисчи олим **Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жомийнинг** ота-онанинг фарзандга нисбатан *саксонта ҳаққи бор*, деган фикри янада дикъатга сазовордир. Ота-она тириклик чоғидаги танга, тилга, дилга ва молга тааллуқли бўлган қирқта ҳақнинг ўзи ота-онанинг хизматини қилиш ҳар бир фарзанд учун қанчалик муқаддас бурч эканлигидан далолат беради. Ота-онага ҳамма вақт ҳурмат кўзи билан қараш, уларнинг маслаҳати ва розилигисиз бирор ишга кўл урмаслик, уларнинг олдида одоб ва очиқ чехра билан ўтириш, ҳамиша раҳм-шафқатли бўлиш, оғир дамларда уларнинг дардига малҳам бўлиш, дилларига заррача ҳам озор бермаслик, орзу-умидларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш, дардли бўлсалар кўнгилларини ола билиш, қанчалик узоқ умр кўрсалар, шунчалик қувониш, ҳар қандай шароитда ҳам мулойимлик билан муомалада бўлиш, кўпол ва баланд овозда гапирмаслик, сўзларини бўлмаслик ва айтганларини рад этмаслик, биринчи бўлиб ота-онани яхшилаб кийинтириб қўйиш, диллари тортган таомлар билан парвариш қилиш, истаган нарсаларини сотиб олиб бериш, сўрамасалар ҳам пул бериб туриш, уй-жойларини жиҳозлаб бериш —

ота-она тириклик вақтидаги фарзандға нисбатан бўлган қирқта ҳақнинг энг муҳимларидан ҳисобланади.

Бинобарин, ҳар бир фарзанднинг ота-онага ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиши, уларга нисбатан шафқат ва марҳаматларини ишга солиши энг муҳим вазифалардан бириди. Ўз ота-онасини рози қилмайдиган, уларни ранжитадиган фарзанднинг эса иши ҳеч қачон олға босмайди ва элнинг олдида обрўйи ҳам бўлмайди.

Зангига туманининг қатор маҳаллаларида истиқомат қилиб келаётган Файзулла Баҳромов, Мурод Мирзахалилов, Ботир Баҳромов, Акбар Толипов, Зиёдилло Дадаев, Қобилжон Фофуров, Маҳмуд хожи Соҳибжонов, Каримберди Эгамбердиев, Турғун Ҳожибоев, Абдураҳмон Абдуллаев, Тошпўлат Қодиров, Абдуҳабир хожи Самиғов, Маҳамаджон хожи Тошметов, Ботирхўжа Зайнуддинхўжаев, Лутфилла Маннонов, Комилжон Фофуров, Искандар Позилов, Ислом Ҳамидов, Ришод Усмонов Носир Каримов, Абдуқаҳдор Мирзаев, Рустам Аҳмедов, Қобилжон Обидов, Гуломхўжа Исмоилов, Рихситилла Тўрабеков, ака-ука Фахриддин ва Улуғбек Тошметов, Ҳайдарбек Бўйисов, Каримжон Хайтматов, Жўрақул Мехмонов, Абдуваҳоб Йўллошев Жаҳонгир Рўзметов, Тошпўлат Қодиров сингари юзлаб аҳил ва иноқ оила бошлиқлари борки, уларнинг нигоҳида ҳамиша меҳр-оқибат, ота-оналарига ҳурмат, самимият ва садоқат нури балқиб туради.

Бу оиласарнинг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан мустаҳкамлиги ота-оналарнинг ақл ва заковат билан иш юритишилари, фарзандларнинг ота-оналарига бўлган чексиз меҳр ва муҳаббатлари билан изоҳланади. Шарқона одоб ва оиласавий тарбия тамойилларига кўра валидаи меҳрибонлари ва падари бузрук-ворларининг бирларини қўёш ва иккинчиларини ой деб эъзозлаш – ота-она умрини янада узайтиради, уларнинг номини кўкка кўтариб, оиласи мустаҳкамлайди.

„Кир ариқ“ маҳалласида истиқомат қилувчи Файзулла Баҳромовлар оиласида ҳам ота-она ибрати фарзандлар учун доимий мактаб бўлиб, уларнинг чексиз меҳри фарзандларини вояяга етказувчи офтоб каби ҳаётларига лаззат бағишлийди. Ва бу оиласада оға-иниларни бир-бирларига туташтирувчи ўзаро иззату ҳурмат, инсонга қанот бағишловчи меҳр-оқибат, мустаҳкам тартиб-интизом чуқур илдиз отган. Шунингдек, бу оила кўнгил заминига эзгулик уругларини сепувчи покиза муҳит, ҳалол меҳнат, илм-маърифат, хунарга бўлган муҳаббат ва ҳаётга файз баҳш этувчи обод, фаровон

турмуш билан ўзларига бахт хирмонини яратган, эл-юрг ҳурматига сазовор бўлган қутлуғ ва баҳтиёр масканларидан биридир.

Оила бошлиқлари Файзулла ака, рафиқалари Ҳалима опа рисоладаги эр-хотинлардан. Улар оиласидаги ўз раҳбарликлари, фарзандлар тарбиясидаги бурч ва вазифаларини олий даражадаги масъулият деб биладилар. Нафақат оиласинг, ҳатто катта бир авлод-аждоднинг юксак маънодаги барқарор пойдевори, ор-номуси ва шаънини асровчи, фарзанд ва набираларига пухта билим, мукаммал тарбия бера билган, ўзлари ҳам истиқболли тарбия, ахлоқ, одоб сабоқларини қунт ва сабот билан ўрганган, баркамол, етук авлодни тарбиялашга меҳр қўйган давримизнинг қодир ва содиқ ота-оналаридандир.

Ўзбекистон Миллий университетида ўқув-методика бўлим мудири, Илмий кенгаш котиби, Тошкент юридик институтида ўқув бўлим мудири, ўн уч йил мутассил Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳуэзуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида танлов гуруҳи раҳбари лавозимида фаол ва намунали хизмат қилиб, ҳозирда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети Ахборот технологиялари кафедра мудири ва университет профессор-ўқитувчилари ва ходимлари касаба уюшмаси раиси вазифаларида фаолият кўрсатиб келаётган доцент Файзулла Далабоевич Баҳромов оиласида ҳам ақл-заковатини фарзандлар онгига сингдира билган, давримизнинг ҳақиқий комил инсонларини тарбиялай билиш баҳтига мусассар бўлган рисоладаги оталардан биридир. Ундаги олижаноб фазилатлар ва намунавий фаолият нафақат фарзандлар, бошқалар учун ҳам ибрат вазифасини ўтаб келмоқда.

Донишмандлар тириклик дунёси оналар қалбидан бунёд бўлади ва илк меҳр – меҳрибонлик ҳам оналар юрагидан бошланади деганларидек, Ҳалима опа фақат аёл бўлганлиги учун эмас, балки у яхши хотин ва яхши она бўлганлиги учун азиз ва мўътабардир.

Ҳалима опа бутун умр давомида уй бекаси ва оналик мартабасини ардоқлаб, улуғлаб келаётган, рўзгорида ҳам тинч, тотув, аҳил ҳаёт кечириб, бошқа мартабаларда ҳам муносиб ўрин топиб оналарга хос жасорат билан фаолият кўрсата билган талабчан, қатъиятли, иродали, қалбан меҳрибон-фидойи оналарнинг сарасидир.

Маълумки, шифокорларнинг меҳнати чиндан ҳам энг унумли, масъулиятили ва шарофатли меҳнатлардан бири. У, соғлиқни сақлаш, қайта тиклаш орқали йўқолиб кетиши мумкин бўлган қўплаб кучларни жамиятта қайта инъом этади ва шифокорларнинг бутун мўъжизалари ҳам уларнинг беморга нисбатан диққат-эътибор ва

мехрибонликларининг кучлилигига эканлигини амалий тажрибалар билан кўплаб беморларни оёққа турғазиш шарафига мусассар бўлди. Болалар поликлиникасида 35 йил намунали хизмат кўрсатган Ҳалима опа очиқ чеҳра, жиддий эътибор, масъулиятли ва меҳр билан беморларга хуш келадиган тарзда беминнат хизматлари билан эл ҳурматига сазовор бўлган, севимли касбидан барокат топган тиббиётнинг фидойи инсонларидан. Файзула ака рафиқаси Ҳалима опа билан ҳамжиҳатлик ва ҳамфирликда, қатъий иродат, сабртоқат ва талабчанлик билан фарзандлари қалбida гўдаклигидан эзгулик, интиљувчанлик, тўғрисўзлик, ҳалоллик ва вижлонийлик каби фазилатларни намуна кўрсатиш билан улар онгига сингдира олган бахтли ота-оналардан. Бу ота-она ҳаётидаги энг улуғ, энг катта мақтовли, шарафли ва савобли ишдир.

*Ота-онанг сендан эканми ҳурсанд,  
Сен азизсан, марду оқил, асл фарзанд.*

Олий тоифали шифокор Шаҳнозакон, олий малакали ҳуқуқшунос ўғиллар Дилмурод ва Дилшод, ахборот технологиясининг етакчи мутахассиси Улугбекнинг болаликдан ақл, заковат, чуқур билим ва касб-хунарни пухта эгаллаган, муомилада мулойим ва самимий, эл ҳурматига сазовор, вужудлари яхши хислат ва фазилатларга бой давримизнинг комил инсонлари бўлиб етишганларидан ота-она қувончининг чеки йўқ.

Бундай чексиз қувонч ва катта бахт ота-оналардаги узоқ йиллик орзу-умид, иродали, мақсадли эзгу-ниятларнинг ижобати ва маҳсули эди.

Инсон имкон даражасида узлуксиз қувноқ ва бахтли ҳаётга фақат ҳалол, мақсадли меҳнат, тинимсиз ўқиши ва доимий изланиш билан эриша олади. Бундай эзгу ниятларга мойилик бўлмаса, чинакам бахтга эришиб бўлмайди.

Файзула Баҳромовлар оиласида ота-оналарга энг зўр ҳузур-ҳаловат, энг юксак қувонч бахш этадиган барча маънавий омиллар мавжуддир.

Фарзандларнинг ота-онага умр бўйи хизмат қилишни ўзлари учун энг шарафли вазифа деб билиш, ота-она меҳрини эсдан чиқармай барча нарсадан устун қўйиш, дил розилигини олиш, сўзларига диққат билан қулоқ солиб, панду-насиҳатларига амал қилиш, барча соҳаларда сирдош бўлиб, одоб, андиша қоидаларини ўрнига қўйиш, ҳар қандай вазиятда ҳам иззат-икром, ҳурмат ва эҳтиром билан кўнгилларини хушнуд ва шодмон этиш ва ота-она

саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилишни, давлат ва жамоатчилик ишларида ота-онага раҳмат келтириш каби фазилатлари ота-онани чинакам бахтиёр қилишнинг ёрқин намунасиdir. Балки ота-оналарнинг ўзлари ҳам ёшлигидан илм, мулойимлик, итоаткорлик ихлос, эътиқод, камтарлик ва ризо бўстонларида равнақ топиб, ўз ота-оналари ризолигига сазовор бўлганлари учун ҳам шундай бахтга сазовор бўлгандирлар.

*Оила қувончи, фарзандлар баҳти,  
Қоядай бардошли, заҳматкаш, доно —  
Оталар — ҳаётнинг чинор дараҳти,  
Қуёш меҳрингизга дилдан тасанно.*

Таниқлигу шарафинг отангданdir, меҳрибонлиги мушфиқлик онангданdir, деганларидек, Файзулла Баҳромовлар оиласининг камолатида унинг отаси Далавой ака, онаси Зухра опа, буваси Толиб ота, тоғаларидан Исоқжон ва Суннатилла хожи акаларнинг ҳам хизматлари катта эди. Феъли кент, кўнгли қаримас, заҳматкаш Далавой ака мактаб, дала ва маҳалла ишлари билан ўта банд бўлиб Қолганлиги учунми, оиласи юмушлар ва фарзандлар тарбияси асосан Зухра опанинг зиммасида бўлиб келди. Зухра опа гўзал намуналар билан ҳурмат қозонган, дунё ҳаёти, унинг зеби-зийнатларига эмас, ўн нафар ўғил-қизларни оқ ювиб, оқ тараб тўғри тарбиялашга меҳр қўйган, охират диёрини истаб, ўз уйида қарор топған, номозни мукаммал адо этувчи, барчага тўғри йўл кўрсатувчи нурли чироқ эди.

Итоатли эркак, итоатли аёл, ростгўй эркак, ростгўй аёл, сабрли эркак, сабрли аёл, камтар эркак, камтар аёл ва Аллоҳни кўп зикр қилиувчи эр-хотин деганда кўпчилик биринчи бўлиб Далавой ака билан Зухра аяни назарда тутарди.

Донишмандлардан Бархурдор ибн Маҳмуд ўзининг „Кўнгилларнинг севгани“ номли асарида шундай дебди:

— Энг яхши аёллар шундай аёлларки, улар кўп фарзанд кўриб, эр билан муроса қилиб яшайдилар, эрнинг қудрати етмайдиган нарсани талаб қилмайдилар, эр нимани совға қилса, шукур чехрасини очиб, ҳурсанд қиласдилар... Улар доимо одоб ва ҳаёт юзасидан эрнинг ҳузури гулзорида беҳуда сайр қиласвермайдилар, эрнинг топганини сақлашга ва сирларини очмасликка ҳаракат қиласдилар.

Зухра ая ҳам ана шундай ҳар томонлама камолат соҳибаси эдилар. Умр фаслининг 105 баҳорини кўрган, авлодларнинг оқил, доно маслаҳатгўй ва кўмакдоши, илм-маърифат ва маънавият йўлида оёғи

маҳкам ўрнашган, қалби Аллоҳни зикр этиш билан ором олган, умрининг охиригача катта-ю кичикнинг муҳаббатини қозонган Зуҳра аянинг оталари Толиб хожи Ориповдан ҳам Файзулла Баҳромовлар оиласи катта хушнудлик топиб, гўзал оқибатларга эришганликларидан миннатдордирлар.

Болалиқдан Файзулла ака ҳанузгача қалбida мухрланиб қолган бу мўътабар инсонларнинг дил сўзларини ўғил-қиз ва набираларига ҳамиша эслатиб туради.

\* \* \*

Мен ҳам мактаб кўрганман. Кўзим бор дема, ҳали ҳеч нарсани кўрганинг йўқ.

*Олдинда сирли бир истиқбол турар,  
Сени ҳаёт кутар, аммо ўйлаб боқ.  
Виждан сотиб номинг чиққандан кўра,  
Номинг чиқмагани яхшироқ.*

Олдинда нималар кутмоқда билиб бўлmas. Шундай ҳодисалар борки, ҳеч бир қоидага сигмайди, тўғри келмайди. Энг муҳими беш кунлик дунёда тоза яшашга одатлан. Дилинг ҳамиша аҳдувафога мойил бўлиб, ақл билан йўлдош бўлсанг, йиқилганингда у кўлдош бўлади. Чунки ҳар бир нарса ақлга муҳтоҷ. Ақл билан тажрибанинг алоқаси сув билан ернинг алоқаси кабидир. Сув билан ер ўзаро бирга бўлмаса, ерда бирор нарса униши амри маҳол. Ақлли киши ўз нафсига ҳоким бўлади, аҳмоқ эса, нафси қаёқقا бошласа, ўша ёққа кетаверади.

Тожга ҳам, тахтга ҳам бўлма ҳеч муҳтоҷ. Ерни тахт билиб, осмонни тож ҳисобла. Улуғлик истасант кичикларга, муҳтоҷ ва ноҷорларга карам айлаб, мардлар билан елкадош бўл.

\* \* \*

Иzzатингни сақла, барчага текин дастурхон ёёсанг ҳам, лекин ҳеч бир текин дастурхондан нон ема. Мард ва сахийлар билан елкадош, ҳамсуҳбат ва улфатда бўл. Билгинки баҳт тожи бошингда балқиб қолса, ҳар эшик сенга очиқ бўлади, аммо гўзал баҳорга ёр бўлгучи қизил гулнинг этагига тикан яшириниб ётганлигини ҳам унутма. Оқила, тадбиркор аёл танлай бил. Зеро, унинг қўлидаги игнаси ёй ўқидан афзалдир. Шуни унутмагинки ҳаёт бозоридаги шошилинчда кимдир хурсанд, кимнингдир шоҳи синади. Ана шунда сен ноинсоф бўлма. Энг муҳими алданиб қолма. Алданишдан аччиқ фожия йўқ. Алдандингми, бошингта кулфат ин кўяди. Одамлар дардига ҳамдам

бүл. Дилингта мулойимлик, раҳмдиллик ва инсоф нури билан аро бергинки, у ҳар қандай балони қайтаришга қодирдир. Қилган яхшиликтарингни пеш қилувчи бўлма ва ўзингни қўполликтан сақла.

\* \* \*

— Ҳамиша ёдингда бўлсинки, қиличдан игна яхши. Қилич йиртади, игна тикади. Ҳар бир гапингни ўйлаб гапир. Ақл-фаросат йўлини маҳкам ушлаган одам тилига эҳтиёт бўлади. Беҳуда сўзларинг учун бугун бўлмаса эртага жавоб беришингга тўғри келади.

\* \* \*

— Дўст танлашда эҳтиёт бўл. Оз бўлсин-у доно, садоқатли ва ишончли бўлсин. Ҳушнаво битта дилкаш булбул икки юз қарғадан кўнгилга маъқуллиги эсингда бўлсин. Аниқки, дастурхон ёзилмаган жойга ит-мушуклар ҳам назар солмайди. Хирмондан қолиб кетган дон пучга айланади, гул очилгандан кейин ҳазон бўлиши тайин. Қадринг билмаганлар хизматини қылсанг, оқибат сени аҳлат сингари кўчага улоқтирадилар. Бахт ҳийла билан эмас, ҳалол меҳнат, илм-хунар, одамийлик билан топилади. Ва дунёда бахт-саодат истасанг ота-она дийдорини одат айлаб, уларнинг таъзимида бўл ва ҳамиша яхшиликни шиор айла.

\* \* \*

Ҳаётда қолдирса ким абадий ном,  
Энг баҳтли одам шу хулласи калом.

\* \* \*

Ёмонлар ёмони эрур ул киши,  
Ота-она ундан ризо бўлмаса

\* \* \*

Ота-она руҳин эсла, шод қил,  
Яъни, ётган масканни обод қил.

\* \* \*

Фарзанд бир гулдир, она бир бўстон,  
Шунинг учун жаҳон гулистон.

## ОТА — БИЛАК, ОНА — ЮРАК

\* Ота-онасини танимаган ва уларга осий бўлганлар Исломиятни ҳамда инсонийликни англамаган ҳисобланади.

\* Ота-онага итоат этиш Аллоҳ наздида энг афзал итоат ва ибратдир. Бунинг соясида инсон азиз ва мукаррам бандага айланади.

\* Саҳобалардан бири: „Эй Расулulloҳ, солиҳ амаллар ичидা энг яхшиси қайси?“ деганида, Расулulloҳ (с.а.в.) „Фарз қилингган намозни қилганлар. „Ундан кейин-чи?“ деб сўраганларида Расулulloҳ (с.а.в.): „Ота-онага итоат ва яхшилик қилиш“, деганлар. Учинчи маротаба: „Эй Расулulloҳ, булардан кейин яна қайси амал афзал?“ дея сўраганларида, Расулulloҳ (с.а.в.):

„Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш“, деб айтган эдилар. Демак, ота-онага итоатда бўлиш Худо йўлида жиҳод қилишдан ҳам устун тураркан.

\* Расулulloҳнинг (с.а.в.) хузурларига бир киши келиб: „Эй Расулulloҳ, менда кимнинг ҳақи кўпроқ, мен кимга яхшилик қиласайин?“ деб сўраганида Расулulloҳ (с.а.в.): „Онангга яхшилик қил“, дедилар. „Ундан кейин-чи?“ „Яна онангга яхшилик қил“. „Ундан кейин-чи?“ „Яна онангга яхшилик қил“, дедилар Расулulloҳ (с.а.в.) учинчи бора ҳам „Ундан кейин-чи?“ деб сўраганида, Расулulloҳ (с.а.в.) „Отангга яхшилик қил“, дея жавоб бердилар.

\* Расулulloҳ (с.а.в.) бир ҳадиси шарифларида бундай дейдилар: „Ҳақ таоло бизга аввало онамизга иззат-ҳурмат ва итоатда бўлишимизни амр қилди. Ундан кейин отамизга иззат-икром ва итоатни бўлишга буюрди. Ва ундан кейин эса энг яқин қариндошлардан тортиб, энг узоқ биродар, дўст-ёр ва биродарларга иззат-икром, марҳамат кўрсатишни буюрди“.

\* Агар уларнинг (ота-оналарингизнинг) бирори ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб „уф“ тортма ва уларнинг сўзларини қайтарма. Уларта (доимо) яхши сўз айт!“ („Исро“ сураси, 23-оят).

\* „Агар улар сенга бирон иш буюрса, зинҳор уни ўзингга оғир олма ва рад қилма; Уларга яхши гапир, ширин сўзлар билан кўнглини

ол. (Яъни, „Онажон, айтганизни жоним билан бажараман, Сиз ташвии тортманг“, деб уларнинг кўнглини кўттар).

\* Аллоҳ таоло айтадики: „Улар учун меҳрибонлик билан, хорлик қаноатини паст тут – ҳокисор бўл ва: „Парвардигорим, мани (улар) гудаклик чоғимдан тарбиялаб ўстирганлариdek, сен ҳам уларга раҳм шафқат қилгин деб (ҳақларига дуо қил)“.

\* Бир куни Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига ёш бир йигит келиб, отасидан шикоят қилиб: Эй Расулуллоҳ, отам менинг молимни олиб, ўзи истаганидай сарф қилмоқда, айтинг, менинг молимга тажсовуз қилмасин“, деди.

Расулуллоҳ йигитнинг отасини чақиртирдилар. Ота Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига келибди ва йиглаб туриб, шундай дебди: „Эй Расулуллоҳ, бир пайтлар ўғлим заиф, ёрдамга муҳтож, мен куч-күвватга тўла эдим: у фақир, мен бой эдим. Лекин ҳеч қандай овқатни ундан қизғанмас эдим. Энди эса қаридим. У улғайиб давлатли бўлади. Энди ўғлим молини қизғаниб, уни ишлатишими мавн қилаяпти“. Расулуллоҳ (с.а.в.) йигитга хитоб қилиб: „Сен ва мол-мулкинг – отангникидир“, дедилар.

Отага итоат – Аллоҳга итоат этишдир.

\* \* \*

Яхшиликнинг энг улуғи – отаси вафотидан сўнг ҳам унинг дўстлари билан алоқани узмаслиқдир.

*Ҳадис*

\* \* \*

Дарвеш қариндошингни шод тут,  
Ота хатоси учун танбеҳ бергувчи бўлма.

*Мотрудий*

\* \* \*

Бахтиёр бўлишни истасанг қуидаги хислатларни ўзингда мужассам қилгин:

Аввало онангнинг ҳаққини адо қил. Ота-она хурсандчилиги киши учун дунёда катта давлатдир.

*Муҳаммад Ҳусайн*

\* \* \*

Отамиз оиласининг узогини яқин ва йўгини бор қилиш учун доимий ҳаракатда бўлади. У бизнинг яшашимиз учун уй-жой

хозирлайди. Кийдириш учун кийим-кечак топади. Ичишимиз ва ейишимиш учун овқат топиш пайида бўлади. Борингки, ҳар бир оиланинг равнақи учун биринчи галда ҳаракат қиласидиган киши отадир.

*Мустафо Ҳомийпошио*

\* \* \*

Жуда кўҳна сўз бор, масалда келар,  
Ота ўрни ота ўғилга қолар.

*Юсуф хос Ҳожиб*

\* \* \*

Бўлсун адаб бирла бори хизматинг,  
Ҳам қил адаб „дол“ и киби қоматинг..  
Зуҳри абад истасанг фаровон қилмоқ,  
Бил они ато-аноға эҳсон қилмоқ.  
Бўл банда ато-аноға яксон,  
Ким ҳақ деди волидайи эҳсон.

*Алишер Навоий*

\* \* \*

Дегай отам қошида бор бўлай,  
Фаму шоди етишса, ёр бўлай.

*Мужрим Обид*

\* \* \*

Онангдан бош товлама, ошмасин дарди,  
Шараф тожи эрур оёғин гарди.

*Абдураҳмон Жомий*

\* \* \*

Ўғил доно бўлса, ота роҳатга етади.  
Ким отасини ва онасини лаънатласа,  
Унинг ўзи ҳам лаънатлангандир.

*Хишом ибн Урва*

\* \* \*

Ота-онага нисбатан ҳурмат ва муҳаббат, ҳеч шубҳасиз, муқаддас туйғудир.

*И.Г.Белинский*

\* \* \*

Ота ва она! Бу муқаддас номлар олдида барча мадҳиялар ҳеч нарса эмас, барча баландпарвоз мақтovлар ўғиллик муҳаббати ва миннадорчилиги олдида пуч ва арзимасдир.

*Н.Г.Чернишевский*

\* \* \*

Ота-онага муҳаббат – барча яхши фазилатларнинг асоси.

*Цицерон*

\* \* \*

Она – бу мурғак болалар тили ва дилидаги Худонинг номи.

*У.Теккереј*

\* \* \*

Она қалби битмас-туганмас мўйжизалар манбаидир.

*П.Беранже*

\* \* \*

Инсон ўз онасини руҳий жиҳатдан ҳам ўзига қадрдон деб билиши ноёб баҳтдир.

\* \* \*

Жаҳоннинг бутун турури оналардан. Қуёшсиз гуллар очилмайди, севгисиз баҳт йўқ, аёлсиз муҳаббат йўқ, онасиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди.

\* \* \*

Мехри чексиз, бутун дунёни кўкраги билан боққан аёлни – Онани шарафлайлик! Инсондаги бутун гўзалик қуёш нурлари-ю, Она меҳридан.

*М.Горький*

\* \* \*

Кўрнамак ўғил ётдан ёмон. У жиноятчилир, чунки онага нисбатан эътиборсиз бўлишга ўғилнинг ҳаққи ёўқ.

*Г.Монассан*

\* \* \*

Энг разил, айни пайтда энг оддий ва азалий кўрнамаклик – бу фарзандларнинг ота-онани қадрламаслигидир.

*А.Вовенарг*

## ОНА ҚАЛБИ

Бир бола ақиллик ҳамда қаҳрлик,  
Бир бола меҳрлик ҳамда зеҳнлик.  
Бири оқ сутини ўлчар пул билан,  
Бириси ўлчайди ёғду-нур билан.

Ҳар бири онага нондайин азиз,  
Ҳар бири онага жондайин азиз.  
Бирин оқ, бирисин қора демайди,  
Гар шулар бўлмаса таом емайди.

Қандай бўлсалар ҳам омон бўлсин дер,  
Эл ичиди олди замон бўлсин дер.  
Не уруғ сочурлар барин ўришар,  
Эккан ниҳолларин таъмин туйишар.

Оқ сутин нарҳи йўқ, баҳо топилмас,  
Онани сийлаган асло қоқилмас.  
Меҳр чашмасини тош босгандарни,  
У дунё, бу дунё худо кечирмас.

Этам ўзинг берган эзгулик шуур,  
Авлиё бобомдан ўтиб келган нур.  
Бир ажиб туйгулар, сирли куч, сурур,  
Қонимга омухта бўлганга шукур.

Мұхаммад Юсуф  
ОТА

Армоним бор, бу дунёда армоним бор,  
Қоқ далада ўтлар босган ўрмоним бор,  
Қизғалдоқдай бошим эгик бу маконда,  
Ёшин яшаб ўтмаган отажоним бор.

Ота десам, бағри-дилим ёнаверар,  
Куним ёнар, ой-у йилим ёнаверар,  
Мозорига қўйган гулим ёнаверар,  
Тутунларга тўлиб кетган осмоним бор.

Эсаверсин жаннатлардан келган насим,  
Момо ерим, ўзингсан энг муқадласим,  
Богингда жим тинглаб бу тун жон нафасим,  
Рұхимни аллалаб ётган жаҳоним бор.

Одам бўлиб бир одамни тушумаслар,  
Кўзингда ёш кўриб ҳам тоҳ ўқинмаслар,  
Босган изим пойлаб юрган эй, нокаслар,  
Қабрдан қўл чўзиб турган қалқоним бор.

Мен отамдан қолган эркин садо-сасман,  
Қонимга ёт наволарга қайрилмасман,  
Ўлгунимча энди ундан айрилмасман —  
Ўз отамдек бўлиб қолган имоним бор.

Армоним бор, бу дунёда армоним бор,  
Кенг далада гуллар босган ўрмоним бор,  
Қизғалдоқлар бош эгиг қон йиғлаб турган,  
Бу маконда менинг ҳам нуржашоним бор.

## ОНАИЗОР

Күнглім қолса булбулдан ҳам гулдан ҳам,  
Қолар бўлсам бир кун ахир тилдан ҳам ...  
Агар бир зот йиғласа чин дилдан ҳам —  
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у ...

Сиғмай қолсам шундай кенг бу жаҳонга,  
Осмонларга руҳим бўлса равона,  
Жонсиз таним устида ҳам парвона —  
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у ...

Тонар бўлса қўлимдаги тор, дунё,  
Уч кун ўтмай унугтай дўст-ёр, дунё.  
Еру кўкни титратиб зор-зор, дунё —  
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у ...

Күнглім қолса булбулдан ҳам гулдан ҳам,  
Қолар бўлсам бир кун ахир тилдан ҳам.  
Агар бир зот йиғласа чин дилдан ҳам —  
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у ...



### III боб

## Мехру бафо билан дарҳаётдиғ оила

### АЁЛ ОЛАМ БЕЗАГИ

*Томиримни тирнар күхна саволлар,  
Юрагимда гуллар шириң ҳәёллар,  
Эй сиз ўзбек ойшы, офтобжамоллар,  
Мен офтобга алишмаган аёллар.*

Махмуд Тоир

Аёллар. Ҳаёт рамзи, гўзаллик маъбудаси ва олам безаги. Қалби қўёш нуридек ҳароратли, саҳоватли, покиза ва нафис туйғулар соҳибаси, мафтункор ва ҳамиша мўътабар инсонлар. Вужуди буюк ниятларга бой, ақли дониш, бешикнигина эмас дунёни ҳам тебратувчи, сенги бобида юксак жасоратга қодир, яхши эркакларга қанот бағишловчи, ирода, орият ва шиҷоатда тенгсиз, кетмас баҳор бўлиб яшовчи гўзаллик рамзи. Аёл дарёдек азим ва ҳаётдек мангу зот. Унинг қошида бутун дунё эҳтиром-ла таъзим қиласа арзиди. Унинг битта табассуми ҳаётга қувонч бағишиласа, кичик бир ғами жаҳонни андуҳ қилади. Ҳатто энг олий эъзозга сазовор бўлган жанинат ҳам Онанинг оёғи остидадир. Ақл-заковат, фазилатда бекиёс, фозила, оқила ва зукко, фикрлаш доираси кенг, хусн-латофатда беназр, зийрак ва тадбиркор аёллар жамиятимизнинг энг ихлоси ва азиз бандалари. Юзларида иффат намоён бўлиб турадиган, поклик ва покизалик пардаси орқасида тарбияланган, чиройли иш ва одатларга ўргангандар аёллар шарофати билангина оила, жамият, ҳаёт дастурхонининг лаззатини зиёда қилиш ва мамлакатни обод этиш мумкин. Миллатимизнинг жон томирлари, Ватан тимсоли, юртнинг учмас чироги, мусаффо осмонимизнинг порлоқ юлдузи, кўзларнинг оқу-қораси ҳам аёллардир.

Аёллар ўзларидаги қаноат, андиша, ҳаёс, иффат, уят, тартиб-интизом, очиқ юзлилиқ, саришта саронжомлик каби инсонийликнинг улуғ сифатлари билан ҳам энг олий лутфу-ҳикмат, меҳр-шашфқат ва

эҳтиромга лойиқ ой юзли, офтобқалб инсон. Оромбахш, сокин ҳаёт тонги ҳам аёллар билан бошланиб, улар қушдан эрта туриб, оиласига файз кириштанинг ўзи.

Аёлларни кўксимизнинг тумори, юртимизнинг чироги, само пештоқидаги қўёшимиз, ҳар дамда йўлдош, кўмакдош, кўклам гулларидек гўзал ва беғубор, яшнаган гулзор ва гўзаликлар кўзгусида чақнаган ҳилол, ҳаёт бофининг боғбони ва ҳаётимиз таянчи десак ҳам камлик қилаётгандек.

*Аёл ердан чиққан эмас, у эркак боласи, эркак кўқдан тушган эмас, у аёл боласи.*

Дарҳақиқат, аёллар – барчамизни дунёга келтирган, кўкрак сути ва меҳри билан вояга етказган волидаи меҳрибонларимиз, бошимиздан меҳр нурини сочган бувижонларимиз, қалбимишнинг азиз жигари опа-сингилларимиз, қисматимиз ва ҳис-туйғуларимиз шериги садоқатли рафиқаларимиз ва жону-жаҳонимиз бўлган дилбар, лобар қизларимиздир.

*Кўнгли дарёдай кенг, меҳрли улуғвор,  
Дугонаси – Ҳаё, синфдоши Ор.  
Айтинг, фариштадан нима фарқи бор,  
Куёвга чиқмаган ўзбек қизларин?...*

Жаҳоннинг ҳеч бир бошқа мамлакатларида аёллар ҳақида ғамхўрлик, уларга бўлган ҳурмат, эътибор ва эъзозлаш бизнинг ватанимиздагидек эмас.

Мұхтарам Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганларидек: „Ҳар қандай жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади“, „Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиласидаги, қолаверса бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат мұхитини сақлаб турадилар“.

„Аёлларни мукаммал тутингелар“, „Баҳор ойининг бир куни аёллар ийди – байрами қилиб белгилаб қўйилсин“. („Авесто“), „Аллоҳнинг наzdida эркак билан аёлнинг шарафи бирдир. (Қуръони Карим), „Дунё бир матодир, энг кўп эҳтиёж қондирадиган бир ерdir. Дунёнинг энг ҳайрли заруратидан бири эса солиҳа бир аёлdir“, „Қиз туғилган хонадонга Аллоҳнинг нури ва раҳмати ёғилади“, „Турмушдан қайтиб келган қизга қилинган яхшилик, садоқатнинг афзалидир“, „Илм талаб қилмоқлик ҳар бир мусулмон эркак ва муслима аёлга фарзdir“, „Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қиласи“ („Ҳадис“). „Аёлларга имкон қадар ишиқ муомлада бўлишга ҳаракат қилдим“. (Амир Темур).

Буюк инсонларнинг ана шундай бетакрор эҳтиромларига сазовор бўлган, қалбларга мафтунлик, танага ҳузур-ҳаловат баҳшида этувчи, авлодлар давомийлигини таъминловчи аёлларнинг ҳурмат-қадрини билмаслик, шаъни, нуфузи ва азизлигини ҳис қилмаслик – дунёning энг гўзал сир ва лаззатидан бебаҳра бўлиш демакдир.

Давлат, ижтимоий ҳаётнинг барча тармоқларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, фан, санъат, ҳалқ таълими, соғлиқни саклаш ва спорт соҳаларидаги фидойиликларидан ташқари ҳар қайси оиласининг юкини ҳеч нолимасдан, ҳаётга шукроналик қилиб, сабртоқат билан ўз елкасида кўтариб келаётган, айниқса, бугунги кунда ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларнинг ечимини ҳал этишда чидам ва событқадамлик билан фаолият кўрсатаётган оила қўргонининг ҳам чироги, ҳам чароғбони бўлган аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, мавқеи ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ҳайрли ишларини муносиб баҳолаш, иззат-икромини жойига қўйиш, оиласидаги юмушларини енгиллаштириш масалаларининг Мустақиллик йилларида давлат дастури даражасига кўтарилиши аёлларга бўлган чексиз ҳурмат, ғамхўрлик ва эҳтиромнинг энг юксак ва олий даражадаги намунасидир.

Оила, аёллар, соғлом авлод, оналар ва болалар, меҳр-мурувват, сиҳат-саломатлик, ижтимоий ҳимоя, ёшлар, баркамол авлод, мустаҳкам оила, обод турмуш йилларими, барча ва барчасида ҳурматли аёлларимизнинг турмуш шароитини янада яхшилаши, уларнинг ҳар бир кунини муниавар байрамга айлантириш ҳақидаги режа ва ғамхўрликлар олға сурилади.

*Аёлни улуғламоқ* – оила, Ватан ва ҳаётни улуғлаш билан тенг экан, у барча ҳайрли ва эзгу ишларимизнинг бош мезони бўлиб қоловеради. Зангиота туманининг ҳам маҳалла ва хонадонларида ўз қадр-қимматини чукур ҳис этган, ўзининг бой маънавий дунёсини меҳрибонлик қурдатини намоён қилиб, ижтимоий-сиёсий ҳаёти-мизда, кундалик оиласидаги турмушимизда ўзларига муносиб ўрин эгаллаганниклари билан эл-юртнинг чексиз ҳурмат ва эҳтиромларига сазовордирлар.

Биргина Алишер Навоий номидаги маҳалланинг ўзидан жасорат ва матонатлари, ақл-заковат, нафосат ва назокатлари ва меҳроқибатлари билан эл ҳурматига сазовор бўлиб келаётган аёллар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. **Нигора Аҳмедова** – тиббиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент Тиббиёт академиясида кафедра мудири. **Дилфузा Ёрмуҳамедова** – тиббиёт фанлари номзоди,

Тошкент Тиббиёт академиясининг катта ўқитувчиси, Вена, Лондон шаҳарларида малака оширган. 2012 йилда Европа давлатлари шифокорларининг халқаро конференциясида маъруза қилган. Гулмира Юсупова – иқтисод фанлари номзоди, Ломоносов номидаги университет профессори. Латофат Тошмуҳамедова – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университетида кафедра мудири. Нозима Файзиева – тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент шаҳар шифокорлар малакасини ошириш институтида ишлайди.

Ҳаётимизнинг чироги, умримизнинг гули бўлган барча аёлларимизни эъзозлаш – халқимиз, ёшларимиз учун энг олий қадрият даражасига кўтарилиганлиги қалбларга ҳамиша қувонч баҳш этади.

*Сизлар борсиз, сўзимизда садо бор,  
Сизлар борсиз, ишқ аҳлида гадо бор.  
Сизлар борсиз, минг бир дардга даво бор,  
Мен офтобга алишмаган аёллар.*



## МЕҲРУ САДОҚАТЛА ОБОДДИР ҲАЁТ

*Агар ёзувчи бўлсангиз тұғри, ҳаққоний сўзларни ёзишга интилинг, ҳалқнинг фойдали одамларини ҳурмат қилинг, ёзган асарларингиз ишм аҳли қошида юзингизнинг қизаришига сабабчи бўлмасин. Ўз даражсангиз, иқтидорингизга риоя этинг, ўз-ўзингизни мақташга киришманг, бу билан ўзингизнинг ва ёзган асарларингизнинг қадр-қимматини туширасиз.*

Ризоуддин иби Фахриддин

Ижод ва изланишда бақувват, нафсу-ҳавога эришмаган, оддий ва камтар, қаноатли ва сабр-тоқатли, шукроналик билан яшайдиган садоқатли инсонларнинг иқбол косаси ҳамиша бахтга тұла бўлади. Кеккайиш, манмансирашдан йироқда бўлган инсонлар дунёдаги энг яхши лаззатни қаноат, меҳру-оқибат ва садоқат лаззати деб биладилар. Ва бундай фазилат соҳиблари ҳамиша роҳатда яшайди, одамларга ширин муомилада бўлиб, уларни, оила аъзоларини шодликлар сари етаклайди ва ўзи ҳам кўпчиликнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлади. Бундай йўлни тутган одам бўлар-бўлмасга қайғу чекиб, вақтини зое кетказмайди. Аксинча, илм-фан, изланиш ижод ва меҳнат билан чалғиб, ўзини доимо зиёфат ичиди ва завқу-сафо орасида юргандек ҳис этади. Бу сифатларни улар улуғ неъмат, мақсадга етиш воситаси деб биладилар. Камолда ҳам, заволда ҳам ана шу сифат роҳатдан нишондир. Покиза қалб соҳибларигина бутун умрлари давомида бундай сифатларни улуғлаб юрадилар.

Таниқли ёзувчи, шоир ва олим, республикада кўплаб иқтидорли журналистларнинг устози, Ҳазрати Имом мозорининг табаррук шайхларидан Тиллашайх бобонинг чевараси Неъмат Ёкубов ҳам ҳаёт, оила, табиат, Ватанга меҳр қўйган, сўзлари ва асарлари қалдан келиб чиқадиган, эшитувчи ва ўқувчининг қалбига тез таъсир қилиб унга ҳузур бағишлийдиган, қобилият ва иқтидорига қатъий риоя қилиб, ҳаққоний сўз ва сермаҳсул ижоди билан сўзлардан гўзал манзаралар ясаб, кўплаб бадиий асарлар ёзган, китобхонлар меҳрини қозонган таниқли адиллардан. Унинг асарларида ҳалқнинг эзгу нияти, покиза қалб соҳибларининг юрати уриб туради. У ўз мұхитининг

дардини, эзгу мақсадини истоқдолнинг равнақи, ўз замонасилинг руҳи, орзу-истакларини туйиб турувчи заҳматкаш ижодкор.

Ҳар бир ишга юраклан ёндашиш, ҳаёт тўлқинларида мардона туриш, тўсиқларни енга билиш, ирода шижоат ва изланиш, ижодга руҳлантирадиган, ҳаёт безаги деб атамлиш қобилияти, истеъод ҳамла гўзалликнинг бир бўлгаги бўлган маҳорат болалик чоғлариданоқ намоён бўла бошлаган эди.

Ота-она тарбияси, ўрта мактаб ва олийгоҳда қунт билан таҳсил кўриш Неъмат Ёкубовдаги истеъододнинг шаклланиши ва меъёрига этишида катта мураббийлик вазифасини ўтади.

Истеъод йўлининг сўқмоқдари сон-саноқсизлиги, яратмоқчи бўлаётган мўъжизаларни такомиллашган маҳоратсиз, тинимсиз машқ, мустақил ўқиҳсиз амалга ошириб бўлмаслигини онгли равишида ҳис этган Неъмат Ёкубов ёшлик баҳоридан унумли фойдаланиб, келажак кўркамлигининг серҳосил уругини ўз вақтида сепишга улгурди. Унда ҳамиша эзгу-ният, мақсадли изланиш жасорати мужассам бўлиб, вақтни тежаш, ундан унумли фойдаланиш борасида марҳум Тиллашайх бобосидан авлоддан авлодга ўтиб келаётган „ёшликда йўқотганни қариликда қидириш нодонликдир“, „дунёдаги ҳеч енгиги бўлмайдиган куч – бир дақиқадир“, деган доно ўйтларига қатъий риоя қилиб яшади. Айтишларича, Тиллашайх бобо „Аллоҳ кўзларнинг хиёнатини ҳам, диллар яширадиган нарсаларни ҳам билур“, деган оятни ёшларга тез-тез огоҳлантириб турарканлар.

Куёшнинг жамоли ер юзини ёритганлиги ва ҳаётга абадий умр бағишилагани каби НЕъмат Ёкубовдаги чуқур билим, жамиятнинг қулоги ва тили деб атамлиш журналистлик қобилияти, сўз ғиштларидан қасрлар қурабилувчи, сўз уммонларидан дур топа билувчи ёзувчилик ва шоирлик маҳорати ҳамиша қалбларга нур бағишилаб туради.

Эллик йилдан бўён давом эттириб келаётган журналистлик фаолияти, бу соҳада етказган етук муҳаррир кадрлари, замон қаҳрамонлари ҳақида ижод қилган юзлаб очерк, публицистик мақола ва фельетонлари, „Ҳаёлимдаги қиз“, „Сохта севги“, „Кўзларингни яширма мендан“, „Сўқмоқдаги из“, „Роҳат операцияси“, „Муҳаббат бўйсунмас“, „Тақдир тўфонида“ каби хикоя ва қиссалар тўпламлари, „Хубоб“, „Хазина султони“, „Жон“, „Бугунги кунлар“, „Умр“, „Вужудий қудрат“ номли романлари НЕъмат Ёкубов камолига камол қўшилиб бораётганлигининг далилидир. Энг муҳими бу асарларнинг барчасида заҳматкаш, ижодкор халқнинг юраги уриб туради. Насрий

асарлар қатори, адид назмда, яъни дилларининг гулшани бўлган шеъриятда ҳам диллардаги алангадан роҳатбахш чашмалар яратади билувчи ноёб фоялар муаллифи дидир.

Шоирнинг кўплаб шеър ва ғазаллари Республика газета ва журнallари саҳифасида мутассил чоп этиб турилади. Ижодкор кейинги йилларда „Муҳаббат – етти баҳт“ деб номланган саккиз китобдан иборат ғазаллар тўпламини яратди. Жумладан, „Севги оғушида“, „Уйқудаги гўзал“, „Бир кечада ҳаёли“, „Севгим – севгилигим“, „Одамийлик китоби“, „Ёр ва диёр мадҳи“, „Ишқ аҳлиниңг шоҳиман“.

Энг муҳими Неъмат Ёқубов ўзбек адабиётига ноёб бир янгилик – „Илмий роман“ ва „Илмий қисса“ жанрини олиб кирди ва шундай асарлар яратмоқда. Яна иккинчи бир диққатга сазовор томони, изланувчан ижодкор „Софлом турмуш формуласи“ни топиб, уни ҳам асарларида кенг тарғиб этиб бормоқда. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) Иброҳим Раҳим ўз мақоласида Неъмат Ёқубов ижодининг ўзига хос томонлари ҳақида шундай деганди:

– „Ёзувчиликка журналистикадан кириб келгани учунми, унинг очерк ва ҳикоялари ҳаётий, чин инсонлар турмушидан келиб чиққан воқеалар битигидек ўқилади.

Қаҳрамонлари ҳам орамизда юрган таниш кишилар бўлиб, унинг ўзига ўҳшаган камтарин, камсухан, софдил, хушфеъл ва жонкуяр замондошларимиз.

Мен мақтовни ёқтиромайман, аммо камтарин, ҳалол, пок виждонли, садоқатли, меҳнаткаш оламни ҳар қанча мақтаса арзиди, деб биламан. Бизнинг Неъмат Ёқубов ана шундай хислатларга бой бўлган чин инсон ва меҳнаткаш ёзувчидир“.

Адилнинг ўзи ҳам:

Оламда инсондан юксакроқ унвон йўқ,  
Инсондан ҳам гўзалроқ жону-жаҳон йўқ,

деб жуда ҳақ гапни айтади...

Ниҳоятда холисона берилган баҳо. Адилнинг қайси бир асари бўлмасин, унда инсон қалбига руҳий жонланиш, юксалиш ва кўтаринкилик қувватини баҳш этувчи маънавий неъматлар бисёрдир.

Неъмат Ёқубов мустаҳкам иродали ва шавқли ижодкор. У ҳамиша ирова, қатъият кучларининг ҳаётбахш яратувчилик имкониятларига эга эканлигига чуқур ишонч, сабр-тоқат ва қаноатда яшаб келаётган ижодкор.

Номзодлик диссертациясини ҳимоя этиш арафасидаги қатор руҳий машақат, түсиқ ва зиддиятли вазиятларни тасаввур этиб бўлмасди.

1971 йил. Абдулла Қаҳҳор публицистик асарларида маҳорат масаласига доир номзодлик диссертацияси ҳимояга тайёр. Лекин бу жараён Абдулла Қаҳҳор муҳолифларининг бош кӯтариб, ҳатто унинг асарларини чоп этган нашриёт раҳбарларини ишдан бўшатган адолатсиз, қалтис муҳитга тўғри келиб қолган эди. Илмий кенгашнинг казо-казо аъзолари ҳам олдиндан тўн бичиб, „бундан бўён Абдулла Қаҳҳор ижодидан ҳимоя қилишни бўлмағур иш“га чиқарип қўйишиди. Аммо ҳақиқат ва адолатнинг қиличи, дилнинг қуввати бўлган ишонч ва қатъият Неъмат Ёқубов ва унинг илмий раҳбарини илм майдонидаги жангта тушишдан заррача чўчитмади. Жанг қизғин тус олди. Ҳақиқат, адолат ғолиб келиб муҳолифларнинг ўзлари ҳам қарсак чалиб юборгандарини сезмай қолишиди. Ҳақиқий жанг ҳимоячини улкан фалабага ҳамроҳ қилди.

Қалби метин, тили ипакдек Неъмат Ёқубов ўзининг якунловчи сўзида ашаддий муҳолифларига ҳам ўзларининг қимматли вақтларини аямай илмий кенгашда фаол иштирок этганлари учун алоҳида чуқур миннатдорчилик билдириди:

*Мехрсиз, гиначи душман дилини,  
Тўлдирсанг мумкиндир сен эҳтиромга.  
Овчини кўргину ибрат ол ундан,  
Дон билан қушларни тушишар домга.*

Ёш олим ҳам ўткир ақл, пухта билим, кўркам феъл, босиқлик, камтарлик, сабр-тоқат, мулойимлик каби фазилатлари билан муҳолифларни лол қолдириб, уларни ўз домига тушира билди.

Неъмат Ёқубов ҳаётда манманлик, оиласда ортиқча бойлик, дабдаббозликка берилиб эмас, илм-фан, қансат, сабр-тоқат, ўзаро ҳурмат, меҳр-муҳаббат, қадр-қиммат, вафодорлик ва садоқат билан яшашни баҳтиёрликнинг энг муҳим омиллари деб билади.

Ривоятларда келтирилишича, агарда инсон ёғочни теша билан йўнса, теша пайрахани фақат ўз томонига тўплаб бирортасини ҳам ташқарига чиқармас экан. Рандаласа-чи, қирриндиларнинг барчаси ташқарига чиқарип ташланади. Арралаганда эса, қитиқ ҳар иккала томонга бирдай сочилади. Шунинг учун инсон ҳаётда тешага ўхшаб

фақат ўз манфаатини ўйлаб, баҳил, қизғанчиқ бўлмаслиги, ёки бор-йўгини бошқаларга сарфлаб, ўзини мухтожликка гирифторм қилувчи рандани ишини қилмай, арага ўхшаб фаолият кўрсатиши керак экан.

Шундагина ўзига ҳам, бошқаларга ҳам фойдаси тегади.

Улкан ижодий ишлар, ҳаёт ташвишлари ва яшаш зиддиятлари, жамоатчилик ишлари билан қанчалик банд бўлмасин, Неъмат Ёқубов оила, фарзанд, набиралар камолоти, дўсту биродар, қариндош уруғ ва маҳалла манфаати билан боғлиқ бўлган ишларнинг барчасига вақт топа билади.

Жамият тузилишининг энг муҳим қадриятларидан бўлган садоқат, вафо ва эътиқод, оқибат ва самимият, меҳр ва муҳаббат каби олижаноб фазилатлар адабнинг кучига-куч, илҳомига илҳом бағишлаб туради.

Матъумки, садоқат инсонларнинг ўз ватъасига бўлган вафосида намоён бўлади. Вафо эса, энг олий инсоний сифат. У севгининг бахти, бахтиёрикка эргаштириб юрувчи Неъмат Ёқубовга ўхшаш мард, покиза қалбли, меҳри дарё инсонларга хос фазилат. Зоро оиланинг тутувлиги ҳам, хонадондаги файз ҳам, эр-хотин ва дўстлар ўргасидаги садоқат ҳам вафо билан. Сермаҳсул ижод ҳам, эл олдидаги обрў-эътибор, ишдаги муваффақият ҳам ана шу вафо туфайли. Неъмат Ёқубовнинг оиласи ва эл ишончига сазовор бўлиши ҳам унинг садоқатли ва вафодор инсонлигидандир:

*Вафо ўйлида гар событқадам сан,  
Ки ҳеч вақт кўрмагайсан ранжуғам сан.  
Будур пандим сенга, зинҳор-зинҳор,  
На аҳд этсанг, вафосин қилғил изҳор.*

Оиласи, фарзанд ва дўстлари, Ватанга бўлган садоқат ва вафодорлик мард кишиларнинг иши, улуғ инсонларнинг чиройли хислатларидир. Неъмат Ёқубов ҳам эллик икки йилдан буён Муҳаммаджон қизи Ҳилолаҳон билан умргузаронликда бахти ҳаёт кечириб келаётган садоқатли инсон. Ёқубовлар оила аъзоларининг аҳлоқан поклик, маънан етуклиги, давлат ва жамиятга келтираётган нафлари жиҳатдан бу хонадоннинг жаннат борининг бир бўлагига қиёслаш мумкин. Бу оилани ҳамжиҳатлик ва бахту-саодатда ушлаб турувчи асосий куч меҳр-муҳаббатда содиклик, ўзаро ҳурмат, оқибат, ақлий ва жисмоний меҳнат, солиҳ ва комил фарзандлардир. Қалби,

тан-жони, тили, орзу-истак ва ниятлари бир бўлган бу ёстиқ-дошларнинг баҳти оила қасрини бунёд этишлари осон бўлмаганди. Неъмат Ёкубов Ҳазрати Имомдаги собиқ Мозорхон маҳалласининг фуқароси. Уч ака-ука томлари қамиш ва тупроқдан иборат кичкина ҳовли, қадли паст уйларда вояга етди. Ҳилолаҳон бу хонадоннинг учинчи — кенжা келини бўлиб, овсинлари билан аҳиллик ва иноқликда яшашида маҳаллада яхши ном қозонган аёл. Шундай шароитда фарзандларни яхши тарбиялай билиш, уларнинг барчаси фақат аъло баҳоларга ўқиши, отанинг илмий иш ва ижод билан шугулланиши, онанинг мактабда дарс бериш учун кундалик машгулотларга тайёргарлик кўришнинг ўзи мўъжиза эди.

Тўнгич фарзанд Жавлон иқтисод фанлари номзоди, доцент. Республика олийгоҳларнинг бирида проректор. Зилолаҳон қизи олий тоифадаги шифокор, оиласини шифохона раҳбарининг муовини. Иккинчи ўғил Даврон, уни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин, жуда истеъодди шифокор эди. Мардон эса хорижий мамлакатларда хизмат қилаётган халқаро тоифадаги қалами, зеҳни ўткир журналист. Ота-онанинг бутун ҳаёти давомида эришган ютуқлари, орттирган орӯ-эътиборлари, қозонган шон-шұхратлари қаторида ўз замонасига мос, ақл-заковатли, мукаммал тарбияли ана шундай комил фарзандлардан улуг баҳт бўлмаса керак.

Тириклик дунёси оналар қалбидан бунёд бўлади, илк меҳри-бонлик ҳам оналар юрагидан бошланади деганларидек, Неъмат Ёкубов ҳаётидаги барча баҳт ва иқболни оиласининг барқарор пойдевори, ор-номуси ва шаънини асраб келаётган, уни руҳлантириб илҳомбаҳш этиб келаётган мунис ва меҳрибон рафиқаси Ҳилолаҳон шарофатидан деб билади. Ҳилолаҳон ая ёшларга ҳам ўзбек ҳам рус тилида муттасил 40 йил таълим берган, инсоният гулзорини қайта-қайта гуллатувчи, марҳамати қүёшдек барчага тенг, қалби меҳр-шафқатга бой, маънавий нуқсонсиз табаррук мураббий. Ёмонлик, адолатсизлик билан муроса қила билмайдиган, шогирдларини қалбдан севувчи, одобсизни ҳам яхшилар қаторига қўша билувчи, ҳатто номардни ҳам мардга айлантира билган заҳматкаш, фидойи маорифчи.

Унинг дарсдан ташқари ҳам кўплаб тадбир ва юмишлари бўларди. Мактабнинг синфдан ташқари жамоатчилик ишлари, ўзлаштириши яхши бўлмаган ўқувчилар билан шугулланиш, уларнинг ота-онаси ва маҳалласи билан боғланиш, синф раҳбари сифатида ўқувчиларни музей, кино ва театрларга олиб бориш асосий иш вақтига нисбатан кўп вақтни талаб қиласди. Шунга қарамай Ҳилолаҳон турмуш

ўртоғининг ижодий ишларида доимий кўмакдош ва маслакдош, унга илҳом баҳш этувчи ҳамфир ёрдамчиси, ҳатто муҳарририрдир. Рус тилини яхши билганилиги ва ўзбек адабиётини мутахассислар қатори билимдони бўлганлиги учунми ижодкор Неъмат Ёкубов ортиқча қийинчилик сезмасди.

Қирқ бир минг мисра шеър ва ғазалларни ва бошқа қўплаб асарларини оққа кўчириб беришда Ҳилолаҳоннинг хизмати бекиёс катта.

Инсон камолотининг бешиги бўлган ақл-заковат, камолотининг пойдевори тарбия, етукликка эришиш пиллапояси бўлган билим, фаҳм-фаросат, мушоҳада қилиш ва фикрлаш қобилияти, ёшларга ўрнак, ибрат ва намуна бўлиш фазилатлари Ҳилолаҳон ая ҳаётининг энг гўзал безакларидир.

У олий насл-насадбнинг таг-туғли покиза авлоднинг издошларидан бири. У Кўқон хони Худоёрхон қизларидан бирининг неварасига чевара бўлади.

— Ҳаёт, — дейди Неъмат Ёкубов, — фақат тулга бурканган бўйстон ҳам эмас, фақат томоша ва байрам ҳам эмас, фақат азоб-укубат ёки ором ҳам эмас. Ҳаёт — поёнсиз, кўпқиррали мураккаб жараён. У бурч, кураш, узлуксиз ҳаракат, инсон зиммасидаги оғир синов, вижданан ниҳоясига етказиш керак бўлган масъулиятдир. Ҳаёт — жон койитмай, машаққатсиз яшаб бўлмайдиган мураккаб жараён. Ва ўзига енгил ҳаёт ахтарган одам чинакам аянчли ҳолга тушган, беъмани, қаноатсиз, самарасиз ҳаёт кечираётган энг баҳтсиз инсонларидир.

Неъмат Ёкубовнинг ёқимли хислатларидан яна бири шундаки, ҳаётнинг ана шундай мashaққатларига сабр, чидам билан бардош беради. Сабрни у аввали очик, лекин охири ширин, мақсадга етиш воситаси деб билади.

Рафиқаси Ҳилолаҳон бундан йигирма йил муқаддам оғир хасталик натижасида иккала оёғини босолмайдиган бўлиб қолди. Кўрсатмаган шифокор қолмади. Дунёнинг энг машҳур невропатологи марҳум профессор Наби Мажидов бор имкониятларни ишга солиб кўрди. Лекин иш кўнгилдагидек бўлмади. Ниҳоят, Неъмат Ёкубов Наби Мажидовнинг, тажрибали шифокорларнинг тавсиясига риоя қилиш билан бир қаторда рафиқасининг жонига ором берадиган ўзи ўйлаб топган даволаш услубини кашф этди.

Беморни қалбida ҳаётга, ўз кучи ва соғайиб кетишига бўлган ишонч туйғусини кучайтириш, қалбидан ноҳуш ҳаёлларни ҳайдаш,

вафодорлик аҳдида қатый туриб, кўнглини меҳр билан овлаш, парвариш қилишнинг бор имкониятларини жалб этиб, имконият даражасида ёлғиз қолдирмаслик, кайфиятини кўтарадиган бадиий китоб ва журналлар билан таъминлаб туриш, маҳсус аравача ва машинада хушманзара жойларга сайр қилдириш, нохуш ҳодиса ва воқеаларни етказмаслик – рафиқасининг саломатлигини тиклаш ҳақидаги фамхўрларнинг режаси эди.

Йигирма йилдирки, ўзининг раҳнамолигида Фарғона вилоятидаги „Чимён“ профилакториясида даволанишни канда қилмайди. Узоқ масофага мўлжалланган маҳсус машинада биргаликда Фарғонага олиб бориш, ногиронлар аравасида тоғдо етаклаб, зарур бўлганда елкасида орқалаб муолажалага олиб боришнинг Неъмат Ёкубов учун оғирлиги билинмайди.

Шулар қатори ижодга ҳам вақт топа билади. Айниқса ўтган 2012 йил даволаниш мавсуми сермаҳсул бўлди. Ўндан ортиқ шеър, ғазал ва тўртликлар дунёга келди.

*Осмоннинг чироий нозик ҳилолдир,  
Менинг кўрким – ёр жамоли висолдир.  
Муҳаббатсиз ўтган умринг уволдир,  
Севги туфайли инсон баркамолдир.*

Умр фаслининг саксонинчи баҳорига яқинлашиб қолган зиёли бир донишманд отахон „Чимён“ профилакториясида Неъмат Ёкубов билан бўлган сұҳбатда:

– Мен сизларни олти йилдан бўён кузатиб, жуда ҳавасим келиб қолди. Садоқат, вафодорлик ва меҳр-муҳаббатни сизлардан ўрганиш керак экан. Эркакнинг ўз аёлига бўлган ҳақиқий меҳрибончиликни биринчи бор кўришим. Тўғри, бир-бирларига меҳрли бўлган эрхотинлар кўп. Лекин сизларчалик эмас. Жуда тўғри қиласиз, отангизга балли. Тагли-зотли авлодлардан кўринасиз. Донишмандларнинг бир гапи бор: „Аёлингизни қадрланг. Зоро улар учар қанотингиз, ўрнаштан пойдеворингиз ва тутар қўлингиздир.“ Юргашимиз ҳам аёлларни эъзозлаш ҳақида кўплаб доно фикрларни билдирим оқдалар. Кам бўлмайсиз, дўстим...

*Аёл бил, лутфу қимматга сазовор,  
Гўдакдек меҳру шафқатга сазовор.*

Менимча, аёлингиз дардига кўпроқ сизнинг меҳру шафқатингиз малҳам бўлаётгандек туйилади. Бу жуда улуғ ва савобли иш. Агар билсангиз Куръони Каримда бева бечора, етим-есир, беморларга

муруват күрсатиши, уларга мәхрибон бўлишни Аллоҳга қарз бериш билан қиёсланади.

Бир одам кимгадир қарз берса, қарз олган одам унга ҳиёнат қилиши, қарзни бермаслиги мумкин. Лекин Аллоҳ сиз каби вафодорликнинг сардорларини ҳеч вақт алдамайди. Ҳаётда кўпини кўрдик. Хотини сал узоқроқ бетоб бўлиб қолса, даррон бошқасини қидириб қолади. Улар билмайдики, аёллар миллатимизнинг жон томири. Ватан тимсоли, оила ва жамиятнинг ўчмас чирогидир.

Яна бир бор оғарин сизга, сиз каби офтобқалб инсонлар кўпаяверсин, умрингизга, жонингиз ва ижодингизга Яратганинг ўзи барака берсин!

Отахон ҳақ гапни айтади. Ҳақиқатан ҳам жуфтликдаги аҳиллик, иноқлик ва меҳру оқибат, у қайси ёшда, қандай вазиятда бўлмасин, танага роҳат бағишлаб, дардларга малҳам бўлади. Муҳаббатни кучайтиради, меҳр-садоқатни эса барқарор қилиб, қалбларни руҳий-маънавий тетиклаштиради. Ва ноҳуш ҳаёлларни ҳайдаб, эр-хотин қалбини янада тиниклаштиради.

Хилолахон Ёқубовани даволовчи шифокорлардан бири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Миржамол Мирёқубов алоҳида мамнуният билан шундай дейди:

Мен Неъматни болалигидан яхши биламан ва уни яхши кўраман. Ислим жисмига монан, ризқу-рўзли ва баҳт-саодатли инсон.

Унинг энг катта баҳти – ҳалол ва меҳнатсеварлиги, виждо-нининг поклиги, оддий ва камтарлиги, оиласи ва дўстларига бўлган содиқлиги, солиҳа аёли ва комил фарзандлари ҳамда эзгу ниятли қалбларда ҳуррамлик хосил қилувчи ажойиб асарларидир.

Неъмат Ёқубовда инсон ҳаётининг энг одил раҳнамоси бўлган вижданийлик ва инсонни ҳамиша улуғлаб турувчи камтаринлик алоҳида сезилиб туради ва ҳар бир ишни торози адолат билан, инсоғ билан бошқаради. Аёлининг саломатлиги учун дилдан, юракдан қайғуриши эса камдан-кам эркакларга насиб этиши мумкин бўлган энг олижаноб фазилатдир. Мен буни деярлик яrim асрлик гувоҳиман. Ҳам ақлий, ҳам инсоний меҳнатнинг Неъмат Ёқубов фаолиятида болалигидан уйғунлашиб кетганлиги камолотнинг гарови ва маҳоратнинг ошиғи бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Адаб укувли бўлганлиги учун меҳнатнинг ҳар иккала турини у яхши кўради. Унинг яратиб қўйган боғларини кўрган одам улкан ижодий ишлар билан шугулланувчи инсоннинг меҳнати эканлигига ишонмаслиги ҳам мумкин. Ноёб меваларнинг жамики турлари мавжуд. Уларни парвариш қилувчиси ҳам, режаси билан

ҳосилни териб, улардан компот, қиём ва бошқа турли-туман тансиқ маҳсулотларни тайёрловчи ҳам Неъмат Ёқубовнинг ўзи...

Буларнинг барчаси адабнинг ижодий ҳаётини қувноқ-лаштирувчи, кўтаринки илҳом бағишлиовчи, етуклик ва юксакликка чорловчи омиллардир. Зоро, меҳнат – у ҳаёт чироғи ва сарчашмаси унинг зийнати улуғ, инсонни ҳаракатга келтиради, у билан инсон муродига етади ва ҳар қандай ижодкорлик ҳам меҳнатдан туғилади. Ўз ишини гуллатганинг бахти гуллайди, ҳаёти тобора гўзаллашиб, унга ҳамиша бахт-саодат, хурмат ва омад эргашиб юради.

Мақсадли меҳнат, баракали ижод, оиласи аҳиллик ва тутувлик, меҳр-оқибат, садоқат ва вафодорлик чуқур илдиз отган Неъмат Ёқубовлар оиласи каби мусаффо даргоҳларида оддий кунлар ҳам байрамдек ўтаверали.



## ФИДОЙИЛИК ЗИЙНАТЛАРИ

Инсон баҳт учун яралган. Бу унинг туфма хусусияти. Ҳаётда ўз баҳти учун интилмаган одамнинг ўзи ўйқ. Ҳамманинг баҳтли бўлгиси келади ва баҳтли яашага ҳуқуқлидир. У инсон ҳуқуқининг ажралмас қисми. Бой бўлиш бошқа, баҳтли яашаш бошқа. Ватанга, ҳалқка фойдали, керакли бўлиб яашаш, ўзгаларининг қайғисини ўзиники деб билиш, одамлар ва оиласига баҳт ҳади эта билиш, қувонч, умид ва эзгуликка бўлган мойшллик, ҳалол меҳнатни билан шон-шуҳрат қозониш – чинакам ва тўла-тўкис баҳтни англатади.

Муаллиф

Собиқ Тошкент ҳозирги Зангиота туманининг Кўктерак қишлоғида таваллуд топган Аҳмаджон Тошметов – падарибузруквори Ҳошим ота ва волидай муҳтарамаси Зебунисо аяннинг (уларни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) чексиз меҳру-муҳаббати, панд-насиҳатлари ила камол топди.

Саодатда яашаш ва ёмонликлардан узоқда бўлиш учун кексаларнинг насиҳатларини қалбига жо этиб уларга ҳаётда амал қилишни бурч деб билган Маҳамаджон хожи, марҳум отасининг насиҳатларидан бирини эслаб шундай дейди:

— Яхши бўлишлик учун айтилган аччиқ насиҳат ва танбеҳлардан ранжима. Ўз фойдасини қўзлаб сенга ҳушомад қилган, нотўғри ишларингни кўриб сени бу йўлдан қайтамаган бефарқлардан узоқлаши. Қалтис ишга қўл ураётганингда, сенга пишсанг бериб мақтаганлардан эҳтиёт бўл. Акс ҳолда баҳтсизлик билан жазоланиб қолиши ҳеч гап эмас. Яна шуни билиб қўйгингки, катталар билан маслаҳатлашмай туриб бирор ишга қўл ура кўрма. Шундагина маъқулини ўзингга ажратиб оласан.

Маҳамаджон Тошметов мураккаб, залворли ишларни амалга оширишда ота-она, тажрибали устоз ва яқин дўстлари билан маслаҳатлашишдан ташқари, биринчи навбатда ўзига суюнишни, қалби билан маслаҳатлашиш, ақл-заковатини ишга солиб, фаолият юритишни ҳам янада маъқул деб биларди. Лекин барибир маслаҳат

билин бўлган ишни самарали ва мақсадга мувофиқ эканлигини ҳамиша эътироф этиб келади.

— Мен ўрта мактабни битирган вақтда, Тошкент шаҳар ИИБ бошлиги лавозимида хизмат қилган амаким — марҳум генерал-майор Абдужамил Тошметов Жазони ижро этиш бошқармасида бошлиқ бўлиб ишларди. Ёшлик чоғимдан уларга жуда ҳавас билан қаарардим. Шу боисми, эшикдан кириб келган амакимнинг «Ака, шу ўғлингизни менга берасиз. Ўзим ўқитиб одам қиласман», деган сўзлари ҳеч эсимдан чиқмайди. Отам ҳам бунга жавобан «Суяги бизники, гўёти сенини, ўқисин, кам бўлмайди», — дей қўллаб кувватлаганди. Шундай қилиб, отамнинг оқ фотиҳаси, амакимнинг чорлови билан неча йиллик орзуим рўёбга чиқди. 1960 йили ўйлланма билан Свердловскдаги ёнғин-техник билим юртида таҳсил ола бошладим. 1963 йили эса билим юртини битириб, ички хизмат лейтенанти унвони билан Тошкентга қайтиб келдим. Ўша пайтлар ёнғин ўчирувчиларнинг спорт машғулотлари бўйича қатнашувчи ўзбек ўғлонлари жуда кам бўларди. Шунинг учун оловни ўчириш, нарвонда кўтарилиш каби ушбу спорт машғулотлари бўйича турли давлатларда ўtkазилган мусобақаларда қатнашиб, Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилганман.

Ҳа, билаги кучга, юраги шавқу-завққа тўлган, қадамидан чақин чақнаб мусобақаларда фаҳрли ўринларни эталлаб, ҳамкаслари орасида ўзига хос фазилатлари билан ажralиб тургувчи Маҳамаджон Тошметов хизмат фаолиятини 1963 йилда Тошкент шаҳар ИИБ Ёнғиндан сақлаш бошқармасида инспектор бўлиб бошлаган эди. Қатор йиллар ушбу бошқармада катта инспектор бўлиб пойттаҳт ҳудудида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш йўлида баҳоли қурдат хизмат қилди. 1968 йилдан эса Тошкент шаҳар ИИБ Давлат автомобиль назорати бошқармасида инспектор, катта инспектор бўлиб хизмат қилди. 1973 йили эса шу бошқармада бўлинма бошлиғи, 1980—1982 йиллар бўлим бошлиғи, 1982—1987 йиллар эса бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимида фаолият юритиб, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга камарбаста бўлди. 1987 йилда ички ишлар идораларидан нафақага чиқсада, иш фаолиятини 1988 йилдан Тиббий санитария бошқармасига қарашли автокорхонада давом эттириди. Ушбу автокорхона директори лавозимида 1999 йилга қадар меҳнат қилди. Ҳозирги кунда ИИББ ЙҲҲБ Фахрийлар кенгashi раиси сифатида фаолият кўрсатаяпти. Мана шундай даражага эришишингда сенга тўғри йўл кўрсаттан инсонларни эсламасликнинг иложи йўқ, — дейди мамнуният билан отахон. — *Бунда устозларим истеъфодаги полковник Минҳожиддин Салоҳиддинов, истеъфодаги*

*подполковниклар марҳум Миракбар Тұлабоев, Исоил Курбонов, Абдумалик Йұлдошевларнинг (уларни Оллоқ раҳматига олган бўлсин) хизматлари катта деб биламан. Чунки, хизмат сир-асрорларини мана шундай ўз касбини фидойилари бўлган юрт посбонларидан ўрганганиман.*

Устозлари ҳақида тўлқинланиб, уларни ўзгача ҳаяжон билан эсга олаётган Маҳамаджон акадан шогирдлари ҳақида сўраганимизда, уларни номма-ном тилга олди. Истеъфодаги полковник Нуриддин Раджабов, истеъфодаги подполковниклар Баҳодир Исроилов, Одилжон Ходжаев ва истеъфодаги майор Анвар Ҳожиматов каби шогирдлари билан ҳақли равишда фахрланишини қайд этди.

Маҳамаджон Тошметов давлатнинг матъсул ишлари билан қанчалик банд бўлмасин, қанчалик катта лавозимларга эришмасин оила пойдеворининг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини сақлаш унинг учун бош ҳаётий масала бўлиб келган. Фарзандлар тарбиясини эса ўзи эришган ютуқларнинг энг шарафлиси деб билади. Ўғил-қизларга тўғри тарбия бера билиш, билим ва меҳнатни севишга одатлантириш, оила бешигини тебратишининг сир-асрорларини ўргатиш, ўзларига хос касб ва ҳунарни мукаммал ўргатиш билан уларнинг жавлон уриб меҳнат қилишлари ва ҳурмат-иззатда тинч осойишта фаровон ҳаёт кечиришларининг мустаҳкам заминини яратади. Маҳамаджон Тошметов юксак маънавиятли, ўта мураккаб, айни вақтда истиқболли тарбия сабоқларини қунт ва сабот билан ўрганган, вазмин, талабчан ва адолатли отадир.

Турмуш ўртоғи Умринисо хожи она билан ҳаёт гаштини сураётган Маҳамаджон хожи ота ўтган умрларининг ҳар дақиқасига шукроналар айтадилар. Умрихон ақлли ва мулоҳазали аёл ва меҳрибон она. Кўпчилик уни маҳалланинг азиз ва мұтабар онахонларидан деб ҳурмат қилади. Ҳўшфеъл ва ҳушмуомилали она, эътиқодли маорифчи ва фидойи жамоатчи. Бир неча йил ўқитувчи ва маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси лавозимларида фаол хизмат қилиб эзгу ишлари билан унитилмас из қолдириб келаётган вазмин ва камтарин аёл. Оила, мактаб ва маҳаллада хотин-қизларга ҳамиша биринчи ўринда келинлик, хотинлик ва она мартабасини улуғлаб, қолган вазифаларни иккинчи ўринда қўйишини таъкидлайди. Айниқса оналарнинг ўнг қўлида оила — фарзанд, чап қўлида эса касб-кори бўлмоғи мақсадга мувафиқдир. Зоро, оналар оиласининг ор-номуси ва шаънини ҳимоя қилувчи мўътабар қалқондир, деб таъкидлашни канда қилмайди.

Умрихон ва унинг турмуш ўртоғи Маҳамаджон хожи ўз фарзандларига мукаммал тарбия бера олган. Уларни ақл-заковатли

этиб, ёмонлик, нопокликлардан нафратланадиган, юксак маънавиятли, қолаверса машхур Тошметовлар сулоласининг муносиб авлодлари даражасида тарбиялай билган ҳақиқий ҳаёт ижодкори ва фидойи ота-оналардан бири. Қизлари Раънохон тиббиёт фанлари номзоди, етук шифокор, катта ўғли Музаффаржон эса истеъфодаги подполковник, кичик ўғли Баҳодиржон ҳам ўз касбининг мутахассиси. Тўққиз набираси қуршовида кексалик гаштини сураётган Маҳамаджон хожи Тошметовлар оиласининг ҳаёт йўлига назар ташлаш баробарида, унинг ҳар бир саҳифаси яхши амаллару эзгуликлар билан сайқалланганлигига гувоҳ бўламиз.

Луқмони Ҳакимдан сўрашибди:

— Сиз oddий чўпонликдан шундай даражага қандай эришдингиз?

Луқмони Ҳаким жавоб берибди.

— Тўғри сўзлашдан, омонатга хиёнат қўлмасликдан, ёлғон сўзламасликдан, беҳуда гапирмасликдан, мусибат ва қийинчиликларга мардона чидашдан, ўзини барчадан камтарин тутишдан, одамларга яхшилик қилишдан.

Маҳамаджон хожи Тошметов ва унинг оила аъзолари ҳам яхшиликнинг хоҳ катта, хоҳ кичиги бўлсин, уни ҳеч кимдан дариг тутмайди.

Шундай олижаноб сифатлар барчанинг доимий ҳамроҳи бўлсин!



*Юртбошимиз ташаббуслари билан қышлоқда янги замонавий бинолар қад ростламоқда. Зангиота тумани “Обод турмуш” маҳалласига ўхшаш гүзал масканлар Республикамиз миқёсидага иши сайн тобора кўпаймоқда.*



*Мустақиллик йилларида қишлоқ, маҳалла ва гузарлар манзара-сининг юксак даражада гўзаллашиб бораётганлигини хорижнинг энг иуфузли сиёсатчилари ҳам тан олмоқдалар. Зангигота тумани ҳокими Содиқжон Абдуллаев Ўрта Овул қишлоғига ташриф буюрган хориж меҳмонлари билан.*



*Хар бир оила — бир жамоа. Түрмүш оиласынки бўлса, одоби жамиятники. "Қирқарық" маҳалласининг фуқароси доцент Файзулла Баҳромов бошлиқ нуфузли оила обод ва фаровон турмушимизга файз киритиб келаётган энг намунали, зиёли ва баҳтили оиласалардан бироридир.*



*Инсониятнинг етказадиган фойдалари ва одамийлик дастгохини зебу зийнат билан безатиб турадиган ёқимли сифатларидан бири бу дўстларнинг оиласавий зиёфати ва яхши биродарларига меҳрибонлик кўрсатишидир.*



*Ёзувчи Неъмат Ёқубов оила аъзоларининг барчаси шарофатли шимни муқаддас деб билувчи аҳли донишлардандир. Рафиқаси Хилолахон олий тоифадаги ўқитувчи, фарзандларидан бири фан номзоди, яна бирлари олий тоифадаги шифокор, кенжаси эса халқаро тоифадаги журналистидир.*



Профессор Курбон Мұмінов фарзандларының барчаси алм-ғаннинг ёрқин юлдукларидір. Үгіллари Аширбек тарих фанлари доктори, профессор, Одилбек давлат акционерлік жамияті Молиявий хизматтар Департаментининг директори, Оқылбек "Стомодент" директори, қыздары Гүлсумай "Асака" банк бўлиш бошлиги, Даирха ва Ойдин эса олийгоҳларының доцентлари.



Ота-она ато этган баҳт — ярим, жамиятдан теккани эса бутундір. Мурод Мирзахалилов ҳам оила, ҳам жамиятда мүносіб ўрин згаллаган баҳти инсондір.



*Бошқа соңалардаги каби оиласлар мустаҳкамлиги ва ободончилик ишларидан Тошкент шаҳар имом хатibi Айвар ҳожи Турсунов, Зангистон туман имом хотиби Яхё ҳожи Турдиев ва унинг котиби Баҳтиёр ҳожи Мухамедовнинг кўрсатадётган жонбозликлари диққатга сазовордир.*



*Музaffer ҳожи Жамолов ўзининг кексаликда кечираётган баҳтили ҳаётини фақат мустаҳкамликнинг шарофати ва солиҳ фарзандларининг меҳрибонлигидан деб билади.*



*Каримжон Хаитматов ва Қобилжон Обидовлар оиласи «Кудачилик — мінг ішілчілік» деган доно нақылға дылдан амал қилиб келаётгап энг намунали, меҳр-оқибаттың құдаларданады.*



*Мархұм Ясин ақа ва рафиқаси Ҳайрінисо ая ўз фарзандларини Коміл ва Қобил инсон этиб тарбиялай билған талабчан ва меҳри дарё ота-оналардан әди.*




*Тошпұлат Қодиров ва рафиқаси Гулинисо фарзанд, келин ва күйеларының мөхір тадбиркор, спорт, шыл-фанинг шинавандаси ва ота-онага нақоятда итоаткор, меҳрибон эканликларидан чексиз мамнундирлар.*



Оқила, қалби пок, оиласынг садоқатли бекаси, халқ, давлат манбааты шүлида учмас из қолдирған фидойи онахон Мавлуда Күчкөрова.



Тошкент шаҳар, Олмазор туман «Намуна» маҳалла оқсоқалининг маслаҳатчиси. Республика күрик танловининг толибаси Муфарраҳ Содиқова.



Сафар ва экскурсияни ҳаёт лаззати деб билүвчи Шоира Толипова оила аязолари билан зиёратгоҳларни сайр қилишини канды құлмайды.



Мавлуда Фиёсова миллий таомлар, хусусан сумалак тайёрлашда маҳалланинг энг құлы гүл аёлларидан.




*Зангиота туман, Зоирхон Жалилов номидаги маҳалласида «Энг намунали оила», «Энг намунали ўқувчилар ота-онаси» учун фаҳрий ёрлиқ ва савиғалар тақдим этиш яхши йўлга кўйилган.*

*Оқсоқол Мурод Мирзахалилов юлиблардан Зухра Жалилова ва Ботирхўжа Зайниддинхўжаевлар оиласини тақдирламоқда.*



*Тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент тиббиёт Академияси Умумий амалиёт шифокорлари тайёрловчи ички касалликлар кафедрасининг доценти, Ёропа давлатлари умумий амалиёт шифокорлари конференциясининг қатнашчиси Дилфузада Ёрмуҳамедова.*



*Латофат Тожмуҳамедова инсонда дунёқарашни тарбияладиган, яшашни ўргатадиган бадиший адабиётнинг етук олими, филология фанлари номзоди, доцент, кафедра мудири, тўрт нафар фарзанднинг онаси, намунали келин (ўнгда).*



*Тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент давлат тиббиёт Академиясининг доценти Нигора Ахмедова ўзининг олижаноб фазилатлари билан эл-юрга ва маҳалла аҳлигининг хурмат ва эҳтиромига сазовор бўлган фидойи, жонкуяр аёл.*



*Тиббиёт фанлари номзоди Нозима Файзиева билимли, ҳаёли ва вижданли оиласда тарбия топган, бобоси тиббиёт фанлари доктори, профессор Ҳамидулло Файзиев изидан бораётган иқтиidorli олима.*



*Мөхнат фахрийиси, кекса педагог Мирзахожи Аҳмедов набираси билан ўзининг ноёб китобларга бой кутубхонасида.*



*Зангигота туман 56-мактабда «Китоб ақл қалъсиdir» мавзуига багишланган Ўзбекистон халқ ёзувчisi Ҳудойберди Тўхтабоев билан ўтказилган ижодий учрашув шитирокчилар қалбида чуқур из қолдириди.*



*Бахт қулфининг қалитини одоб деб тушунган Абдиҳабир хожи  
Самиюев ва рафиқаси Раҳимахон ҳожи она билан тарбиялаб вояга  
етказған фарзанд ва набиралари оиласынинг ҳақиқий чироги ва  
күзманинг қарогидир.*



*Аёллар қайси ёшда бўлмасин, қалбан гўзалликларича  
қолаверадилар.*

*Бир кўрдим мен уни, шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!*

*Алишер Навоий номидаги маҳалла аёлларининг Тоҳира Тошме-  
това бошчилигидаги саёҳатидан жталиқ.*



*Маҳамаджон хожи Тошметов ва рафиқаси Умрихон Тошметова оила ва фарзандларига бўлган садоқатни муқаддас бурч деб биладилар.*



*Кишида одоб бўлса, илем ҳам лозим. Одоб ақлга боғлиқ нарса. Ақл устига одоб ҳам қўшилса нур устига аъло нур бўлади. Улуғлик ақлу одоб билан вужудга келади. Ақлнинг қадри одоб билан, бойлик қадри саҳоват билан, қувват қадри баҳодирлик билан ошади.*

*Келес шаҳрининг фуқароси Ботир хожи Баҳромов ва рафиқаси Муқаддасхон энг намунали, меҳнатсевар, ҳалол меҳнат ва яхши тарбия билан зар топган тадбиркор ва саҳоватпеша оиласининг баҳтили ота-оналаридир.*



Республикада хизмат күрсатган журналист, «Қишлоқ ҳәйти» газетаси Бөш мухаррирининг ўринбосари Суннатилла Сайдалиев айни вақтда ақыл, иноқ ва намунали оиласининг севимли отаси.



Садоқатнинг муҳити доим обод, садоқатли инсонларга баҳт зргашиб юради деганларидек, Ҳайдарбек хожи Бўлисбеков ҳам ўзининг меҳр-оқибатлииги, ҳалол ва меҳнатсеварлиги, саҳий ва фидойилиги билан мақсад меваларини териб юради. Алишер Навоий номидаги маҳалланинг қадри улуғ фуқароси Ҳайдар хожи севимли фарзанд ва набиралари даврасида.



*Латофат дунёсининг ҳосили бўлган санъатнинг саноқсиз сўқмоқларидан мувafferакиятли ўтиб келаётган моҳир қўшикчи ва гапга либос кийдирувчи ўзбек миллий драматик театрининг актёри Шавкат Толипов муҳлисларнинг қалбида чуқур из қолдириб келаётган қобилиятили ва зиёрак санъаткор.*



*Ҳаёт оқибат ва вафо билан гўзал. Оқибатилларнинг қалби латиф бўлиб, эл-юрт ва авлодлар ичидаги қадри улуғ бўлган.*

*Республикамизда хизмат кўрсатган артист Ойгул Халилова ва турмуш ўртоги Набижон Бобојонов оила ва санъатга бўлган садоқату оқибат заминида ўз баҳтини топган инсонлардан.*



*«Иттифак» маҳалласидаги Түйгүн Истроиловлар оиласы ҳақиқий шифокорлар сулоласы. Ошадаги түркүз из нафар олий малакали шифокорларине түрт нафари фан номзоди.*



*Илм ақл чироги, у ойга нарвон күяди, харсанг тошни ҳам тилга киришиб, илм билан шугулланыш хүдди дөңиз тагида дәхқончылық қилиш билан баробар. Лутфилла ва Муборакхон бошлиқ оила жамиятга ана шундай нур тарқатуучилардан ҳисобланади.*



*Алишер Навоий номидаги маҳалла хотин-қыздар кенгашининг раиси Тоҳира Тошметова “Мустаҳкам оила иили” туман кўрик танловининг юлибаси.*



*Тинчлик, хотиржамлик ва аҳилликдаги меҳмондўстлик, тўкин дастурхон — обод ва фаровон турмуш рамзиидир. Файзулла Баҳромов Абдуқаҳор Азимов ва Саидаҳмад Мирзахўжаев каби тенгқур ҳамкасларнинг наъбатдаги анъанавий меҳмондорчилклари.*



*Абдурауф Каримов ва рафиқаси Мавлудаҳон фарзанд-набиралар тарбиясида меҳнатни камолотнинг гарови ва толелар ҳомийси деб биладилар.*



*“Хунар бўлса қўлингда — нон топилар йўлингда”, дейди ўз фарзандларига мишишкор уста Икромжон Тошмирзаев.*



*Республикада хизмат күрсатган артист Ойгул Халилова отона, қайнота-қайнона ва түғишиларга бош бўлиб саёҳатлар ўюштириб туради.*



*Умр фаслининг 90-баҳорини қаршилаш баҳтига мұяссар бўлган Қовунбай Сайдигозиев ҳамон оиласалар мустаҳкамлиги ва фароқон турмуш борасида фидойишиликни канда қилмайди.*



*Норхўжа Ҳолхўжаев машаққат тошлари орасидан фароқат гавҳарларини топа билган, ҳаёт зиддиятларини жасорат билан енга олган севимли устоз, қалби меҳр-шафқатга ташна ёшларнинг, набира-чевара-ларнинг доно маслаҳатгўйи.*



*Файзулла Азимхўжаев, пири-бадавлат, умр бўйи ободончилик боғу-роғ яратиб келаётган меҳри дарё инсонлардан бири.*

## ОВСИНЛАР ИНОҚ БҮЛСА, ОҒА-ИНИЛАР ЧИНОҚ БҮЛМАС

“Биз иттифоқ сиз иттифоқ,  
Биз бүлмасак бир иттифоқ,  
Бир кундаёк қыр пичоқ”

Мақол

Бахтли, мустаҳкам оила саройининг раннақида бир хонадондаги туғишиган ака-укаларнинг рафиқалари бўлмиш овсинлар ўртасидаги муносабатлар энг нозик масалалардан ҳисобланади.

Оиладаги аҳиллик ва иноқликнинг олтин ипини боғлайдиган ҳам, узадиган ҳам авваламбор овсинлардир. Улар ўртасидаги зиддият гоҳо эр-хотин гоҳо қайнона-келинлар ўртасидаги келишмовчиликларни келтириб чиқаради.

Чунки, аксарият овсинларнинг бир-бирларини „кўргани кўзлари, отгани ўқи йўқ“ лиги, улар ҳатто бир-бирларининг душмани бўлган кундошлардан ҳам баттар эканлиги, уларда бундай ярамас феълатвори оқибатида эрлари бўлмиш ака-укалар ўртасига нифоқ тушиши, оила аъзолари ўртасида уриш-жанжал кўтарилиши, ҳатто бир-бирлари билан „юз кўрмас“ бўлиб кетишлари – ҳаётда кўп кузатилган ҳол бўлиб, бу ҳол ҳалқимизнинг қатор мақолларида ҳам ўз аксини топган.

“Оға-ининг бор бўлса, душманим йўқ дема,  
Овсининг бор бўлса, кундошим йўқ дема,“

“Кундош – кундошга пахта отади, овсин овсинга тош отади,“ „Кундошлар кул отишар, овсинлар игна отишар,“ „Икки овсиннинг кавуши кавшандозда чандишиди,“ „Овсин – ажин йиғилса, ажина базми қурилар,“ „Овсин – ажиним, кўрганда келар фижиним.“

1969 йилда „Гулистон“ журналининг саҳифасида ушбу мавзуга оид шундай бир ривоят чоп этилганди.

“Ўтган замонда, Кубо деган томонда – беш оға-ини бўлиб, барчалари аҳиллик ва иноқликда ҳамдаму-ҳамкор эканлар. Тўнгичлари ота ўрнини босар экан. Топгандлари бир қўлга йиғилар эканда, ҳаржлашда ҳам шу қўлдан чиқар экан.

Ҳамма уларнинг иноқлиги, апоқ-чапоқлигига, ҳалоллигига ҳавас қиласар экан.

Оға-инилардан бири шундай дебди:

“Аҳилликка нима етсин! Мана бизлар аҳил яшаемиз, бир қозондан, бир дастурхондан таом еймиз...”.

— Сизларни аҳил қилган биз овсинглар, — дебди хотин.

Эр буни тан олмабди. Лекин хотини буни дилга тушиб кўйибди...

Бир куни овсинглар калла солиб, шўрва қилишибди. Катта огалари одатга кўра баковуллик қилиб, гўшт тақсимлаб, расм-руссумга кўра калланинг иккала кўзини ўзи еб, бошқа жойларини оила аъзоларига тақсимлаб беради. Дастурхон йигиштирилгач, овсинглардан бири эрига сўз қотиб, таъна тошларини отибди:

— Бефаросатсиз, акам-акам дейсиз-да, нима берса шуни ейсиз!

— Нима бўлди? — дебди ҳайрон бўлиб эри.

— Ие, акангиз гўшт бўлгандага қарамадингизми? Тили узун бўлсин деб, тилни ўз хотинига берди, оғигир бўлсин деб, олдинги пёқларини ўз болаларига берди. Сизнинг болаларингизга кейинги туёқни, менга фақат кемичак қулоғини берди. Қуруқ жасагни ўзингиз гажидингиз!

Э, ҳа, шунақами ҳали! дебди эри ғазаби қайнаб.

Охири жанжал чиқиб, оға-инилар ўртаси бузилибди ва аҳилликнинг олтин или узилиб, оға-инилар бош-бошига якка рўзгор тузилибди. Шундан буён элла шундай масал юррамиш:

“Овсинглар иноқ бўлса, оға-инилар чиноқ бўлмас.”

Аҳиллик ва иноқлик шундай енгилмас ва қудратли салтанатки, оиласибий баҳт-саодат, муҳаббат, меҳр-оқибатнинг ҳаётбаҳш гуллари ана шу масканнинг бўстонида барқ уриб яшнайди.

Албатта, зиддият, қарама-қаршилик ва бир-бирларини кўролмайдиган уч-беш нафар овсингларнинг бир ҳовлида яшашлари жуда оғир. Лекин аҳиллик, иноқлик бўлса, бу қийинчиликлар осонликча бартараф этилади. Иноқликда бирлашиб, оиласа файз ва қувват баҳш этиб, боқийликка юз тутган, хушмуомила, оила соғлигини кўз қорачигидек асраб келаётган, барчанинг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлган овсинглар ҳам кам эмас.

Зангиота туманининг М. Маъмурев, Алишер Навоий, Зоирхон Жалилов, Мавлон Фаниев номидаги маҳаллаларда бир-бирларини ҳурмат қилиб, турмушнинг ортиқча фисқу-фасод, иғво, тухмат, ҳасад ва кўролмасликдан иборат фавро ва икир-чикирларини четга суриб, аҳиллик ва ҳамжиҳатликда яшаб келаётган Ислом Ҳамидов, Ниёзбек Усмонов (марҳум), Ботир хожи Баҳромов, Норбуви Абдугофурова, Каримберди Эгамбердиев, Нурилла Файзиев,

Зоиржон Тилланазаров, Мурод Мирзаҳалилов, Равшан Жалилов, Гуломхўжа Исмоилов, Абдиҳабир Самиғов, Ботирхўжа Зайниддинхўжаев, Эргаш хожи Маҳаматов бошлиқ оиласардаги келин-овсинлар баҳтиёрик маскани оиласининг энг садоқатли ва энг фидойи қўриқчилари деб баҳолашга лойиқдирлар.

Алишер Навоий номидаги маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси Тоҳира Тошметова ўз маҳалласидаги Зулфия, Маҳфуза, Гулсумой, Раънохон, Фарида Усмонова, Мунира, Донохон ва Мадина Исмоилова, Нибуфар, Ҳуршида Самигова каби аҳил ва иноқ овсинлар ҳақида мамнуният билан шундай дейди:

Бу хонадонлардаги келинларнинг бирортаси ҳам овсинларга ўхшамайди. Туғишган опа-сингиллар ҳам баъзан бунчалик аҳил бўлмайди. Улар ўзлари билан эрларини уйига меҳр-муҳаббат, андиша, ўзаро ҳурмат, қадр-қиммат, саришта саранжомлик ва абадий баҳт олиб келгандар. Бу оиласардаги садоқат, вафодорлик, қалб орзуларининг ўзаро аҳиллиги, осойишталик ва хотиржамлик, осуда ва қувноқ ҳаёт кўпроқ аҳил овсинларнинг шарофатидандир.

Қайнота-қайнона кўнглини, эрларнинг дид, мақсад ва қизиқишиларини олдиндан англаш, ҳушёр ва чаққон бўлиш, бир-бирларига ҳурмат, меҳр, очиқ кўнгил ва эҳтиром билан хизматда бўлиш, оила сирини маҳкам ушлаш бу хонадонлардаги овсинлар учун ҳам фарз, ҳам қарздек фазилат бўлиб қолган.

Беш овсиннинг фарзандлари билан ўн беш йил давомида қозонлари битта бўлиши, ҳар бирларининг чехраларидан меҳр ва мамнунлик нури ёғилиб туриши вақти келиб Ниёзбек Усмоновлар оиласини энг намунали, баҳтли ва мустаҳкам кўрғонларидан бирига айлантириди.

Ҳаёт тақозоси билан овсинларнинг ҳар бири ўз оиласи билан мустаҳкам ва кўркам масканларга эга бўлишиди. Бу ҳам аҳиллик ва иноқликнинг самараси эди. Овсинлар бир-бирлариникита меҳмонга борса, уйлар баҳордек гўзаллашади ва файз-барака баҳшида этади. Бинобарин, овсинлар ўртасидаги оиласий аҳиллик ва иноқлик ҳам барча зэгулик ва омаднинг олтин калитидир.

\* \* \*

Оғайни бирикса, бош кўпаяр,  
Овсин бирикса, ош кўпаяр.

\* \* \*

Қайрағоч қалин бўлса, ёмғир ўтмас,  
Оға-ини тотув бўлса, хўрлик бўлмас.

\* \* \*

Овсин – ажин иноқлиги,  
Оиланинг қувноқлиги.

\* \* \*

Тотувлик-бахт,  
Тотувсизлик-қулаган тахт.

\* \* \*

Жанжалли уй – азобли гўр.

\* \* \*

Беш қўлим пасду – бағанд.  
Бешови асалу қанд.

\* \* \*

Айтишсанг сўз чиқади,  
Туртишсанг – кўз.

## КУНДОШЛИК УЙГА БАХТ БОҚМАС

*Чархим таноб ташлайди,  
Бир балони бошлайди.  
Икки кундош бир бұлса,  
Күнда уруш бошлайди.*

**Халқ құшиғи**

Оила илмининг донишмандлари таъкидлаганылардек, арши аълода амалга ашириладиган никоҳ илоҳий аҳд бўлиб, шу никоҳ аҳди орқали мұхаббатнинг мұхимлигига эришилади. Ва шу асосда қурилган оила илоҳий, муқаддас покиза макон бўлиб, у ерда янги жон, янги авлод, фарзанд дунёга келади. Бунинг учун эса әр-хотиннинг қалби, тану-жони, ният, мақсади, орзу-ҳаваслари бир ва покиза бўлишлигини тақозо этади.

Ақл заковат билан яшаш, вафодорлик аҳдига хиёнат ара-лаштирумаслик, одамлар ҳазар қиласидан жирканч ишлардан, жинсий, ахлоқий бузукликлардан, шаҳвоний ҳирс алдовларидан ўзини ҳимоя қила билган оиласаргина саодатда яшаб, ўзларининг баҳтиёрлик масканларига гард юқтирамайдилар.

Афсуски, хотин устига хотин олиб, булоқнинг зилол суви билан балчиқли лойқа сувнинг фарқига бормайдиган, оиласига беҳисоб азиятлар чектириб, бадномликлари туфайли оғат-кулфатларга сабабчи бўлганлар ҳам учраб туради.

Билмайдиларки, ташқаридаги ҳаром севги ичкаридаги ҳалол севгини барбод қилиб, ўз қўллари билан ўз баҳтларининг илдизига болта уриб қўйганларини. Қўшхотинлик даҳшат нарса. Унинг жафосидан ортиқ қўргилик йўқ. Кундошлар бир-бирларини кўргани кўзи йўқ, оттани ўқи. Улар бир-бирларига ёвузлик, душманлик ниятларини амалга оширишади. Кундошлар ўргасидаги кўнгилсиз воқеалар ҳалқ мақоллари ва оғзаки ижодининг барча турларида ҳам ўз ифодасини топган.

“Кундошлик уйга баҳт боқмас“, „Ош ўринга айрон, кундошли ўй вайрон“, „Кундошинг бўлса-бўлсин, кундошваччант бўлмасин“. „Эшикдан кундош кирса, тешикдан уруш киради“, „Далағадаги ғўзани кетмон қилди ягона, мени севган ёримни, кундош қилди бегона“.

*Зар девор, зар девор,  
Зар деворнинг гарди бор.  
Юрагимнинг бошида  
Кундошликнинг дарди бор.*

Кундош билан оилани иқболли, баҳтли қилиб бўлмайди, турмуш бир умрга толесиз бўлиб, эр умрбод баҳтсизлик ва ҳасратда яшайди.

...Мадамин қишлоқдан институтга ўқишга келганида гулдек аёли ва икки нафар фарзанди ҳам бор эди. Ҳамма бало бир йилгина эри билан яшаб, арзимаган нарсага ажрашган курсдоши Латофат билан тил топишиб қолищдан бошланди. Латофат ота-онасининг ёлғиз эрка фарзанди бўлғанлигиданми Мадамин жон-жон деб ичкуёвликка рози бўла қолди. Фарзандлик ҳам бўлишиди. Мадамин қайнотасининг ёрдамида алоҳида уйлик ҳам бўлиб олди. Ўқишни битиргач, ишлари ҳам ёмон бўлмади. Биринчи хотини эса Мадаминнинг барча хатти-ҳаракатларидан воқиф бўлса ҳам ўзини билмасликка олиб юраверди. Кунлардан бир кун қизиқ воқеа содир бўлди. Еб тўймаган, ялаб тўядими, деганларидек, Мадамин Латофатга ҳам ҳиёнат қилиб, хизмат сафарига кетяпман, деб дам олиш куни Луиза исмли суюқёёқ аёл билан шаҳар чеккасидаги сўлим оромгоҳга йўл олди. Кечгача мириқиб дам олишиди. Қоронги тушиб сайр қилишиб юрганда қаршиларидан Латофатнинг бошқа бир эркак билан қўлтиқлашиб юрганини кўрган Мадамин чурқ этолмай қолди... Ҳақиқатан ҳам Мадамин кетиши билан Латофат ҳам болаларини онасиникида қолдириб, курсдош жазмани билан майшатта йўл олганди... Мадамин тавба қилиб биринчи хотинининг уйига бўйин эгиг борди. Лекин хотини Васила „Мен сиздан аллақачон воз кечганман“, – деб эшигини тарс этиб ёпиб, эрни қабул қилмади.

Кўчада қолган Мадамин тасодифан савдогар бева аёл билан топишиб, дуруст яшаётгандек бўлди. Савдо ишлари билан узоқ шаҳар ва хорижларга бориб, ҳамма нарса унугилгандек эди.

Лекин навбатдаги сафарларнинг бирида Мадаминнинг юраги хуруж қилиб, бир қўл, бир оёғи ишламай, мусоғир юртнинг касалхонасида узоқ ётиб қолди. Айтишларича, савдогар хотин Мадаминнинг биринчи хотинига қўнғироқ қилиб бор воқеани тушунтирган...

Донишмандлар:

*Гирифтори ҳавои нафс ўлуб шайтона алданган,  
Боқолмай қарэга ботуб, уч хотун олганни ер ютсун,*

деганларидек, кундошлик ҳамиша вафо ўрнига жафо келтирувчи, оилани барбод этиб, уни дунё шодликларидан маҳрум этувчи, кишини абадий ранжу мashaққат ва чексиз беқадрликка гирифтор этиб, эрни эса қаро ер қилувчи ўта касофат нарса.

Вафо ва садоқатлиқда баҳтиёр яшайттанларнинг оиласи эса доимо жаннат боғининг бир бўлагига ўхшаб тураверади. Ва баҳтнинг зарли тахтида даврон сурман деган ҳар бир эркак кундошликининг яқинига бормайди.

*Fўзапоя ўтини,  
Аччиқ экан тутуни.  
Ҳеч кишига солмасин,  
Кундошликин ўтини.*

\* \* \*

*Хотин кўп бўлса,  
Чўмични им ялайди.*

\* \* \*

*Бир этикка икки оёқ сиғмас,  
Бир юракка-икки муҳаббат.*

\* \* \*

*Ўнтанинг ёр-ёри бўлгунча,  
Биттанинг вафодори бўл.*

\* \* \*

*Бош бола устига борсанг бор,  
Кундош устига борма.*

\* \* \*

*Бир қинга икки пичоқ сиғмас,  
Бир уйга-икки хотин.*

\* \* \*

*Ёмон хотин олганнинг ёви уйида,  
Икки хотин олганнинг дови уйида.*

\* \* \*

*Икки сигир олганинг айрони бор,  
Икки хотин олганинг вайрони бор.*

\* \* \*

*Икки хотинликнинг қулоғи тинмас,  
Эшак минганинг оёғи.*

\* \* \*

*Кунда уриш бўлсин десанг, кундош қил.*

\* \* \*

*Кундош – бошингда тош, кўзингда-ёш.*

\* \* \*

*Кундошлиқ – қўнгил ғашлик.*

\* \* \*

*Кундошлиқка кун туғмас,  
Туғса ҳам, бутун туғмас.*

\* \* \*

*Кундошнинг қули ҳам кундош.*

\* \* \*

*Кундошнинг оти қурсин,  
Соксовулнинг ўти қурсин.*

\* \* \*

*Кўча севгиси уйни барбод этади.*

**Мақоллар**



## РАШК – МУҲАББАТ ПОСБОНИМИ?

Жамиятда никоҳсиз яшаш, оилавий нопоклик, эр-хотинлар ўртасидаги ишончсизлик, гумон, шубҳа ва рашк қанчалик кўпайса, маънавий-ахлоқий бузилишлар шунчалик авж олиб бораверади. Бу иллатлар бамисоли инсон хаёлига қадалган зирачча, қалбни емириб оилани барбод этувчи, покиза инсонларни кулфатларга солувчи, соғ муҳаббатни азобу изтиробда қолдирувчи гирдобдир. Оилавий турмушла эр-хотин ўртасидаги ўзаро ишонч ва вафодорлик барча синовларнинг содиқ фарзанди ҳисобланса, гумон ва шубҳадан туғиладиган ўринсиз рашк турли ранж, изтироб ва азоб-уқубатларга сабаб бўлади. Кимdir шубҳа ва гумонни ҳақиқатга олиб борувчи йўл, шубҳаланмаган одам ҳеч нарсани кўрмайди ва ҳеч нарсага тушунмайди деса, айrim манбаларда эса гумон бирор нарсада ҳақиқат ўрнига ўтмайди, агар бирор нарсадан гумонсирасанг, шубҳа қўлсанг, яхшиси текширма деб ёzáди. Шунингдек, кимdir рашкни имон белгиси деса, бошқа бирор рашкни севгига алоқаси йўқ деб ҳисоблайди.

*Рашк қўйидаги турларга бўлинади:*

1. Сурункали, меъёрдан ортиқ, ўринсиз ҳадиксираш билан боғлиқ бўлган жазавали рашк.

2. Меъёрдаги, ўз севгиси, баҳтини пок асрашга хизмат қилувчи ҳақиқий рашк.

Рашк аввало эр-хотин севгисидан яратилган туйгу. У кўпроқ жуфтликтаги ишончсизликдан, вафо ва садоқат, ҳурматнинг етишмаслигидан келиб чиқади.

Маълумки, ишонч – асоссиз гумон, ҳаяжон, ваҳима, қўрқув ва умидсизликлар кушандаси. Муҳаббатнинг улуғворлиги ҳам ишончда. Лекин эр-хотин дилига кувват берувчи ана шу ишонч йўқолиб, ўринини шубҳа ва тумон эгалласа, натижада рашк ҳосил бўлади. Ўринсиз гумонсираш, гуноҳсиз, беайб жуфтидан шубҳаланиш, ҳақоратлаш, қалбларни ранж-изтиробга соладиган ҳақоратловчи рашк ҳеч қачон ҳақиқий севги ва муҳаббат билан муроса қилолмайди. Бундай жазавали рашк севгининг нафрат қиёфасидаги кўринишидир.

Сурункали, ҳаддан ортиқ ҳадиксираш, меъёридан ортиқ шубҳа ва гумондан ҳосил бўлган далилсиз, исботсиз, кўр-кўронада рашк оилавий жанжал, ажрим ва фожиалар аломатидир.

*Гумон билан асло бирор кишига,  
Уқубат етказма, бўлгунг пушаймон.  
Ошкор бўлган ишнинг ҳақиқий сири,  
Сўнгги пушаймондан фойда йўқ, ишон!*

Вильям Шекспирнинг „Отелло“ трагедиясидаги фожиали хотима эса бундан ҳам даҳшатлидир. Фисқу-фасод, ҳasad, найранг ва туҳмат касрига икки севишган қалб рашк ханжаридан қурбон бўлди. Отеллода Дездемонага бўлган севиги эмас, шубҳа, гумон, рашк устун келиб, қаттиқ алданди. Ва ўзи ҳам ана шу жазавали рашкнинг қурбони бўлди.

Дунёда аёл муҳаббати, ишонч ва севгисига сазовор бўлишдан улуғ баҳт йўқ. Уни сақлаб қола олмаслик эса катта баҳтсизликдир. Рашқдан туғиладиган кўз ёшларга дучор бўлмаслик учун меъёр ва моҳиятни билиш, ўринсиз шубҳа ва гумонларни текшириб, кейин фикр юритмоқ керак. Ҳақиқий, меъёрдаги рашк ўз севгиси, баҳтини пок асрашга хизмат қилувчи соябон, юракдаги муҳаббатини қўриқловчи пособон бўлади. Олижаноб муҳаббат соҳиблари рашкка ўрин ҳам қолдирмайдилар.

“Қобуснома“ китобида таъкидланишича, инсонда „ғайрат мардин“, яъни ҳақиқий рашк бўлмоғи керак. Ҳақиқий рашк имондандир, бегайрат кишини киши демагил. Ҳар кишида ғайрат (қизғониш) бўлмаса, дини ҳам бўлмагусидир. Демак, рашксизлик, ўз жуфтига бўлган бефарқликнинг далилидир.

Бегубор, нафис, вафоли ва осойишта севгини ҳимоя қилувчи рашк ҳақида қаҳрамон шоиримиз Эркин Воҳидов чаманлардаги нафис гуллар сенга тикилса кўзим ёнади, лолаларга рашким келади, лабингдан рант олган гилос ва чарос узумлари лабингга тетса ҳасад қиласман, дейди.

*Сени ёдлар тугул ҳатто —  
Қилурман рашк ўзимдан ҳам,  
Ўзоқроқ термулиб қолсан,  
Бўлурман ғаш кўзимдан ҳам.*

Ана шундай ўз севгиси ва баҳтини ҳимоя қилувчи, меҳрли, меъёрли ва ардоқли рашк оиласвий муҳаббатни покиза ҳимоя қилишда доимий таянч бўлиб қолишининг тилақдошимиз.

Ёш оиласларда гоҳо рашк балоси ҳам анча ташвишларни келтириб чиқаради. Натижада ҳеч бир асосланмаган ҳолда айб тақашлар, ҳақоратли тегажоқликлар, изини пойлашлар бошланади. Бунда бирон

томоннинг шубҳалари иккинчи томонни ниҳоятда мушқул аҳволга тушириб қўядики, оилавий фожиалар бирин-кетин рўй бера бошлади.

Рашк саҳналари қўпинча йўқ нарсалардан ҳам келиб чиқаверади. Асосланмаган рашк эса эрни (ёки аёлни) ҳақоратланишига, ўртада совуқчилик тушишига олиб келади. Баъзилар, рашк бўлмаса, севги ҳам бўлмайди дейишади. Рус ёзувчиси В.Г. Белинский эса, рашк – бу эҳтироснинг асли-таги паст, худбин, манфаатпаст бўлган ҳамда маънавий жиҳатдан саёз кишиларга хос томонидир. Унинг фикрича рашкни муҳаббатнинг ажралмас, таркибий қисми деб бўлмайди, дейди.

\* \* \*

Рашкчи эркакнинг аёли энг озурда аёлдир. Ўзига келмай, очилмай, яйрамай юради. Эркак рашк қиласаса-чи?! Буни қарангки, бунда ҳам аёл ўзини хор сезар экан.

*Турсуной Содикова*

\* \* \*

Рашк аслида, ниҳоятда азоб берувчи ҳиссиётдир. Одамнинг ҳиссиёти, шу жумладан, рашки ижтимоий негизга эгадир. У фақат туғма қобилият бўлиб қолмай, турмуш шароити, маданият, тарбия даражаси билан бевосита боғланган.

\* \* \*

Рашк туйғуси эҳтирос-севгининг пайдо бўлиши оқибатида юзага келади. Лекин бу шубҳанинг кўринишлари, унинг даражаси ва хусусиятлари муҳаббатга зид ва қарама-қаршидир.

\* \* \*

Муайян чегарадан чиқмаган рашк табиий ва мақсадга мувофиқдир, у ёш эр-хотиннинг муносабатлари тўғри йўлга тушиши, бир-бирларини яхши англаб олишлари, шу тариқа ёш оиланинг сақлаб қолишлирга ёрдам беради.

\* \* \*

Хотин-қизларнинг номусини ҳимоя қилиш, уларни қизғаниш имондандир. Қизғанмаслик эса мунофиқликдир.

*“Ҳадислар”*

\* \* \*

Ёввойи, кўр-кўрона ва ўч олувчи рашк ҳам бор. У ҳеч қандай чек-чегарани билмайди. Ҳамда ҳеч қандай оқилона асос ва сабаб

топиб беролмайди. Бундай рашк доимо уриш-жанжалнинг уяси бўлиб хизмат қиласи ва ҳали мустаҳкамланмаган ёш оила илдизини қуртдек кемира бошлайди. Натижада, жинсий яқинлик издан чиқади, қолаверса, эр-хотин физиологик жиҳатдан бир-бирларини қондира олмай қоладилар.

\* \* \*

Рашк кўпинча ичкилиkbозлик оқибатида ҳам вужудга келади. Одам муайян далилларни бошқачароқ, кўшиб-чатилган ҳолда тасаввур этиб, хасталанган онгига юзага келтан нарсалар билан реал ҳаётдаги воқеаларни қориштириб холоса чиқарадики, натижада рашк шайтонлаши вужудга келади. Рашк шайтонлаши – бу ниҳоятда ўжар, турфа ҳис-туйғу омилларига бой ҳолат бўлиб, беъмани ва куракда турмайдиган хатти-ҳаракатлар билан бирга келади.

\* \* \*

Рашк эркакнинг жинсий қобилияти сусайиши оқибатида ҳам юзага келади. Аёлнинг нотўғри, ножӯя хатти-ҳаракатлари ҳам эркакдаги жинсий майлни янада сусайтириб юборади, натижада унинг ўзига бўлган ишончи йўқола боради. Шу тариқа эркак хавфсирайди, шубҳалари кучая боради. Шундай вазиятда дўст-биродарларга дардини очишнинг нафи йўқ. Шу боисдан яхшиси, шифокорга мурожаат этган маъқул.

*Профессор Борат Раҳматов.*

\* \* \*

Шубҳа, гумон ва ҳадиксирашдан пайдо бўлган, далил ва исботи йўқ рашк севги, муҳаббатни алам-изтиробда ўлдирувчи жаллоддир.

\* \* \*

Севиш ва севилиш ўлгандан кейингина рашк ҳам ўлади.

\* \* \*

Меъёрдаги рашк юракдаги муҳаббатни қўриқловчи посбондир.

\* \* \*

Эр-хотин севгисидан рашк яралади. Жуфтлиқдаги ишончсизлик рашкни кучайтиради, вафо ва ишонч қалбдаги рашкни йўқота бошлайди.

*“Нажом бешиги“дан*

\* \* \*

*Аҳил оиласа хос – шерик қувонч,  
Тамоман йироқ у рашик ва ҳасаддан.  
Кўнгилга устундир муҳаббат, ишонч,  
Шу ишонч асрагай оташ асабдан.*

*Гулчехра Жўраева*

\* \* \*

Муҳаббатнинг рашидан яқинроқ дўсти бўлмаганидек, ундан баттарроқ душмани ҳам йўқ: бу байни темирнинг ўзида пайдо бўлиб, кейин унинг қаттол душманига айланадиган зангнинг ўзтинасиdir.

*Ж. Бруно*

\* \* \*

Кучли муҳаббат билан ёмон шубҳа муроса қилолмайди.

*П. Аблер*

\* \* \*

Рашкчилар баҳона қидириб ўтиришмайди, улар шу сабабсиз касалга мубтало бўлганликлари туфайли ҳам рашиклидирлар.

*В. Шекспир*

\* \* \*

Энг кучли нафрат – энг кучли муҳаббат маҳсулидир.

*Т. Фуллер*

## ЧИН АЙТСАНГ ҲАМ СИР АЙТМА

*Ошкор қилиб бўлмас сирларинг бўлса,  
Дилингга жойла-ю, унга муҳр бос.  
Эл оғзига тушгач зиёни кўпдир,  
Икки лаб ичидан сир чиқса беҳос!*

Мажидиддин Хавофиий

Сирингни сиртга чиқарма, сир берувчи бўлма, гар олувчи бўл, жон берсанг бер, лекин сир берма, дейди – доно халқимиз. Яъни, душман билан олишувда бошингни бериб ҳалок бўлсанг-да, асло сирингни бера кўрма дейилмоқчи, Зеро, оиласвий ҳаётда ҳам, давлат ва жамоатчилик ишларида ҳам, Ватан мудофаасида ҳам сир сақлашнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бошқа соҳалардаги каби ёшларни болалиқдан кўп гапирмаслик ва сир сақлашта одатлантириш ҳам аввали оиласдан, ота-она намунаси ва аждодлар ўгитини ўргатишдан бошланади.

Ақлли, мулоҳазали ота-оналаргина оила ва жамият манфаати, обрўсини сақлаш учун ҳамиша эҳтиёткор бўлиб юрагини кенг тутади ва оғзига маҳкам туриб фарзандларга намуна кўрсатиб боради.

Юрак ҳамманинг ҳам олдига ёзилаверадиган дастурхон бўлмаганидек, оила сири ҳам катта ва кичик бўлишидан қатъий назар, у маҳфий тутилади. „Сирингни сиртга чиқарма“, деган нақлда катта маъно бор. Яъни, ички сирни сақлаш бениҳоя зарур нарса. Чунки бирорвга айтилмаслиги керак бўлган сирни оиласдан ташқарига чиқариш, уни ошкор қилиш ёмон оқибатларга олиб келиши муқаррар. Бир оғиз сўз билан сирни фош этиш нафақат оиласни, ҳатто катта бир давлатни ҳам инқизозга йўлиқтириши мумкин. Темирнинг кичиги ҳам темир бўлганидек, сирнинг кичиги ҳам сир ҳисобланади. Сирни бир киши билдими, унинг сирлиги қолмайди. Ўзининг ҳам, оиласи ва яқинларининг сир-асрорларини бўлар-бўлмасга достон қилиш – ўзига душман орттириш, душманнинг ёвуз ниятларини амалга ошириш, демак, оиласни барбод қилишдир.

Ожиз, нотавон, лақма, сергап вайсақи одамларгина ўз сирларини яшира олмай, оқибатда дўстларидан ҳам жудо бўлиб, ишончсиз, бебурд кимсага айланиб қоладилар.

Оила сирини сақлай билмаслик шариатимиз қошида ҳам улуг айблардан ҳисобланади. Бу ҳақда маърифатпарвар олим Ризоуддин ибн Фахриуддин шундай деганлар: „Тарбияли хотунлар катта бўлса ҳам, кичик бўлса ҳам ўз эрларининг сирларини бошқаларга фош қилмасдан, сўзламоқдан жуда сақланурлар. Сири фош бўлган кимса, муродига қўп машаққат ила эришур, балки қўп вақтда ҳам эриша олмас. Шунинг учун сирни бошқаларга билдиromoқ фақат зиён бўлур. Сирнинг сандиги кўнгил, калити тилдир. Сандиқ калитини яхши сақламаган ва кўнгил калити тилни яхши тиймаган киши шубҳасиз аҳмоқдир“.

\* *Беш тоифага:* макру-ҳийлали аёлга, балофат ёшига етмаган болаларга, тентак тоифадаги одамларга, бирорга тобеъ бўлган кишиларга ва синалмаган дўстга ҳам сир айтиш керак эмас.

Хақиқатан ҳам, машҳур ҳинд тарихиси Абдулбарокот Қодирийнинг таъкидлашича, аёллар кўпинча сир тарқатишга мойил бўлиб, уни сақлашда заифдирлар. Хусусан, енгилтак ва макр соҳибаларига сир айтган кишининг иши гўё оловга пахта ташлаб, унга „*куйма*“ деб буюрган одамнинг ишига ўхшайди.

\* Болаларга сир айтган кишининг иши сувга кўза ташлаб, унга „*хўл бўлма!*“ деб буюрган одамнинг ишига ўхшайди.

\* Тентакка сир айтган кишининг иши гўё мушукка гўшт ташлаб, унга „*ема!*“ деб буюрган кишининг ишига ўхшайди.

\* Бирор тасодиф билан бирорга қарам ва тобе бўлиб қолган одамга сир айтган кишининг иши гўё ит олдига суяк ташлаб, унга „*ғажима!*“ деб буюрган кишининг ишига ўхшайди.

\* Ва синалмаган дўстга сир айтган кишининг иши эса, гўё ўзини-ўзи дарёга отиб, дўстига хитоб қилган ҳолда, „*мени гарқ бўлишдан қутқар!*“ деган кишининг ишига ўхшаркан.

Сир маҳфий сақлангандагина у сирлигича қолади, акс ҳолда эса ўттиз икки тиш орасидан чиқишига муваффак бўлган сир ўттиз икки маҳаллага тарқалиб, оила обрўйига путур етиб бораверади. *Ҳаста бошим омон бўлсин, қиличдан узилмасин,* деган донолар ҳеч қачон ноумид дўст ва риёкор душманларга сир бой бермаганлар. Сир дўстга айтилдими, душман ундан албатта воқиф бўлади. Чунки, дўстингнинг ҳам дўсти бор. Балки у дўст сени душманинг бўлиши мумкин, деб жуда тўғри айтганлар.

*Сирлар ичкаридан чиқиб ташқари,  
Неча ботирларни қиласар сарсари!  
Қандай яхши гапни айтмиси бир ҳушёр,  
“Бошинг керак бўлса, — сир сақлаши даркор!”*

Бинобарин, жамият ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган, жамият ҳаётининг энг кичик кўриниши бўлган оиласарнинг доимий покиза, соғлом ва мустаҳкам бўлишларида сир сақлашнинг аҳамияти ниҳоятда улуғдир. Сир сақлаш, оиласарнинг маҳфий сирларини сақлай билиш нафақат оиласарнинг ўзига, балки Она-Ватанимизга ҳам чексиз баҳт-саодат ато этиб, турли ҳалокатлардан асрайди ва ҳаёт йўли янада гўзаллашиб бораверади.

Сир сақлашда эҳтиёт чорасини эсдан чиқармайлик!

\* \* \*

### ЁТ КИШИГА СИР АЙТМА

Агарда розимни душман билмасин десанг, дўстингга айтмагин.

Агар ўз сирингни очилишини истамасанг, бироннинг сирини фош қилмагил.

Агар юзимнинг пардаси йиртилмасин десанг, бироннинг юз пардасин йиртмагил.

“Қобуснома“дан

\* \* \*

Ҳамиша сир асровчи бўл,  
Аждодлар қадрини эъзозла.

*Мотрудий*

\* \* \*

— Қизил тил сени қисқа ёшли қилади,  
Эсон бўлай десанг, сен уни маҳкам боғла.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

\* \* \*

Ким бироннинг сирларин билмоқчи бўлса ёширин,  
Ё ўғирлик била сир олса чин ўғридир у ҳам.  
Гар бу ишга ҳақ талаб этса яна баттар иши,  
Номини қўйса ярашгай ё даюс, ё муттаҳам.

*Абдураҳмон Жомий*

\* \* \*

Фош этма кўнглинг сиррини тинчлик истасанг оламда ким,  
Кўп фитнаға сабаб бўлур гар бўлмаса ёшурун ганж.

*Оғаҳий*

\* \* \*

Тилинг бўлса эди сир учун йўлдош,  
Киличдан узилмас эди хаста бош!

*Хожса Самандар Термизий*

Сирни сукут сақлайди.

\* \* \*

— Сир учини сўз очар, сир очгандан эл қочар.

\* \* \*

Содда сири-тилида, писмиқ сақлар дилида.

\* \* \*

Томчи томиб бўлгунча, дарё оқиб битади,

\* \* \*

Қўшнининг билгани-оламнинг билгани.

\* \* \*

Ич сирингни отангга ҳам айтма.

Сир сақлаганга бало йўқ, сақламаганга даво йўқ.

*Халқ мақоллари*

\* \* \*

Тентакни мақтасанг ва мастни тингласанг, бор сирларини тезда  
аён қиласди-қўяди.

— Сир сўрайверса сукут қил.

*Ҳикматлар*

## ТИЛ ТИНЧ БЎЛСА, ДИЛДА ЎКИНЧ БЎЛМАС

*Ақлу тадбир билан ўйлаб кўрдим,  
Сергап бўлса ҳар ким доим хор экан  
Айтмагайман лабу кўзим юм доим,  
Аммо ҳар бирининг жойи бор экан.*

Ибн Камолпошшо

Инсон камолоти ва билимининг энг баланд мартабаларидан бири чиройли, мазмунли ва қисқа сўзламоқдир. Модомики Аллоҳ инсонга бир оғизу ва икки қулоқ ҳадя этган экан, демак, одамзод болаликдан оиласда бир марта сўзлаб, кўп марта эшишишга одатланса одобдан бўлади. Киши қанчалик билимдон бўлмасин, агар у кўп сўзласа доно бўлолмайди. Оз гапириб, юзни битта қилиб сўзлаган ва кўп тинглагаган одамгина камолот поғонасига кўтарилиб, донолик даражасига муяссар бўла олади.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий – „айтур сўзни айт, айтмас сўздан қайт, кам гапир, оз егину, кам ухла, ўринсиз вайсаган тил шафқатсиз ёвдир, оғиз ва тилнинг безаги тўғри сўздир, тўғри сўзла, кам гапир, тилингни беза, бесабаб ва бемаврил сўзлама, тил тезлигидан қарам тезлиги яхши, сўзига боқма, кўзига боқ, ўзига боқма, сўзига боқ, тил тинч бўлса, бош саломат бўлади, бошингга нима келса тилингдан, оз сўз – ором сўз, кўп сўз ҳаром сўз“, деб ўз асарларида жуда тўғри айтганлар.

*Беҳуда очма оғиз гул каби,  
Беҳуда чалма соз булбул каби!  
Аввал ўйлаб, сўнгра чиқарғил нафас,  
Ўзинг бас айлагин, демай туриб бас!*

Тил яхши сайраса гулистондаги булбул дейсиз, ёмон хониш қилса-чи, вайронадаги бойўғлининг ўзидир. Лекин ҳар яхшининг бир ёмон томони бўлади, деганларидек, ҳозирги замон фан ва техникасининг узлуксиз ривожланиши аҳолига мислсиз енгиллик ва қурайликлар яратиш билан янгидан-янги муаммо, савол ва қийинчиликлар ҳам келтириб чиқармоқда. Хусусан, айрим одамларга хос бўлган сергаплик, оғзи бўшлиқ ва беҳуда гапларининг зиён-

захматлари етмаётганидек, техника асрининг янгиликлари натижасида фийбат, чақимчилик, тұхмат ва бўхтонлардан иборат сўзлар яшин тезлигига тарқаладиган бўлиб қолди.

Иғволарни бутун дунё бўйлаб тарқатадиган интернет, айрим номуносиб, ножӯя кино-телеқўрсатувлар, уяли телефонларнинг ниҳоятда кўпайиб кетиши бир кун, бир лаҳзанинг ўзида миллионлаб одамларнинг миясини заҳарлаб кўйиши ҳеч гап эмас.

Кузатувлар шуни кўрсатадики, ҳозирги вактда уяли телефон кириб бормаган хонадоннинг ўзи йўқ. Оила аъзоларининг деярлик барчаси уяли телефонига эга десак муболага бўлмайди. Ўртacha бир оиланинг ўғил-қиз, набира ва келин-куёвларининг ўзида йигирма бешта телефон борлиги кишини ҳайратга солади.

Ишчи-хизматчиларнинг, студент, ўқувчи ва коллеж, лицей талабалари, уйда ўтирган келин ва меҳнат фаҳриларининг, мардикор, бозорларда юк ташувчи, ҳатто тиламчиларнинг ҳам уяли телефонларга эгалиги, аввало, турмуш фаровонлигидан, техника, маданиятимизнинг юксалиб, аҳолига қулайлик яратишдан далолат берса, иккинчи томондан уяли телефонлар, айрим, вайсақи, сергап, фийбатчи, тўхтовеиз валдираидиган одамларга жуда қўл келмоқда. Қолаверса, дарс вактида, меҳмондорчиликларда ширин сухбатларни бузиб, бир унинг, бир бунинг чўнтағидаги телефонларининг кетмакет жиринглаб қолиши ҳамда ўтирганларнинг олдида бемалол гаплашиш фахмисизлик ва фаросатсизликнинг далилидир. Шундай келинлар борки, эртадан кечгача телефон кўлидан тушмайди. Ошхонадаям, ҳовли супуриб, кир юваётганда ҳам телефонни елкаси билан қулоғига суқиб шивирлагани-шивирлаган. Бекатда ҳам, транспортда ва пиёда кетаётib ёшларнинг, айниқса, қизларнинг атрофга қарамай телефонда гапириб кетаётганлигини кўриб ҳайратда қоласан, киши. Ҳатто гаплашиш жараёнидаги кўриниши ва ҳатти-харакатларидан айримларнинг беҳаё ва андишасизлиги ҳам сезилиб туради.

Вайсақи аҳмоқ, иродасиз, тоқатсиз, беҳаё ва бадхулқ одамларгина ўзининг баҳти ва бошига фалокат келтирадиган гапдан тўхтамайди.

...Баҳромхўжа маҳалланинг обрўли, эътиборли, орзу-ҳавасли ва ҳалол фуқароларидан. Катта орзу-ҳавас, сарф-ҳаражатлар билан кенжа ўғлини уйлантириди. Куда томон ҳам ўзига муносиб, нуфузли оиласардан эди. Афсуски, тўйдан кейин икки ҳафта ўтар-ўтмас келин мол-мулки билан отасининг уйига қайтиб кетди.

Чарларни эртасиданоқ келин пана-панада телефон орқали ким биландир пинҳона шивирлашиб гаплашарди. Уйдагилар аввалига ота-

онаси билан бўлса керак, деб унчалик эътибор беришмади. Лекин куёвнинг тахмин ва шубҳалари жуда тўғри чиқди. Келин қайнонаси билан меҳмонга кетган куни куёв қўшни хонага усталик билан яширинча магнитафон ёзувни мослаб қўйди. Орадан икки кун ўтиб, куёв келинга ёзув тасмасини бошдан охиригача эшигидан ташқари ўн беш йилдан бери маҳаллага нуқсонсиз оқсоқоллик қилиб келаётган қизнинг отаси шармандалик зарбига чидолмай, бир қўл, бир оёғи шол бўлиб, ёстиқ билан дўстлашиб қолди...

Ана уяли телефонда жазмани билан муҳаббат изҳор қилиш ва қонуний эрига хиёнат қилишнинг оқибати. Уяли телефон билан чиллали уйни бахтсизлик ботқоғига грифтор қилди.

Телефон ақли калта, бевафо, сафсатабоз, ўз бахтига оғат келтирувчи вайсақилар учун эмас, зарурият ва эҳтиёжларни қондирис, узоқни яқин қилиш, эзгу ниятли, покиза инсонларнинг мушкулини осон қилиш учун кашф этилган.

...Абдуғаффор ҳам хотинининг телефон орқали синфдоши Содик билан тез-тез ҳасратлашиб туришини сезиб қолади. Ва шубҳа, гумон, ҳадиксирашдан ҳосил бўлган далил ва исботсиз рашк эр-хотин ўртасидаги муҳаббатни алам-изтиробда ўлдирувчи жаллодга айлантириди...

Фаҳм ва фаросат, одоб, аҳлоқ, андиша ва шарму-ҳаёнинг ифодаси бўлган тилга эҳтиёт бўлинмаса, у ҳаётдаги барча кулфатларга сабабчи бўлиб қолади.

Буюк Алишер Навоий айтганларидек:

*Бахт келтирувчи мусаффо руҳ манбаи ҳам тил,  
Ёмонликлар наҳс юлдузининг чиқар ўрни ҳам тилдир.*

Саодатда яшаш ва ёмонликлардан узокда бўлиш учун ёшлар телефон орқали эмас, балки доноларнинг ҳикматларини мутолаа қилиб, улардан ақл-заковат, фаҳм-фаросат, яхши хулқ ва одатларни ўрганиб, меҳнат қилиш ва китоб ўқишга меҳр қўймоқлари керак. Зоро, билим бойлиги йигилган китобнинг ўрнини на интернет, на компьютер ва на телефон босолмайди. Бу оламнинг нурағшонлиги ҳам, гулистанлиги ҳам, беминнат устози, беғараз дўсти, билим булоғи-ю, ҳаёт йўлиниг чироги ҳам китобдир. У инсонларни бехуда, ортиқча, ёлғон ва бўхтон гаплардан четлатиб, тўғри ва равон йўлни кўрсатади.

Китоб, инсонни ақл ва билимнинг юксалиш боғу-бўстонига бошлаб, қалбларни юксалтиради. Ҳар қанча ақл-заковатли бўлипидан қатъ-

ий назар оз ва соз гапиришга одатланиб, зарурият ва эҳтиёж бўлмаган гаплардан сақланиш кишини кўплаб кўнгилсизликлардан асрайди.

Шифокорлар таъкидлаётганидек, ёшларнинг ўн саккиз ёшга тўлмагунча уяли телефонларидан фойдаланмасликлари мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, уяли телефон орқали фийбат гапларнинг яшин тезлигига тарқалишига сабабчи бўлаётган уйда ўтирган аёлларнинг, хусусан ёш келинларнинг телефондан фойдаланишларини меъёрга келтириш кўплаб тарбиясизлиги натижасида шаклланиб қолган сергаплик, чақимчилик, фийбат, туҳмат каби иллатли қилиқларнинг олди олинган бўларди.

## ТИЛ БОРКИ БОЛ КЕЛТИРАР...

*Ёлғон гапириб тирик қолгандан кўра, рост сўзлаб ўлган яхши.*

\* \* \*

*Ҳақгўйлик ва ростлик Тангри инъомидир.*

*Ҳақ сўз сендан қоладиган энг қутлуғ ёдгорликдир.*

“Авесто”дан

\* \* \*

*Ростгўйликда хавфу хатар кўрсанглар ҳам рост сўзланглар.*

Хадис

\* \* \*

*Бефойда сўзни кўп айтма,*

*Чин айта олур тилни ёлғонга булгама.*

\* \* \*

*Тил тифи билан гуноҳсиз кишига озор бериш — соғ қон томирга ништар уриб новуд қилишадир.*

Алишер Навоий

\* \* \*

*Кўпинча сўз айтиб, бўлдим пушаймон,*

*Айтмаган сўзимдан-доимо шодмон.*

Абу Абдуллоҳ Рудакий

\* \* \*

*Тил мисли тишлайдиган ҳайвондир.*

*Агар қўйиб юборсанг, гажиб ташлайди.*

*Шуниси борки, фақат уни тишлашдан ҳоли қилиш керак.*

Али ибн Абу Толиб

\* \* \*

*Бўшамаса тили ғийбатдан,  
Бўшамайди дил уқубатдан.*

Фарииддин Аттор

\* \* \*

*Мисвоқлар билан оғзингни тозаладинг, кошки эди бундан кейин  
сен оғзингни бўхтон, ёлғон, ғийбат сўзларни айтиши билан булғамасанг!*

Абдулқосим аз-Замахшарий

\* \* \*

*Ким сенга гап етказса, билгинки, сенинг гапингни ҳам бошқага  
етказади.*

Ҳасан Басрий

\* \* \*

*Ҳасадчи киши Худонинг давлатидан бебаҳрадир.*

Саъдий Шерозий

\* \* \*

*Беҳуда сўзларни деб бўлмайди,  
Сўз улки эшишган олсин бир фойда.  
Сўзласанг сўзингни кўп узоқ қилма,  
Малоллик етади узайган чоғда!*

Мотрудий

\* \* \*

*Ғийбат қабиқ феъллардан бирсидир. Ғийбат оз бўлса-да, зарари  
денгиз каби бепоён! Бирор кишининг орқасидан гапириш, айбини топиш,  
ёмонлаш, бола-чақаси, хотини, хулқи, бойлиги ҳақида бемаза гапларни  
гапиришнинг барчаси ғийбат ҳисобланади.*

Ҳаёлиддин ал-Ҳасаний

\* \* \*

*Тўғри бўлса ҳам, ёмон сўзни ва ёмон хабарни тарқатишдан ҳазар қил.*

\* \* \*

*Ғийбат ва иғволи сўзлар аждарҳо оғзидан чиққан ўт-алангадек  
ҳўлу-қуруқни бирдек куйдиради.*

“Нажот бешиги”дан

\* \* \*

*Энг ёвуз ва ярамас одам шундай одамки, ўзгаларнинг айбини  
топишга интилади, гап ташиб, дўстларни бир-бираидан жудо қилади.*

“Фавоқиҳ ал-Жуласа.”



## ЁЛГОН ЁНДИРАР – ҲАҚИҚАТ ҚОНДИРАР

Ўғирликдан ёмон, сўзламоқ ёлғон,  
Қалбларни емириб, заҳарлар ёлғон.  
Оқни ҳам безрайиб қоралар ёлғон.  
Мунофиқ одамнинг қилмиши ёлғон.

Муаллиф

**Ёлғон.** Барча разолатларнинг асли ва манбаи. У, шахс, оила ва жамиятни парчалайди. Ҳадсиз иллат ва туганмас жабр-жафоларни яратиб, оила аъзолари, биринчи навбатда эр-хотин ўртасида ишонч, вафо, садоқат ва меҳр-муҳаббатни йўқотиб, кишини иймондан айрувчи ўринисиз гумон, шубҳа ва миш-мишларга сабабчи бўлади. Ёлғон бор жойда ваъдага вафо қилмаслик, хиёнат, чақимчилик ва бўхтон каби ярамас одатлар илдиз отади.

Айниқса хиёнат – ёлғончиликнинг энг ёмон турларидан ҳисобланади. Хиёнатнинг зарари нафақат оила аъзоларига етади, ҳатто у жамиятни хароб қиласиди.

Куръони каримнинг „Анфол“ ва „Нисо“ сураларида шундай дейилади:

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга, пайғамбарга ва ўзаро омонатларингизга билиб туриб хиёнат қилманглар“, „Аллоҳ албатта, хиёнатчи ва гуноҳкор бўлганларни яхши кўрмайди“.

Ёлғон ҳамма ёмонликнинг бошидир. Пайғамбаримиз (с.а.в)га бир киши келиб: „Ё Расулуллоҳ, менинг учта хасталигим бор: зино, ёлғон ва ичкилик ичиш“, депти.

Пайғамбаримиз (с.а.в): „Ёлғон сўзлама, деб буюрдилар. У одам кетиб, сўнгра зино қилишни хоҳлабди. Аммо Пайғамбар мендан сўраса, қандай ёлғон гапираман, депти. Сўнгра ичкилик ичишни хоҳлабди. Яна Пайғамбар мендан сўраса, нима дейман деб, ёлғон гапирамаслик учун қолган икки гуноҳдан ҳам қутилибди“.

Ваъдасига вафо қилмайдиган, ёлғон гувоҳлик билан бузгунчиларга сабаб бўлувчи, ҳалол одамлар шарафига путур етказувчи, одамлар орасида хусумат ва душманчиликни тарқатувчи ёлғончилар иродасиз, яхшилик чиқмайдиган, одамлар орасида муҳаббатни

кетказувчи, кишиларнинг бегуноҳ ўлиб кетишига сабабчи бўлган ўта мунофиқ, қасамхўр ва пасткаш инсонлар тоифасидандирлар.

Шундай кишилар ҳам бўладики, уларни табиатига ёлғон хабар тарқатиш ўрнашиб қолиб, гёё унга шу вазифа юклангандек бўлади ва ёлғон хабар тарқатмасдан туролмайди. Бу ёмон хоҳишлиардан ва табиатига бузук фикрларнинг жойлашганидан келиб чиқади. Мукаммал ақл ва билим эгалари, покиза қалб ва виждан соҳиблари оиласда ҳамиша кўрган, билган ва қилган ишларининг ҳақиқатини, тўғрисини сўзлайдилар. Айниқса, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги тўғри сўзлик, ёлғон гапирмаслик ва алдамаслик – оила мустаҳкамлигининг асосий негизини ташкил этади. Ҳар қандай тўғрисўзлик – ҳар вақт рост сўзлашдир.

Ёлғончилар қалб душмани. У ҳар қандай одамни бевиқор ва шармисор қилувчи, қабоҷатдан қайтмайдиган, кўплаб зиддият, фожия ва вайронагарчилликларга сабаб бўлувчи, ҳалол одамларни алдаб тубсиз жарга гирифтор қилувчи қасамхўр, алдамчидирлар.

Буюк шоир Захириддин Муҳаммад Бобур айтганларидек:

*Маҳжур кўнгулни шод қилмай,  
Яхши сўз бирла ёд қилмай,  
Ёлғон сўз ила итоб этарсан,  
Юз қаҳр била хитоб этарсан.  
Гар ёлғони бўлса зоҳир, эй дўст,  
Шарманда бўлурсан охир, эй дўст.*

Тўғри сўз қиличдан ўткир, тўғри сўз тошни ёпар, тўғри сўзга фил чўқар деганларидек, тўғри гапирган, ростини айтган одамга ҳеч вақт завол йўқ. Ростгўйлик ҳамиша ҳаққа қарор топдиради. Тўғри гап баҳт келтиrsa, ёлғон бадбаҳтилка йўлиқтиради.

... Қадимги араб ҳокимларидан Ҳажжож бир кишидан газбланиб, уни қаматтиради. У кишининг қариндошлари Ҳажжож ҳузурига келиб: – Қариндошимизни қилган айби учун қамагансиз. У девона, жинни кишидир. Девонанинг сўзига, қилган ишига эътибор берилмайди. Шунинг учун уни озод қилишингизни ўтинаимиз, – деб илтимос қилдилар.

Ҳажжож уларга:

– Сўзингиз тўғри бўлса девона, жинни эканини бўйнига олсин, дарҳол қамоқдан озод этаман, – деди.

Маҳбуснинг қариндошлари қамоқхонага бориб, унга Ҳажжожнинг шартини айтдилар. У одам Ҳажжожнинг шартини эшигтгач,

ғазабланиб: — *Менинг ақл-жүшім жойида, соғ-саломат жонман, нега девоналикин бүйнімга оламан? Ҳажжож мени нима қылса қылсın, унинг шартини қабул қила олмайман*, — деб рад жавобни берибди.

У одамнинг сўзларини Ҳажжожга етказдилар, Ҳажжож унинг гапларидан завқланиб, тўғрисўзлиқда қаътий йўл тутгани, саботи учун қамоқдан озод қилди.

Баъзан шундай бир вазиятлар ҳам бўладики, ҳеч кимга зарари тегмайдиган, эзгулик ва яхшиликка қаратилган, охири хурсандчилик билан якунланадиган савобли, хайрли ишларда бир оз ёлғон аралаштируса гуноҳ бўлмайди.

Масалан, давлатлараро, эр-хотин, икки дўст ва қўшнилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш ва тиклаш учун, оғир ётган беморнинг кўнглини кўтариш мақсадида айрим ёлғон сўзларни қўллаш мумкин.

Лекин бошқа вазиятда ёлғон ҳамиша ёлғонлигини қиласди. У бедаво дард. Сўзнинг турлари қанчалик кўп бўлмасин, аммо уларнинг энг ёмон тури ёлғондир. Ёлғон худди ўрмонга ўхшайди. Ўрмонга қанчалик кириб борганинг сари, ундан қайтиб чиқиш ҳам шунчалик қийинлашади.

Аммо Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чирогини ҳам сўндириб бўлмайди. Ёлғон қанчалик қабиҳ, кучли бўлмасин вақти келиб рост олдида таслим бўлади, худди сув юзасидаги кўпикдек йўқ бўлиб кетади.

...Ўн беш йил муқаддам ҳаётда кам учрайдиган ва кишини ҳайратта соладиган оиласвий муojаро мұжокама қилинди. Кўринишдан эр-хотин узукка кўз кўйгандек бир-бирларига мос. Икки қиз бир ўғиллари бор. Қизларининг каттаси ўн тўрт ёшда. Эрнинг боз даъвоси хотинининг ўта ёлғончилиги ва шунинг заминида ўз эрига бўлган хиёнатда эди.

— Аёлимнинг ўта ёлғончилиги касрига оиласиздан йил сайин файз-барака кўтарилиб, меҳрсизлик ва ноаҳиллик авж олиб бормоқда, — деб гап бошлади эр. — Ўта айёр, қасамхўр алдамчи, тили икки қарич, соxта маккорона кўз ёпплари билан пок дил бўлиб кўриниши учун қора кўксини минг карра оққа бўяб кўрсатишга жуда устаси фаранг. Муғомбirona мулойимлик, шайтон кўзёшлари, соxта ва ёқимсиз кулгилари билан одамни лақиллатиб кетишда бунақанги устаси топилмаса керак. Ишга, гоҳо командировкага кетишим билан ясан-тусан қилиб кўчага чиқиб кетади. Ойимникига, синглим ва дугонамникига борувдим, деб аврашгаям уста. Айниқса, уйдан манови тилла тақинчоқларни топиб олганимдан кейин жудаям

шубҳаланиб қолдим... Фарзандимиз күз ўнгидә ҳадеб ёлғон гапирилаверса, ясан-тусан қилиб күчага чиқиб кетилаверса, фарзандларимизни ҳам билиб-бilmай ёлғонга ва алдашга ўргатиб қўймасмиканмиз?

— Оиламиз баҳтсизлиги ва омадсизлигининг сабабларини фақат бошқаларни айблашдан эмас, аввал ўзингизни айблаб, кирдикор ва хиёнатларингиздан ахтарсангиз яхши бўларди, — деб чуқур хўрсиниш ва изтироб билан сўзлай бошлади аёл. — Нега тортаётган кулфат ва азобларимиз, кундалик оиласвий можаро ва келишмовчиликларимизнинг бош сабабчиси ўзингиз бўла туриб адолат юзасидан гапирмайсиз. Уялинг, мени айёр, қора кўнгил, тили аччиқ ва тили узун дейишга. Тилимни икки қарич эмас, ундан ҳам узун қилган сиз бўласиз.

Кўчага ясаниб чиқишимга ҳам ўзингиз сабачисиз. Лекин мен сизга ўҳшараб жазманларимни эмас, дугоналаримнинг олдига бориб, юрагимнинг губорини тарқатиб келардим. Сиз айттаётган узукларчи? Биттасини қайнонам, яъни сизнинг онангиз ва иккинчисини акаларим тутғилган кунимда совфа қилишган. Шундаям „Эрим олиб берди“, деб дугоналаримга мақтаниб ёлғон гапириб юрибман. Сизчи? Ўн йилдан бери хизмат сафарига кетаяпман деб, вақти-вақти билан ноқонуний хотинингизнида майшат қилиб келасиз. Ундан битта ўғлингиз ҳам бор, бу йил мактабга чиқади.

Шунчалик харом ва гуноҳ ишларга қўл уратуриб яна менга тұхмат тошларини отаяпсиз. Билиб қўйингки, мен сиз юрган ифлос кўчаларга икки дунёда ҳам яқинлашмайман. Сиз ўша ишончсиз, бевафо, ўзининг гулдек оиласини оёқ ости қилган нонкўр, ношукур, алдоқчи одамсиз. Билингки, муҳаббатсиз ва ёлғончи одам баҳти бўла олмайди. Сиз, ҳатто ўз баҳтингизни тушуммай, мени баҳтсиз қилганингиз етмаганидек, иккинчи хотинингизни ҳам ёмонга чиқариб, ҳозир учинчисини кетидан юрибсиз.

Эр: — Сен эски туҳматчи, ёлғончисан, — деб гап бошловдик, ташқаридан иккинчи хотин ҳам фазаб билан кириб келиб:

— Сен номард, қўрқоқ, ўта ёлғончи одам экансан. Қўрқоқ одамларгина ёлғон гапиради. Айтмовмидинг хотиним ногирон, фарзанд кўриши мумкин эмас деб. Шундай хусндор, ойдек хотининг ва тулдек фарзандларинг қадрига етмаган бошқанинг қадрига етармидинг. Номард одам билан ҳамнафас бўлиш нодонлик экан. Сендеқ разил ва пасткаш нусханинг тузогига илинганимдан афсусланаман. Ҳайф сендеқ қалби ожиз, иродасиз чавондозга, — деб орқасига қарамай чиқиб кетди.

Эр лом-мим дея олмай ерга қараб қолди.

Хотиннинг охирги гапи эрни янада ерга михлаб қўйганди.

— Мен худо хоҳласа фарзандларим баҳти ва келажаги учун, ўзимнинг ор-номусим учун оч ва юпун қолганимда ҳам икки дунёда шаънимга доғ туширмасликка кўзим етади. Лекин сиздек ўз оиласини паймол эттан, ота деган мўътабар номга доғ туширган ёлғончи, хиёнаткор ва зинокор эрни Аллоҳнинг ҳукмига топширдим.

Бинобарин, ёлғон сўзлаш, алдамчилик ва улардан келиб чиқадиган бевафолик, ҳиёнат, жинсий бузуқлик албатта ҳар қандай оилани барбод қиласди, жамият ва инсониятни осмон ва ердан келаётган оғат-кулфатларга йўлиқтириб, оиласарнинг беҳисоб азиятлар чекишига сабабчи бўлади.

*Мард ўғлидир, элга ёзар дастурхон,  
Тўғри сўз устида берар ширин жон.  
Умрини ўтказар, айтмайди ёлғон,  
Жаҳд айлаб, ёлғон сўз айтувчи бўлма.*

## ЁЛГОН УЯЛТИРАР, РОСТ СУЮНТИРАР

Тилларингиз сифатлаган нарсаларни ёлғон бўлса ҳам, бу ҳалол, бу ҳаром деб, Аллоҳга ёлғон тўқиб айтманглар. Албатта Аллоҳга ёлғон тўқиганлар нажот топмайдилар. Бу озгина мато бўлиб, уларга аламли азоблар бор.

*“Наҳл“ сураси, 116–117 оятлар*

\* \* \*

Қасамхўр, пасткаш, одамларни айбловчи ва чақимчининг гапига кирмагин.

*“Қалам“ сураси 10–11 оятлар*

\* \* \*

Ифлос бутлардан четда бўлинг ва ёлғон гувоҳлардан четда бўлинг.

*“Ҳаж“ сураси, 30 оят*

\* \* \*

Ёлғончиликдан четланиб, ростгўйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди.

*Абу Райхон Беруний*

\* \* \*

Ёлғончиларнинг кўпчилиги қисса айтадиганлар ва кўп савол сўрайдиганлардир.

*Аҳмад ибн Ҳанбал*

\* \* \*

Ёлғон қасам ичишни енгил санама, унинг сабабидан Аллоҳ сени ҳалок қилур.

*Умар ибн Ҳаттоб*

\* \* \*

Ёлғончи аввалдан маълум гапни ҳақиқат дейишдан ортиқ ҳаёсизлик йўқ.

*Қобус*

\* \* \*

Ёлғон бевиқор қилур одамни,  
Ёлғон шармисор қилур одамни.

*Саъдий Шерозий*

\* \* \*

Ўзини ёки бирони алдаган киши ростгўйликнинг ҳидини ҳам ҳидламайди.

*Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий*

\* \* \*

Ростгўйлик охират кунида нажотга мұяссар қилур

*Хусайн Вөз Кошифий*

\* \* \*

Тўғрисўзлик Аллоҳнинг ердаги қиличиидир, ниманинг устига тушмасин албатта уни кесади.

*Абул Ҳасан Сирий*

\* \* \*

Солиҳ бандалар қанчалар кўп, лекин улар орасида содиклари – ҳақтўй, ҳақсўзлilarи қанчалар кам.

*Маъруф Кархий*

\* \* \*

Фақат ёлғондан қочган ва ҳақиқат излаган кишигина эътироф ва мақтовга лойикдир.

*Абу Райҳон Беруний*

\* \* \*

Үйлаб сўзла сўзни ёлғон сўзлама,  
Сўзинг тузатгил, тағин бошинг кетказма.

*Аҳмад Юғнакий*

\* \* \*

— Сўзи чин бўлиши керак ҳар киши,  
Бериб ваъда, тонмоқ — эмас эр киши.  
Киши марди тонмас деган сўзидан,  
Сўзидан тонувчи — заифлар иши.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

\* \* \*

— Хурсанд бўлмас хотир ёлғондан ҳеч бир,  
Гарчи ростга чиқарилса у таъбир.  
Сўзга безак тўғриликдан бошқамас,  
Ой жамоли нур сочгандай ҳар нафас.

*Абдураҳмон Жомий*

\* \* \*

— Улки шоир айлади ёлғон демак,  
Бўлмас ани марду инсон демак.  
Элга неча маҳфи эса бу сифат,  
Зоҳир этар ёлғон ўзин оқибат.

*Алишер Навоий*

\* \* \*

— Кимники сўзи ёлғон, ёлғони очилиб қолгач уялган. Ҳар ёлғонни чиндек айтувчи сўзамол — кумушга олтин қопловчи заргар. Ёлғон афсоналар билан уйку келтирувчи — ёлғондакам уйқуда сўзга киришувчи. Ёлғон айтувчи гафлатдадир.

*Алишер Навоий*

\* \* \*

— Ёлғон — касал,  
Хақиқат — даво

*Араб мақоли*

\* \* \*

— Ёлғончини сўзидан эмас, кўзидан бил.

\* \* \*

— Дили қинғирнинг тили қинғир.

\* \* \*

— Тулкининг табассумидан қўрк,  
Мўғомбирнинг йигисидан.

\* \* \*

— Ёлғон узоққа кетса ҳам,  
Ҳақиқат қувиб етар.

\* \* \*

— Ёлғон айтган кишининг,  
Хатари бор ишининг.

\* \* \*

— Икки чин сўз — бир ёлғоннинг елими,  
Икки ёлғон — бир йигитнинг ўлими.

*Ўзбек халқ мақоллари*



## ҲАЁ КЕТДИ – БАЛО ЕТДИ

*“Ҳаё ва андиша дунёда тартиб сақлашнинг  
муҳим шартларидан бири ҳисобланади.*

*Ҳаё йўқолса, ҳеч кимда виждан ҳам қол-  
майди. У ҳолда дунёда тартиб бузилади. Кишилар  
бир-бирига бефарқ қарайдиган бўладилар.”*

**Хусайн Воиз Кошифий**

Катта орзу, умид, ҳавас, эзгу ният ва аҳду-паймонлар билан  
бунёд этилган оила шаънига доғ туширмаслик, севги, вафо, оила  
ва эрни азиз тутиш, покликнинг ифорли пардаси ҳаё ва иффат  
билан яшаш – оила бекасини бир умрга эъзозда сақлайди.

Ҳаё ва иффат, айниқса, шарқ аёлларига мансуб бўлган виждан  
ва номус поклигининг ташки қўринишидир.

*Ҳаёлининг иффати ва беҳаёликнинг кулфати ҳақида нималарга  
эътибор бериш ва риоя қилмоқ керак?*

Аввало, аёл кишида севги ҳамроҳи бўлмиш ҳаё, яхшилик,  
эзгуликлар дояси, улуғлик белгиси бўлган андиша, қонундан ҳам  
кучли деб аталмиш номус, гўзалликлар эшигини очувчи латофат,  
ҳаё посbonи вазифасини бажарувчи малоҳат ва иффат қанчалик  
кучли ва покиза бўлса, оиласвий аҳиллик ва барқарорлик ҳам  
шунчалик мустаҳкам бўлиб, эр-хотин муҳаббатига соя тушмайди.  
Ёш йигитлар учун эса – шарм-ҳаё ва баҳодирлик, кексалар учун  
сабр ва маърифат дуруст ҳисобланади.

Донишманлардан Абул Муъин ақл-идрокдан маҳрум бўлган  
бош – *сувсиз чашмага, адабсиз, тарбиясиз йигит – эгар-жабдуқсиз  
отга, шарм-ҳаёсиз хотин – тузсиз таомга, илмга амал қилмаган  
олим – хушбўй, аммо гули йўқ бўстонга ўхшайди, деганларилик, ҳаё  
ҳақиқатан ҳам инсоннинг абадий гўзаллиги, латофатидир.* Ҳаёсиз  
юз эса, жонсиз жасаддир.

Ҳаё ва иффат инсоннинг нафс орзусига эргашиб ёмон, шаҳроний  
ишларга киришувда ўзини сақламоқдан иборат бўлган энг гўзal  
фазилат.

Ор-номусини, қадр-қимматини, аёллик шаъни ва гуури, эрига  
бўлган садоқатини ярамас, жирканч, қабоҳат ишлардан, шармандалик

келтирувчи ишларнинг ҳар биридан қочиб, виждан ва номусини сотмайдиган инсонлар иффатли одамлар тоифасига кирадилар.

У шундай бир маънавий гавҳарки, покиза ҳаёли инсонларнинг ҳақиқий қадр-қиммати шулар билан ўлчанади. Лекин иффатларини сақлай олмаслик эса, муҳаббат, ишонч, хурмат ва илтифотдан маҳрум демакдир.

Ўз шаънига йўқотиш мумкин бўлмаган шармандалик доғини туширган, Аллоҳни ҳам эсдан чиқариб, гуноҳ ва қайғуларга ботиб оила, маҳалла ва қариндош уруғларнинг қадрсиз одамига айланган кимсани энг ҳаёсиз, нурсиз, бузуқ ва жирканч гавдадан бошқа нарсага ўхшатиб бўлмайди.

Олтин ва гавҳарлари, гўзаллиг-у сулувликлар билан эмас, ҳаёвиятлари билан қувониб юрган аёллар энг баҳтли ва энг олижаноб ҳисобланадилар.

Бунинг учун ҳар бир нарсада нафси тия билиш, шариат ва жамиятда айбли деб ҳисобланган ҳатти-ҳаракат, фосиқ ва қабоҳат ишлардан сақланиш, уларга яқинлашмасдан уялиш, қўрқиши ва номус қила билиш керак.

Бу – баҳтиёрлик масканининг гуллари, яъни эр-хотиннинг энг муқаддас бурчи ҳисобланиб, буларга риоя этмаслик – ҳаёт ижодкорларининг инсоний саодатдан маҳрум бўлишлари демакдир.

Инсон ўз ҳаётида кўплаб ноҳушлик, ҳақорат, тухмат ва мусибатларни орқага ташлаб, уни енгиши мумкин. Лекин номуссизлик, беҳаёлик, майший бузуқлик, айниқса хиёнат, шахватпастлик ёки зинодан орттирилган шармандалик бир умрлик тамға бўлиб қолади.

Уни ҳеч нарса билан тузатиб бўлмайди. У ўлимдан ҳам оғир нарса. У кишилар қалбига гулгула солувчи, руҳий тинчлигини йўқотиб, кўплаб руҳий қийинчиликларга дучор қилиб, виждан азобида эзувчи энг разолатли ярамас одат, ўта оғир гуноҳ. Бундай разил иллатнинг муқаддас диний китобларимиз, ҳадислар ва буюк донишмандлар асарларида қаттиқ қораланишининг боиси ҳам шундандир.

Ҳаёсизлик натижасида содир бўладиган зинокорлик ҳар бир даврда ҳам жамиятнинг юз тубан кетишига сабаб бўлган разолатларнинг энг каттасидир, уят ва ифлосликнинг ўта қабиҳлашган кўринишидир.

Ризқ насибадаги етишмовчилик, оиласидаги файзу баракотнинг кетиши, оиласидаги шарманда ва хонавайрон бўлиши, зинокорнинг ҳаётига ажал аралашуви, тез қариш каби иллатларнинг барчаси зино сабабли вужудга келади.

*Зино икки күзингни ҳийра айлар,  
Зино равшан күнгүлни тиіра айлар.  
Зино қылган хотун бирларажулни,<sup>1</sup>  
Солурлар бўйнига занжуру ғулни.*

Садоқатли ва вафодор аёлларгина ҳеч қачон, ҳар қандай қийинчилик ва етишмовчилик шароитларида ҳам нафсларининг асираси, шайтоннинг ўйинчоги бўлишга йўл қўймайдилар ва Аллоҳ олдида номуснинг муқаддаслигини эсдан чиқармайдилар.

Бир вақтлар болалари оч қолган фақир бир хотин бадавлат қўшнисига ёрдам сўраб киради. Гўзал бу хотин болалари учун овқат сўраб кирганида нафсининг асири бўлган бу одам, хотиндан яқинлик истайди. Хотин номусли, Аллоҳдан қўрқсан аёл бўлгани учун ҳеч нарса олмасдан чиқиб кетади. Уйига келгач болалари:

“Она биз очликдан ўламиз. Озгина бўлса ҳам овқат йўқми”, деб фарёд кўтарадилар.

Бунга чидай олмаган она яна ўша қўшнисиникига борди. Аёл бойнинг таклифига кўнди. Танҳо бир уйга киришгач, аёл қўрқиб бутун вужуди билан титрай бошлиайди.

Бой: „Нега титрайсан, қўрқма бу ерда ҳеч ким йўқ.“

Аёл: „Биламан, ҳеч ким йўқ, аммо Аллоҳ бор. Инсонман деган киши доимо, Аллоҳдан қўрқиши керак!“

Бой: „Хоним, сен шу қадар ночорлигинг билан Аллоҳдан қўрқяпсан. Мен эса нега шунча давлатим билан қўрқмай,“ деб ўзининг ёмон ниятидан қайтади ва аёлга зарур бўлган овқатлардан бериб, ўзи ҳам мамнун ҳолда уни уйига кузатиб қўйди.

Қаранг, Аллоҳга нисбатан юксак даражада муҳаббатли бўлиш, ундан қўрқиши, аёлни ҳам, эркакни ҳам энг ҳунук, ифлос ва ўта шармандали гуноҳдан қайтарди.

Агарда ҳамма аёллар ҳам ўз муҳаббати, орияти ва танасини ана шундай ибо, ҳаёв ва иффат пардасида қанчалик пинҳон асраса, маҳбуби ҳам унга шунчалик кўпроқ интилаверади. Бу албатта ҳар бир аёл учун ўз қадрини кўтариш, янада нафис ва гўзалроқ қўриниш ҳамда эъзозли бўлишнинг бебаҳо илмидир.

Номаҳрам эркак билан аёлнинг ёлғиз қолишиларини халқимиз азалдан хосиятсиз деб биладилар. У ҳашак билан оловнинг ёнма-ён турганидек хавфли нарса. Чунки, учинчилари шайтон бўлиб, уларни йўлдан оздириши мумкин.

<sup>1</sup> Ражулни — эркак кишини.

Равшан ва Ахрор оиласи билан кўпқаватли уйнинг қарама-қарши хонасида яшашали. Яқин кўшни сифатида оиласи кирди-чиқдилари ҳам ташқаридан қараганда дўстона ва самимий эди.

Равшаннинг қайнотаси вафот этиб, хотини Мастура таъзия сабабли отасининг уйида икки ҳафта кўпроқ ушланиб қолди. Уйида ёлғиз қолған Равшанни одамгарчилик юзасидан Ахрорнинг оиласи бир неча бор кечки овқатга чақириб ҳолидан хабар олиб турди.

Шу орада Ахрор бир кунлик зарур иш билан эрта саҳарда Чинозга жўнаб кетди. Ахрорнинг хотини Санобар эса болаларини боғчага ташлаб келаётib йўлда Равшан билан учрашиб қолади. Нималар ҳақида гаплашиб тўппа-тўғри Равшанларнинг уйига кириб кетиши.

Яна уч кундан кейин келиши керак бўлган Мастура негадир тўсатдан уйига кириб қслади. Сочлари тўзиган Санобар, майкада ўтирган эри Равшан ва стол устидаги винодан бўшаган шишага кўзи тушган Мастуранинг ғазаб билан айтган сўзи „*номард, исқуртлар*“ дегани бўлди-ю, икковининг башарасига туфлаганича орқасига қарамай уйни тарқ этди. Равшан ерга тикилганича бошни кўтараолмасди. Санобар эса кроват бошидаги рўмолчасига юзини артиб ўз уйига қандай чиқиб кетганини ҳам билмасди. Воқеа содир этилганига йигирма йил бўляяпти. Мастура мард кишининг ишини қилди. Ҳеч кимга оғиз очиб сирни ошкор қилмади. Ҳатто ота-онасига ҳам юрагини очиб гапирмали. Ва „*эримнинг характери менга ёқмайди*“, дейишидан нари ўтмади. Равшан эса ота-онасиникига кўчиб кетди. Аламини фақат ичкиликтан олди. Санобарнинг аҳволи эса ҳамманикidan оғир. У ҳамиша вафодор, садоқатли ва меҳрибон эрининг юзига қарашга юраги дош беролмайди. Худди юрагига тикан санчилгандек ҳис қиласди.

Эри Ахрор эса хотинининг тўсатдан оғир хасталикка дучор бўлиб қолганлигидан ташвишга тушиб тажрибали дўхтир ва дори-дармонлар кетидан юрганинг-юргурган...

Ҳаром аралашиш, ҳаёни унугиб эрга ҳиёнат қилиш, кўшни дугонасининг кўзига чўп солиб, унинг оиласини пароканда этиш Санобарни ниҳоятда оғир фам, алам, ташвиш, изтироб, виждан азоби, бузуқ ва заҳарли ўй-фикрлар гирдобида гарқ қилаётгандек эди.

У энди ўзини абадий гўзаллик, соф аёллик латофатидан маҳрум бўлган, аёл деган муқаддас номга доғ туширган, бети қора ва жонсиз жасадман деб ҳисобларди.

Мастура эса ҳамон ўша-ўша оқила, қалби пок, қомати гўзал, чехраси очик, сўзлари мулоим, ҳаёли ва иффатли аёл. Ҳалол ишлаб, ҳалол яшаб қизлари Шоира ва Моҳирани олийгоҳларда ўқитиб, муносиб оиласалар билан қудачилик ипларини боғлаш баҳтига муюссар бўлди.

Мастура ҳамиша қизларининг қулоғига: — Ҳаёли, номусли бўлишини эсдан чиқарманглар. Ҳаё ва андиша инсоннинг абадий фазилати бўлиб, у кишиларни ёмон йўлдан қайтаради ва яхшилик, эзгуликлар сари йўл очади. Кимнинг ҳаёси бўлмаса, унинг уяти ҳам бўлмайди. Барча қабиҳ ишларни қилишдан ҳам қайтмайди. Кишида ҳаё бўлса, нафс унинг устидан ҳоким бўлолмайди ва ўз йўлига сололмайди. Бузуқилик ва фахш ишларидан қалб ва вужудингиз билан жирканинг, — деган насиҳатларни қайта-қайта тақрорлашдан чарчамайди.

Бинобарин, шарм-ҳаё ва иффатни асраш эркагу аёл учун имонлилик белгисидир. Унинг энг чиройли ҳусн эканлигини ҳамда беҳаёлик, бузуқлик, уятсизлик ҳамиша фам-алам ва чексиз кулфат келтиришлигини эсдан чиқармаслик керак. Буюк шоир Мирзо Бедил айтганларидек:

*Йўлбарс ила шерни енгган мард киши,  
Бўйни эгуб турса, бу ҳаё иши.*

### ФОСИҚДАН ҲАЁ ТИЛАМА, ЗОЛИМДАН ВАФО

\* \* \*

*Ҳаё имондандир, ҳаё доимо яхшилик келтиради.*

\* \* \*

*Қиёмат кунидаги одамларнинг ёмони — беҳаёлиги сабабли назардан четда қолдирилган одамлардир.*

*Ҳаё билан камсуханлик имоннинг икки бўлагидир.*

*Ҳадислар*

\* \* \*

*Элга шараф келмади жоҳу насаб,  
Лек шараф келди ҳаё-у адаб.*

\* \* \*

*Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.*

\* \* \*

*Карам ва мурувват ато ва анодандир.  
Вафо ҳаё икки ҳамзод фарзанд.*

*Алишер Навоий*

\* \* \*

*Шарм-ҳаё ҳамма ярамас ишлардан тияди,  
Уятсизлик киши учун жуда ярамас иллатдир.*

*Ростлик, шарму ҳаё ҳамда гўзал хулқ,  
Учаласи бирикса, бу севинч демакдир.*

\* \* \*

*Уятли киши одамларнинг сарасидир,  
Уятсиз киши – кишиларнинг тубани.  
Уятсиз тили тўғри сўз сўзламайди,  
Уятсиз кишидан ўироқ тур, ўироқ.  
Уятсизнинг кўзи қаттиқ бўлади,  
Ор-номусиз кишининг юзи гўштсиз сўнгакдир.  
Ор-номусиз кишининг ўзи битмас мараздир.*

\* \* \*

*Кишилар орасида етуғи уятли кишилардир.*

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

\* \* \*

*Ой нурли бўлса ҳам ҳар куни кўринаверганидан қадрсиздир.*

*Хурромий*

\* \* \*

*Ҳаё номус имона дашилдур,  
Ҳаёсиз доимо хору залилдур.*

\* \* \*

*Иффатингни пардаси, виждонингни ниқоби ҳаёдир... Ҳаё пардаси  
иля ўралмиш инсонларнинг иффат пардаси ўиртилмас.*

*Абдулла Авлоний*

\* \* \*

*Ҳар бир ақл эгаси шарму ҳаё йўлида мустаҳкам туришни ўз ҳаёти  
равнақининг асоси қилиб олса, замонанинг катта-кичиги унинг ҳузурига  
ва сухбатига харидор бўладилар.*

*Бархурдор ибн Маҳмуд*

\* \* \*

*Кишилар орасида, ҳаё, номус ва орият ўйқолса оила ва оламга ўт  
кетади.*

\* \* \*

*Ор-номус кишиларни ҳайвондан ажратиб турувчи ибо пардадир.*

\* \* \*

*Хаёсиз ва номуссиз эркакнинг кўчадаги дайди итдан фарқи йўқ.*

\* \* \*

*Хаёсиз ва номуссиз хотин, худди қора балчикқа булғанган яланғоч гавдадек жирканч кўринади.*

\* \* \*

*Хаёсизлик барча оғатлар эшигини ланг очганилигини сезмай қоласан.*

\* \* \*

*Хаё кўпинча кўзда бўлади. Шунинг учун қоронгида кишиларнинг кўзи бир-бираига тушмаганилиги боис, уларнинг юзлари уятдан қизармайди.*

*“Нажот бешиги“*

\* \* \*

*Зинодан түгилган киши ўзига яхшилик қилган одамга ёмонлик қилимагунча дунёдан ўтмайди.*

*Амир Темур*

\* \* \*

*Парвардигор Ўзи – фақирга паноҳ!  
Ул кимдир бўлмагай тилида сано?!*  
*Қайси юртда агар кўпайса зино,  
Ерлари қимирилаб, ларзага келгай.*

*Махтумқули*

\* \* \*

*„Зинога яқинлашманлар, албатта, бу иш фоҳиша ишдир ва ёмон ўйлдир.“*

*Куръони карим, „Исрo“ сураси, 32-оят*

*Миср маликаси Зулайҳо севги ишқида ўртаниб, қучоқ очиб турса ҳам Юсуф алайҳиссалом покдомонлиги, тақвадорлиги туфайли Худодан уялиб, охират азобидан қўрқиб, ўз нафсини тийиб, эҳтиросларини жиловлади. Бу эса уят, ҳаё ва тақвонинг гўзал намунасиdir.*

\* \* \*

— Эй Раббим, зиногарнинг жазоси надир?

Аллоҳ айтади:

— Унга оловдан шундай кўйлак кийгизаманки, агар бу кўйлак бир тоғнинг устига қўйилса, тоғ эрталабгача кулга айланган бўларди.

\* \* \*

Эркак учун ҳам, аёл учун ҳам энг оғир гүноҳ зинодир. Никоҳ осмонийдир, умр ийлдошлиқ Оллоҳ тузган ўюшмадир. Зино покиза никоҳ, пок фарзанд, охорли останангиз, ҳалол ризқингизу, тоза вужудингизга босилган нопок тамғадир. Энди сиз барака топмайсиз... Сиз Аллоҳнинг олий неъмати эдингиз, ўзингизни асролмадингиз. Жавобини берасиз энди.

*Турсуной Содиқова*

## *IV боб*

# *Маънавият ба қадриятлар дешиги*

**ҲАМ ФАРЗ, ҲАМ ҚАРЗ**

*Омон берди эрга салом қилгувчи,  
Саломатлик олди алиқ олгувчи,  
Салом бу омонлик киши шаънига  
Саломатлик олди салом бергувчи.*

**Юсуф Хос Ҳожиб**

Одамийликнинг юксак фазилат ва хислатлари ичидаги энг улуғи саломлашиш маданияти бўлиб, у шунчалар кучли сеҳрга эзаки, салом янграган ердан ўлим ҳам узоққа қочади, деган нақл бежиз айтилмаган. Қадимги эртакларда даҳшатли девларнинг «Саломинг бўлмаганда икки ямлаб бир ютардим», дейиши ҳам саломнинг оғат ва бало қазолардан сақлаб қолиш қурратига эга эканлигининг далилидир.

Салом бериш, алиқ олиш – дилларни ҳушнуд этувчи, қўнгилларни юмшатувчи, қалбларда меҳр уйғотувчи, шундай бир бебаҳо руҳий ва маънавий озуқаки, дўсту-биродар, ҳамкаслар, оила аъзолари, эр-хотинлар ўртасидаги оқибат, ўзаро ҳурмат, меҳрмуҳаббат ва иззат-икром каби соғ инсоний фазилатларни янада кўркамлаштириб боради. Салом бермаслик, хоҳламайгина, оғриниб алиқ қайтариш, ёшнинг катта-кичикилигидан қатъи назар, кишидаги одобсизлик, оиласда яхши тарбия кўрмаганликни англатади. Муқаддас линимиз мусулмонларга барча моддий ва руҳий неъматларни тўлиқ инъом этиш билан бирга аҳлоқ ва одоб бобида ҳам инсонларни олий даражага элтувчи бебаҳо фазилатларни тавсия этган. Салом, аввало, Аллоҳнинг измидандир. Аллоҳ саломни ерга нозил қилган ва уни тезда ораларингизда тарқатинглар, деб буйруқ берган.

Аллоҳ Одам алайҳиссаломга шундай деган экан:

*“Анави ўлтирган бир неча фаршиштадарнинг олдига боргил-да, салом бергил, сўнг уларнинг сенга қайтадиган алигини яхшилаб эшишиб олгил,*

*чүнки бу сенга ва сендан тарқаладиган зурриёдларингга йўлланган салом бўлгайдир“.*

Одам алайҳиссалом фаришталарга: „Ассалому алайкум“ деб салом берадилар. Фаришталар: „Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳ“ деб жавоб қайтарадилар. Демак, Аллоҳ таоло таълим берган бу саломлашиш бизга Одам алайҳиссаломдан мерос бўлиб қолган.

Саломда хосият кўп. Кўришган одамга салом бериш, ўз уйига кирганда бола-чақа оила аъзоларига салом бериш савобларни кўпайтириб, оиласа ҳайру-барака ато қиласи. Зоро, салом дўстлик ва муҳаббат даражасидаги одоб турларидан бири.

Исломда энг яхши амал қайсиdir, – деб сўрашганида:

*“Очларни тўйғазмогинг, таниган, танимаган одамга салом бермогинг“, деб жавоб берган эканлар жаноби Расулуллоҳ.*

Муқаддас китобимиз Куръони каримнинг „Аҳзоб“ сурасида келтирилишича, мўмин бандаларига Аллоҳ жаннатда „Ассалому алайкум“ деб салом берар экан.

Салом бериш, унга алик олиш, бир жойга кириб боришда уй эгасидан рухсат сўраш, саломлашиш ҳам ҳам фарз, ҳам қарз бўлиб, у инсон ахлоқи ва одобининг энг олий нишонасиdir. Ҳадиси шарифларда шундай дейилади: „Эй иймон келтирувчилар, ўз уйингиздан бошқа уйларга рухсат сўрамай ва салом бермай кирмангиз. Рухсат сўраб салом бериб киришлик ўзингиз учун яхидир. Шоядки, буни эсласангиз. Агар ўша уйларда ҳеч ким топилмаса, рухсат бўлмагунча кирманг. Агар сизга орқага қайтинг дейилса, қайтинг. Шундай бўлгани сиз учун яхши...“

Саломлашиш одамларни улуғ инсоний фазилат ва хурматга чорловчи юксак ахлоқий ва маънавий сифатдир. Қолаверса, у ҳар бир инсон зиммасидаги муқаддас бурч ва масъулиятli вазифадир.

Бир киши кўчада олдидан ўтиб кетаётган кишига салом берсаю ва саломга алик олса, ўша одамга саломни эслатганлик даражасида савоб ёзилар экан. Бордию саломга алик олмаса, фаришталар ундан ҳам афзалроқ қилиб савобини ёзib қўяр экан. Демак, биринчи бўлиб салом беришнинг ҳам фазилатлари каттадир.

“Юриб кетаётган отлиқ ўтирганларга, озчилик кўпчиликка салом берсин, салом беришдан олдин гап бошлаган одамга ичкарига киришга рухсат берманг, ораларингизда саломлашишни кенг тарқатинглар, шунда бир-бирингизга муҳаббатингиз зиёда бўлади“, деб таъкидлаган эканлар жаноби Расулуллоҳ.

Салом бериш ва унга алик олишида ёшнинг катта-кичиклигига, лавозими, амалдорлиги, таниш ёки нотанишилигига қаралмайди. Ҳатто

кatta ёшлаги одамнинг ёш болаларга ҳам салом беришлари жоиз экан. Пайғамбаримиз ҳам шундай қилғанлар.

*“Салом битта сўзки, жавобсиз қолмас,  
Ҳеч қайси тарози уни тортолмас.  
Юрак саломига „алик“ олганлар,  
Юракдош, шу учун ёт деб атамлас.“*

Салом бермаслик ва унга алик олмаслик катта гуноҳ. У эътиборсизлик, менсимасликни билдиради, кишилар ўртасида гина-гудрат, шубҳа ва адватни уйғотади. Ўзаро ишончсизликни вужудга келтириб, меҳр-оқибат, ҳурмат ва самимий дўстона муносабатларимизга раҳна солиб қўйиши ҳам мумкин. Ана шундайлар ҳақида Абдураҳмон Жомий шундай деганлар:

*Гар салом берса бирор сенга қараб,  
Нега очмайсан алик олмоққа лаб?  
Бу нечук кибру ҳаво-ю гўдайиш,  
Пасткашлик, пасткашликdir бу иши.*

Очиқ чеҳра билан, ўнг қўлни чап кўкрак-юрак устига қўйиб, самимий таъзим ва эшитиладиган овоз билан салом бериш – энг аъло даражадаги саломлашишга киради.

Гарчанд, қўл бериб сўрашиш саломлашишнинг кенг тамойилига кирган ҳисобланса-да, ёши улуғ кишилар биринчи бўлиб қўл узатмаса, самимий салом беришнинг ўзи билан чегараланган маъкул. Шунингдек, қўл бериб саломлашганда қўл учинигина бериб саломлашиш ҳам одобдан саналмайди. Бундай қилиш салом берган кишини камситиш, уни назарга илмаслик бўлади. Ўпишиб саломлашишни эса шарқона одатларимизга хос булмаган бачкана кўриниш деб ҳисобламоқ лозим. Оилада фарзандларга ўргатиш зарур бўлган нарсалардан яна бири – жамоат жойларига кирганда „Ассалому алайкум, ёппасига“ деб салом бермаслик. Чунки „алайкум“ даги „кум“ нинг ўзи „сизларга, яъни ёппасига деган маънони билдиради. Шунингдек, „Ассалом“ деб чала салом беришга ҳам одатланмаслик керак. Чунки „Ассалом“ тинчлик, омонлик дегани бўлиб, „алайкум“ни қўшмаса, кимта тинчлик, омонлик тилаётгани номаълум бўлиб қолади.

Саломнинг инсон қалбига малҳам бўлиб, дилларни хушнуд этувчи фазилатларга эга эканлиги ҳақида тарихий бир мисол. Севимли шоиримиз *Faфур Fулом* сўлим бир чойхонада улфатлар

билан ширин сұхбат қуриб ўтирганида одобсиз бир маст киши сүкиниб, барчанинг дилини сиёҳ қиласы. Ўртада нохуш жимжитлик хукм суриб турған пайтда чойхонага шинаванда бир йигит кириб келиб, „Ассалому алайкум отахонлар, яхши ўтирибсизларми, кече мояна оловдик, шұрвами ёки ош бошлайлар“ — деб отахонларни тақлиф қиласы.

Шунда бир оғиз „Салом“ сўзидан илҳомланған Faфур Fулом:

“Ёпираій, салом кучи алғангами, оловми?  
Үчай деган оловни, қайтадан қилди чаман,  
Сұхбат күңгілдай тишиб,  
Самимий қиласар давом“.

деб, баҳонада „Бир саломнинг кучи“ номли шеърларини ёзғанлар. Дарҳақиқат, доно халқимиз „Одобнинг боши салом“, „Аввал салом, баъдаз калом“, „Салом ҳам фарз, алик ҳам қарз“, „Салом бермоқлик. катта-кичикка баробар“, „Аввал ассалом, бўлмаса вассалом“, „Одоблилик белгиси — одоб-ла салом бергани, яқинлик белгиси — келиб-кетиб турғани“, деб бежиз айтмаган. Зеро, халқимизнинг қадимиий удумига кўра ёшларимизни оила, болалар боғчаси, мактаб ва маҳаллада саломлашиш маданиятига ўргатиш, маънавий, маърифий ва тарбиявий ишларимизнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб қолмоғи лозим.

Мақсад Шайхзода айттганларидек:

Дұстлар яхшиларни авайлаб сақланг!  
“Салом“ деган сўзининг салмогин сақланг.  
Үлганды юз соат йиғлаб турғандан,  
Уни тиригигида бир соат йўқланг.



## ҚАДРИЯТИЛАР СУЛТОНИ

*Агар бир бор сайд этсанг еримизни,  
Унутмайсан меҳмондўст элимизни.  
Чинорлари сени саломлаб кутар,  
Бунда ҳурмат ва муҳаббат жўш урад.*

Хусайн Аббосзода

— Бундан ўн беш йиллар муқаддам собиқ Тошкент, ҳозирги Зангиота туман Алишер Навоий номидаги маҳалласига бошқа қатор ҳорижий мамлакатлар қатори япониялик меҳмонлар ҳам ташриф буюриб, делегация бошлиги **Фудэ Такойоши** шундай деган эди:

— *Мен жуда кўп ҳорижий мамлакатларда сафарда бўлганман. Лекин бирортаси ҳали менда Ўзбекистончалик чуқур таассурот қолдиргани йўқ. Маҳаллаларингизнинг ободлиги, хонадон ва ошаларнинг саришта ва саранжомлиги, одамлардаги оққўнгиллик, самимият ва меҳмонларга бўлган ҳурмат-эҳтиром ва дил дарвозаларининг очиқлиги бизни лол қолдири. Дастурхонлардаги ранг-баранг ноз-неъматлар, шириндан-шакар мевалар, ихлос билан тайёрланган миллий таомлар, уй эгаларининг меҳмон кутишидаги иззат-икром ва мулозаматлари бизни ниҳоятда мафтун этди. Очиги, бу борада сизлардан кўп нарсани ўргансак арзийди. Тўйларингиздаги одамларнинг гавжумлиги, тўкин-сочинлик, катта қозонлардаги ошларни, ўйин-кулгулардан иборат тантаналарни кўриб ҳайратда қолдик. Биз бундай гўзал манзараларни Самарқанд, Бухоро ва Хоразмда ҳам кўрдик. Демак, Ўзбекистон бой ва бадавлат, халқи эса дунёдаги энг сахий меҳмондўст давлат экан.*

Фуруримизга гурур, фахримизга фахр қўшадиган холисона берилган баҳо. Инсонни юксакликка кўтарадиган, унинг фаолиятига, орзу умид, эзгу ният каби бутун интилишларига олийжаноблик бағишилайдиган оққўнгиллик, саҳийлик, меҳр-мурувват, олий-ҳимматлик ва андишалик, иззат-икром ва меҳмондўстлик каби шундай улуғ фазилатлари борки, уларнинг довруги бутун оламга машҳурдир.

Меҳмондўстлигимизни қадрият ва урф-одатларимиз сultonи десак, муболага бўлмайди. Қандай миллий маросимларимиз

бўлмасин, барчасининг заминида олийжаноб мәҳмондўстлик ётади. У азалий одат бўлиб, қон-қонимизга сингиб кетган.

Ўзбек миллий пазандачилигининг таникли мутахассиси, фалсафа фанлари номзоди, доцент марҳум Карим Маҳмудов „Мәҳмоннома“ китобида шундай деганди:

— „Ўзбек ҳалқи мәҳмонни шу қадар севадики, ҳатто мусича дон ташласа, чойнинг шамаси пиёлада тик турса ёки тушда йўл-йўл нарсалар кўрилса — буларнинг ҳаммаси мәҳмон келишига йўйилади».

Ривоят қилишларича, Иброҳим алайхиссаломнинг уйларида тўрт эшик бўлиб, қайси эшикдан бирор киши келаркин, деб қараб ўтираканлар. Мәҳмондўстлик ҳалқимиз қонига сут билан кирган. Мәҳмонни отадай улуғ кўриш, мәҳмондорчиликни уйининг зийнати деб билиш фақат бизнинг ҳалқимизга хос сифат. Мәҳмон келган уйининг чироғи равшан тортиб, хонадон янада баракали бўлади, дастурхонлар кўркамлашади, мәҳмонхона тор бўлсаям, меҳри-дилинг кенгаяди. Ҳадиси шарифларда ёзилишича, уйларига мәҳмон қўйнамайдиган одамлар ёмон кишилардир, бундай уйларга фаришталар ҳам кирмайди. Ва мәҳмонсиз уй суви қуриган тегирмонга ўхшайди. Мәҳмон баҳонасида уй-жойлар тозаланади, рўзғор бутун бўлиб, дастурхон ноз-неъматларга тўлади. Ҳатто, оиласда ўзаро уришиб, гаплашмай юрган эр-хотинлар мәҳмон шарофати билан ярашиб олишади. Мәҳмондорчилик — буюк мутафаккир ва донишмандлар, ёзувлчи ва шоирлар ижодида, ҳалқ мақолларида кенг ўрин эгаллаган. Мәҳмондорчилик, бу — энг яқин дўстларнинг улфатчилигидир. Юсуф Хос Ҳожиб айтганларидек:

Жудолар кўришса топиб бир-бирин,  
Аlam қисқа бўлғай, севинчлар узун.  
Не кўркли бўлур, кўр киши айрилиб,  
Саломат тополса ёру дўстларин.

“Мәҳмон — азиз, мезбон — лазиз”, „Одам бор жойга одам келади“, „Мәҳмон келган уйдан барака аримайди“, „Қўноқ — кўноқдан улуғ“, „Ўзи келган мәҳмон — мезбоннинг иззати“, „Мәҳмон — мезбонга азиз, Мезбон — мәҳмонга“, „Ошинг оз бўлса ҳам, феълинг соз бўлсин“, „Мәҳмон келса эшикдан — ризқи келар тешикдан“ каби юзлаб ҳалқ мақол ва нақллари борки, улар ҳалқимиздаги ўзаро ҳурмат, дўстлик, аҳиллик, саҳийлик ва бағри-кенглигикни билдирувчи омиллардир.

Мәҳмон ўз ризқи билан келади, унинг ризқи йўлда, мәҳмон келар эшикдан — ризқи келар тешикдан нақлларининг моҳияти

яхши кўни-кўшничиликдан келиб чиқади. Кўшниникига меҳмон келдими, ҳурмат юзасидан ён кўшнилар ўртадаги эшик ёки маҳсус тешикдан турли таом, ҳўл мевалар чиқаришади, уйларига таклиф қилиб, чиройли зиёфат уюштирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликгининг беш йиллиги муносабати билан қўшни Чимкент вилоятининг Манкент қишлоғидан бир йигит ҳурматли Юртбошимизга чукур миннатдорчилик хатини ёзиш билан ўзининг бўлажак никоҳ тўйига ҳам таклиф қилган. Тўйдан бироз кейинроқ бўлсаям Тошкент туман ҳокимининг собиқ муовини Сирожиддин Ағзамов билан уч киши Президентимизнинг совфа ва табрикларини келин-куёвларга етказиб бериш баҳтига миассар бўлганимиз.

Борсак, эшик қулф. Келин ва қуёвлар қариндошлариникига меҳмонга кетишган экан. Икки-уч хонадон нарироқдаги қўшни бизни астойдил ўз уйига таклиф қилди. Ниҳоятда файзли хонадон экан. Шоҳлари эгилиб ётган турли-туман мевали дараҳтлар, баланд сўрилардаги кўзни қамаштирувчи серҳосил узумлар, ҳовли ўртасидаги зилол сувга тўла ҳовуз, дараҳтлардаги қуш ва беданаларнинг навбати билан сайрашлари кишига ҳузур багишларди. Ҳовуз четидаги қизил гилам тўшалган кароватда келин-куёвлар меҳмондорчиликдан қайтгунларича – уч соатдан кўпроқ мириқиб дам олдик.

Кутилмаган биздек меҳмонни ниҳоятда тўқин, гўзал дастурхон, очиқ чеҳра, ширин сўз, самимий ҳурмат билан кутиб олинишимиз ҳайратда қолдирди. Мезбон бизнинг бироз ҳижолат тортаётганимизни сезган шекилли, кўлинини кўксига кўйиб:

*Меҳмон келса эшик берклиф бўлурму,  
Ажаб ҳеч одами мундек қилурми.  
Яраштирудим, меҳмон мунда бўлингиз,  
Йироқдин келдингиз, бир дам тинингиз,*

– деб янаем кайфиятимизни кўтариб юборди.

Елиб-югуриб бизга хизмат қилаётган фаҳм-фаросатли, ширинсўз фарзандларини кўриб, баҳтли ҳаёт кечираётган оила эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Ва яна шунга иқрор бўлдикки, хоҳ таниш, хоҳ ёт киши келмасин, бу оила ўз ҳимматини баланд тутувчи олижаноб оила экан.

Самимимий меҳмондорчиликда хислат катта. У кишилар ўртасида меҳр-оқибат, ҳурмат ва қадр-ҳимматни ошириб, меҳмон келган уй жонланиб худди баҳордек гўзаллашиб кетади, хонадонга файз-барака

бахшида этиб, останага барака киради. Мәхмөндүстлик одобининг нозик сирлари жуда күп. Улардан бирортаси ўрнига тушмай қолса мәхмөнни ҳурмат қилинмаган бўлади.

Ривоятларда келтирилишича, Иброҳим алайҳиссаломни кига мәхмөн келганида қўй сўйганлар.

“Мәхмөнни ҳурмат қил“, деган ваҳий келган. Иброҳим алайҳиссалои сигир сўйганлар. Аллоҳ таолодан яна:

“Мәхмөнни ҳурмат қил“, деган ваҳий келган. Иброҳим алайҳиссалои туя сўйганлар, шундан кейин ҳам Аллоҳ таолодан:

“Мәхмөнни ҳурмат қил“, деган ваҳий келган. Шунда Иброҳим алайҳиссалом мәхмөннинг ҳурмати унинг олдига қўйилган таомларнинг кўплиги ёки озлиги билан ўлчанмаслигини, мезбоннинг ўзи мәхмөнга хизмат қилиши лозимлигини тушуниб етадилар ҳамда ўзлари мәхмөнга такаллуф билан хизмат қила бошладилар. Натижада, Аллоҳ таоло томонидан:

“Мана энди мәхмөнни ҳурмат қилдинг“, деган ваҳий келади.

Оиласда ёшликтан ўрганишлари ва уларга амал қилиши зарур бўлган мәхмөндорчилик одобларига қуийдагиларни тавсия этиши мумкин.

Биринчидан, ҳафтада, ҳар ойда тез-тез бўлиб турадиган мәхмөндорчилик унчалик мақсадга мувофиқ эмас. „Қобуснома“да таъкидлаганидек, икки-уч марта бўладиган мәхмөндорчилик ҳаражатларини бир марта қилиб, дастурхонни шундай ясатмоқ керакки, ундан камчилик ахтарувчиларнинг тили боғлиқ бўлсин. Шунингдек хонадонда доимий тозалик ва саришта-саранжомлик бўлиб, ўй нони билан, омбор дони билан чиройни деганларидек, рўзгор ҳеч вақт нонсиз бўлмаслиги керак.

Иккинчидан, мәхмөн хонаонга кириб келаётганида ҳурмат юзасидан оила аъзолари самимият ва очиқ чехра билан кутиб олиши; „Дастурхон атрофига ўтиришдан олдин қўй ювиш учун сув ва сочиқ тутини ҳамда кўнгил қўри билан уни ўйнинг тўрига ўтказиши; агарда кутилмаганда ўзича келган мәхмөн бўлса у ҳижсолат тортмаслиги учун жон-жонга мәхмөн, инсон-инсонга, ўзи келган мәхмөн-мезбоннинг иззати, мәхмөн мезбонга, мезбон мәхмөнга азиз каби ширинсуханлик билан мәхмөн дилини равшан қилиши ҳам улуғ сифатлардан ҳисобланади.

Учинчидан, мәхмөнга таом келтиришда шошмоқлик. Пайғамбаримиз саллалоллоҳу алайҳи вассалам ўз ҳадисларидан бирида мусулмонлар беш нарсада шошмоқлари лозим дейдилар:

— Мәхмөнга таом келтириши, ўлукни дағын этиш, қызни түрмушга бериш, қарздан құтилиш, гунохли ши қилиб құйған бўлса, тезлик билан тавба қилиши.

Дастурхонга қўйилган неъматлар одамларнинг қўли етадиган жойда бўлиши, фақат ейиладиган неъматларни қўйиб, дастурхонни ҳаддан ташқари тиқишириб ташламаслик, кўнгилга келадиган, кўнгилни ғаш қиласидиган гаплардан, бозордаги нарх-наволардан гапирмаслик, ғийбат, чақимчилик қиласлик ҳам меҳмондорчилек одобларига киради.

Меҳмондан қандай овқатни хуш кўришлигини сўраш, таом этаси билан тотли деганларидек, меҳмон билан баробар тановул этиш, меҳмон таом еяётганида унга тикилиб қарамаслик, овқат ейишни ҳаддан ташқари зўрламаслик, фақат вақти-вақти билан айтиб туриш, меҳмондан олдин кўл артмаслик. Агар меҳмон ташқарига чиқадиган бўлса, албатта у билан чиқиш керак. Меҳмон дастурхонга эмас, мезбоннинг кўзига боқади. У оз ўтиrsa ҳам кўп нарсани кўради. Меҳмон келганда ҳатто мушукни ҳам пишт дейиш мумкин эмаслиги, калкирнинг таққуллаган овозини эшиттирмаслик ҳақидаги ривоятлар меҳмон ҳақи ва ҳурматининг нақадар улуғлигидандир.

*Яна бир ривоят.*

Қадимда бир одам қирқ улфати билан гап еркан. Улфат аъзолари ҳар доим шу одамнинг навбатини тезроқ келишини орзиқиб кутишаркан. Сабаби, бу меҳмондўст инсоннинг ёлғиз ўғли бўлиб, унинг ниҳоятда дидли, фаросатли, чаққон ва ширинсўзлигидан меҳмонлар ҳамиша мамнун бўлиб кетишаркан.

Навбатдаги меҳмондорчиларининг бирида ўғил зинадан тушаётib қоқилиб йиқилади-ю, жон таслим қилади. Мезбон қеч кимга овоза қилмай мурдани уйга киритиб ётқизиб қўяди ва меҳмонларни кутишни давом эттираверади.

— Ўғлингиз кўринмай қолдиларми? — деб сўрайди меҳмонлардан бири отадан.

— Бироз чарчабди шекилли, кўзи уиқуга кетибди, — дейди хотиржамлик билан ота.

Меҳмонлар эрталабки нонуштадан кейин уйларига тарқалиша-ётганларидагина мезбон уларни воқеадан ҳабардор қиласиди. Жабрли ҳолатда ҳам сабрли бўлиб меҳмон ҳурмати учун олижанобликни сақлаб қолиш ҳаммани ҳам қўлидан келавермайди.

*Чархи фалак неча менга қиласа жабр,  
Мен қиласин ушбу бало ичра сабр.*

*Тўртингидан, меҳмон кетишига рухсат сўрагандагина очиқ чеҳра билан рози бўлмоқ лозим.*

Меҳмонга бориш хусусида эса:

*Биринчидан, таклиф этилган жойдан қолмаслик ва чақирилмаган жойга бормаслик керак. Уй эгасининг розилигисиз бегона одамни бошлаб бориш ҳам яхши эмас. Анча-мунча европалашиб кетган, расмиятчи бир олим одам бўлардилар. Бир куни рўйхат билан худойига ўн-ўнбеш кишини уйга таклиф этадилар.*

*Ўзбекчилик, юринг-юринг қилиб, кўпчилик рўйхатида йўқ бир одамни бошлаб киришади. „Сиз чиқиб кетинг, мен сизни таклиф қилмаганман“, деди уй этаси жаҳл билан. Чакирилмаган одам сир бой бермагандек чиқиб кетди. Лекин кўпчиликнинг қандай нокулай ва ҳижолатли аҳволга тушиб қолганини тасаввур этиш қийин эди. Қанчалик нокулай вазият...*

Шунинг учун оиласда фарзандларга ушбу сатрни ёдда тутиш ва унга амал қилиш ҳақида огоҳлантириб турган маъқуллар.

*Борма айтмаганинг дастурхонига,  
Кўй узатсанг, қадринг тушар нонига.  
Қўшма ўзгаларнинг барра кабобин,  
Қотган нону совуқ сувнинг сонига.*

Шундай бўлган тақдирдаям, кишида кўнгил, феъл кенг бўлса, кичкина ҳужра ҳам катта бир саройнинг хизматини ўтайди-ку?!

*Иккинчидан, меҳмондорчиликка чақирилган вақтда етиб бориш, уй эгаси кўрсатган жойга ўтириш, хонага кираётган ва ўтираётганда атрофдагиларга таъзим ва тавозъени унутмаслик, ёши улуғлардан юқорига чиқиб кетмаслик, ёнма-ён сұхбатлашиб ўтирганлар ўртасига кириб олмаслик ва катталардан олдин таомга кўй узатмаслик меҳмоннинг яхши одобларидан ҳисобланади.*

*Учинчидан, меҳмон мезбоннинг уйидаги хотин-қизлар кириб чиқиб турадиган томонга қараб ўтирмаслиги, ҳадеб атрофга кўз югуртирумаслиги керак. Ҳаддан зиёд эзмаланиб узоқ ўтириш ҳам яхши эмас. Нақлларда ёзилишича меҳмон дастлаб олтинга, кейин кумушга, янайм кўпроқ ўтирса темирга ўхшаркан.*

Ўз иззати ва обрўйини билган одамгина вақтида туриб кетади.

Демак, мезбонни қандай қилиб кутишнинг, меҳмонга эса борган ерида ўзини қандай тутишининг одоби ва тартиб қоидалари ниҳоятда нозик. Меҳмондўст элимиз ва миллатимизни қанча ардоқласак арзийди. Чунки унинг заминида инсонга бўлган

чукур ҳурмат ва соғ мөхр-муҳаббат жўш уриб туради. Шунинг учун ҳам бизда дўстлар бир-бирларининг уйларига хотиржам кириб бораверадилар. Ва бир кишининг эшиги ҳаммага очиқ, ҳамманинг эшиги бир кишига очиқ.

Академик шоирFaфур Fулом айтганлариdek:

*Дўстлар учун дарвозамиз ланг очиқ,  
Боишнгизга гул япргидан сочиқ.  
Бу тоза сув, атир совун, оқ чочиқ  
Сўлим айём, келишингиз ярашиқ,  
Албат бизга қўуниб ўтинг дўстларим!*



## КИТОБСИЗ УЙ – ЖОНСИЗ ТАНА

*Бир дўстки, ҳеч кимга бермаган азоб,  
Узоқ синаб кўрдим, билсанг китоб.  
Сирни яширмайди ўқувчисидан,  
Хабар берар сенга ёзувчисидан.  
Хилвотда сен билан бўлиб у улфат,  
Жимгина қуради ёқимли суҳбат.  
Ҳеч кимдан қолишмас билимли аҳбоб.  
Ундан сўрамассанг бермайди жавоб.*

Муҳаммад Жабалрудий

...Тўғри ва ҳалол яшаш йўлини дастлаб оиласдан, ота-она тарбияси ва устозлардан, баҳту-саодат йўлини ҳалол меҳнатдан, илм ва билимни эса китобдан излаган инсон ҳеч қачон ҳаётда кам бўлмайди.

Оиласда фарзандларни ёшлиқдан китоб ўқишига, уни севишига одатлантириш, улар билан биргаликда ўқиб фикр алмашиш, китобнинг инсон маънавий кучларини ўстиришда бирдан-бир курратли қурол эканлигини онгига сингдириб бориш бола тарбиясида кўзланган мақсадга эришишининг энг муҳим воситаларидан ҳисобланади. Чунки, китоб, айниқса яхши китоблар инсонни янгидан-янги қадам ва зафарларга чорловчи, ҳаёт қонунларини билиб олишнинг бебаҳо манбаи ва оиласвий ҳаёт йўлининг беминнат ҳамроҳ ва маслаҳатгўйидир. Китоб – бамисоли сараланган донишманд ва олимлар уюшмаси. У инсон қалбини ақл, билим зиёси билан жонлантиради, юракда олижанобликни уйғотиб, қалбларга кўтариқилик баҳш этади ва уни юксалтиради. Яхши китобларда тарих ва ўтмишнинг ақл-идроқи яшайди, у сехрли сандиқ каби китобхонни инсониятнинг эриштан ютуқларидан баҳраманд қиласи ва қалбларига нур бағишилади.

Китоблар борки, уларни ўқиган одам аждодлар ўгит ва нафосатидан, инсоният фаолиятининг умрбоқий меваларидан баҳраманд бўлади. Кучга куч қўшилиб, қалбларда эзгу орзу-истаклар уйғотади ва ақлни чархлаб, руҳиятни енгиллаштиради.

*Билимдонлар сўзи бордир китобда,  
„Билимдон гўрдаю, шами китобда!“  
Агар ёлғиз эсанг ҳамдам китобдир,  
Билим субҳидаги нур ҳам китобдир.*

Китобга бўлган меҳри оиласдан бошлаш болаларни одамлар билан муомила қила билишта тайёрлайди ва ота-она, устозларни ҳурмат қилишга, ҳаёт ва Ватанни севишга ўргатади. Буюк ҳинд мутафаккири Робиндранд Тагордан сўрашибди:

— *Турли ўй ташвишлар билан яшаётган инсониятни бирлаштирадиган куч борми, дунёда?*

Жавоб: — *Инсониятнинг қалбини бир ипга тизиб, уни бирлаштирадиган куч — Сўз қудратидир, у бадиий адабиётда мужассамдир. Чунки, адабиёт инсон қалби акс этган ойна. Бу ойнадан инсон ўзини ўзи кўради, ўзини ўзи томоша қиласди.*

Ҳақиқатан ҳам инсоннинг энг нозик туйғуларидан ҳосил бўлган бадиий адабиёт, хусусан шеърият — улуғ тарбиячи, устоз ва ақл қаймоғидир. У, инсонни болалиқдан яшашга, кураш ва мулоқотга ўргатади, фоя ва эътиқодни тарбиялаб, ўқувчини жаҳон бўйлаб саёҳат қилдиради ва тафаккурни чуқурлаштиради. Чунки, бадиий адабиёт диллар гулшани, ижодкорларнинг бағр — чўғларида пишиб етилган мўъжиза ва гўзал ҳаётнинг аксидир. Зангиота туман, Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқароси Узоқбой Жўрақуловнинг оиласвий кутубхонасида инсоният руҳий ва маънавий бойликларининг жуда кўп дурданалари сақланади. Оила аъзоларининг каттадан-кичитигигача бўш вақтларини китоб ўқиш билан ўтказади. Китоб улар учун энг яқин дўст, сабр-тоқатли, бардошли, кувноқ ва содиқ бирордадир. Оила бошлиғи, филология фанлари номзоди Узоқбой Жўрақулов оиласда китоб ўқишининг аҳамияти ҳақида шундай дейди:

— *Фарзандлардаги изчил ва онгли эътиқодни фақат кўп китоб ўқиш, бадиий адабиёт кўмагидагина ривожлантириши мумкин. Чунки, китоблар аввало ақл қуроли, ақл фарзанди. Нафақат китоб ўқиш, ҳатто уни танлай билиш ҳам санъатдир. Тафаккуримиз учун энг кўп ва ранг-баранг озуқа беради.*

Ўқувчини юракдан завқлантириб. қалбларига қаноат, руҳ ва нур багишлийдиган яхши китобларни сехрли чироқ ва очилдастурхонга қиёслаш мумкин. Улар олижаноб маслаҳатгўй, энг муҳим ҳаётий масалаларда кишининг фикр уфқларини кенгайтириб, маънавий кучли, номусли, ақлли этиб тарбиялашнинг бирдан-бир ишончли

устозидир. Оилавий кутубхоналарнинг бўлиши, улардан самарали фойдаланиш, ўқилган китобларни биргаликда муҳокама қилиш ва китобларга баҳо бера билиш маънан тўлақонли оиласи англатади.

Агар оиласида фарзандлар китоб ўқишга одатлансалар, сўёзиз улар билимдон, бу саҳада фикр алмасиб. музокаралар олиб боришса топқир бўладилар, агар ўқиган китобларининг дикқатга сазовор жойларини ёзиб боришса, фарзандлар ҳар бир ишда аниқликка ўрганиб боралилар.

Умуман, китоб ҳар қандай билимнинг жони ва юрагидир. У ақлий камолатнинг олий ва бекиёс шакли бўлиб, оила аъзолари ўртасида олижаноб туйғулар ва хулқ-одобни ўстириб, янада мулойимлаштиради. Энг муҳими, саҳоватли қуёш ўз нурини барчага баробар сочганидек китоб ҳам ўз билимини ҳаммага тенг баҳам кўради. У инсонларни бекорчиликдан ҳалос этиб, боғизрамдек билим ва илм гулстонига чорлайди ва номаъкул, ноҳуш, бефайз, бемаъни ишлардан қайтаради. Шуни очиқ эътироф этмоқ жоизки кейинги вақтларда интернет, компьютер ва уали телефонларга маҳдиё бўлиб, китобга бўлган муносабат сезиларли даражада сўниб бормоқда. Ҳатто туман марказий кутубхоналарининг фаолият кўрсатмай кўйганлиги ва атрофда бирорта бир китоб билан савдо қилувчи дўконларнинг йўқлиги ҳам кишини таажжубга солади. Аҳоли учун ҳар жиҳатдан қулайликлар яратиб кўйилган замонавий савдо шаҳобчаларидан битта бўлса ҳам китоб дўконлари ташкил этилса, нур устига – нур бўларди. Зоро, китоб ўзига хос жозибали маънавий неъмат. У бизга ҳузур бағишлийди, олижаноб насиҳатлар беради ва у ҳаётимизнинг бекиёс олтин хазинаси ва ақл қалъасидир.

## МУНИС ҲАМДАМ

Кимки китобга кўп боқса, китоб унинг зеҳнини очади, завқини оширади, сўзга чечан қиласи.

Китоб ўтмишдан ҳам, келажакдан ҳам хабар берувчидир.

Китоб инсондан ҳеч нарса тиламайди, аммо уни камолга етказади.

Китоб одоб-ахлоқнинг кони, билимнинг эса булоғидир.

„Оталар сўзи“.

\* \* \*

Китоб бир боғки, ёзувлари унинг гулларидир.

Абу Бакр ал Хоразмий ўлим тўшагида эди.

Ундан:

Кўнглинг нимани ҳоҳлайди, иштаҳанг нимани тусамоқда? —  
деб сўрадилар.

Китоб юзига бир қарасам, — деди у.

„Фавоқиқ ал-жуласо“.

\* \* \*

Китоб олимлар фикрининг паноҳгоҳи, доно кишилар бўстонининг чамани, оддий кишиларнинг томошагоҳидир. У кимсасиз кишиларга дил очувчи боғ, кўнгли шикасталарга раҳнамодир. У барча ерда барча билан ошно, дардли кишилар дилига даводир.

*Муҳаммад Жабалрудий*

\* \* \*

Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,  
Ғамхўринг бўлгай у ғамли замонда.  
У билан қол танҳо ҳеч бермас озор,  
Жоннингта юз роҳат беради такрор.

*Абдураҳмон Жомий*

\* \* \*

Очсангиз варағини кўрингусидир турфа боғ,  
Жилва бергай кўзингизга навбаҳор фасли бу чоғ.  
Кўнглингизга рўшноликни келтиргай бу чароғ,  
Шодлик босиб кўнгилни ҳеч қолдирмагай доғ,  
Доимо бўстонни яшнатувчи боғбондур китоб.

Бу замонда ҳамдами роз ўлмагач ўқуш керак,  
Ҳар китобни ўқиғонда маънисини уқиш керак,  
Андин ўрганиб алаб илми, ғазал тўқиши керак,  
Норасоликнинг жаҳонда томирини қирқиши керак,  
Илмсиз афсунчиларга тири-паррандур китоб.

*Дилшоди Барно*

\* \* \*

Китоблар донишмандликни ёйиш қуролидир.

*Я. Каменский*

\* \* \*

Фоят доно хатти-ҳаракатлардан туғилувчи эзгу саҳоватла-  
римизнинг асосий қисми учун биз китобдан қарздормиз.

*P. Эмерсан*

\* \* \*

Китоблар олдида жамики нарсалар нурсиз бўлиб қолади.

*А. П. Чехов*

\* \* \*

Китоблар хазинаси, умуман олганда, ҳаётнинг ўзига хос бадиий кўзгусидир.

\* \* \*

Яхши кутубхона коинотнинг китобдаги инъикосидир.

*Н. А. Рубакин*

\* \* \*

Китоб – сеҳргар. Китоб дунёни қайта қуради. Унда одамзотнинг ақли мужассам, у кишилик тафаккурининг устуни. Китобсиз одам ёввойилар оламидир.

*Н. А. Морозов*

\* \* \*

Китоб йигиш дорилғунуннинг ўзгинаси

*T. Карлейль*

\* \* \*

Ўзимдаги барча яхши хислатлар учун китобдан миннатдорман.

*М. Горький*

\* \* \*

Китоб – кўпчиликнинг тажрибаси. Кимки ўнлаб мухтасар китобларни ўқибдими, у ўн йиллаб буюклар умри билан яшали, деган сўз.

*П. А. Павленко*

\* \* \*

Токи китоблар бор экан, ҳеч қачон ўтмиш ўтмиш бўлолмайди.

*Э. Бульвар – Литтон*

\* \* \*

Китобни қадрламоқ керак, бу тафаккур қасрига иззат-эҳтиром билан қадам қўймоқ лозим.

*А. И. Герцен*

\* \* \*

Китоб – ёлғизликда дўст. Ўқиши билан одам ўзлигини англайди.

*Ж. Дюамель*

Китоблар кексаликда энг яхши дўст, айни пайтда ёшликнинг  
энг азиз раҳнамосидир.

*C. Смайлс*

\* \* \*

Вақт борида шоҳ асарларни ўқиб қолинг, акс ҳолда, бунга  
улгурмайсиз.

*G. Торо*

\* \* \*

Ҳеч қачон маъносиз китобларни ўқиманг.

*P. Эмерсон*

\* \* \*

Китобларни худди қамоққа согландек қулфлаб қўйиш керак  
эмас, улар қутубхонадан сўзсиз хотирага ўтиши керак.

*Ф. Петрарка*

\* \* \*

— Ўқиган кишига бу олам нурафшон ва гулистондир, ўқимаганга  
эса зимистон ва вайронадир.

— Китобсиз хонадон — жаҳолатнинг зимистон уйи.

— Китобни эъзозланг, чунки у сизнинг ва ҳатто устозларин-  
гизнинг ҳам устозидир.

— Китоб жонсиз бўлса ҳам киши қалбини ақл ва билим зиёси  
билин жонлантиради ва юксалтиради.

*„Ҳикматлар“*



## ГҮЗАЛ ОҲАНГ – ЖОН РОҲАТИ

*„Аллоҳ таоло бандаларига кўриши учун кўз берди, ҳид билиш учун бурун ато қилди, қўл берди, оёқ берди. Кўз ҳам, қулоқ ҳам дунёдаги неъматлардан фойдалинади, қулоқнинг роҳати эса гўзал оҳангларни, яхши сухбатларни эшишишдадир, қулоқнинг неъмати яхши нағмалар, яхши ашуларапдир, шундай экан, нима учун биз мусиқани ҳаром деб ҳисоблаймиз?“*

Абу Ҳомид Ғаззолий

Оила фарзандларга болаликдан ёпиқ эшикларни очиб, туганмас булоқ каби фаровоилик ва тўқислиқ ато эрувчи хунарнинг ранг-баранг турларини ўргатиш қанчалик муҳим аҳамият касб этса, уларни ҳаётнинг зийнати, латофат дунёсининг ҳосиласи, истеъод ва маҳорат ифодаси бўлган санъат ва адабиётга қизиқтириб бориш ҳам маънавий жиҳатдан шунчалик муҳим аҳамият касб этади.

Тасвирий санъат, меъморчилик, мусиқа, қўшиқ, театр, кино, сўз санъати ва балий адабиётми – буларнинг барчаси инсон тафаккури, маънавиятини бойитиб, дунёни чуқур ўрганишга, англашга хизмат қилади.

Хусусан, инсон кўнглида орзу-умид куртакларини ниш урдириш, уни жасорат ва матонатга чорлайдиган, кўнгулларни хушнуд этувчи ёқимли мусиқа ва қўшиқларнинг файзи ниҳоятда ўзгача.

— „Энг муҳими, — дейдилар Президентимиз Ислом Каримов, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камолот топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда“.

Ҳақиқатан ҳам куй ва қўшиқларга бўлган муҳаббат ёшлиқдан шаклланиб боради. Ёшлилар бор жойда қўшиқлар бор, шодлик ва ҳуррамлик бор. Уларнинг мусаффо қалби ва ишқли кўнгилларини куй ва қўшиқсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳаёт сурурини акс этдирувчи, кучли таъсир этиш қудратига эга бўлган шундай қўшиқ ва мусиқалар борки, улар юракдан ижро этилганда кўнгил губорларини ювиб эзгуликларга чорлайди. Унинг тафти оламни

иситиб, қалбларга чироқ ёқади ва инсон жасоратига жасорат кўшади.

Мусиқа она алласи билан бошланадиган, ҳалқимиз ва миллатимизга азалий хос бўлган, Одам Атодан қолган қалб ҳисларининг энг гўзал зийнатлардан бири.

*Соз билан сұхбатни ёлғон деманглар,  
Одам Ато бунёд бўлганда бордур.  
Ҳобил, Қобил онасининг қорнидан,  
Алар ҳам дунёда бордур.*

Шоир Мулла Фойиб таърифлаганидек, соз билан сұхбатни ёлғонга чиқармаслик керак. Чунки, соз ва наво Одам Ато яратилган замонларда ҳам бор эди. Одам алайҳиссаломнинг бош ўғиллари Ҳобил ва Қобиллар она қорнидан ёруғ дунёга келган пайтларида ҳам у мавжуд бўлган ва оиласаларда мусиқа чалиб қўшиқ тинглаш одатлари жорий этилган.

— Ҳалқимиз ҳаёти ва унинг руҳий камолотида, — дейдилар Юртбошимиз, мусиқа азалдан бекиёс ўрин тутуб келади. Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан З минг 300 йил муқаддам суюқдан ясалган най чолғуси топилгани ҳам шундан далолат беради.

Санъат, жумладан мусиқа борлиқни англашнинг ўзига хос ињикоси ва инсонга маънавий озиқа эканлиги ҳақида Пайғамбаримизнинг муборак ҳадислари, ислом оламининг буюк мутафаккири Муҳаммад ал-Фазоллий асарлари ва машҳур „Қобуснома“ китобларида ҳам жуда кўп қўмматли фикрлар баён этилган.

Аммо мусиқа билан шуғулланиш, чолғу тинглашни гуноҳ деб, уни ҳаромга ҳисоблаганлар ҳам бўлган. Ва сир эмаски, ҳозирда ҳам санъатни, мусиқа билан шуғулланишни ўзларига муносиб кўрмайдиган хонадонлар йўқ эмас.

Қадимда машҳур сўфий ва муҳаддислардан Абу Толиб Маккий мусиқа ва қўшиқ тинглашни „мубоҳ“, яъни мусиқа ҳаром ҳам эмас, ҳалол ҳам эмас, деган фикрни билдирганлар.

Лекин Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулиллоҳнинг муборак ҳадислари, улуғ аллома Фазолийнинг таълимотларига кўра мусиқа ва оҳанглар ҳеч қачон ҳаром бўлмаган.

Ойша разияллоҳу анҳо бир келинни ансорий күёвга кузатиб қўйди. Жаноб Расууллоҳ:

“Эй Ойша, мусиқа чалиб, ўйин-кулги билан кузатиб қўйдингизларми? Ансорлар мусиқа чалиб, ўйин-кулги қилишни хуш кўрадилар”, — ледилар.

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ Ойша онамизнинг уйларига кирсалар, икки жория ашула айтиб ўтирган экан. Кўлларида тор. Абу Бакр Сиддиқ айтибдиларки:

— „*Бу қанақаси: ҳазрати Расуллоҳнинг уйларида бу хил шайтоннинг асбоби янграб турадими?*“

Шу пайт уйга Расулуллоҳ (с.а.в.) кириб қолдилар. У зот айтдиларки:

— „*Кўйинг, ашула айтаверсинглар, чунки, бугун ҳайит – байрам!*“.

Шундан эътиборан Абу Бакр Сиддиқ бошқа бирон жойда куй ва қўшиқни ҳаром деб айтмайдилар. X–XII асрларда етишиб чиқкан Фарғоний, Хоразмий, Фаробий, Ибн Сино, Беруний сингари улуғ алломалар ҳам куйлар ижро этганлар, мусиқа санъати ҳақида рисолалар яратганлар, ҳатто айрим касалликлар мусиқа ёрдамида даволанган экан.

Дунё ичра дунё яратган, туркий шаън ва шавкатни оламга тараттган муҳтарам зот Соҳибқирон Амир Темур ҳам давлат ишлари билан қанчалик банд бўлишларига қарамай ҳаётларини қўшиқ ва мусиқасиз тасаввур этолмаганлар. Барча невараларига алоҳида меҳр билан қарайдиган Соҳибқирон Мұхаммад Тарагай Улугбекнинг ҳам тўйига катта ҳозирлик кўриб, машшоқ, ҳофизларга энг сара оҳангларни тайёрлаш ҳақида кўрсатма берадилар.

Тўй базими авжида. Созандаю хонандалар яна ҳам авж пардада мақом қилмоқдалар. Ниҳоят, қалби шодлик ва завққа тўлган Соҳибқирон кексаликларига қарамай, ўрнидан оғир қўзғолиб читра, ўд ва ургун наволари остида рақс тушишни ихтиёр этадилар. Манбааларда ёзилишича, Темур тебраниб-тебраниб узок рақс тушадилар. Подшоҳлар, улуглар, сultonлар ва амирлар бошларидан жавоҳирлар, марварид ва турли-туман қимматбаҳо ашёларини сочадилар... Ҳақиқатан ҳам Амир Темур оиласи ҳаёт ва тўйютомошаларнинг безагини санъат деб билганлар. Оиласда ҳам фақат ижобий меҳнат муваффақиятларидан, тўкин ва фаровон ҳаётнинг ўзи билан завқланиб қолмай, мўъжизакор табиатнинг ранг-баранг чиройидан, гулларнинг гўзаллигидан, айниқса буюклар яратган санъатнинг дурданаларидан ҳам ана шундай руҳланиб яшаш кишига куч ва қувват беради, шодлик ва ҳурсандчилик баҳш этиб, ҳатто қайғу ва чарчовларни ҳам даф этади.

Ошиқларнинг юрак сирини бир-бирига аста шивирловчи дутор нозик бармоқлар ёрдамида унинг торларидан тараладиган ҳузурбахш садолар, оҳангига ўзига илоҳий сеҳрларни мужассам этган, энтиккан юракларнинг завқига завқ қўшиб ошиқ булбул хонишига ҳамоҳанг бўлган най садолари, мусаффо қалбларнинг доимий ошноси,

тароналари кўнгилларга баҳор нафасини олиб кирувчи рубобининг латиф куйлари дилларга дармон бўлиб хонадонларда янграб турганига не етсун.

*Дутор ошиқларнинг юрак сирини  
Бир-бирига аста шивирлар эмиш.  
Шул сабаб донолар ҳамма чолгудан,  
Дуторни юракка яқинроқ дермиш.*

Одамийзот туйғусини асир қилиб, муҳаббат савдосидан куйловчи қошларининг қароси, ишқнинг балосидан куйловчи, кўнгиллар тафтини босиб, нозик-нафис хонишлар билан дилларга чироқ ёқувчи дилкаш дутор тароналари оламни гул-гул яшартиб, кўнгил дардларидан халос этади ва юраклар юмшаб самовий завқларга тўлиб тошади.

Най садоси эса тингловчини орзу-ҳаваслар дарёсида суздириб, энтиккан юракларнинг завқига завқ қўшади, инсоний ҳис-туйғулар бешигини сокинлик билан тебратиб, ҳаёлларни узок-узоқларга етаклади. У ошиқ қалбларнинг рамзи сифатида таралиб, айрилиқлардан, ҳижрон азоби гариблик, жудолик ва фироқдан нолиб, шикоятлар қиласди. Ва най навосига шерик бўлганлардан кимдир йиглайди, кимдир унинг қайгули ҳолатидан роҳат қиласди.

*Ҳижрон азобини тортган ошиқнинг  
Ноласини изҳор қиласмиш най.  
Шул сабабдан найчи чалганда уни,  
Овози борича, йиглар эмиш най.*

Оддий ёғоч ва симдан ясалган рубоб-чи? Мусаффо қалбларнинг доимий ошноларидан бири.

Унинг ҳам тароналари кўнгилларга баҳор нафасини олиб кириб тингловчига умид, ишонч ва орзу-ҳавас бағишлайди. Қалбларда бегубор ҳис-туйғулар кечиб киши дунёни англай бошлайди ва ҳар бир куй авжига мингандага юракларга ҳордиқ, дармон бериб, қалблар ором олади. Рубобининг латиф куйларини, она табиат, лолазорлар кўйнида, чечаклар кулиб турганда, сайроқи қушлар хониши билан ҳамоҳанг, янграб турганда тинглаш киши баҳри-дилини очиб юракларга янада ҳордиқ ва дармон беради.

*Нихол эксан чол каби ҳаёл сурар рубобинг.  
Дийдор кўришган дўстдай аҳвол сўрар рубобинг,  
Бахти кулган йигитдай қувноқ бўлар бир маҳал,  
Маъсум гўдак сингари дудуқланар бир маҳал.*

Демак, мусиқа ва қўшиқ ҳам жамият, ҳам оиласлар яхши кунининг безаги ва дардли дамларининг дармонидир. Улар оила аъзолари ўртасидаги меҳр-муҳаббатни кучайтириб, кайфиятни яхшилайди ва ҳалқларни бир-бирига яқинлаштиради.

Шавкат Толипов юқорида номлари зикр этилган табаррук инсон марҳум Толиб хожи ота Ориповнинг 150 дан ортиқ набира ва эвараларидан бири. У, эл-юрт, авлод-аждодлар хурмати ва эҳтиромига сазовор бўлган қалби ҳаётни нурлайдиган, қалб қўри, ҳалол меҳнати, меҳру-саодати, мустаҳкам имон ва эътиқоди билан жамиятда муносиб ўрин топган қалби бақувват ота-оналарнинг фарзанди.

Отаси Сунатилла хожи Толипов эллик йилга яқин инсондан жасорат, фидоийлик ва қалб соғлигини талаб этадиган шифокорлик касби билан минглаб беморларни оёққа турғазган, қайтадан ҳаёт баҳш этган фидойи инсон. У инсон саломатлигига, миллый қадрият, анъана ва маънавиятимизга оид кўплаб китоблар муаллифи. Сунатилла хожи аканинг нияти ўғли Шавкатжонни ҳам ўзига ўхашаш шифокор қилиб етиштириш эди. Лекин, ҳар юракнинг ўз орзуси бор деганларидек, Шавкатжоннинг ҳам болаликдан қалбига тугиб кўйган нияти бор эди. Яъни, кўнгилларга чироқ ёқувчи қўшиқчи ва ўз жисмидан янги инсон ясай биладиган актёр бўлиш эди.

Отанинг оқ фотиҳаси билан Шавкатжон ўз орзусининг ижобати йўлида миллый санъатимизнинг юлдузлари сафидан жой ола бошлади. Унинг ўз тили билан айтганда актёрлик асосий касб, қўшиқ айтиш эса эҳтиёж. Лекин барибир ҳар иккаласи ҳам бу санъаткорнинг жону-дили бўлиб келмоқда.

Аброр Ҳидоятов номидаги ва Ўзбек Давлат миллый академик театрларида саҳналаштирилган кўплаб спектаклларда ижро этилган катта-кичик ролларнинг барчаси истеъоддли санъаткорга кетма кет шуҳрат келтира бошлади. Серғайрат, иқтидорли, изланувчан, бадиий сўз устаси Шавкатжон Толиповнинг маромига етказиб куйлайдиган, кўнгилларга чироқ ёқувчи, ишқ-муҳаббат оташида тобланган, қалбларни аср қилювчи классик қўшиқ ва куйлари эса кўнгилларнинг ҳар қандай губорини ювиб, тингловчини жасорат ва эзгуликларга чорлайди. Шавкат Толипов кўпчиликнинг юрагидан жой олган истеъоддли санъаткор. Оилада ҳам ҳар бир дам олиш ва қувончли кунлари бу санъаткор ижросидаги тафти оламни иситадиган куй ва қўшиқлари дилларни хушнуд этиб, барчага руҳий ва маънавий озуқа беради.

Инсон кўнглига маънавий – ахлоқий таъсир кўрсатиш қудратига эга бўлган ана шундай мусиқа ва қўшиқдарни севмайдиган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Уларнинг ёшларни тарбиялаш дарсликлари қаторига киритилганлигининг боиси ҳам шундадир.

Ҳар бир болалар боғчаси, ўрта маҳсус ўқув юртлари, академик лицей ва коллежлар қошидаги бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, болалар мусиқа мактаблари, маданият уйлари ва қишлоқ қуулублари ёшлар ўргасида мусиқий тарбиянинг қанчалар юқори даражада олиб борилаётганлигига далил бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7 январьдаги „Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида“ ги фармойиши нафақат ўқув муассасалари ва жамоат ташкилотларида, балки оиласаларда ҳам қизғин кутиб олиниб, ҳаётга кенг тадбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллик байрами муносабати билан пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида ўtkазилган тантанадаги ўзбек санъаткорларининг чиқишлиари ва уларнинг ҳар бирига Президентимиз томонларидан билдирилган миннадорчилик санъатга бўлган зътиборнинг давлат даражасида эканлигининг янада бир бор далилидир.

Дарҳақиқат, шу куни қалб тафтидан яралган мусиқалар, дилдан чиқиб дилга борадиган қўшиқлар бутун Ўзбекистон халқининг юракларини чертиб, қалбларга шодлик ва дилларга янада эзгулик бахш этди.

## СОЗ БИЛАН СУҲБАТ

“...Ёқимли овозни тинглаш ошиқларга озиқдир... Чунки ёқимли овозда қалб ҳузури ва Аллоҳ ёди билан бўлиш завқи бордир. Одамнинг кўнглидаги ҳаёллар қувват олади, ҳатто ҳаёллар ўша ажойиб овоздан, ўша хуш оҳангдан тусланади. Сувга ёнғоқ отганнинг қуввати қандай кўпайса, ишқ ўти ҳам ёқимли овозлардан шундай куч олади“.

\* \* \*

Тинглагил най не шикоят айлагай,  
Айрилиқлардан ҳикоят айлагай.

\* \* \*

Ким найстондан мени то кесдилар,  
Ҳасратимдан мард-аёл дод этдилар.

\* \* \*

Ким билур найдек заҳар, тарёқни,  
Най каби дамсозу ҳам муштоқни.

*Жалолиддин Румий*

\* \* \*

Гўзал бир йигит най чаларди мудом,  
Қилар эди таъсири дилларни ром.  
Уйда шовқин солиб, ота доимо,  
Дер эрдики, „ёқмас менга бу садо“.  
Бироқ тинглади яхшилаб бир куни,  
Уни бехуш этди шу найнинг уни.  
Юзин тер босиб дерди: келди асар,  
Дилу жонга ўт ёқди най бу сафар.

*Саъдий*

\* \* \*

Мусиқа фани шу маънода фойдалики, кимнинг феъли автори  
мувозанатини йўқотган бўлса, уни тартибга солади.

*Абу Наср Фаробий.*

\* \* \*

Гоҳ бургут парвозини эсга келтириб қўяр,  
Гоҳ йиғлаб, йиғлатгуси, гоҳи кулдириб қўяр...  
Айтгил дўстим, ростини: чалганинг рубобмиди  
Ёки менинг қалбимми?

\* \* \*

Ўзимни бир сайёҳдек ҳис қилдим тинглаб туриб:  
Дунёнинг ёқасидан кирдим, енгидан чиқдим.  
Гуё қаридим, гўё ўсиб янгидан чиқдим,  
Ёғочу сим шунчалар ҳисларга серобмиди  
Ёки менинг қалбимми?

*Маъруф Жалил*

\* \* \*

Дутор, дутор дилкашим.  
Торларинг жуфту инок.  
Гўё азим дарёни туттандек  
Икки қирғоқ

Сени иштиёқ ила  
Чертар хиноли тирноқ,  
Кўклам каби яйратиб,  
Дилларга ёқиб чироқ.

*Нилуфар*

\* \* \*

Яхши мусиқа ва қўшиқнинг ёқимли садолари киши қалбига руҳий ором ва кўтариинки кайфият бахш этади, бунёдкорлик ишларига чорлаб туради.

\* \* \*

Ўзга миллатнинг оромбахш мусиқаси ва ёқимли қўшиқ садосининг мазмун-моҳиятини англаш учун таржимоннинг зарурияти бўлмайди.

\* \* \*

Мусиқа ва ашуланинг майин, жарангли ёки жўшқин садолари шундай сеҳрли мўъжизадирки, у кишиларни йиғлатади, кулдиради ва руҳлантиради.

\* \* \*

Ёқимли кўй ва ашула кишини завқ-шавқ билан яшашга ва янгиликлар яратишга илҳомлантиради.

\* \* \*

Мусиқасиз ва ашуласиз ҳаёт худди зулмат қўйнида ҳавассиз ва завқсиз кар-безабондек яшашга ўхшайди.

\* \* \*

Куйловчининг яхши қўшиғи, кўркам кийиниши ва муносиб ҳаракати тингловчилар қалбига ҳузур бахшлайди ҳамда яхшиликларга чорлайди, аммо ижрочининг ёмон қўшиғи, ҳаёсиз кийиниши ва ибосиз ҳаракатлари тингловчининг дилини хидалаштиради ва ёмон йўлларга киришга ундейди.

*„Нажот бешиги“дан*

\* \* \*

...Хофизлик яхши ҳунардирки, эшитғон одамларнинг кўнглини олурсан.

\* \* \*

Агар ҳофиз бир мажлиста борса, унда кўрган ва эшитғон нарсаларни ўзга жойга бориб айтмасун. Бундай мутриб ҳамиша азиз ва аржуманд бўлур“.

*“Қобуснома“дан*

## КАМОЛОТ МУРАББИЙЛАРИ

Файласуфлар ибораси билан айтганда, ҳар бир нарсанинг сабаб ва оқибати – мазмуни бошқа тушунча билан муносабатдагина очиладиган, фақат бири бошқасидан келиб чиқиб мавжуд бўла оладиган икки тушунчадан иборатdir. Агарда рафиқам Раънохон вафот этмагандан, мен „*Мехр қолур, оқибат қолур*“ китобимни умуман ёзмаган бўлишим мумкин эди ва республика Марказий иккинчи шифохонасида даволанганимда шифокорларга китобдан тақдим этмасам Ойгул бу китобни кўрмаган бўларди ва китоб баҳона биз у билан ота-бола тутинмаган бўлардик.

Мен даволанаётган ўн иккинчи палатага ҳамшира билан кириб келган аёл ҳар куни тонг саҳарлаб ҳаммани ҳайратда қолдириб эринмай физкультура билан узоқ шугуулланар эди.

Уларни ўтиришга таклиф этиб, „*Қалай спортсмен қизим, дам олишлар яхши кетаяпдими*, – деб сўрадим. Аёллар бароварига кулишиб, *бу киши спортсмен эмас, қўшиқчи санъаткор*, – деди ҳамшира.

- Э, шундайми?
- *Ҳа домлажон, Шаҳрисабзли қўшиқчи Ойгул Халиловаман*, – деди аёл мулойим табассум билан.
- *Республикада хизмат кўрсатган*, – деб қўшиб қўйди ҳамшира.
- *Эсимга тушди, телевизорда Марям Сатторова, Насиба Сатторовалар* билан жуда кўп чиққансиз.
- *Учовимиз ҳам бир қишлоқданмизда домла, ҳозир мен Қарши шаҳрида яшайман*, – деди Ойгул.
- *Мени домла эканлигимни қаердан билдингиз*, – дедим, мева шарбатларидан қуятуриб.
- *Китобингиздан, шифокоримиз Наргиза опадаги „Мехр қолур, оқибат қолур“ китобингизни варақлаб чиқиб меҳрим тушиб қолди, шу баҳона ҳузуризга киргандик*, – деди ийманиб Ойгул.

Инсон ҳаётининг зийнати бўлган нафис санъатимизнинг сиздек садоқатли номоёндасига китобимиз ростданам маъқул бўлган бўлса, бажонидил деб ёстиғим остида сақлаб қўйган китобимдан биттасига

дастхат ёзіб, — Узр „Покиза дил“ шеърлар тұлпамидан қолмаган экан, әртага албатта уйдан көлтириб бераман, — дедім.

Эртаси күн у навбатчи ҳамшира билан яна палатамға кириб узоқ сұхбатлашиб үтири. „Мархұм кинорежиссёр Аброр ака Қосимовнинг сиз билан синфдошликларини китобиздан ўқиб жуда құвониб көтдім. У киши менга ва турмуш ўртогымга жуда күп яхшилик қылған фидойи устозимиз бұлған. Ҳамманинг юрагига яқин, истегедодлы санъаткор әділар. Қаранг, китобиз шарофати билан устозимни күргандек бўлдим ва сизнинг нуроний қиёғанғизда худди отамни топиб олгандек ҳис этаямсан. Домла, мен умримда ота меҳрини кўрмадим, чунки отам мен ҳали бир ёшга тўлмасимданоқ вафот этгандар. Бахтимга қайнотам жуда яхши инсон эканлар, ҳамиша ўз фарзандлариdek кўриб, қизим “деб чақирадилар.“

Ойгул ўз исмиға монанд ойдек сулув, гулдек зебо, кўркам, чиройли, гўзал ҳусни, сўзларидаги нағислик билан раҳматлик Дилфуза қизимга ўхшаш аёл экан. Биз тезда ота-боладек сирдош бўлиб қолдик. Сұхбатимизнинг асосий мавзуи ҳар иккаламизнинг оиласвий шароитимиз, фарзандлар тарбияси ва иш соҳаларимиз бўлди. Ҳаётни севмайдиган одам санъаткор бўлолмайди, улар ҳамманинг юрагига энг яқин, зийрак ва кўнгли ишқли инсонлардир, деб бежиз айтилмаган.

Ойгулнинг ҳаёт йўли, унинг турмуш, оила ва санъатга бўлган меҳр-муҳаббати, оиласлаги фарзандлар тарбияси мени жуда ҳайратга солди. Айниқса, „Муножат“ ва „Самарқанд ушшоги“ қўшиқларидан ижро этган хиргойиси юракдаги оғир юкларни енгиллаштириб дардли дилларга малҳам бахш этгандек бўлди. Умр саҳифасини тўғри бошлаган, ҳаёти ҳамиша зафар томонга интилишдан иборат бўлган, ҳаёт сабоқларини қалб қўри билан иситиб, мақсадли, умидли ва мазмунли ҳаёт кечириб келаётган соғлом қалб соҳибаси, ғазал бўстонининг бу сайроқи булбули ҳақида дил сўзларимни ёзиш иштиёқи туғилди.

Халилова Ойгул Темировна гўзал ва қадимий Шахрисабзнинг Тезгузар қишлоғида туғилган. Афсуски, тасодифий баҳтсизлик туфайли Ойгул туғилган 1961 йилда отаси вафот этиб, йигирма ёшли она бева қолади. Отасиз оиласда онанинг жафокаш бўлишлигини чукур ҳис этган Курбонойдаги оналик меҳри ўз қизалогини вояга етказувчи офтоб вазифасини бажарди. Онанинг энг катта орзуси Ойгулнинг баҳтли келажаги эди.

Фарзандига доимо ибрат кўрсатиб туриши керак бўлган умр бөгбони отанинг аллақачон бу ёруғ жаҳондан қўз юмганини тушинган сари ёш қизалоқнинг кўзи очилиб борарди.

Тақдир тақозоси билан бева она иккинчи турмуш қуришга мажбур бўлади. Ва саккиз ёшли қизалоқ бундан кейинги ҳаётини бувиси, яъни онасининг онаси Ҳурсанномо билан бирга ўтказишни маъқул кўради.

Ойгулнинг болалик чоғларида меҳрибон бувисининг:

— Қизнинг гўзалиги унинг ҳаёсида, енгилтак қиз ўзини баҳтесизлик дарвозасига киритиб қўяди, эгри ўсган дарахт ё қулайди, ё қурийди, қизнинг шаъни — баҳтнинг замини, қизнинг ҳаёси билан андишаси бўлса ясанишнинг ҳожати йўқ, шаънини олдирган қизнинг баҳти бўлиши жуда оғир, нодон қиз ўз палагини ўзи босади, — каби панду насиҳатлари ҳанузгача қулоғида муҳрланиб, қолтан. Сўзлари ҳамал офтобидек ёқимили Ойгул Халилова Мўминобод қишлоғидаги ўн йиллик ўрта мактабни имтиёзли битириб, камолотга чиқини нарвонига эга бўлди. Кўпчилик уни ман-ман деган олийгоҳга кириб ўқий олади, — деган фикри бўлмаган киши мустақил яшай олмайди, деганларидек, бошқача йўл танлаб, аввал Чорсанба посёлкасидаги касб-хунар билим юртида механизаторлик курсини битириб, кейин Шахрисабз „Хужум“ бадиий хунармандчилик фабрикасида гилам тўкувчи бўлиб ишлай бошлади.

Ойгулда меҳнатсеварликдан вужудга келган ноёб яна бир истеъдод кўрина бошлади. Синфлошлар давраси, байрам тантаналарида, гоҳо ёлғиз ўтирганда унинг кўнгилларга чироқ ёқувчи, қалбларни чертиб ҳатто дил исёнини босадиган нафис ва ёқимли хиргойилари тезда одамлар эътиборини жалб этиб, юрагидан жой олабошлади. Истеъдодга шароит, парвариш керак эди. Акс ҳолда у нобуд бўлиши мумкин. Чунки у, зилол чашма каби турли ердан отилиб чиқа бошлайтган эди.

Истеъдод йўлидаги сон-саноқсиз сўқмоқлардан муваффақиятли ўтиб бораётган ёш ҳаваскорни Қашқадарё вилоятида ҳатто республика миқёсида машхурлик даражасида фаолият кўрсатадиган „Шодиёна“ ашула ва рақс ластасига ишга таклиф қилишди. Ва шу жамоа таркибида Ойгул Халилова ҳаётининг қўшиқчилик санъатидаги илк бор фаолияти бошланди.

Қўшиқ. Гўдакликда ҳам, кексайтганда ҳам, ҳатто хасталик дамларда ҳам ором берувчи, кўнгилларга чироқ ёқиб, дил исёнини босувчи, инсонларни эзгулик ва жасоратга чорлаб, ишларимизга мадад бериб, қалбларни чароғон этувчи нафосатли, ёқимили, дилкаш ҳаётнинг энг гўзал неъматидир.

Күшиқчи бир санъаткорнинг аёли эридан ранжиб бир неча кун туз totмай ўринга михланиб қолади. Ҳеч қандай дори-дармон ва парваришлар таъсир қилмаётгандек эди.

Ниҳоят, эр кўлига тор олиб табассум, меҳр ва завқ билан аёли қаршисида унинг юрагига яқин бўлган кўшиқни куйлай бошлайди.

*Энди мен ҳам кексайиб қолдим,  
Юзда ажин, сочларим оқ,  
Қаршиликнинг фасли бошланди...  
Аммо менинг юрагимга боқ!*

*Юрагимда ўша муҳаббат,  
Ўша қўшиқ, ўша ҳаяжон.  
Ўша туннинг ўлмас шлҳоми  
Ўша эзгу ўша шеърий он...*

Кутилмаган хурсандчиллик содир бўлди. Беморнинг асталик билан ёстиқдан бошини кўтариб атрофдагиларга жилмайиб боқиши ҳамма учун бир дунё қувонч багишилагандек бўлиб, аёл кун сайин соғая бошлайди, Дарҳақиқат яхши қўшиқлар ана шундай дардли дилларнинг малҳами, кўнгул губорларини тозаловчи шифобахш дармон экан.

Ойгул ҳам дилдан чиқиб дилларга борувчи, муҳлислар қалбини чароғон этиб, дилларни асир этувчи қўшиқларни севиб, завқ билан куйлайди. У буюк Алишер Навоийнинг:

*Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим —  
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.  
Кимга бошимни фидо қилдимки, бошим қасдига,  
Ҳар тарафдин юз туман тиги жафосин кўрмадим, —*

каби мисраларини куйлаганда худди машхур қўшиқчи санъаткоримиз Саодат Қобуловани тинглагандек бўласан, киши.

Таниқли санъаткорлардан Сайфи Жалилов куй басталаб „Шунчами“ ва „Ариқ бўйида олча“, Салоҳиддин Тўхтасиновнинг „Турналар“ қўшиғи ва Аброр Қосимовнинг „Ойгул ва Баҳтиёр“ фильм концертлари Ойгул Халилова ижодида катта бурилиш ясад, довругига довруғ қўшди.

Ойгул ҳаётида яна бир порлоқ саҳифа очилади. У 1983 йилда санъаткор Наби Бобоҷоновга турмушга чиқиб, шу йилнинг ўзидаёқ турмуш ўртоғи фаолият кўрсатиб турган М. Тошмуҳамедов номли вилоят мусиқали драма театрида ижод қила бошлади. Қўшиқлар

ижро этиш ёнига театр санъати, унинг нозик сирларини ўрганиш кўшилди.

Маълумки, театр улуғ ва мўътабар даргоҳ. У одамларни ўюштирувчи ғоявий восита. У ерда санъатнинг ихлосманд одамлари учрашиб бир-бирлари билан танишадилар, эзгу ниятларини ўртоқлашиб фикр алмашадилар. Қолаверса, рус ёзувчиси, таникли санъатшунос олим Станиславский ибораси билан айтганда, *театр икки томони чархланган шамширга ўхшайди. Бир томони билан ёруғлик шарафи учун курашади ва ҳимоя қиласди. Яна бир томони билан эса қоронғилик ва нодонлик салтанатини тилка пора қиласди.*

Ойгул қисқа муддатда ана шу шамширнинг ҳар иккала томонини моҳирлик билан ишлата билиш санъатини ҳам эгаллаб олди.

„Ёрилтош“ спектаклида Оймомо, „Тоҳир ва Зуҳра“да Зуҳра, „Нурхон“да Нурхон, „Тобутдан товуш“да Ҳожар, „Ўжарлар“да Озода ролининг моҳирона ижро этилиши Ойгулнинг ҳақиқатан ҳам ўз Ватани, ўз миллатининг сезги аъзоси, унинг қулоги, юраги ва ўз даврининг овози эканлигини намойиш этди.

Завқ билан қўшиқ айтиш, саҳна асарларидаги ролларга жон киритиб ижро этиш, гўзал, етук, бақувват образлар орқали диллардагини рӯёбга чиқариш, тамошабинлар қалбидан чукур жой ола билиш қобилияти Аллоҳнинг Ойгулга инъом этган буюк мукофотидир.

Истеъод ва қобилият ишга бўлган муносабат орқали ривожланади. — *Ҳаёт оқими ва бу оқимнинг ҳатто энг кичик шаҳобчаларини, воқеликларнинг барча зиддиятларини, қайгули, қувончили ва кучли томонларини, адолат ва ҳақиқатни билиш санъаткор учун муқаддас бурч, — дейди Ойгул.*

Санъаткордаги бундай олийжаноб сифатлар унинг турмуш ўртоғи Наби Бобоҷонов ва бир гуруҳ ёшлар билан ташкил этган „Мулоқот“ номли нодавлат театр-студиясидаги фаолиятида ҳам яққол намоён бўлди. Бу студия икки йил деганда ўзбек театри довруғида янги саҳифа очди. Тарихда биринчи бор Италия ва Франциядек давлатлар томонидан „Жононга бордим бир кечада“ номли спектакль шартнома асосида гостролга сотиб олинди. Ва ана шу ижодий сафар ўзбек театри учун Европа мамлакатларига йўл очиб берди.

Ойгул Халилова, унинг турмуш ўртоғи Наби Бобоҷонов изланиш ва эзгуликда бақувват, доимий ва фидойи санъаткорлардан. Уларнинг бугунги эккан кўчatlари, албатта эртасига мева беради. Жамиятга наф келтиришни, уларнинг шодлигига шодлик ва қувончига қувонч қўшишга ўзлари учун бурч деб билган эр-хотин

санъаткорлар бадиий ижоднинг янада салмоқли, янада ҳалқчил нозик ва ноёб тизимларига асос солдилар.

1993 йилда „Мулоқот“нинг давоми сифатида „Эски масжид“ вилоят иккинчи театр студияси ташкил этилиб, Ўрта Осиёнинг машҳур режиссёrlари билан ҳамкорликда катта ижодий иш бошлаб юбордилар.

Ширин фазилатлари билан меҳр ва эҳтиромга сазовор, ихлосли ва қаътиятили, хушнаво, хушилҳом, дилкаш, ҳуснда тенгқур, қалби ва меҳри шафқатга бой, дунёқараши пухта тарбияланган Ойгул Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизиатоннинг Барзу Абдураззоқов, Бекпўлат Пармонов, Авлиёқули Ходжақули, Фарруҳ Косимов каби энг машҳур режиссёrlари ёрдамида юксак даражадаги истеъодд ва маҳоратни намойиш этиб, яна бир бор машҳурлик поғонасига кўтарилиш баҳтига мұяссар бўлди.

„Икки жанобга бир хизматкор“да *Клариче*, „Меҳрибонгинам“ спектаклида она, „Шайх Санъон ва Тарсо духтар“да *Тарсо духтар*, „Найман она нидоси“да она, „Ўрик дарахти“да *Тозагул*, „Аёл алвасти“ ва „Ҳароратли ишқ“да *Марикета ва Махона*, „Зафарон сари“да *Сагарита*, „Рақсу самоъэ“да *Дилором*, „Шоҳ Эдип“да *Йокаста*, „Қирол Лир“да *масҳарабоз ролларининг юксак даражала моҳирона ижро этилиши* Ойгул Халиловага янада каттадан-катта шон-шуҳрат келтириб, томошабинлар қалбида ўчмас из қолдиришга сазовор бўлди.

Шуҳрат кетидан шуҳрат, обрў кетидан обрў. „Меҳрибонгинам“ спектаклининг Республика театр фестивалида тенгсиз деб топилиши ва унда Ойгулнинг „Йилнинг энг яхши актрисаси“ деган юксак мукофот шарафига мұяссар бўлиши, „Найман она нидоси“нинг Республика театр фестивалида иккинчи ўринга сазовор бўлиши, Чингиз Айтматов юбилейи муносабати билан Қирғизистонда ўтказилган Халқаро театр фестивалида Ойгулнинг „Гран При“ мукофотига сазовор бўлиши санъаткорни элга танитадиган олий даражадаги қобилият, истеъодд, маҳорат, жасорат, қаҳрамонлик, дадиллик ва гўзалликнинг тантанаси эди.

Ишқли ва истеъодли санъаткорлар ана шундай мўжиза яратадилар ва улар дунёга машҳур бўлиб бораверадилар. Санъат масофа билмаганидек Ойгулнинг тил билан эмас, дил билан куйладиган қўшиқлари, ҳар бир сўзларига нафис либос кийгизиб, қалбida ҳаёт рангларини акс этдирган қаҳрамонлар образи барчанинг, бошқа миллатларнинг ҳам юрак торларини чертиб, жаҳон миқёсида янграб, офтобдек барчага баробар баҳра бера бошлади. Кетма-кет Европанинг

нуфузли театрлар анжуманларида иштирок этиш ва улар буюртмаси асосида янгидан-янги спектакллар яратиш натижасида Ойгул Халилованинг покиза қалбida камол топған санъатнинг нафис сирлари Италия, Франция, Германия, Болгария, Миср Араб Республикаси томошибинларининг қалбини асир қилди.

Бу мамлакатлар саҳнасида намойиш этилган юздан ортиқ спектаклларда иштирок этиб, ихлосмандларнинг давомли қарсак ва олқишилларига сазовор бўлган Ойгул кувончини тассаввур этиш қийин эди. Гўзал мақтovлар, самимий олқишиллардан қалби янада мусаффолашиб, ҳаяжон ва севинч ёшлирини тўхтата олмасди.

Бу – латофат дунёсининг ҳавасли, ҳурлик, поклик, кўп қиррали билимдонлик ва энг муҳими маданиятга бой, ўзбек миллий санъати, қўшиқчилик ва театр санъатининг тантанаси эди. Ойгулнинг зийрак ва дадиллик, кўнглигининг ўз касби, миллати ва Ватанига ишқдилити уни ана шундай машҳурлик погонасига кўтарди.

Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги муносабати билан Президентимизнинг фармонларига билан Халилова Ойгул Темировнага „Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист“ унвони берилганда назарида бутун олам кулаётгандек, она табиат яшнаб, ҳаммаёқда ҳурлик ва баҳтиёрлик қўшиқлари янграётгандек эди. Беқиёс баҳтиёрлик, чексиз кувонч, юксак шодлик ва севинч Ойгул ҳаётининг энг зўр, энг гўзал ҳузур-ҳаловатига айланди.

*Эй гўзал санъаткор инсон ҳусни ҳам  
Кўкка кўтараарли кучга эга.  
Сендаги гўзаллик-ўлмас санъатdir,  
Инсонлар санъатга келар саждага.*

Озарбойжон шоираси Рафибейли Нигор Худодод қизининг ана шу тўртликларини ўқиганимизда дунёга машҳур, элимизнинг севимли санъаткор аёллари Тамарахоним, Лутфихоним Саримсоқова, Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова, Сора Эшонтўраеваларнинг гўзал сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Ойгул Халилованинг ҳам довруги ана шундай буюқ, забардаст санъаткорлар қатори жаҳон бўйлаб достон бўлишига ишончимиз комил. Инсоннинг ўзи меҳр қўйган касби, ибратли ва намунали оиласи, одобли ва ўқимишли фарзандлари орқали эришган, камолга етган обрўйидан улуғ баҳти бўлмаса керак. Ойгул ҳам жамиятга меҳнати сингтан, оиласи, қариндош-уругларга меҳр қўйган, онаси, қайнона ва қайнота, эл-юртнинг дуосига мұяссар бўлган, турмуш ўртоғининг ишонч ва садоқатини қозонган, обрўйи тўкилмайдиган, ўзида аёлга хос мусаффолик, дўстга хос фидойиликни ва она жасоратини

мужамссамлаштира билган аёллардан. Дарҳақиқат, обрӯ ана шундай яхши инсонлар ҳамроҳидир.

Болалиқдан мисқоллаб йигилган обрӯ ҳақида қаҳрамонимиз шундай дейди:

— Мен отасиз ўсан бўлсамда, кишига энг биринчи обрӯ келтирадиган нарса унинг одоби, яхши хулқи ва меҳнатсеварлигида эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Онамиз ва устозларимиз чизган чизифидан чиқмадик. Ҳар бир яхшилик ва эзгуликларга меҳр билан қарашга одатланиб бордик. Чунки, меҳр ҳамма нарсани гўзал қилиб кўрсатаркан. Ундан ташқари ҳалол, адолатли, ҳақиқатгўй, ақли, дўсти ва оиласига ҳиёнат қилмайдиган одамларнинг обрўйи ортиб бораверар экан. Очкўз ва бефаҳм бўлмаслик, нафсни тия билиш, иғво-бўхтонлардан сақланиш, ноқобил одам билан дўст тутинмаслик, қаноатли ва бардошли бўлиш кини обрўйига обрӯ кўшади.

Мен бутун фаолиятим давомида ихлос, эътиқод, садоқат, севги, вафо, истеъодод, қобилият, меҳр ва эзгулик меваларини соглом муҳитда татиб келаётганимдан чексиз баҳтиёрман.

Инсон руҳини яратувчи, кўнгил заминига эзгулик гулларини экувчи муҳит ҳавоси қанчалик соғ бўлса, у ерда ижтимоий адолат, ўзаро ҳурмат ва қадр-қиммат ҳукм суриб, маънавий ўтирилишлар содир этилмайди. Мен таҳсил кўрган ўкув даргоҳларим, хусусан, Қарши Давлат университети, вилоят театр студиялари, айниқса мен келин бўлиб тушган хонадондаги муҳит ҳудди текис ерда тиник сувнинг сокин оқишига ўхшарди. У ерларда муҳит ҳавоси соғ бўлганлиги учун ҳақиқат, адолат, поклик доимо яшнаб турарди.

Тоза муҳитнинг одамлари ўзгача бўларкан. Мен келин бўлиб тушган Бобоҷоновлар оиласи кўп болалик оила эди. Турмуш ўртоғимдан кейин яна тўққиз фарзанд бор эди. Шунинг учунми бундай катта хонадон юмушларини эглаб, севимли касбим санъат соҳасидаги олий, эзгу мақсадларимга эришишга ҳеч кимнинг, ҳатто ўзимнинг ҳам кўзим етмасди.

Лекин ниҳоятда мурувватли, саҳоватли, фариштаси гўзал, раҳнамоликда кўнгилларни хушнуд этувчи олий ҳимматли қайнота-қайнонамадан бундай олижаноб, меҳр-оқибат ва ғамхўрликни кутмаган эдим. Ҷақалоқлигимда отамдан етим қолиб, кўрмаган иззат-икром ва оталик меҳрни қайнота-қайнонамадан кўриш насиб этди.

Ижод ва фаолиятимиз учун нимаики зарурият бўлса барчасини бисёр қилиб беришди. Ўзлари кўп жон бўлишларига қарамай, бизнинг тўрт нафар фарзандларимиз ҳам улар қўлида вояга етиб, яхши тарбия олишди. Куни билан театрда бўлиб, кечқурунлари спектакллар қўйиш, гастроллар, айниқса хорижий мамлакатларга

бўлган узоқ муддатли ижодий сафарларимизнинг бирортаси қайнота-қайнонамизга оғир туйилмасди. Улар айбу-нуқсонлардан пок, ҳиммати баланд, Аллоҳнинг ихлосли бандаси. Чехраси очик, дили ёруғ, қалби гўзал, беозор, соғ кўнгил, дилларида умид ва севич чироқлари порлаб турувчи қайнота-қайнонамни камолотимнинг мураббийси ва баҳтиминг қалити, — деб биламан.

— Уларнинг муруват ва ибратисиз, алангали меҳри ва губорсиз оқибати бўлмаганда биз бундай мужассам баҳтга мұяссар бўлмасдик.

Ижодимиздаги баркамоллик, узоқ муддатли гостроллардаги хотиржамлик, дилимизнинг равшанлиги, фарзандларимиз тарбиясидаги бенуқсонлик ҳам сермеҳр қайнота-қайнонамизнинг бегараз инсоний муруватларидандир.

Қайнотам Маҳадвали Бобожонов касби сартарош, 80 ёшдалар. Қайнонам Ҳадича ая 77 ёшдалар, умр бўйи деҳқончилик билан шуғулланиб келади. Улар уч қиз, етти ўғилнинг ота-онаси, 32 набир ва 14 нафар аваралари бор.

Фақат қайнонамиз шарофати билан кўнгилимиз уйи ҳар лаҳзада равшан ва кўнгиллар даشتни улар билан ҳамиша гулшан. Содиқ дил ва тоза меҳр соҳибаси. Узоқдаги онантни яхши кўриш қанчалик ҳузурли ва мароқли бўлмасин, лекин яқиндаги қайнонаннангни икки баробар яхши кўриб, ҳурмат қилиш ҳам фарз, ҳам қарз бўлиши керак. Ҳаёт шуни кўрсатаяпдики, нав-ниҳол келинларнинг энг биринчи ҳимоячиси, ғамхўри ва маслаҳатгўйи қайнона экан. Қайнона-қайнотамиз яхшилигидан ҳаёт йўлимиз кенгайиб, фарзандларимиз тақдирини уларга топшириб хотиржамлик билан ҳориж мамлакатларида санъатимиз довруғини кўкларга кўтариб юрибмиз.

Улар менга ота-оналий мөхрини инъом этиб, оиланинг сир-синоатини ўргатиши. Мен қайнота-қайнонамни оиласиз боғининг қуёши, десам муболага бўлмайди. Улар ҳар соат, ҳар кун эъзозлаш, парвариш ва ғамхўрлик қилишга лойиқ азиз Инсонлар. Туқсан онажоним қанчалик азиз бўлган бўлса, қайнонам ҳам мен учун шунчалик мўътабардир.

— Келин бўлиб тушганимдан кейин қайнонамнинг ilk бор менга айтган сўзларини ҳамиша хотираамда сақлаб, хузур қилиб эслайман:

— Сиз менинг етти нафар жон қизларимни яна биттага кўпайтиридиз. Худо хоҳласа сизнинг фарзандлариз ва сиз бизнинг авлодимиз давомчиси бўласиз. Менинг узатилган қизларим ва уларнинг фарзандлари эса ўзга авлодники бўлади. Бу ҳаёт қонуни. Лекин энг мұхими — келин ва кўёвнинг аҳиллиги — хонадоннинг безагидир. Ана шу безак ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Қайнотам миришкор дәхқон бўлганлари учун, танишлар уларни ризқ сардори, замин заргари деб чақиришади. Қайнотам эса 65 йилдан бўён сартарошлик қиласидилар. Бир куни қайнотам:

*Касб ҳунарда инсон гулдек яшнаб очилур,  
Ундан донғу довруғи юрга нурдек сочишур, дегандилар.*

Касб ва ҳунар олтин хазина, у кишининг бутун умр саодатда ва севинч-қувончда яшашини таъминлайди. У муҳтоҷлиқдан, қашшоқлиқдан асровчи қалқон ва иқболга элтувчи воситадир. Баҳт, фаровонлик бўстони эшигини очувчи ягона олтин қалит ҳам ҳунардир. Етуклик ва қарилликда қашшоқлик жабрини тортмай десанг, ёшлиқда касб-ҳунарни пухта эгаллагин. Ва охирида қайнотам ҳазилашиб:

— Билиб қўйинки, дунёда ҳунарларнинг энг пошҳоҳони сартарошлиқдир. Нега деганда подшолар ҳам сартарош ҳузурида бўйинларини эгиб ўтирадилар, деб айтган гапларини ёшларга кўп эслатиб турамиз.

Санкт-Петербург шаҳрида инсон ҳуқуқлари институтини битириш арафасида турган Хуршид ўғлим, оиласлари билан қувноқ ва баҳтли ҳаёт кечириб келаётган Ҳулкар ва Ситораҳон қизларим, ўрта мактабда фақат аъло баҳоларга ўқиб келаётган Фирдавс ўғлимнинг намунали ва бенуқсон тарбияси учун шахсан қайнотамдан бир умр миннадорман.

Мен қайнотамга ўхшашни орзу қиласман. Чунки у киши фақат мақташ билан, раҳмат билан ҳурмат қилишга лойиқ меҳрибон она. Бошқаларга ибрату ўрнак бўладиган ҳазрати — Аёл. У киши уйда ақлу шафқат билан тадбир этганларида бошқалар қайнотамнинг ақл-идрок, илму амалларидан лассат олади. Шундай аёлнинг келини эканлигимдан, тақдиримдан мамнунман.

Гоҳо ўз ўғлини хотинидан ажралишни талаб қиласиган, набираларига ҳам кўп азоб берувчи, ўринисиз ҳолда гулдек оиласи пуртдан кетказувчи, чечак отмоққа, мева бермоққа ҳозирланиб турган ёшларни баҳтсиз қилувчи, умларига оғу қўшиб, роҳатларига заҳар солувчи, хулқиз ва ақлсиз қайноналарни кўрсам, эшитсан ёки китоблардан ўқисам қайнотамга бўлган меҳрим янада ортиб кетади.

*Шамдек бўл, шамни кўр куйиб қалбу тан,  
Ўзгалар базмини қиласди равшан  
Булут бўл, сув бериб қўйганда ёмғир,  
Гулни ҳам, хасни ҳам сугорар бир-бир.  
Ҳаммага омонлик истагувчи бўл,  
Шунда адоватга қолмағай ҳеч йўл.*

## МЕХРИ БОРНИНГ СЕҲРИ БОР

*Мехрлини мақтар, оқил шубҳасиз,  
Мехрли кишилар ҳаммага азиз.  
Мехрлини билсанг, унга бер кўигил,  
Буни айтган идрок, билим, эй азиз.*

Юсуф Хос Ҳожиб

Азиз заминимиз азал-азалдан меҳр-оқибатли, муруватли, саҳоватли ва бағрикент инсонлар маскани бўлиб келган. Буюк аждодларимизният ижод ва ўтиларида инсон қадр-қиммати, унга бўлган ҳурмат, меҳр-муҳабbat бош мавзуни эгаллаган. Чунки бу фазилатлар ҳалқимизнинг қонига сингиб кетган. Бинобарин, инсонлар, аввало оиласид муносабатда меҳрли ва муҳабbatli бўлиш кишини гўзаллик, камолот ва юксаклик сари чорлайди. Дарвоқе, меҳр ва муруватнинг туб замираida ҳақиқий одамийликка хос бўлган ҳурмат-эътибор, иззат-икром, эҳтиром ва самимият, меҳр ва муҳабbat, садоқат ва вафодорлик каби олижаноб фазилатлар ётади.

Меҳр нурлари кўнгил уйини нурафшон этиб, ҳаёт рангларига жило беради. У шундай сирли калитки, ҳатто юрак қулфларини ҳам оча билади. Қалби меҳрга тўла инсонларнинг пиширган таомлари лаззатли бўлади, эккан кўчатлари гуллаб-яшнайди. Донишмандлар таъкидлаганларидек, ҳатто энг нозик ниҳоллар ҳам тошдек қаттиқ ерни, қояларни ёриб, кўкка бўй чўзади. Ҳеч қандай тиг, ҳеч қандай босқин инсон меҳр-муҳабbatи ва саҳоватининг қудратига тенг келолмайди.

Қаерда инсоний меҳр илдиз отган бўлса, ўша ер иззат-икром ва ҳурматнинг маскани. *Меҳр – ҳаёт лаззати.* Исонга қанот багишлайдиган ҳам, оиласид қуввати, жони, дилларнинг гулшани ҳам меҳрдир. У муҳабbat дардларини даволайди, совуқ уйни иситади ва қиличлар эга олмаганни эгади. Жамоани, оила аъзолари оға-ини, дўсту биродарларни туташтирувчи сеҳрли ҳалқа ҳам меҳр. Меҳр-муҳабbat, шафқат ва раҳмдиллик бор оиласада баҳт хирмони баланд бўлади. Унинг замини ҳурмат, таянчи ишонч бўлганлиги учун одам

ҳеч меҳрга тўймайди. Қалбларни меҳрга тўлдириб, дўстлари қалбига меҳр гулларини эккан, одамларга раҳмдил бўлганлар энг азиз ва мукаррам инсонлардир. Уларнинг дили доимо меҳр-шафқат, эзгу ниятларга тўла бўлиб, қалби ҳам, кўзи ҳам ўзгалар манфаати учун доимо бедор бўлади. Меҳрибонлик, раҳмдиллик имондандир. Меҳрли одам албатта Аллоҳнинг лутфига сазовор бўлади, меҳрсиз эса бундай шарафдан маҳрумдир.

Инсонларга, жамики жонли зотларга меҳр туйғуси ила, марҳамат ва раҳмдиллик билан қарааш – инсонийлик фазилатининг юксаклигини билдиради. Зоро, инсон меҳр туйғуси ила юксалади, камолотга эришиб, маънан гўзаллашади. Шафқатли ва кечиримли бўлиш, ачиниш туйғусининг юксаклиги, барчага меҳрибон ва марҳаматли бўлиш – олий даражадаги одамийлик аломатидир. *Кулф ўғри учун, меҳр тўғри учун* деганларидек, олижаноб, соғдил, ҳалол, қалби ва нияти холис, эзгу ниятли, имонли одамларгина ҳар бир жонзор, устоз, айниқса ота-она, фарзанд ва она табиатга меҳр кўзи билан қарайдилар.

Хусусан, ота-онанинг меҳри ўзидан кейинги фарзандларига нур қолдиради.

Ривоят қилишларича бир одам келиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан сўрабди:

– Ё *Расууллоҳ! Сиз болаларни ўпасизми?*

Расули Акрам:

- *Албатта, болаларимизни севамиз. Сиз-чи?* – дедилар. Ул одам:
- *Биз болаларимизни ҳеч ўпмаймиз,* – деди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ул одамга қараб бундай дедилар:

– *Марҳамат этмаган, меҳр кўрсатмаган кимсага марҳамат бўлмайди, меҳр кўрсатилмайди.*

Дарҳақиқат, оиласидаги меҳрсизлик ўта ёмон нарса. Айниқса, эрхотин ўртасидаги меҳрсизлик, ёмон сўз, аччиқ тил меҳр ҳароратига сув сепиб, кўнгилларни совутади, уларнинг шамоли эса меҳр меваларини тўкиб дилларни сиёҳ қилади.

Оиласадаги меҳрсизликни ҳаёт изгиринига қиёслаш жоиз. Агар оиласадаги гулдай нафис меҳр туйғуси бевафоликка учраса, албатта, у қаттиқ дарз кетади. Кўча севгисига таслим бўлиб, вақтинчалик хузур-ҳаловат деб кўз очиб кўрган садоқатли умр йўлдоши, гулдек фарзандларига меҳрсизлик қилиб, уларни тирик етим қилиб қўйган айрим бағритош оталар ҳақида эслаганингда, бутун вужудинг билан нафратланасан. *Меҳр – гул, қаҳр – тикан* деганларидек, қаҳри қаттиқ, бағритош одамлар қўзига оддий жонзор эмас, ҳатто муқаддас оиласи ҳам кўринмайди. Меҳрли одамлар эса фақат фарзандларига эмас,

ҳатто энг кичик жонзот – чумолига кўрсатган марҳамати ва раҳмдиллиги эвазига Аллоҳга хуш келиб жаннати бўлган эканлар.

Қаҳрамон шоиримиз **Абдулла Ориповнинг** „Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси“ номли шеърида тасвирланишича, самовий жонзот ерга тушгани хусусида шов-шув тарқалади. Билағон олимлар йигилишади, ўз илмларини ишга солишиб, бу зот сирини англамоқчи бўладилар. Замонавий фантехниканинг барча ютуқларидан фойдаланиб кўрадилар. Ниҳоят, муаммо илм доирасидан ташқарида, ақл мантиқидан ҳоли равища ҳал этилади.

Фаррош кампир муаммо ечимини топади:

*Азбароий меҳр билан,  
Бошгинасин силади.  
Тиканакдек тикка ўсган,  
Сочгинасин силади.*

Дарҳол жонзот юра бошлади. Демак хулоса шундай: ҳамма вақт ҳам фақат илм, фақат ақл, фақат тадбиркорлик инсон ҳаётидаги муаммоларни ҳал қилиб беравермас экан. Улар қаторида катта ҳарфлар билан ёзилиши лозим бўлган **Инсоний Меҳр** ҳам керак экан.

Меҳрли киши доимо одамларга ёрдам қўлини чўзади, ожиз ва нотавон кишилар ҳолидан хабар олиб, муҳтоjlар ҳожатини чиқаради, тили ва муомаласи ширин бўлиб, бошқалардан ўзини баланд тутмайди.

Тошкент шаҳар, Олмазор туман, „Намуна“ маҳалла оқсоқолининг диний маърифат ва тарбиявий ишлар бўйича маслаҳатчиси, республика қўрик танловининг ғолибаси Муфаррҳ Содиқова қалб меҳри билан ҳатто жоҳилларни ҳам ўзига ром қила билган фидойи жамоатчи аёл. Ҳар қандай вазиятда ўзгадан айб қидирмайди, ёмонликни яхшиликка йўйиб, энг мушкул муаммоларни ҳам чидам, мулойимлик ва меҳр билан ҳал эта билувчи, дили малоҳатли, мўминлар дилига йўл топиб малҳам бўлиб келаётган маҳалланинг бу жонкуяр ва захматкаш онахони ёш оиласалар билан ўтказилган машғулотларининг бирида шундай дейди:

Меҳр – барча самимий муҳаббат ва эзгуликларни яратувчисидир. У қалб чамани кулфини очадиган ноёб калит. Инсон дилига йўлни фақат меҳр, ҳурмат, қадр-қиммат, содиқлик ва вафо орқали топиш мумкин. Икки дунё ҳузур-ҳаловатини ҳам оила аъзолари ўртасидаги ўзаро меҳр, меҳрибонлик, ҳурмат ва муҳаббат яратади. Ва бир-

бирлари билан меҳр-хурматда бўлган оилани хеч қачон баҳт-иқбол тарқ этмайди.

Меҳрли, ширин сўзли ва раҳмдил бўлиш, ўзаро муомилада ёқимли сўзларни кўнгил билан бир тутиш инсонни муродга етказиб, ризқни баракали қиласди, хонадонда файзу-барокат ҳукм сурин, фарзандлар шоду-хуррамликда соғлом ўсадилар.

*Сўзлашув муроса билан битажак,  
Ҳар қийин масала, ҳар бир қийин иши.  
Қалқону тиф билан битмаган ишин,  
Юмишоқ сўзлик билан мумкин битирмак,*

Меҳр, раҳм-шафқат инсонларнинг улуғ фазилати. У фақат инсонларни эмас, ҳатто ҳайвонни ҳам ром қиласди. Ожиз ва нотавонларга меҳрибонлик кўрсатиш инсонда улуғликни ошириб, улар номини катта ҳурмат ва эҳтиромларга сазовор қиласди. Сулаймон алайҳиссалом ва Шайх Шибилийдек буюк инсонларнинг оддий чумолига кўрсатган мурувват ва меҳр-шафқатлари кишини ҳайратга солади.

Меҳр темирни ҳам эрита олади, унинг тошқини дарёнициданда кучли. У шундай бебаҳо малҳамки, дардларни даволайди, алангаси эса фаразли тошларни эритиб, ораларига нифоқ тушган оға-ини, эр-хотин, ҳатто турли миллат ва халқларни бир-бири билан жипслаштиради.

## ҚАРИ БОР УЙНИНГ ЗАРИ БОР

*Кексалик уй доим нурағышон,  
Кексаларга жонимиз құрбон.  
Уйимизнинг түрида бұлғынг  
Ташлаб кетманг бизни беамон.*

Эркин Вохидов

*Кексалар.* Құлларида асо, дилларида зиё, тилларида дуо кексалар. Дилларида даврон севинчи, заковатли, мuloқазали, вазмин, хушмұомала отахонлар ва онахонлар. Оқыл, доно, фарзанд, набира ва эвараларнинг меҳрига сазовор бўлған, ҳамиша эзгуликка юз туттган, хушфеъл, севгиси дарё, қалбларида жўшқинликни сақлаб қолган нуроний мўйсафидлар. Улар бамисоли оқиб турган дарё. Улардан донишмандликка оид ҳамма нарсани топиш мумкин.

Кексалар оила, маҳалла ва жамиятда файзу-барокат, ибрат ва намуна, доно маслаҳат ва йўл-йўриқларнинг, оқыл суҳбат, чуқур тафаккур, гўзал фаросат ва ёшларни баҳтсизликдан асрорчи ҳикмат ва панду-насиҳатлар соҳиби.

Қариялардаги донолик инсон ақл-заковатининг қайнар булоғи, билим, камолот ва фаросатга эришишининг энг яқин йўли ва тафаккур гулистонидир. Саодатга етишиш, саодатда яшаш ва ёмонликлардан сақланиш йўл-йўриқларини кўрсатувчи ҳар бир ҳикматли сўзлари бутун оламни англатади.

*Бўйин товлама кекса тадбиридан,  
Қариларда бор тажриба, фикру фан.  
Темир қалъани ағдарар саъӣ этиб,  
Қари фикру, ёшлар қилич ишлатиб.*

Кексаларнинг оппоқ соchlари ловуллаган қўр устидаги кулга ўхшайди. Уларнинг кўз қорачиғидан эса ёшлиқ ва шодлик аломатлари кўриниб туради.

Дарё суви гулзорларни яшнатганидек, кексаларнинг ҳаёт тажрибалари, оқыл, доно маслаҳатлари, адолат юзасидан иш кўринилари, сабр ва мулойимлик билан фарзанд ва набираларга

кўрсатадиган йўл-йўриқ ва маслаҳатлари ёшлар қалбига фақат яхши хулқ ва гўзал фазилатлар сингдиришдаги аҳамияти билан мўътабардир. Қариялар оила ва жамиятнинг суянган тоги, ёниб турган чироғи.

*Қарилек уй мактаб, қари билганни пари билмайди, қариси бор уйнинг париси бор, ҳар бир кексадан бир нақл, ақлли қари оқиб турган дарё, катталар айтишин, кичиклар эшиитсин, кексалар қиласа фикр, Афлотунлар мот бўлур, каби кўтилаб нақллар кексаликнинг қанчалар комиллик бўстони эканлигининг далилидир.*

Нуроний кекса бўла олиш буюк санъат. Донолик ва донишмандлик қиёфасида бутун борлиги билан, ўзига хос кўрк, жўшқинлик билан, ёқимли ажинлардаги қувноқлик, табассум, хушчақчақлик билан оиласда набира ва авараларга сўзлаб берган эртакларининг ўзи болаликдан мукаммал тарбия олишга, билим эгаллашга, китобга меҳр қўйиш ва она Ватан тарихини ўрганишга иштиёқ уйготади.

*Бир асрга гувоҳ бувим,  
Тирик тарих яшар ёнма-ён.  
У ўтмишга ойнаи жаҳон,  
У тарихдай кекса бувим.*

Жуссаларидан ақл-заковат, баҳтиёрлик, мамнунлик ва хотир-жамлик нури барқ уриб турган, узоқ ўйллик самарали меҳнатлари эвазига нафақага чиқиб, қобил, меҳрибон фарзанд ва нёваралар парвариши ва давлатимизнинг ғамхўрлигига шукроналик билан кексалик гаштини суроётган баҳтли нуроний кексалар оила ва жамиятимизнинг кўрки, файзи ва дуоғўй фаришталаридир.

Қарилекнинг яна бир улуғ зийнати улардаги ҳаётга бўлган қизиқишининг сўнмаслиги, заковат, вазминлик, қовушувчанлик, ижод ва тинимсиз меҳнатда намоён бўлиб туради.

Мирза хожи Аҳмедов ҳам дили ҳамиша эзгулик, садоқат, эътиқод, хурмат ва меҳр, одиллик ва эзгуликка мойил бўлган, давлат ва жамиятнинг иззатига сазовор бўлган фидойи инсонлардан.

Отахоннинг ҳаёт йўли болаликдан ақл, билим, меҳнат, одоб ва идрок нури билан ёритилган бўлиб, барча ишларида тўғри йўлни танлаш ва адашмаслик унинг дикқат марказида турган.

Мирза Аҳмедов қандай иш ва лавозимда ишламасин оиласда ҳам ҳаётнинг асосий шартини мақсадли ва тинимсиз меҳнатда, изланиш, илм-маърифат, ҳалоллик ва масъулиятни ҳис этиш, адолат ва энг муҳими одамларга, оиласига бўлган меҳр-оқибатда деб билади. Дил ва тилни ширин қилиш, мукаммал мақсад, умидли ва мазмунли

фаолият күрсатиш Мирза ака рұхиятига сингиб кетган. У болалықданоқ ўз қадри, вазифаси ва мавқеини фақат ишлари орқали, мустақил фикри билан яратышға одатланған инсон.

Дастлабки иш фаолиятини Зангигида тұманиндағи Убай Маҳмудов номидаги мактабда ўқитувчиликдан бошлаган Мирза ака Ахмедов ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда Педагогика институти филология факультетининг кечки бўлимини имтиёзли битирди. Ва мактабдаги ўн тўрт йиллик жўшқин фаолият ундағи кучли эътиқод, истеъдод, меҳнатсеварлик, айниқса маънавий стуклик қобилиятларини янада юзага чиқарди.

Булар унинг йўлини ёритувчи навбатдаги чироқ бўлди.

Манбаатли илмни фурсат бўлганда ўрганиб олиш керак, чунки зарур бўлганда фурсат топилмайди, деган нақлга амал қилган Мирза Ахмедов ўз вақтида қишлоқ хўжалик институтининг ҳам аграномия факультетини сиртдан ўқиб имтиёзли битириб олди. Бу ҳам навбатдаги камолот учун мустаҳкам замин бўлди. Ўз куч-кудратини жамият тараққиёти йўналишига мувофиқлаштириб олиб боришини яхши ўзлаштирган Мирза ака туман партия қўмитасининг тарғиботташвиқот бўлими мудири, туман ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, ҳалқ таълими мудирининг муовуни каби раҳбарлик давозимларида жаъми йигирма етти йил фаол хизмат кўрсатди.

Самарали хизматлари эвазига хурмат ва саодатмандликда яшаб келаётган, умр фаслиниңг 82-баҳорига яқинлашиб келаётган Мирза Ахмедовда кексая билиш санъати ҳам кучли. Чунки, меҳнат, тинимсиз изланиш, ижод ва доимий ҳаракат отахон ҳәтида заруратга айланиб қолган.

— Соғ ва қувноқ ҳаётни меҳнатсиз тасаввур этиб бўлмайди, инсон ким бўлишидан, қандай касб ва ёшда бўлишидан қатъий назар, меҳнат қилиши, терга ботиб ишлаши керак, унинг яшаашдан мақсади, баҳти ва ҳаяжонлари ҳам айни шу меҳнатда мужассамлашган бўлади. Ишдан бир дақиқа ҳам бўшамаган соатларинда ўзингни гоят баҳти ҳис этасан, — дейди Мирза Ахмедов.

Қарилек нафақасига чиққанига йигирма йилдирки, Мирза Ахмедов „Нуроний“ жамғармаси Зангигида туман бўлимининг раиси.

Бу соҳада ҳам юрак кўрини қўшиб, бажарилаётган ишларнинг эзгуликдан иборат эканлигига ишонч ҳосил қилиб, уларни ҳақиқий эҳтирос, қатъият, изчиллик ва меҳр билан бажариш раҳбарнинг ўз ишида улуғвор эканлигининг яна бир далилидир.

Ўн йилдирки, „Қарияларни қадрлаш йили“ бўйича қабул қилинган дастурни мунтазам равишда ҳаётга тадбиқ этиб, туман нуроний-

ларнинг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўладиган тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

*„Мустаҳкам оила йили“ даги ишларнинг кўлами эса янада диққатга сазовор.*

Қарияларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-куватлаш, уларнинг оиласи шароитларини ўрганиб чиқиш, ёрдамга муҳтож ва ногирон кексаларга пул, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ҳамда маҳсус аравачалар билан ёрдам кўрсатиш, ёлғиз кексаларнинг уй-жойларини таъмиirlаб беришни ташкил этиш, уларга „Камолот“ ижтимоий ҳаракат фаолларидан мунтазам ёрдам кўрсатиш учун оталиққа биритириб қўшиш, тарихий зиёратгоҳларга саёҳатлар уюштириш нуроний раҳбарнинг туман кексаларига бўлган доимий замхўрликларининг яққол далилидир.

Биргина „Мустаҳкам оила йили“ даги „Ватан ҳимоячилари“, „8 Март“, „Наврӯз“ „Хотира ва қадрлаш куни“ ҳамда Мустақиллик байрамида туман кексаларига қилинган совға ва пул мукофотларининг ўзи 12 млн сўмни ташкил этди.

Зангиота туманида Мирза хожи Аҳмедов каби Файзулла Азимхўжаев, Нурхўжа Холхўжаев, Қовунбой Сайдозиев, Мирзараҳим Абдуллаев, Халимахон Сайдалиева, Абдумалик Мажидов, Жўра Халилов, Маҳбуба Ҳамидова, Муҳаррам Пўлатова, Мовлуда Кўчкорова, Салима Алашева, Ким Ольга Васильевна, Шоира Толипова, Азиза Мирзаева каби юзлаб нуроний отахон ва онахонларимиз борки, улар қалбидаги жўшқинлик, куч ва файрат ёшлардан қолишмайди. Ҳаёт улар учун умр бўйи қилган эзгу ишлари дилларини машъалдек ёритиб, қалбларига янада бардамлик бахш этиб, олтин кузнинг мўл ҳосилини йифиштиришдек масъулиятли ва мароқлидир. Мирза Аҳмедовнинг Мустақилликнинг биринчи, ўнинчи, ўн беш, йигирма йиллик кўкрак нишонлари, „Шуҳрат“ медали ва „Эл-юрт ҳурмати“ орден“лари билан тақдирланиши ҳам меҳнатсеварлик, фидойилик ва эзгуликлар маҳсулидир.

Нуроний отахон ва онахонларимизнинг яна энг улуғ сифат ва олижаноб фазилатлари шундаки, уларнинг дил сўзлари, бегараз панду-насиҳатлари, донишмандликдан иборат кароматлари, оқ фотиҳа ва руҳий улуғворликнинг бош рамзи бўлган фазилатли дуолари оиласи миздаги аҳиллик ва файзу-барокатда, обод турмушимиизнинг янада равнақ топиши, барча бунёдкорлик ва яратувчилик фаолиятимизда қалбларга чексиз кўтаринкилик, омад ва шоду-хуррамлик бахшида этади.

## *Кексалик – комилик бүстони*

*Қарылкда холи бир бурчак топ, дилға Бедил  
Дарё эмди лойқади, қани топиб чиқ соҳил.  
Мана оппоқ соchlарда кафан инъикоси бор,  
Йўлда кўзинг юммасдан ўз манзилинг топа бил.*

*Абдуқодир Бедил*

*Ҳар кимнинг ҳам соchlарига оқ тушсин,  
Ажин тушсин, юзларига доғ тушсин.  
Ҳар кимнинг ҳам қувват кетиб белидан,  
Кўлларига асо – бир таёқ тушсин.*

*Имони соғ, юзга кириб ёруғ юз.  
Тўйлар кўриб елкасидан тоғ тушсин.  
Жисмиға сўнгги сафар олдидан,  
Ўз боласи қўлидан тупроқ тушсин.*

*Муҳаммад Юсуф*

\* \* \*

Қариялар уйи фарзандлари келишини илҳақлик билан кутиб яшовчи меҳрга зорларнинг меҳмонхонасиdir.

\* \* \*

Қарилек беташвиш ва ишёқмаслар учун бефарқлиқда ўлимини кутиш даври, меҳнатсевар ва ижодкорлар учун эса ҳосилни йигиш давридир.

\* \* \*

Қарилекни қартайгандан кейин эмас, балки ёшлиқданоқ асрар зарур.

*„Нажот бешиги “дан*

*На қилғайман, Худоё?*

Умрим охир бўлғонда, на қилғайман, Худоё?  
Жон олгувчи келганда, на қилғайман, Худоё?

Жон бермакни (нг) ваҳмидин, Азроилни(нг) заҳмидин,  
Шафқат бўлмаса Сендин, на қилғайман, Худоё?

Жон бермак иши душвор, осон қилғил, ё Жаббор,  
Сендин ўзга ғамхўр, на қилғайман, Худоё?

Жоним жудо бўлғанда, таним мунда қолганда,  
Тахта узра олганда, на қилғайман, Худоё?

Ожиз бўлиб ётганда, фаришталар кирганда,  
„Мен роббук“ деб сўраганда, на қилғайман, Худоё?

Элтиб гўрга қўйғонда, етти қадам юргонда,  
Сўргувчилар кирганда, на қилғайман, Худоё?

„Ман роббук“ деб турганда, қаро кундур ўшанда,  
„Роббинг кимдур“ леганда, на қилғайман, Худоё?

Кул Хожи Аҳмад, сен банда, нафс илгида шарманда,  
Маҳшар куни бўлғонда, на қилғайман, Худоё?

## ОТАХОНЛАР

Бу күхна жаҳон боғбон, отахонлар,  
Авлоди башар тухмига дәхқон отахонлар,  
Инсонлараро эңг улуғ инсон, отахонлар,  
Зўр тарбиячи, уста билимдан отахонлар,  
Эй бир-бирига ёру қадрдан отахонлар,  
Йўқ сизда ғаму, ҳасрату, армон отахонлар.

Бўлганда азиз ёшлар ила ҳамдаму йўлдош,  
Ахлоқу адаб ўрганиб, иш узра бўлиб бош,  
Меҳнаткаш элим бирла бўлиб қавму қариндош,  
Қилсангиз оғир ишлар уза тоқату бардош,  
Эй бир бирига ёру қадрдан отахонлар.  
Йўқ сизда ғаму, ҳасрату, армон отахонлар.

Нуроний қизил юз била сиз пири бадавлат,  
Юзларда кулиб мавж урадур дилдаги ғайрат.  
Қилғай ўғилу қизларингиз завқ ила хизмат,  
Ҳар миллату ҳар ерда қилур иззату ҳурмат.  
Эй бир-бирига ёру қадрдан отахонлар,  
Йўқ сизда ғаму, ҳасрату, армон отахонлар

Меҳнатда ўғил-қизларингиз эркину озод,  
Ҳар бирлари ўз фазлида бир Ширину Фарҳод.  
Илму ҳунари ўсиди қилиб янгилик ижод,  
Сизлардан улуғ ҳисса эрур тоза бу авлод.  
Эй, бир-бирига ёру қадрдан отахонлар,  
Йўқ сизда ғаму, ҳасрату, армон отахонлар.

Меҳнатларингиз ҳосили роҳат мана энди,  
Кўрдингиз улуғ баҳту саодат мана энди.  
Умр ичра Ҳабибийда ҳаловат мана энди,  
Юзларга киринг согу саломат мана энди!  
Эй бир-бирига ёру қадрдан отахонлар,  
Иўқ сизда ғаму, ҳасрату, армон отахонлар!



## УРУФ АЙМОФИМ – ҚУЮҚ ҚАЙМОФИМ

„Қариндош-уругларингни ўзингдан узоқ-лаштирма, уларга марҳамат кўзи билан боқ, гапига қулоқ сол ва ҳамиша яхшилигингни аяма! Раҳм узоқ яшаш воситасидир ва у кишининг тинч, фаровон яшашига сабабчи бўлади“.

Муҳаммад Ҳусайн

— Саодатли оиласалар равнақи ва мустаҳкамлигига оқибатли қариндош-уруглар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ёрдам, доимий борди-келди, самимят ва қадр-қиммат ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан катта таянч ва суюнчиқдир. Кўнгил соғлиги, яхшилик ва ширин тил билан оқибатли бўлиш, доимий равишида қариндош-уруглар даврасида яшаш оиласаларга катта ҳузур ва завқ бағишлайди, шахс камол топиб жамият янада мустаҳкамланиб боради. Бува ва буви, ота ва она, амма ва хола, амаки ва тоға, опа ва сингил, ака ва ука, жиянлар, келин ва күёв, қуда-анди, қайнота-қайноналар, невара, звара ва чевараларимиз бир-бирларига бўлган самимият ва садоқат дунё лаззатларининг энг улуғи ҳисобланади.

Мустаҳкам дил, яхши амаллар билан, қалбларни покиза қилиб, эзгуликларга кенг йўл очиб, қувончли қунларда ҳам, қайгули дамларда ҳам қариндошлар билан бўладиган эътиборли, оқибатли ва бегараз дўстона муносабатлар нафақат оила ёки авлоднинг, ҳатто миллат, халқ ва Она Ватанинг равнақи, ободонлиги ва мустаҳкамлигига муҳим аҳамият касб этади.

Дўстона қон-қариндошлик алоқалари халқимиз учун азалий одат. Унга буюк донишмандларнинг асарлари ва халқ мақолларида муқаддас диний китобларимиз, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ва улуғ мутаффакир Абу Ҳомид Фаззолийнинг ҳадис ва ўйтларида катта эътибор берилган.

Хусусан, Расулulloҳ (с.а.а.) шундай деганлар:

\* Бугун бу ерда қариндошликтан алоқасини узганлар ўтирумасин. Қариндошлик алоқаларини узган миллатга Аллоҳнинг раҳмати ёғмайди. Миллат ичida қариндошлик алоқаларини узганлар бор бўлса, бу миллатга фаришталар тушмайди.

\* Худо ҳаққи, қон-қариндошлик алоқаларини узганлар бор бўлса, орамиздан туриб кетсин! Биз Роббимизга дуо ўқимоқчимиз. Қон-қариндошлик алоқаларини узганлар бор жойда осмон эшиклари ёпиқ бўлади, дуолар қабул бўлмайди.

\* Қон-қариндошлик алоқаларини узган, улғайиб қолган ҳолида зиногарлик қилган ва қўшнисига такаббурлик қилган одамлар жаннатнинг ҳидини туймайдилар.

— Садақанинг энг ҳайрлиси кўнглига душманликни туккан қариндошга берилган садақадир. Қариндошларинг сени кам эсласалар, сен улар билан қариндошлик ришталарини узма. Ҳақ таоло, хусусан, аввало яқин қариндошларга эҳсон қилишни буюради. Қондошлик юзасидан энг яқин қариндошга ёрдам бериш гўзал фазилатdir.

Ҳазрат Расулуллоҳ (с.а.а.) яна шундай деб марҳамат қилганлар:

„Бева-бечораларга бериладиган садақа битта бўлса, қариндош (яқин)ларга бериладиган иккита садақанинг ўрнига ўтади. Бу садақанинг савоби кўпdir“.

Манбаларда келтирилишича, оламда энг тез савоб олиб келадиган нарса силаи-раҳм деб аталаркан. Яъни, силаи-раҳм қилган деганда, ўз сила (яқин) кишисининг меҳр-оқибатини қабул қилган кишини тушунилмайди, балки қарши тараф қариндошлик алоқаларини узганда бунга жавобан эски алоқаларни давом этдирадиган киши назарда тутилади. Зангиота туман, Алишер Навоий номидаги маҳалласида Толиповлар оиласи қариндош-уругчилик ва қўни-қўшничиликнинг ана шундай тамойилларига оғишмай амал қилиб келаётган саҳоватли инсонлардир. Саккиз нафар ўғил-қизларни замон талаби даражасида тарбиялай билган марҳум Ясин ака Толипов ҳамиша:

— Қариндошинг қондош-жондош эканлигини унутма. Мехрисиз — қадрсиз яқин қариндошдан, меҳрли, қадрли етти ёт бегона яхши. Қариндошдан қарз олма, қариндошга қиз берма. Ва энг аянчли ёвузлик, вайронагарчиликларни келтириб чиқарувчи нафрат — яқин қариндошлар ўртасидаги кўролмаслик ва зиддиятдир. Султон суюгини хўрламас, деганларидек авлодга иснод келтирадиган шармандаликтан сақланинг. Қозилашган қариндош бўлмас, қариндошли қаримас деган нақдларга амал қилинг:

*Қариндошингни ёмонлаб,  
Қайдан туққан топарсан.  
Ўз отингни ёмонлаб,  
Қайддан тулпор топарсан,*

каби насиҳатларни фарзанд ва набиралари қалбига сингдира билган олийжаноб инсон эди. Ота насиҳатларини, бажо келтириб фарзандлар камол топишиди. Айниқса, машхур „Сиб-Акбар“ улгуржи савдо жамиятига асос соглан түнгич ўғил Акбар Толипов нафақат қариндош-уруг ва маҳаллада, бутун Республикада катта шараф ва шон-шуҳратга сазовор бўлди. У тадбиркорлар академиги. Табиатан сахий, камбағалларвар, ҳалол, меҳнатсевар ва фидойи инсон. Сахий ва саҳоватпешалиги, муруват, орзу ишлари билан маҳалла ва қариндош уруғларнинг ҳурмат ва эҳтиромига мусассар бўлган қалби дарё инсон. Қишлоқ масжидининг қурилиши, унга канализация ўтказиш, қабристонларда кўркам шийпонлар қуриш, маҳалла ободончиликларидаги кўрсатиб келаётган саҳоватидан ташқари, байрам маросимларида, тўй-маъракаларда маҳалланинг бирорта ёрдамга муҳтоҷ хонадонлари, яқин қўшни ва қариндош-уруғлар Акбар Толиповнинг эътиборидан четда қолмайди.

Маҳалладаги кам таъминланган ноҷор оиласарга ҳар йили 25–30 қопдан ун, ёғ, шакар, қўшнилари ва қариндошларига ҳам 25 кг.дан гуруч, ёғ тарқатиш, қариндошларнинг тўй ва маросимларида уларни моддий жиҳатдан беминнат қўллаб-кувватлашни Акбар Толипов ўзининг бурчи деб ҳис қиласди.

*Кишидан рози бўйса гар қариндош,  
Ошиб обрўйи бўлгай барчага бош!*

„Қизғалдоқ“ қишлоғининг маҳаллаларида ана шундай Акбар Толипов, Обиджон Баҳромов, Ёқубжон Соҳибжонов, Жаҳонгир Рузметов, Хайрилла Маҳаматов, Абдужаббор Абдуллаев, Тошпўлат Қодиров, Алишер Самиров каби кўплаб саҳоватпеша ишбилармон тадбиркорлардан ҳалқ, қариндош – уруғлар чексиз миннатдор. Зоро, шундайлар шарофати, саҳоват ва намунаси билан оила, қариндош-уруғлик муносабатлари чуқур иллиз отиб, хонадон, маҳалла, Ватанимиз янада обод бўлиб, турмуш зийнатлашиб бормоқда.

Кўнгил мусаффолиги ва соғлиги билан оила, қариндош-уруғ ва эл манфаати йўлида ўзларининг беғараз, беминнат саҳоватларини аямай келаётган ана шундай олижаноб инсонларга энг олий баҳт-саодат ва садоқат доимий ҳамроҳлари бўлсин деймиз.

*Қариндош, қўшни учун ажаб ёқимили ҳислат,  
Бир-бирларини қўллаб турса кўнгиллар шод.  
Аҳиллик иноқлик шундайин бир зийнатки,  
Дилларни шод айлагай, Ватанин этиб обод.*

## ЁН ҚҮШНИНГ – ЖОН ҚҮШНИНГ

Шариат бўйича ҳар бир оила учун ўнг, сўл, орқа ва олд томондаги қирқтадан хонадан, жами бир юз олтмиши хонадан қўшни мақомидадир. Қушнининг қўшнига шаърий ҳаққи бор. Қўшни мусулмон бўладими ёки гафиридан бўладими, қўшничиликда бунинг аҳамияти ўйк.

„Ҳадис“

— Оилаларнинг рисолалардагидек бўлиши, эр-хотиннинг тинчтотув, пиру-бадавлат бўлиб юришда яхши-ёмон кунларда қўни-қўшни, маҳалла-кўйнинг таъсири ниҳоятда улуғ.

Қўшничилик муқаддас нарса. Ҳеч қачон ўзбекона оила тарзини яхши қўни-қўшничиликсиз тасаввур этиб, бўлмайди.

Ҳовли олма, қўшни ол, қўшни келди қўмак келди, гилам сотсанг қўшнига сот, бир четида ўзинг ўтирасан, яхши ҳамсоя гулдир, ёмон ҳамсоя ҷўлдир, яхши қўшни яхши йўлга бошлиайди, қўшни ёмон бўлса, яхши қўшнининг ҳам обрўйи кетади, қўшни қўшнининг бозори, қўшнида пишар, бизга ҳам тушар, қўшнинг яхши бўлса, кўр қизинг ҳам эрга тегар каби доно ҳалқимизнинг азалий нақллари ҳам қўшничиликнинг қанчалар олижаноб фазилатга эга эканлигининг далилидир.

Куръони Карим, Ҳадиси мукаррам ва Пайғамбарларимизнинг: „қариндош қўшни ва бегона қўшнига яхшилик қилинг“, „...қўшнингга яхшилик қил, қўшнингга яхшилик қил“. „...дўстларнинг яхиси ўз дўстига яхшилик қилгани ва қўшниларнинг яхиси ўз қўшнисига яхшилик қилганларидир“, „ҳадъянгни қайси бир қўшнингни эшиги яқин бўлса ўшангага бергин“, „Кимки Аллоҳга ва охират кунига ишонса қўшнисини иззат-икром қилсин“, „мўмин киши ўзи тўқ бўла туриб, қўшнисини оч қўймайди“, „қиёмат куни биринчи бўлиб бир-бири билан жанжаллашиб тортишадиганлар икки қўшнидир“ каби қатор ўйтитларда ҳам қўшничиликнинг афзалликлари ифода этилган.

Ривоятларда ёзилишича, қиёмат куни биринчи бўлиб қўшнининг қўшнидаги ҳаққи тўғрисида ҳукм қилинар экан.

Шунда заиф бўлган noctor қўшни ўзига тўқ бўлиб, унинг ҳолидан хабар олмаган, қўшничилик ҳаққини адо этмаган қўшнисига қарши гувоҳлик бериб жанжалашар экан.

Киши ким бўлишидан, қандай миллатга мансублигидан қатъий назар қўшничиликнинг ҳақ-ҳукуқларига риоя этиш муқаддас бурчдир.

Ҳатто қўшнининг итига сабабсиз тош отиш, мушугини ҳайдаш – қўшнисини ҳақоратлаш билан баробар ҳисобланади.

Қўшнининг ўз қўшнисига ҳеч вақт озор бермаслиги, ҳафа қилмаслик ва ранжитмаслик, касал бўлиб қолса ҳол-аҳвол сўраш, ёрдам кўрсатиш, бошига мусибат тушганда ҳамдард бўлиш, фамли ва шодлик кунларида далда бериш, ундан хато ўтса кечириш, ахлу-аёлига ёмон кўз билан қарамаслик, уйида ҳеч ким бўлмаганда кўз-кулоқ бўлиб туриш, иморатини қўшнининг розилигисиз унинг иморатидан баланд кўтариб, ҳовлисига ўтадиган шабодани тўсиб қўймаслик, ҳовли-жойини сотадиган бўлса қўшнисининг олдидан ўтиш, зарурият юзасидан бирор асбоб-ускуна сўраб чиқса, бор бўлиб туриб йўқ демаслик, тансик таомлар пиширганда йўқлаш, иложи бўлмаган тақдирда ҳидини чиқармай пишириш, қарз сўраса, мева терса қўшни ҳақи бериш қўшничиликнинг энг муҳим ҳақ-ҳукуқларини ташкил этади.

...Бир одам ўз дўстининг ҳузурига келиб, уйида сичқон кўплигидан шикоят қиласди. Дўсти унга мушук боқиши маслаҳат берганда рози бўлмай:

– „Мушук боқсан, уйимдаги сичқонлар қўшнимникуга қочиб чиқармикан, деб қўрқаман“, дейди.

Демак, қўшни ўзи учун нимани нолойиқ деб ҳисобласа, уни ўз қўшниси учун ҳам раво кўрмайди.

– Бундан ўн беш йиллар муқаддам қўш қаватли бинолар жойлашган ҳудуддаги маҳаллаларнинг бирида Исмоил ака леган бир шифокор катта орзу-ҳавас ва тайёргарликлар билан ёлғиз ўғлини уйлантираётган кун эди. Ҳамма нарса бисёр. Куй ва қўшиқлар янграб турибди. Келин келишига бир соатча вақт қолган. Фожиа содир бўлиб, тўйхона билан қарама-қарши бўлган хонадонда ёшгина жувон оламдан ўтади.

Ҳанг-манг бўлиб қолган тўй эгасининг боши қотиб, маҳалла оқсоқолининг маслаҳати билан тўй Исмоил аканинг қўшни маҳалласидаги қайнотасининг ҳовлисига кўчирилди. Тўйнинг бошланиши бир оз кечикса-да, кўпчиликнинг ёрдами билан ҳамма

нарсага улгурнилди. Лекин түй эгаларига ҳеч нарса татимаёттандек тууларди. Айниңса, Исмоил ака учун базмга тезроқ якун ясаласка, жон құшнисининг олдига бориб қайғусыга шерик бўлса.

Садоқат, оқибат йўлини тутган қўшнилар шундай бўлади. Ёмон қўшни эса, у ҳамиша ёмон. На кўчиб, на ўлиб қутиласан, ундаилардан. Пайғамбаримиз Мұхаммад (с.а.а.) кўпинча:

— „Эй Аллоҳ! Қабрдаги ёмон қўшнидан ўзинг асрарин!“ деб дуо қиласканлар: Шунда Ойша онамиз: „Ә Расулуллоҳ қабрда ҳам ёмон қўшни бўладими“ деб сўрадилар.

Расулуллоҳ (с.а.а.): — Ҳа, қабрдаги қўшни дунёдаги қўшнидан ёмонроқдир. Дунёдаги қўшнидан қутилиш мумкин, у кўчиб кетар, ё ўлар, ё ўзинг ундан қутилиш учун кўчиб кетарсан. Аммо қабрдаги ёмон қўшнидан қиёматгача қутулимайсан, — дедилар.

Қиссадан ҳисса шундаки, қабрдаги ёмон қўшни гуноҳкор, фосиқ банда бўлиб, қилган гуноҳлари учун жазоланади, унинг доду-фарёдига ёнида ётган қўшниси ҳам азият чекади.

Шукроналар бўлсинки, мустақиллигимиз шарофати билан республикамиизда маҳалла мақомининг ҳар қачонгидан ҳам оширилиши кўп қаватли бинолар жойлашган худудларда ҳам янгидан-янги маҳаллаларнинг ташкил этилганлиги мамлакатимиздаги, ҳатто бошқа миллатлар орасида ҳам қўни-қўшничилик шарофатига катта қизиқиш уйғотиб бормоқда.

## САОДАТ ЭШИГИ

Эй касбу-корга белин боғлаган,  
Эрта турмоқлик зафар далили.  
Тонги уйқуда юмма күзингни,  
Банд тушар ундан кундузинг йўли.

Абдураҳмон Жомий

— Оила ҳаётини мустаҳкамлаш ва равнақ топдиришда ҳамиша риоя қилиниши шарт ва зарур бўлган шундай амаллар борки, улар нафақат оила, балки бутун бир жамият аъзоларининг камолотида муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир нарсада меъёрни билиш, тежамкорлик, исрофгарчилликка йўл қўймаслик, вақтни тежаш, дам олиш, ухлашни режалаштириш, уларга қатъий риоя қилиб бориш оиласларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамланишини, ақлий ва жисмоний тикланишларини таъмин этади. Жумладан, уйқу инсонлар учун беҳикмат яратилмаган. У барча жонли зотларнинг роҳат ва осойишлари учун яратилган бўлиб, у шу қадар инсон саломатлиги учун зарурки, агар одам уч кеча-кундуз, яъни 72 соат давомида ухламаса ўлим хавфи туғилади. Вақтида, меъёрида ухлаш эса, чарчаган мия ва танга дам беради, ҳатто тикланишни таъминлаб, самарали фаолият юритишнинг янги имкониятларини яратиб беради. Мехнат қанчалик самарали ва кўнгилдагидек бўлиб, оиласда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм суриб ҳамжиҳатлиқда яшалса, уйқу ҳам, таом ҳам кишига шунчалик роҳат бахш этади. Лекин уйқу қанчалик лаззатли ва ширин бўлмасин, меъёрдан ортиқ ғафлат уйқусида ётиш кундузни кечага айлантириб, қуёш ёйилганда ҳам ўрнидан турмаслик ҳикматдан эмас. Аксинча, умрнинг кўпроқ қисмини бедорликда ўтказиб, саҳарда туришга одатланиш аҳли донишларнинг ишидир.

Машҳур „Қобуснома“да шундай лейилади: „Эй фарзанд, билғилки, донишманлар уйқуни кичик ўлим дебдилар. Ул жиҳатдин ўлғон киши ухлагон киши била баробардур ва бу икковининг ҳам ҳеч бири оламдин огоҳ эмаслар. Кўп ухламоқ ёмон одатдирки, баданни суст ва табиатни вайрон қилур, юзнинг суратин бошқа ҳолга айлантирур... Таннинг уйқуга борғони бир қулаб тушғон уйдек бўлади. Уй қулагон чогда

ицида ҳар ким бұлса, уни босиб қолади. Ҳуди шунингдек, уйқу ҳам кишининг ҳамма аззосин босиб, гүё ер билан яксон қулур. Шунда қулоқ сүз эшитмас, күз ҳеч нараса күрмас, бурун исни, оғиз мазани, құл юмшоқ, қаттиқ, оғып, енгілни билмас... Үлөн билан ухлаган баробардур, икковининг ҳам оламдан хабари йүқдур. Лекин бири ҳаёт уйқусидир ва бири мамот уйқусидир. Аммо икковининг орасида бундай фарқни билмоқ керакдур. Эрта туришни одат қил. Ҳар кишиким қуёш чиққунча уйқуда бўлса, ризқи кам бўлур“.

*Ҳақ қулигин тилар бўлсанг, саҳар турмоқни одат қил.*

*Гуноҳ догонг ювар бўлсанг, саҳар турмоқни одат қил.*

*Саҳар турғанлар эр бўлди. Илоҳийдан улуш олди.*

*Аё ғофил санга кулди. Саҳар турмоқни одат қил.*

— Саҳар турмоқликни оиласа болалиқдан кундалиқ одатга, кўнгилдаги асл фазилатта айлантириш, умр соатларининг кўпроқ қисмини бедорликда ўтказиб, илм, ҳунар, ижодий изланишларга сарфланса бир бошта минглаб омад ва муваффақиятлар ёғилиши муқаррардир. Мусаффо тонг палласининг қутгуғ дамлариде Аллоҳни ёд этиб қилинадиган ибодатлар, эзгуликлар, ҳайрли ишлар ҳақида ният қилиш, ҳовли, кўчаларга сув сепиб супириш, ҳовлидаги гулзорлар оралаб уларга ишлов бериш, тафти оламни иситадиган тонги қўшиқ ва мусиқаларни тинглаш, дилларнинг гулшани бўлган бадиий, шеърий асарлар ўқиш, ижод қилиш, чаманларни мадҳ этувчи булбул ва сайроқи қушларнинг хонишидан баҳраманд бўлиш, файзли дастурхон атрофида биргаликда қилинадиган нонушта ва ота-оналарнинг тонгги дуои-фотиҳаларини олиб ҳар кимнинг ўз юмушига тарқалиши киши руҳи ва кайфиятига кун бўйи бекиёс роҳат ва ҳузур бағишлийди. Бу албатта, кун бўйи киши руҳига қанот баҳш этиб, уни янада юксакликларга чорлайди. *Ривоятларга кўра*, кимда-ким тонгнинг лаззат тўрига илиниб, шайтоннинг ширин алдовларига таслим бўлиб саҳар неъматларини бой берса, демак у тоғлардан ҳам улкан, денгизлардан теран, осмонлардан ҳам кенг савобдан маҳрум бўларкан. Ва кекса донишмандларнинг таъкидлашича, Аллоҳ таолонинг тонги бир шамоли бўлиб, у шамол ошиқларнинг оху-нолишини эслатган ҳолда Аршга олиб чиқиб, кейин Парвардигорга етказаркан. Ҳаёт қанчалик уйқу билан ҳамоҳанг бўлмасин, лекин тонг ёришиб, қуёш ёйилгунча ухлаш, гафлат ва жаҳолат юки остида мажруҳ бўлиб ётиш — кишини файзли саҳарнинг улут неъматларидан маҳрум қилиб, уларни дунё-ю охиратда ҳалокатга йўллайди.

Саҳар турғанлар йўлини Аллоҳнинг нури нурафшон этиб, барака ва имон хотиржамлиги инъом этилади. Саҳар Аллоҳ берган неъмат, имконият ва ғанимат эшиги, барака мавж уриб турған фариштали, файзли соат.

Кимки, эрта туриб эзгуликларга бел боғласа, албатта қуёш бошқаларга қараганда унга ризқни бисёр қилиб беради.

„Уч кун барвақт турған бир кун ютади“, „Ухласанг уйқу оларсан, ухламасанг ўшқи оларсан“, „Уйқу гафлатдир, меҳнат роҳатдир“, деганларицик, деҳқон ҳам уйкудан бошни кўтармас экан, ғалла хирмони чумчук иҳтиёрига ўтади.

Гўзалликни ҳис этиб, идрокли қалб, покиза ният билан, тунларни бедорликда ўтказиб ижод қилиш, саҳар турмоқликнинг машаққатларини енгиб, шайтоннинг ширин алдовларига сабр қилиб, ялқовлик қучогини тарқ этабилиш ва тонг саҳар – барокотининг қадрига этиш – ҳар қандай мушкулотларни бартараф этиб, оила ва жамиятимизга янада файзу-барокат насиб қиласа, турмуш янада обод ва фаровонлашиб бораверади. Дангаса эса, қорин тўйгач, ҳатто эргалаб бўлса ҳам кўзи тезда уйқуга кетади.

Мустақил ҳур Ўзбекистонимизнинг мусаффо тонг саҳардаги гўзал қиёфаси, улкан бунёдкорликлар, обол ва кўркам хонадонлар, чехраларида табассум билан ўқиш, иш, наҳорги тўй ошларига ошиқаётган, қалблари эзгуликларга бой кувноқ, баҳтиёр кекса-ю ёшларни кўриб, буларнинг барчаси истиқлоннинг шарофати ва яратувчилик, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларимизга барака, файз мавж уриб турған саҳар чогида бел боғлашнинг хосиятидандир, деб биламиз.

*Саҳар чоги хуш соат, турғанга бўлғай роҳат,  
Очишур давлат саодат, саҳар вақти бўлганда.*

Болдек чучук, жоннинг роҳати бўлган саҳар чогидан баҳраманд бўлиш барчамизга насиб бўлсин.

## УХЛАГАНГА УЛУШ ЙЎҚ

Саҳар турмай ишинг битмас, бу қул мақсудига етмас.  
Саҳар уйқуси сур этмас, саҳар турмоқни одат қил.

Саҳар турмоқни рағбат қил, қоронғи кеча меҳнат қил,  
Бориб гўрингда роҳат қил, саҳар турмоқни одат қил.

*Рожий*

Туну күн ухлайсан, босганча гафлат,  
Эй мағрур, билмайсан: гафлат-фалокат.  
Бўм-бўш амалларга севинма – алдар,  
Мағрурлар тушдан ҳам мағрурланарлар,  
Нафрат уйғотмасми сенда бу ҳаёт,  
Бундай ҳаёт учун бор-ку ҳайвонот?!

*Қидом ўғли Мисъор.*

Кўз очмассен, дебон – келган қулумдур,  
Масал чин бўлдиким: „Уйқу ўлимдур“.

*Алишер Навоий*

Уйқу уйқу келтирас.

\* \* \*

Уйқу касал чақирав.

\* \* \*

Уйқу арслонни ҳам йиқитади.

\* \* \*

Уйқу ўлим билан тент.

\* \* \*

Уйқу – ўлимнинг қардоши.

*Халқ мақоллари*

\* \* \*

Ўтди бошингдан саҳар боди сабо уйғонмадинг,  
Субҳ қулди ҳолингга, эй беҳаё уйғонмадинг.  
Бу работи дунёга уйқу учун келгаймисан,  
Кетдилар йўлга тушиб кўп ошно, уйғонмадинг.  
Сен кўзингни юмганингда илоҳий файз мавж уриб,  
Ўтди бошингдан басе нури зиё, уйғонмадинг.  
Ўтди дамеда мўйсафид бўлдинг, ўзингга келмадинг,  
Бел букилди, қоматинг бўлди дуто, уйғонмадинг.  
Сен жаҳонга келганингда кўп кишилар бор эди,  
Бора-бора барчадан бўлдинг жудо уйғонмадинг.  
Карвон кўчди, рафиқлар, йўлга тушди Хилватий,  
Еру кўкка тўлди овози бало, уйғонмадинг.

*Хилватий*

\* \* \*

— Кўп сўзлама, кўп ема, кўп ухлама: биринчиси бошингга кулфат, иккинчиси танангга шикаст, учинчиси эса баҳтингга оғат келтиради.

\* \* \*

— Ухлашингдан олдин кун давомида қилган ва қиладиган ишларингни сарҳисоб эт ва эртага қилишинг зарур бўлган иш режанг ижросини ўйлаб кўр. Донолар кун ишини тун ўйла, деганлар.

\* \* \*

Кимда ким эрталаб баравақт туришни одат қилса ва кайфияти ҳам яхши бўлса, бундай кишининг ишлари доимо омадли якунланаверади.

\* \* \*

Эртанги кунингиз режасини тузмасдан уйқуга ётманг.

\* \* \*

Бахтили ва омадли бўлишнинг энг ишончли йўли йигирма тўрт соатнинг ҳар бир дақиқасидан режа билан самарали ва тежамкор фойдалана олишдандир. Режали ва иродали киши ишлаш, ухлаш, дам олиш ва хурсандчиликни ҳам ўз муддатида бажаришга улгуради.

\* \* \*

Дангасалик ва серуйқулик — камбағаллик, муҳтожлик ва саноқсиз бахтсизликларнинг бунёдкоридир.

\* \* \*

Дангаса ва бекорчи ишёқмасга ширин овқат bemаза, дам олиш ташвишли қийноқ, юмшоқ тўшак баданга қаттиқ кесак, тунги уйқу ит азоби ва вақтнинг ўтиши эса толдирувчи чексизликларидир.

\* \* \*

Эсингда тут! Чарчаб-хорисангла, қўтаринки руҳ билан меҳнат қил, шундагина вақтинг лаззатли, ётган жойинт юмшоқ, уйқунингроҳатбахш ва чўнтагинг пулга тўлади.

\* \* \*

Парҳезли овқатларни ҳам меърида, вақтида тановул қилиш, доимий меҳнат ва бадантарбия билан шуғулланиш, мўътадил ухлаш ҳамда дам олиш дори-дармонга бўлган эҳтиёжни камайтиради ва узоқ вақт саломатликда яшашни таъминлайди.

\* \* \*

Овқатлангач, камида икки соатдан кейин ухлаш керак. Мабодо овқатланиб бирдан ётсангиз еган таомингиз ҳазм бўлмасдан ошқозонингиз ва жигарингиз хасталанади. Уйқудан турганингизда зарда ва боддан кўнглингиз нохуш ва оғзингиздан ёқимсиз ҳид келиб, ўзингизни касалманд заиф сезасиз.

,Нажот бешиги “дан.

\* \* \*

Мия ва бутун тандаги аъзоларнинг комил тинчланувига энг биринчи сабаб бўлган нарса уйқудир. Ақл қуввати билан тан вазифалари орасида бузилган тенгликтин ҳосил қўлмоқ учун одамнинг ухламаклиги бир табиий ишдир. Чунки толиққан аъзолар дам олмасалар, охирида ҳаракатлари оғирлашади, ҳатто ҳаракатсиз бўлиб қоладилар.

\* \* \*

Уйқунинг ози ҳам, кўпи ҳам яхши эмасдур.

Энг фойдали уйқу тунги уйқудир.

\* \* \*

### Табиблар маслаҳатига кўра:

Бола туғилганидан тўрт ёшигача бир сутқада камида 12 соат ухлаши керак.

Тўрт ёшдан 7 ёшгача 11 соат.

Етти ёшдан 12 ёшгача 10 соат.

Ўн икки ёшдан 14 ёшгача 9 соат.

Ўн тўрт ёшдан 20 ёшгача 8 соат.

Йигирма ёшдан 40 ёшгача 7–8 соат.

Кирқ ёшдан юқори бўлганлар учун 6–7 соат уйқу етарлидир.

*Фаҳр ул Банот*

## ТЕЖОЕЛИ РҮЗФОР – БЕЖОЕЛИК ҚҮРФОН

*Тежамкор киши пулини керагидан ортиқча сарфламайды.*

*Үн сүмгә олинадиган нарса учун ҳовлиқмай, юз сүм сарф эттайды.*

*Пулни фақат кераклы нарсаларгагина сарфлайды. Ҳар бир ишда ўртача йўл тутади.*

**Олимот – ал-Банот**

– Жамиятнинг барқарор ривожланиши иқтисодий қонун ва талабларига қатъий амал қилиш билан боғлиқ бўлганидек, оила мустаҳкамлиги ва унинг равнақи ҳам қатъий режа ва тежамкорлик тамойилларига риоя этишни тақозо этади.

Режа, тежамкорлик бўлмаган жойда албатта исрофгарчилик бўлади ва барака кетади. Исрофгарчилик эса оила ва мамлакат иқтисодиёти ҳамда равнақининг энг катта душмани.

Исроф – тежамни билмайдиган сарф-ҳаражат эшигининг доимо очиқ бўлиши демакдир ва шунингдек, камбағаллик ҳам кириб келаверади. Беҳуда кучаниш белни синдирганидек, камбағаллик ҳам оила дастурхонининг лаззатига барҳам бериб, оила моддий жихатдан инқизорзга юз тутади.

Исрофгарчилик ақлга зид ишлардан бўлиб, фойдасиз, кераксиз нарсаларга ўринсиз пул сарфлаш, уй-жой буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечакларини тежай билмаслик ва сақлай билмаслик натижасида оила рўзфорини камбағаллик ва ҳалокатга гирифттор этувчи иллат.

Эҳтиёжнинг истак-ҳоҳишига эмас, имкониятга қараб режа ва мўлжал билан қилинган сарф-ҳаражатлар кишини толиқтиrmайди ва зориқтиrmайди. Ҳар дарёнинг ўз кемаси бор, дегандек, ҳар бир иш, тўй ва маросимнинг ҳам ўз чамаси, режа ва меъёри бўлмоғи керак. Меъёри билан ишлатилса, илоннинг заҳари ҳам даво бўлади. Меъёридан ортиқ оққан сув эса, йўлдагиларни вайрон қилиш билан бирга, ўзи ҳам тезда куриб қолади.

Табиатнинг йўлдоши, инсон саломатлиги ва оила фаровонлигининг посбони бўлган тежамкорлик, режа ва меъёр оила

кувончига қувонч қўшиб, ҳузур-ҳаловатини оширувчи, баҳт ато этувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Ақлли, оиласини баҳтли, саодатли ва омадли қиласман деган инсонлар ҳаётнинг ҳар бир, қувончли, машиққатли ва ташвишли ишлари билан боғлиқ бўлган тадбир ва маросимларини олдиндан қалб кўзлари билан режалаштириб, фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайдилар. Ҳаражатни даромаддан камроқ қилинсагина, киши ҳеч кимга қарам ва муҳтож бўлмайди. Фарзанд оиласда пул топишдан аввал инсоний тарбия илмини ўрганмас экан ва яшашининг талаб ва қоидаларини, иқтисод қилиш, тежамкорлик илмини ўзлаштириб олмаса, унинг пули қанча кўп ва бой бўлишидан қатъий назар, албатта у камбағалликнинг кулфат ва азобларига йўлиқади.

Тежамкорлар халқнинг етук тоифаси ҳисобланаб, улар ҳеч қачон исрофгарчиликка йўл қўймайдиган сахий ва саҳоватли, ўзларига шараф, мартаба ва гўзаллик ортирган олийжаноб инсонлардир.

Лекин мақтаниш учун ўринсиз қилингандар сарф-ҳаражатларни сахийлик деб бўлмайди. Ёки буюк Алишер Навоий айтганларидек, *исрофгарчилик сахийлик эмас, бејурин совурушни баъмани одамлар сахийлик демас*. Ҳақ молини куйдирганинни девона дерлар, ёруғ кунда мум шам ёққанин ақлдан озган дерлар. Ҳаётда ўзи ҳам емайдиган бирорга ҳам бермайдиган очкўз, ўзи еб, бирорга бермайдиган баҳил, ўзи емай, ўзгаларга берадиган сахий ва тежамкор, ҳам ўзи еб, ҳам ўзгаларга едирадиган олийжаноб инсонлар бор.

Зангиота туман Қизғалдоқ ҚФЙдаги Зоирхон Жалилов, Алишер Навоий ва Мавлон Фаниев номидаги маҳаллаларидан Акбар Толипов, Ботир Баҳромов, Обид Баҳромов, Тошпўлат Қодиров, Маҳмуджон Соҳибжонов, Ёқубжон Соҳибжонов, Ҳайрулла Маҳаматов, Жаҳонгир Рўзметов, Алишер Самиғов каби кўплаб ишбилармон, тадбиркор ва тежамкор оила бошликлари нафақат ўз оиласарини, балки маҳалла ва қишлоқларининг ҳам моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамланишида катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Улар томонидан қурилган ва қурилаётган замонавий тўйхона, супермаркет магазинлари, аҳоли учун ҳар жиҳатдан қуладай бўлган хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, кўчаларни таъмирлаш, асфалт ётқазишдаги беминнат ёрдамлари ва кам таъминланган, қарорчиси йўқ, муҳтож оиласарга кўрсатилаётган муррувват бундай саҳоватли инсонлардаги юксак олийжанобликнинг яқъол наъмунасидир. Ҳаёт турли хил ҳолатларнинг оммалашувидан иборат бўлганидек, бир йўқликнинг бир очлиги, бир очликнинг бир тўқлиги ҳам такрорланиб туриши муқаррардир.

Тарихда бугун бутун яшаб, эртасига юпун бўлиб қолган даврлар кўп бўлган. Шукроналар бўлсинким, бундай ночорлик, муҳтожлик ва камбағалликка барҳам берилганига ярим асрдан ошиб кетди. Айниқса, мустақиллик йилларида эришилган тўкинчилик, фаровонлик ва бунёдкорликлар қалбларни қувонтириб, дилларни шодликка тўлдирди. Еганимиз олдимиизда, емаганимиз ортимиизда, дегани шу бўлса керак. Фақат минг бор шукроналик билан яшаб, истроф қилмасак бас. Пайғамбаримиз Мұхаммад соллалоҳу алайҳи ва саламнинг „Енглар, ичинглар, кийинглар, садақа қилинглар, аммо истроф қилинглар, мағурулланманглар“ — деган ҳадислари доимий шиоримиз бўлиб қолсин!

### Режали иш — тежамли иш

\* \* \*

— Зиёфатдан мақсад — бойлигини кўз-кўз қилиш ва мақтаниш бўлмаслиги керак. Фақатгина Пайғамбаримизнинг одатларини қилиш, мўмин биродарлар орасида меҳр-оқибатни давом этдириши ва уларнинг қалбига сурур бериш бўлмоғи керак.

Абу Лайс Самарқандий

\* \* \*

Бойлик эҳсон қилинса — иззат, беркитилса — хорлик келтиради.

Али ибн Абу Толиб

\* \* \*

Жаҳон моли эрур охир заҳри мор,  
Азизларни ҳам айлар ул хор-зор!

Абулқосим Фирдавсий

\* \* \*

Ортиқча мол — ортиқча ташвиш.

Япон мақоли

\* \* \*

— Оз бўлса эплаб кўр,  
Кўп бўлса сеплаб кўр.

Ўзбек мақоли

Ҳамиша ҳаражатинг даромадингдан камроқ бўлсин, шундагина ҳеч кимга муҳтож ва қарам бўлмай яшайсан.

\* \* \*

*Бойлик топган бой бўлмайди, бойликни тежаб сарфлаган бой бўлади.*

\* \* \*

*— Оилада аёл моддий бойликка тежамкор бўлмаса ва пулни ўз ўрнида аяб сарфлашни билмаса, билки бундай рўзгор ҳамиша камбанагаликка маҳкумдир.*

\* \* \*

*Фарзандларим қийналмасин ёки мендек азоб кўриб ўсмасин, дея уларнинг талаб-эҳтиёжларидан ортиқ пул бераверсангиз, сиз уларнинг ёмон йўлга кириб кетишига сабабчи бўласиз. Агарда ҳисоб-китоб қилиб меъёрида пул берсангиз сиз берган маблағларингизни тежамкорликда сарфлайди ва ўзлари ҳалол пул топиш йўлини ўрганишга киришади. Пул топиш йўлини билиш ҳар кимга ҳам насиб этаавермайди, аммо бор пулни ҳаражат қилишини, ҳаттотки аҳмоқ ҳам қойшмақом қилиб бажаради.*

\* \* \*

*— Истроф — ўринсиз ва фойдасиз ишларга пул ва мол сарф қилишадир. Кўлда бўлган пул ва молни керакли жойларга сарф эта билиш, яхши идора қила олиш учун истрофдан сақланиш лозим. Шуҳрат қозонмоқ учун тақаллуфли ва тантанали тўй ва зиёфатлар қилиб, пул сарф этиши нодонлиkdir. Истроф натижасида йўқчилик, кейин ҳар кимнинг мол, давлатига тاما ва ҳасад қилиш келиб чиқади.*

\* \* \*

*Сен агар истроф этишини ташладинг,  
Ул замон давлат этагин ушладинг.*

Донишмандлар бисотидан



## ЯХШИЛИК ТҮРГА, ЁМОНЛИК ГҮРГА ЭЛТАР

*Асл соф кишилар иши – яхшилик,  
Вафо бирла халқа қылар яхшилик  
Тубан пастлар иши вафосиз, жафо,  
Агарчи едиргай шакар ҳам илик.*

Юсуф Хос Ҳожиб

Яхшилик оила ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида маънавият ва қадриятнинг асоси, эзгуликлар останаси ва қалб аламларини даволовчи шифобахш малҳам вазифасини бажариб келган. У ақдиллик, одамийлик ва оқилликнинг олий даражадаги нишонаси. Ёмонликларни даф этувчи, ундан устун келадиган қурдатли куч ҳам, фоний ва боқий дунёнинг ободлиги, оила ва жамиятдаги кут барака, хорликдан асрайдиган, юксаклик ва камолот сари, нурли йўлларга чорловчи йўлчи юлдуз ҳам – яхшиликдир.

Богу-бўстонларни яшнатишда дарёнинг зилол суви ҳаётбахш бўлганидек, яхши инсонларнинг яхши иши ҳам инсонларга нур келтириб, улуғликка муюссар этади. Яхши одамларнинг шарофати билан ёмон ахлоқлар бартараф этилади, инсон юзига зийнат бағишилаб, омонлик ва юксак шарафларга сазовор қиласди. Ҳаётда яхшиликни улуғлаш, эъзозлаш, уни қалбга жойлаш, ёмонликлардан нафрлатланиб, уни дилдан чиқара билиш – баҳт-саодат, эзгу-мақсад ва иқболга чорловчи энг олижаноб сифат ҳисобланади. Кўнтилларни ёмон хислатлардан аритиб, қўлдан келганича яхшилик қилиш ҳақида буюк Алишер Навоий шундай деганлар:

— „Сўрадиларким, не нима дурким фойдаси барча ҳалойиққа етар, дедиларким: ёмонларнинг йўқлиги“. Ёки: „Яхшилик қила олмасанг, борий ёмонлик ҳам қилма. Яхшиликни ёмонликдан яхшироқ билмасанг, борий ёмонроқ ҳам бўлма. Яхшиликни билмасанг, яхшиларга қўшуул, яхшилиқ теграсида эврула олмасанг, яхшилар тегрисида эврул“.

Ёшларни яхшиларга эргаштириб мардона, ҳалол турмуш кечириш, ҳар бир ишда дилни пок тутиб, умр йўлларини садоқат гулларига безаб яшаш, эзгу қалб соҳибларига хос фазилатдир.

Ҳаётда ҳеч ким ёмонлик кетидан қувиб яхшилик топмаган. Умрларини оила, Ватан, халқ хизматига баҳшида этган, эзгулик ва

яхшиликни ўзларига шиор қилиб олган одамларгина чин саодат эгаси бўла оладилар.

*Жаҳонда бир нишона яхшилик қил,  
Ўзингни ишқ шамъига тилик қил.  
Жафо номи кишидин айрилиқ қил,  
Ҳамиша дилбарим сўзни илиқ қил.  
Замонанг мард эрур, марддек қилиқ қил,  
Садоқат бирла элга яхшилик қил.*

Яхшиликдан бўлак ҳамма нарса исроф бўлиши мумкин-у, лекин яхшилик қанча кўп қилинса ҳам у исроф бўлмайди. Яхши одамлар ўзларининг ширин сўзлари ва эзгуликлари билан ёмонни ҳам ўзларига дўст қилиб оладилар, бевафо, жафокаш одамлардан узоқда бўлиб, муддаолари эл-юртга хизмат қилиш, катталарга иззатда, кичикларга меҳру-шафқатда бўлиш, имонларини беҳуда амаллардан асраш, сўзи ва амалида собит туришdir.

Яхшиликнинг энг улуф фазилат эканлиги ҳақида шундай бир ривоят келтирилади.

— Бир мўътабар одам учала ўғлини ҳузурига чақириб:

— Сизларни синамоқчиман. Бир ой сафарга бориб, умрингизни ҳалқقا фойдали, яхши ишларга сарфланг. Қайси бирингизнинг қилган яхшилигингиз энг улуф фазилат касб этса, энг қимматбаҳо узугимни ҳадъя қиласман, — деди.

Шундан кейин ўғилларнинг каттаси бир ой саёҳат давомида кўчада ётган қимматбаҳо олмос тошни топиб олганини ва одамлар орқали суриштириб, эгасини топиб олмосни топширганини сўзлаб беради. Иккинчи ўғил эса сувга тушиб кетиб ҳалок бўлиш хавфида қолган боланинг ҳаётини сақлаб қолганлигини сўзлайди.

— Балли, дейди ота, виждоний вазифани бажарисизлар, қалблар завқ-шавққа тўладиган иш қилибсизлар.

Навбат кенжа ўғилга келади. Мен, — дейди: — у, энг ашаддий душманимнинг хавфли жар ёқасида ухлаб ётганини кўриб қолдим. Уйқусида бир оз қимириласа жаҳаннамга равона бўлиши ҳеч гап эмасди. Мен уни эҳтиётилик билан хавфсиз жойга суруб қўйдим.

Ота ўғлининг бундай тўзал ишидан қувониб, ўғлини қучоқлаб юз-кўзларидан ўпади.

— Бор бўл ўғлим, яша, умринг узоқ бўлсин! Мукофатимни олишга сен ҳақлисан, чунки дунёда энг улуф фазилат ёмонликка яхшилик қилишадир, — деб қимматли узугини ўғлининг бармогига кийгизади, унинг ҳақига дуо қилади.

*Отанғ әрдір, сен ҳам әрдек қылғың қыл,  
Ёмөнлик айлаганга яхшилик қыл.*

Лекин ёмонга ёмон бұл, яхшига – томон, ёмонга юрт қолмасин, үргиға – мол, деганларидек, ёмонлик қила туриб, яхшилик кутиш үринсиздір.

Луқмони ҳаким бир бойта құл бўлиб хизмат қилиб юрганларида, бой уларға *ерга буғдой сочғын*, деб буйруқ беради. Аммо Луқмони ҳаким буғдой ўрнига арпа сепадилар.

Шунда бой нега буғдой ўрнига арпа сепаяпсан, деганда, Луқмони ҳаким:

– *Арпа сепсан буғдой унмайдими?*

Бой газабланиб:

– *Эсинг борми, ҳеч вақт арпадан буғдой унадими?* – деган эди, Луқмони Ҳаким:

– *Ундаи бўлса, нега сиз доимо ҳалққа жабр-зулм қиласизу, яна яхшилик умид қиласиз. Яхшилик қиласанғиз яхшилик, ёмонлик қиласанғиз, албатта ёмонлик қайтади. Арпадан буғдой унмагани каби, ҳалққа озор бериб, яна яхшилик умид қилманг,* – деб жавоб бердилар.

Одамларга қилинган юзта эзгуликнинг биттаси бўлсада яхшилик бўлиб қайтиши аник. Лекин фисқи-фасодчи, кибр-ҳаволи бузгунчи одамнинг битта ёмонлигининг юзта бўлиб қайтишини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Ислом Шарқининг буюк олими Абу Хомид Фаззолий „Мукошафат – Ул Кулуб“ („Қалблар кашфиёті“) номли асарларida шундай деганлар:

„*Эй инсонлар, сиз одамларни яхшиликка ундан, ёмонликдан, қайтаринг. Йўқса, Аллоҳ золим бир ҳукмдорни бошингизга бало қилиб юборади. Бу золим на катталарингизни ҳурмат қиласди, на кичикларингизга марҳамат кўрсатади!*...

...*Ўзимиз яхшилик қиласдан бурун бирорни яхшиликка унданмайлик, ҳамма ёмонликларимизни тарқ этмагунча бошқаларга, ёмонлик қилманг, демайлик... Яхшиликнинг таги мўл, ҳамма вақт яхшилик қилишга улгурмайсиз, яхшилик қилаётган бўлсанғиз, бас, бошқаларни яхшиликка ундаиверинг, ўзингиз ёмонликларнинг ҳаммасидан қутулмаган бўлсанғиз ҳам, бошқаларни ёмонликдан қайтаринг...*

Орангизда кимда-ким одамларга яхшилик қилиш ва ёмонликдан воз кечиш кераклигини айтмоқчи бўлса, ўз нафсини сабр билан қуроллантириб олсин...“

Яхшилик инсонийлик ва оқиғллиқ нишонаси бўлса, ёмонлик – азоб-укубат ва шармандаликлар онасидир. Ёмон ҳамиша ёмонлигича

қолаөверади. Ёмон кун кетидан яхши кун келади, лекин ёмон одам яхни бўлмайди. Ёмон тузалсагина замон тузалади, ёмон одам тўймас, ёмонлигини қўймас, у ҳатто ўз туққанини ёмонлар — деб ҳақ гапни айтганлар.

Дўст, ҳамкасб ва улфатларининг баҳтини кўролмайдиган, уларнинг ҳар бир вафосига минг жафо билан тухмат хатларини турли идораларга ёғдириб ташлашда савдогар Холмўмин Раҳматов ҳеч нарсадан тап тортмасди. Жуда кўп ҳалол, фидойи инсонларнинг баҳти ва ҳаётига зомин бўлди. Қанчадан-қанча баҳтли оиласлар бузилиб, кудалар юз кўришмас бўлиб кетди. Холмўмин бандаликни бажо келтиргач ҳамма тинчигандек бўлувдики, орадан икки йил ўтар-ўтмас яна ёз-ёз бошланди. Арпадан арпа деганидек Холмўминнинг ўғли Холмирза ҳам ота касбини пухта ўзлаштирган экан.

Холмирза қўлга тушиб, жиддий текширувлар баҳонасида отасининг кирдикорлари — диплом, меҳнат дафтари ва бошқа маҳсус ҳужжатларнинг барчаси қалбаки бўлиб чиқди. Ёмон эркак тўй бузар деганларидек, Холмўмин Раҳматовнинг қингир, нопок ва бузгунчиликдан иборат кирдикорлари қирқ йилдан кейин очилиб, нафақат ўзини, бутун авлод-аждод, айниқса иқболи баланд, ўсиб келаётган набираларни оғир иснодга қолдирди.

*Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир.  
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир.*

Нурли юзимга мусибат тушмасин, деган одам ёмонлик қилишини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Акс ҳолда, ўзи уюштирган ёмонликлар ботқоғига ботиб, дўстларидан ажралади ва ўз ёвузликларининг қурбонига айланиши муқаррар. Ва ниҳоят, ҳар кимнинг яхши ёки ёмон бўлиши, аввало оиласдаги тарбия ва ота-онанинг намунасига боғлиқ. Агарда ёшлиқдан ақл, билим, одоб, қалб илмини эгалласа, эзгуликларга интилиб, одамларга амалий иш, ширин сўзлар билан ёрдам қилса, қўпол ва ёлғон гапирмаса, таъмагирлик ва омонатга ҳиёнат қилмаса, қийин, оғир мусибатли дамларда ҳам сабр-тоқатли бўлса ва ўзини мардона тутабилса, камтар, оддий бўлиб қилган яхшиликларини писандга қилмаса, ўзгаларни камситмай, тартибсиз ва нопок ишлардан нафралана билса, ёмон одамларга қўшилмай имон ва эътиқодда мустаҳкам бўлса — шундагина тарбиянинг самара баҳш мевасини тотиши мумкин ва ҳар қандай эзгу мақсадлар кишини фақат иқболга чорлайди.

Ёшлар донодан сўрадилар.

— Қачон яхшилар кўпайиб, ёмонлар озайиб борадилар?

Доно деди:

— Жаҳондаги барча одамлар онгига режали тарбия таълимотларини чуқур сингдиришга эришилса.

## ЁМОН БУЗАР, ЯХШИ ТУЗАР

Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар, намозни тўкис адо этадилар, Ҳакот берадилар, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбариға итоат қиласидар.

„Тавба“ сураси, 71-оят

\* \* \*

Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Шубҳасиз, Аллоҳнинг жазоси қаттиқдир!

„Моида“ сураси, 2-оятдан

\* \* \*

Инсон токи ўзини майда гап, ўчакиш, жанжал, шикоят, норозилик, оху-воҳлардан озод қилолмас экан, у ифлос ва пастлик табиатидан халос бўлолмайди.

Абу Али ибн Сино

\* \* \*

Ёмонлик бутун нуқсонлар мажмуидир.

Хусайн Вонз Кошифиј

\* \* \*

Бирорвга соғинса ҳар ким ёмонлик,  
Ниҳоят ул ўзи топмас омонлик.

Абулқосим Фирдавсий

\* \* \*

Одамларнинг яхшироги ўз қалбida яхшиликка йўл очгани ва ёмонликни ҳамда очкўзликни ҳайдаб чиқарганидир.

Муҳаммад Зеҳниј

\* \* \*

Яхшилар кетидан агар чопарсан,  
Истагинг, баҳтингни шунда топарсан.

*Саъдий Шерозий*

\* \* \*

Агар бўлса беклар хулқи ёмон,  
Ёмонлар кўпайиб, яхшилар бузилиши аён.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

\* \* \*

Ёмон билан улфат бўлма, юр йироқ,  
Йўлингга дон сочиб, қўяди тузоқ.  
Ёйни эгри кўриб, тўғрилигидан —  
Үқ ундан қанчалик қочганига боқ.

*Паҳлавон Маҳмуд*

\* \* \*

Ёмонлардан яхши фарзанд туғулса,  
Бармоқ тишлаб бўлма сен ҳайратга қул.  
Ажабмас-ку тошдан чиқса соғ гавҳар,  
Ёки тиканакдан битса атиргул.

*Алишер Навоий*

\* \* \*

Кишиларга яхшилик қил шунда уларнинг  
Қалбларини ўзингга кул қилиб оласан.

*Абдураззоқ Самарқандий*

\* \* \*

Ҳаёт кечир яхшилик билан кишилар кўнглини олиб,  
Яхшиликни одат қил, баҳилигу, ёмонликни ташлаб.

*Аҳмад Юғнакий*

\* \* \*

Ёмон киши лаънатланур ҳар бир тилда,  
Яхши киши ҳурматланур ҳар бир дилла.

*Замахшарий*

\* \* \*

Ёмонлик йўлидан мутлоқ ҳазар қил,  
Сени жарга бошлар, буни яхши бил.  
Қадамингни сақла бу қаро гўрдан,  
Ногоҳ қулаг кетма чуқурга бирдан.

*Абдураҳмон Жомий*

\* \* \*

Ёмон билан юрдим, қолдим уятга,  
Яхши билан юрдим, етдим ниятга.

\* \* \*

Ёмон билан юрсанг, ёмон бўласан,  
Яхши билан юрсанг, омон бўласан.

\* \* \*

Ёмон одам туққанини ёмонлар.

\* \* \*

Ёмон йўлдош бўлмас,  
Йўлдош бўлса ҳам, сирдош бўлмас.

\* \* \*

Ёмон арава йўл бузар,  
Ёмон хотин – уй.

\* \* \*

Дуторсиз бахши бўлмас,  
Ёмонсиз – яхши.

\* \* \*

Ёмонга айтсанг сирингни,  
Мингта қилар бирингни.

\* \* \*

Ёмон ҳўкизга шоҳ битса, сузаб ўлдирап,  
Ёмон одамга мол битса, уриб ўлдирап.

*Халқ мақоллари*

## ЁМОНЛИКЛАР ОНАСИ

*“Ичмаслик – ўчоққа ўттар, қозонга  
гүшт, ҳамёнга пул, танга күч,  
устта кийим-бош, мияга ақл,  
ошлага баҳт-фаровонлик баҳш этади”.*

**Б. Франклин**

Инсонга ғадолик либосини кийдириб, уни телба ва тентакка айлантириб, қашшоқлик, хору зорлик күчасига киритувчи энг ёвуз иллатлардан бири ичкиликтозлик ва нашавандликдир.

Тангрининг амри билан ман этилган ичкиликтозлик ва нашавандлик жамики иллат, ахлоқий бузуқлик, жиноят ва қотиллик, тубанлик ва қашшоқликларнинг онаси бўлиб, улар ҳатто очлик, вабо ва урушдан ҳам кўпроқ вайронагарчиликларга сабаб бўлади. Бузғунчилик, энг ашаддий зўравонлик ҳамда жинсий бебошликларининг сабабчиси ҳам ичкиликтозлик ва гиёҳвандликдир.

Ривоят қилишларича фоҳиша бир аёл ёш йигитнинг ҳузурига келиб:

*Ё мана бу чақалоқни ўлдирасан, ё мен билан зино қиласан, ёки мана бу ичимликини ичасан, деб шарт кўйибди.*

Йигит ўйлаб туриб:

Зино ҳам, бегуноҳ чақалоқни ўлдириши ҳам шариатда катта гуноҳ ҳисобланади, яхшиси ароқни ича қолай, дебди. Охири ароқ кучи билан маст бўлган йигит аввалига чақалоқни ўлдириб, кейин зино қилибди.

Кўрдингизми, ароқ қандай оғир жиноятларга сабабчи бўлди.

Ўта ақлсизлик, ўзлигидан узоқлаштирувчи шармандалик ва беномуслиkdir.

Мастларнинг қандай айб, қандай уят сўзлар айтишлари ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

Улар номус ва шарафларини сақлай олмайдилар, чунки мастликда ақлларидан ажралган бўладилар. Мастлик қанча давом этса, ақлсизлик ҳам шунчак узоққа чўзилади. Улардан номус, уят, ор, шараф каби қадрияtlар күшдек учиди ва қайтиб келиб

қўнмайди. Қанчалан-қанча ориятли хотин-қизларнинг номуси мастиликда парчаланади, оиласлар барбод бўлади.

Ичкилик – бу заҳарли илон, чақса ўлдиради. Ичкиликбозлик барча бошқа гуноҳлар ичиди энг оғир ва ашаддийсидир. У бор жойда яхши фазилатлар учун эшиклар ёпилади ва чексиз иллатларга шароит яратиб берилади.

Одамзотнинг энг яхши, забардаст, истеъодоли намоёндаларининг ёшлигини ғажиб, кучини совуриб, қувватини сўриб олувчи, машиналар ҳалокати, минглаб одамларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмиши ва мажруҳ бўлишига асосан ичкилик сабаб бўлмоқда.

Ҳар бир инсон ўз саодатининг ижодкоридир. Шунингдек, унинг бошига тушадиган аянчли тақдир ҳам осмондан тушмайди. Балки ўзининг ноқобиллиги, майшат таъсиридан келиб чиқиши мумкин.

*Ёшларнинг йўли муҳитдадир*, деган доно нақл бор.

Чунки одамларнинг руҳини яратувчи ҳам, кўнгил заминига эзгулик уруғини сепувчи ҳам яхши муҳитдир.

Салбий муҳитда эса тез-тез маънавий ўпиришлар содир бўлиб, ҳатто гул ўрнида алаф ўсиши мумкин.

Шуни очиқ эътироф этмоқ керакки, собиқ шўролар тузуми даврида тўй-маросим ва меҳмондорчилик билан боғлиқ бўлган оиласи тадбирларнинг деярли барчасида ичкилик масаласи биринчи ўринда турарди.

Наҳорги ош дастурхонларига, ҳатто айрим марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларда ҳам ичкилик қўйиш одат тусига кириб бораётган эди. Бундай одатлар даҳшатли бир золимга ўхшарди. Бунақангича ярамас одатларга қарши курашмай туриб, эркин ва соғлом яшаш, ақлий тиниқли ва босиқ дунёқараашга эришиб бўлмасди. Ичкиликбозлик мамлакатда тўғридан-тўғри, айниқса, ёш авлоднинг тақдиди учун ўта хавф туғдирувчи душманга айланиб қолганди.

Бунга қарши эски тузум ҳаракат қилиб кўрди ҳам. Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш бўйича ҳукуматнинг каттадан-катта қарори эълон қилинди. Аксинча, баттар бўлди. Вино заводлари беркитилиб, минглаб гектар узумзорлар бузиб ташланди. Яширинча, қўланса ароқлар ишлаб чиқилиб, заҳарланиб ўлганлар сони орта борди. Чайқовчилик авжига миниб, кечаси яшириб ароқ сотадиганларнинг иши юришиб кетди.

Қисқаси, мамлакатдаги иқтисодий ва маънавий инқизорзлик аксинча жонланиб кетди. Чунки, ароқ ва винони одамларнинг қўлидан эмас, қалбидан тортиб олишни эски ҳукумат удласидам чиқолмасди.

Йирик исломшунос олим Мұхаммад Ҳузарий ибн шайх Афифийнинг „Нур-ул-яқин“ китобида шундай дейилади:

“...Ароқ ҳаром қылымнди. Араблар ичкиликни ҳаддан ташқари яхши күршиар, агар бирданыга тақиқланса жуда күп күнгилсизлик юз бериши күзда тутилиб, тадрижий чекланған борди.

Ароқ одамларининг дилини хуфтон қыладиган воқеаларга сабаб бўлиши, ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам тиббий зарари туфайли ҳаром деб топилди.

Ҳар қандай иш маълум сабаб туфайли тақиқланса ҳеч ким эътиroz билдиримайди, аксинча қаттиқ таъсирланиб, қўллаб-қувватлайди... Шайтон ароқ, қимор орқали орангизда адоворот, душманлик туғдиришига, Аллоҳнинг зикридан ва намоздан қайтаришга уринади. Бу ишлардан қайтмайисизларми? Ўша пайтдаги мусулмонлар „қайтдик“ деб жавоб беришган. Бугунги мусулмонлар ҳам шундай дейишлари керак “.

Шукроналар бўлсинки, Мустақиллигимиз шарофати билан ичкиликбозлиқ деган ижтимоий ёвузлик дараҳтининг томирлари сезиларлик даражада қирқилиб боряпти. Ақлий ва ахлоқий инқизотлар олди олинниб, ёшларимизни тубанлик ва тентаклик кўчаларига кириб қолишдан сақлаб қолинмоқда.

Тўй ва маросимлар, „Ақиқа“, „Амри маъруф“ ва Жума намозлардаги тажрибали қориларимизнинг мазмунли ва таъсирчан маърузалари, диний-маърифий тарбия бўйича маҳалла оқсоқоллари маслаҳатчиларининг тинимсиз олиб бораётган тушунтириш ишлари ёшларимиз қалбидан чуқур из қолдирмоқда. Бу борада Зангигита тумани Бош имом-хатиби Яхё ҳожи Турдиев ва бошқа қатор тажрибали қориларнинг кўрсатаётган жонбозликлари катта эътиборга лойиқdir.

— Ичкиликбозлик, — дейди, — Яхё ҳожи ака, одамзотни иккала дунёсидан ҳам бебаҳра қиласди. Инсонни ишдан чиқариб нафосатни ўлдирадиган ҳам, ёшликни қисқартирадиган, оила тинчлигини бузиб, бефайз, бебарака қиласиган ҳам, обод турмушни путурдан кетказадиган ҳам ман-ман деган бақувват гавдани ағдариб, жигар, юрак ва мияни ишдан чиқарадиган, асабларни бўшаштириб, қўлларни қалтироқ қиласиган ҳам, ақлдан оздириб уни бир умрга тубанлаштирадиган ҳам кишига сохта хурсандчилик баҳш этувчи ароқ ва гиёҳвандликдир.

Оилада эр қанча кўп ичса ва чекса, хотин ва бола-чақалари шунча кўп кўз ёш тўқади.

Энг ёмони, ичкилик ичадиган, гиёхвандликка берилган эрхотинлардан туғилажак фарзандлар бир умрга мажрух, ақди заиф ва тентак бўлиб қоладилар.

*Ичкиликбозлик ва гиёхвандлик балосига грифтор бўлганлар орномус, уят, урф-одат каби инсоний мулозаматларга ёмон, тескари муносабатда бўлиб қоладилар. Оилани хонавайрон қилиб, норасида гўдакларинг юрагини ишдан чиқариб, қўни-қўйши, қариндош-уруг ва дўсту биродарларининг нафрат ва норозиликларига бефарқ қараб, ўта раҳмсиз, сурбет маҳлуққа айланаб борадилар.*

Шунга ўхшаш даъват ва ташвиқлар одамлар қалбидан мустаҳкам ўрин олиб, одамларда кун сайин ичкиликбозлик ва нашавандлик балосига қарши нафрат туйғулари кучайиб бормоқда.

Лекин Юртбошимиз таъкидлаганларидек, барибир, бугунги ўта мураккаб ва таҳликали замонда мавжуд бўлган ҳар қандай ҳаракатларга, зарарли таъсир ва оқимларга, хусусан гиёхвандлик ва ичкиликбозликларга нисбатан ёшлиаримизни огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлиб яшашларини таъминлашдаги эзгу ва ҳайрли ишларимизни биринчи галда янада такомиллаштириб бормоғимиз лозим.

Шундагина биз одамзод истиқболининг энг ашадий душманидан, авлодларимизга турли хил оғир хасталикларни инъом этувчи касофатдан ва дунёдаги жамики иллатларга йўл очиб берувчи ўта хосиятсиз нишондан қутилган бўламиз.

*Билимли ичимлик ичса, билимсиз бўлади.*

*Билимсиз маст бўлса, ножёу ишлар қиласди.*

*Ичимлик ичма, ичимлик ичса, кишининг баҳти кетади,*

*Ичимлик ичса, киши телба, тентак бўлади.*

Ичкиликбозлик, қиморбозликка ҳам йўл қўрсатувчи нурсиз нишондир. Бу иллатлар туғишган опа-сингиллардек бир-бирларига яқин. Ичкилик, наша ва қимор — аянчли тақдирлар сабабчиси. Безорилик, шафқатсизлик, ўғрилик ва қотиллик, шармандалик, вайронаргарчилик каби энг оғир мусибатлар ашаддий қиморбозлик натижасидир.

Ўта жирканч, тубан ва касофатли бу ўйиндан ҳали ҳеч кимнинг косаси оқармаган. Қимор билан дўстлашдингми, албатта, баҳтинг билан душманлашасан. Чунки қимор, кишини молу-дунёси, уйжойи, ҳатто оиласидан, шодлик ва хуррамлик офтобидан ҳам маҳрум этиб, тубанлик кўчасига киритиб қўювчи ўта жирканч одат. Қуръони карим, Ҳадис ва кўплаб буюк донишмандларнинг асарларида қимор ўйнашнинг катта гуноҳ эканлиги таъкидланган.

Ақддан озган, у билан хайрлашғанларгина қимор ўйнайды. Оиласи, халқи ва ватанига оқибатли бўламан, кўнгилни тўқ қилиб хотиржам яшайман деган одам ҳеч қачон қимор ўйнамайди.

Бундан минг йиллар муқалдам ёзилган „Қобуснома“да шундай дейилади:

“Нард ва шатранж ўйнамоқни кўп одат қилмагил. Агар ўйнасанг, гаров боғлаб ўйнамагилки, ул қиморбозлиғ бўлур. Танга қўймай ўйнамоқ адабдандур. Агар ўйнамоқни яхши билсанг ҳам қиморбозликда машхур бўлғон киши билан ўйнамагил“.

*Шахмат тарихида жаҳонга машҳур бўлган „Мат Дилорам“ номли вариант бор.*

Қадимда Эрон подшоларидан бири рақиби билан пул тикиб шахмат ўйнаб ютқазаверганидан охири ёнида ўтирган энг севимли соҳибжамол канизагини тикади. Шахматга ақли етадиган фаросатли канизак қараса, бир юришдан кейин подшо мот бўлиб, Дилором қўлдан кетадиган. Ҳаёжонга тушиб қолган канизак подшога шундай бир тўртлик фазал ўқийдики, унинг мазмуни: „Эй шоҳим, тезда иккита руҳингни рақибга текинга бериб, мени сақлаб қол“, – деб ёлворали.

Ҳақиқатда ҳам подшо иккита руҳи билан кетма-кет шоҳ бериб, рақибини мот қилади ва Дилоромни сақлаб қолади. Кўрдингизми, қимор қанчалик қалтис ва шармандалик ўйин.

Таниқли олим, Академик Қори Ниёзийнинг „Ҳаёт мактаби“ номли китобидан „Берса ҳалолидан берсин“ ибратли бир ҳикояни ўқигандик.

Қори Ниёзий 12 ёшга тўлганда отаси 15 тийин пул беради. Суюниб кўчада кетаётса, маҳалла гузарida карта билан қимор ўйнашётган экан. Унга қизиқиб ўйинга қўшилган Ниёзий биринчи галга беш тийин ютиб олади. Иккинчи галида эса ўн тийинни ютқазиб қўяди. Буёғига юраги чопмай қолган ўн тийин пулини чўнтағига солиб, уйга қайтади.

Кечқурун ота ўғлидан пулни нималарга ишлатганини сўраб қолади.

– *Беш тийинни ўқотиб қўйдим, – дейди бола бўшашиброқ.*

– *Мана бу ёлғон гапирганингиз учун, буниси қимор ўйнаганингиз учун, – деб ота ўғлининг иккала қулоги тагига шапалоқ тортади.*

Табиийки, маҳалла гузаридаги танишлар аллақачон бола ҳақидаги воқеадан отани хабардор қилишганди.

– *Эшиш, – деди ота ўғлини ёнига ўтқазиб, – Қиморбозларнинг пири Жамшид бўлган. Уларнинг ошиқни «Ё, Жамшид» деб*

*ташашларининг боиси ҳам шунда. Лекин шундай одам ҳам умр бўйи қимор ўйнаб бири икки бўлмаган. Охирни ҳунарни тарқ этиб, қимор ўйнамасликка онтичади. Ошиқларни халтага солиб қозиққа илиб қўяди. Бир куни бегона юртнииг шаҳзодаси келиб Жамшидга қимор ўйнашни илтимос қиласди.*

— Кечикибсиз, мен бу ҳунарни аллақачон тарқ этганиман, қолаверса, қимор ўйнашга ҳеч қанақсанги маблагим ҳам йўқ, — дейди, Жамшид.

— Майли, дейди шаҳзода. Агар сиз ютқизсангиз менга ҳеч нарсангиз керакмас. Фақат қоғозга мен ютқаздим деган сўзни ёзив берсангиз бас, менга шу керак. Набодо, мен ютқазсам мана икки туя молим сизники бўлсин.

— Қўймадингиз, — дейди Жамшид уйдан халтадаги ошиқларини олиб чиқиб. Барча ошиқларни шаҳзодага кўрсатиб, кейин уй томига улоқтиради.

— Чиқиб кўринг томга, сиз ютқиздингиз, — дейди Жамшид.

Қараса, ошиқлар худди Жамшид айтгандек жойлашган бўлиб, шаҳзода ютқазган бўлади. Ва тақдирга тан бериб икки туя молни Жамшидга қолдирив кетади.

Қаранг-ки, дейди ота ўғлига. Жамшид умрида бир бор шунча мол ютиб олганди, шуям насиб қилмади. Яъни эртасига Жамшидинг ўзи вафот этади.

Дарҳақиқат, ҳаромдан топилган мол ҳеч кимга вафо қилмайди.

Куръони Каримнинг „Моида“ сурасида таъкидланган идеек, „...май, (мас таъиинчи ичимликлар), қимор, бут-санамлар ва (фол очадиган) чўплар шайтоннинг ишидан иборат ифлослиkdirки, ундан четланингиз! Шояд (шунда) нажот топсангиз“.

## *V боб*

# *Этимодили – мамлакат ододлиги*

### **МОЗИЙ САДОСИ, БУГУННИНГ САДОСИ**

Халқимизда азалдан „Обод қилган – обод бўлади“, деган доно нақл бор. Яъни, ҳовли жойлар, маҳалла ва юрт обод бўлса, кўркам бинолар қурилиб, чиройли кўчалар, гуллаб-яшнаган боғу-роғлар барпо этилса, инсонлар шароити янада яхши, қулай ва дилрабо бўлади.

Киши ўзи қилган эзгу ишларининг ажойиб мевасини, самара-сини кўриб қувонади, дили равшан топиб қалбларда фаҳру-ғуур ҳиссиётлари уйгонади ва эл-юрт ўртасида обрў-эътибори ҳам ортиб бораверади. Қолаверса, келажак авлод савобли иш соҳибларининг номини яхшилик или тилга олиб юрадилар.

Кўхна ва бой маданий тарихимиз шундан гувоҳлик берадики, ободонлик миллатимизга хос, қон-қонимизга сингиб кетган азалий қадрият. Тарихи камида беш минг йилдан иборат бўлган „Наврӯз“ байрами, ўнлаб миллий ва диний байрамларимиз, тўй ва маросимлар, ҳатто кичик бир меҳмондорчилигимиз ҳам биринчи бўлиб ободончиликдан бошланади. Уч минг йиллик тарихига эга бўлган „Авесто“ китобимиз, бундан минг йил муқаддам ёзилган, ўзида тўрт минг йиллик тарихимизни акс этдирувчи, кишилар завқ-шавқини қўзғаб, фикру-ўйи, орзу-умидларига мадад бериб, бутун дунё китобхонларини мафтун этиб келаётган шоир Абдулқосим Фирдавсийнинг „Шоҳнома“ асарида мамлакат ободонлиги, ватанларварлик ва инсонларварлик, эзгулик ва олижаноблик, озод ва обод ҳаёт ҳақида гўзал иборалар билан орзу қилинади.

Қадимги Турон юртимизда қирқ йил подшолик қилган Хушанг ҳақида шундай дейилади:

*Темирчиликни шоҳ айлабон пеша,  
Ясаб берди болта, арра ва теша.  
Сўнг чўлга дарёлар сувин чиқарди,  
Ариқ қазиб чўллар чувин чиқарди.*

Муқаддас Ислом динимизнинг ҳам асосини поклик ва ободлик ташкил этади.

Пайғамбаримиз ҳамиша уй-жой, кўча-кўй, ошхона, ҳожатхоналарни тоза тутишга, одамларни пок бўлишга, кийимларини, бош, қўл ва тишларини тозалаб юришга ундағанлар.

Мовароуннаҳр ва Хурросон ўлкаларида ташкил топган Соҳибқирон Амир Темур салтанати ва унинг ворислари давридаги ободончилик, меъморчилик, ҳанузгача ўз тароватини сақлаб келаётган мақбара, сарой, масжид, мадраса, расадхона ва гўзал чорбоғлар, жаҳонга машҳур ҳунармандчилик, савдо сотик, деҳқончилик, илм-фан, маданият, адабиёт, мусиқа, китоб ва тасвирий санъат ҳамда тиббиёт илмининг юксак даражадаги тараққиёти Ваганимизнинг азалий обод мамлакат бўлиб келганлигининг далилидир. Шаҳарларда масжид, мадраса ва хонақоҳлар қуриш, мусоғир йўловчилар учун карвонсаройлар барпо этиб, дарёлар устига кўпrikлар қуриш, қаровсиз ерларни обод этишда қурби етмаганларга давлат йўли билан ёрдам кўrsatiш, ҳатто ҳарбий юришларда забт этилган мамлакатларда ҳам иншоотлар бунёд этиш Соҳибқирон салтанатига хос одат бўлган.

— Буюк Амир Темурнинг: „Кудратимизга шак-шубҳангиз бўлса биз қурдирган биноларга боқинг“, «... хон бўлсанг-да бօг ярат, гадо бўлсанг-да бօг ярат — бир кунмас бир кун мевасини татирсан», — каби доно даъватлари айнан ҳозирги озод, обод Ватанимизнинг ўзига хос, ўзига мос шиорига айланиб қолганлиги янада қувончлидир. Сўз мулкининг сultonи буюк Алишер Навоий ҳам улкан ижодий ишлар билан банд бўлишларига қарамай, мамлакат ободончилигига ўчмас из қолдирганлар.

Ривоятларда келтирилишича, шоир ҳаж сафарига тараддул кўра бошлаганларида подшо:

— Сиз мамлакат ободончилигига ҳажга бориб келган кишилардан кўпроқ савоб ишлар қилган мўътабар зотсиз, — деб рухсат бермайди. Яна бир неча бор илтимос қилишларига қарамай подшо розилик билдиргмагач, Навоий:

— *Бу гал сафардан мени ҳеч ким қайтара олмайди. Ҳатто сиздек азиз дўстиму, юрт сultonи ҳам.*

— *Үндай бўлса майли, мен розиман. Менинг учун ҳам зиёрат қилинг, лекин кетишингизни ҳеч ким билмасин, тунда йўлга чиқинг, — дейди подшо.*

Навоий саройдан қайтиб уйга келиб ҳовлига тўплланган одамларни кўриб ҳайрон қоладилар. Шунда шоирнинг кекса дўстлари Биноий ва бошқа бир нечта одамлар:

— *Ҳазрат, сафар ихтиёрини тарк этинг. Сизсиз ҳалқимиз забун бўлади, ариқлар қазилуви, бинолар қурилиши тўхтаб қолади. Эл боши галаён, тўс-тўпалондан чиқмайди. Улус масжид деса масжид солдирдингиз, мадраса деса мадраса қурдирдингиз. Сиз бино қилдирган бу ҳаммомлар, кўпприк ва ариқлар, ҳовуз ва бобу-роғлар кутубхоналар савобнинг ўрнини босолмайдими! Сиз етимларга ота, уйсизларга уй, сувсизларга сув бўлдингиз, деб ниҳоят Алишер Навоийни ҳажга боришни кечиктиришга кўндирадилар.*

Дарҳақиқат, кўхна тарихимизнинг қайси бир даврини варақла-майлик ободончилик, обод ва гўзал ҳаёт, яратувчилик ва бунёдкорлик ҳалқимизнинг энг эзгу мақсадлари бўлиб келган.

Мозийнинг ана шундай садоси Мустақиллигимиз шарофати билан ҳозирги давримизнинг энг ҳаётбахш ва улуғвор садосига айланиб қолганлиги янада мароқтидир.

Истиқлонимизнинг дастлабки йилларида ёқ муҳтарам Президентимиз шундай дегандилар: „*Биз учун мустақиллик — Аллоҳинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларига эгалик қилиш, ҳалқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу-заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносаб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришидир.*“

Ана шу йўлдан бориб улкан зафарлар қозонмоқдамиз. Айниқса, ҳар бир янги йилнинг ўзига хос файзли номлар билан кириб келиши келажаги буюк давлатни барпо этишда олтин поғона вазифасини бажармоқда.

Жаҳонга машҳур бўлган йирик саноат корхоналари, ўзгача меҳр, ўзгача завқ баҳш этувчи маъмурий бинолар, спорт ва тиббий иншоотлари, Амир Темур хиёбони, Темурийлар давлати тарихи музейи, Мустақиллик майдони, Алишер Навоий номидаги кутубхона, шаҳар ва қишлоқлардаги замонавий уйлар, кўпприк ва темир йўллар, ҳашаматли тўйхона ва савдо шаҳобчалари, икки ярим мингдан ортиқ жомий масжидлари, мұқаддас зиёратгоҳларни таъмирлаш, гўзал ва кўркам истироҳат боғлари буюк истиқлонимизга қалбларда янада меҳр-муҳабbat туйғуларини уйғотади.

Президентимиз таклифлари билан 2013 йилни „Обод турмуш йили“ деб эълон қилиниши ҳам қалбларга қувонч бағишивчи, эзгуликларга чорловчи, донишмандларга хос, тараққиётимиз занжиридан бош ҳалқани топиб, мамлакатни янада ёрқин йўллар орқали буюк келажак сари шахдам боришнинг олтин погонаси бўлиб қолажак. Чунки обод турмуш деганда авваламбор, фаровонлик, тўкинчилик, мўл-кўлчилик, қут-барака, бозорларда арzonчилик, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизматлардаги муаммоларни ечиш, маҳаллаларни обод қилиш, аёлларни жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, оиласда аёлларнинг оғирини енгил қилиш каби энг ҳаётий муаммо ва вазифалар назарда тутилмоқда.

Албатта, бундай улуғвор вазифаларни бажариш мамлакатимизда барқарор тинчлик, осойишталик ва хавфсизликни, аҳоли ўртасида аҳиллик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Ҳар қайси уй ва маҳаллада яшаётган одамлар тинчлик, осуда ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етса, уни мустаҳкамлаш ва ҳимоялашни ўзининг бурчи деб билса, заарарли экстремистик оқимлар таъсирига берилмай, ободончилик ишларимизда, тўй-маросим ва анъаналаримизни нишонлашда саришта-саромжонлик, тежамкорлик билан, ортиқча ҳирсу ҳавасларга изн бермай, манманлик, дабдабозлик ва исрофгарчиликка йўл қўйилмаса юрт тинчлиги ва мамлакат ободлиги янада равнақ топиб бораверади.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий таърифлаганларидек:

*To ҳирсу ҳавас хирмони барбод ўлмас,  
To нафсу ҳаво қасри барофдод ўлмас,  
To зулму ситам жонига бедод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

2013 йилнинг апрель ойида Зангюота туманининг Ўрта Овул қишлоғида унүтилмас шодиёна бўлди. Шахсан Президентимизнинг ташаббус, ғамхўрликлари ва лойиҳалари билан амалга оширилган қишлоқдаги замонавий уй-жой қурилиши ҳар қандай кишини қойил қолдирмасдан иложи йўқ. Шинам ва кўркамлиги, жамики қуляйликларнинг мавжудлиги, савдо ва тиббий хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, болалар боғчаси ва спорт майдонлари, гулларга безанган ховли ва кўчаларнинг ниҳоятда озодалиги чет эл мамлакатлардан меҳмон бўлиб келганларнинг барчасини ҳайратда

қолдирди. Ҳали тарихда бўлмаган, ман-ман деган ривожланган мамлакатларда ҳам қурилмаган мўъжиза деб баҳолашди.

Куръони Каримнинг „Тур“ сурасидаги 4-оятда, „Байтул-Маъмур“ сўзи бўлиб, у „обод уй“ демакдир. У осмондаги шундай бир муқаддас даргоҳки, унга фаришталар келиб-кетиб туради. Ва у доимо фаришталар билан обод бўлиб туради. Ишончимиз комилки, жонажон Ўзбекистонимиз ҳам Аллоҳнинг ердаги Байтул-Маъмури бўлиб қолажак!

## НАВРҮЗ БИЛАН ЭЛДА ОБОДЛИК

Яна келдинг қалбимнинг рамзи,  
Яна келдинг минг жиљва билан.  
Яна келдинг ясанди дунё,  
Далаларга түшалди гилам.

Уйғун

Елкасига тарих билмаган ғалабаларни ортган, улуғ йўлда толиқмай бардам бораётган Она-юртнинг баҳмал қирлари, мустақиллик ишқи яшнаган кўм-кўк далалар, тоғ этакларига ёзиладиган гиламлар, ғуборсиз тоза ҳаволар, бутун борлиги эзгулик ва орзуларга бой, қарашлари нурга тўлган, қалблари яратувчилик, фаровонлик-ободончилик ва тинчлик билан ўсган ва равнақ топиб дадил қадам ташлаётган, дунёларни қойил қолдириб, ўзининг буюк келажагига ишонч кўзи билан шаҳдам бораётган ҳур диёrimизга гўзал Наврӯзи оламнинг кириб келиши қалбларда янада ўзгача ҳузур бағишлади.

Беҳисоб ризқу-рўзлар улашай деб, гўзал гуллар атрини сепиб, чирой билан, табассум ва яхши ният билан, бир ҳуснга юз ҳусн кўшиб келаётган, қўшиқлари бутун ўлкани қўзғайдиган жаннатсифат байрам.

Афсонадек гўзал бу бўстон,  
Наврӯз билан яна гулистон.  
Қорлар қочиб тоғнинг бошига,  
Ерлар қониб унинг .ёши “га.

Наврӯзда Она замин қиши уйқусидан уйғонади. Күёш олов ёқиб қорлар асалдек эрий бошлайди. Кумуш булутларнинг сузиши, зилол шабоданинг эсиши, марвариддек томчиларнинг бинафша ва лолаларни силаб ўтиши, шаҳар ва қишлоқ боғларининг гул лолалардан либосга бурканиши, дараҳтларнинг куртак чиқариб, ифор исли напормон гуллар билан безаниши, жажжи қуш ва булбулларнинг тинимсиз сайраши ариқ бўйларидағи шифобахш ялпизларнинг кўм-кўк қулоқ чиқариши фақат гўзал Наврӯзнинг шарофатидандир. Баҳорнинг биргина ана шу ялпиз деб аталмиш

„күк күйлаги“ инсон саломатлиги учун ниҳоятда тенгсиз шифобаҳаш малҳам экан. Ҳичоқ тутиб овқат ҳазм бўлмаганд, қусишинг олдини олиш, меъдага қувват бериш, сариқ касал ва хафақон дардларига фойласи ниҳоятда катта ялпизнинг ҳатто кишини қутурган ит қопганда даволаш хусусиятига эга экан.

*Кўзимдан ёш оқар юзингдан ўпсам,  
Қанийди бир умр пойингда чўксам,  
Дилингга дилимни дардини тўксам –  
Водийсидан ажраб қолган воҳангман.*

*Эй оқ кўнглим менинг, эй кўк күйлагим,  
Бўйингга бўйимни келар тенглагим,  
Кўйласам фақат сен сабаб кўйладим,  
Янргингдан ерга томган оҳангман.*

Ялпиз ҳақидаги бундай гўзал, жозибали, кучли ва завол топма шеър муаллифи ўта зийрак, топқир ва кузатувчан шоир Муҳаммад Юсуф эди.

Наврўз асрлар давомида кишиларда она табиатга муҳаббат, уни авайлаб асраш туйғусини үйғотишга хизмат қилиб келган, уларни меҳнатта, она-ерга меҳрли қилиб, ахлоқан тарбиялашда жиддий аҳамият касб эттан. Наврўз кунларида үй-жойларни тозалаш, қўчат ва гуллар билан безаш, ота-она ва яқин қариндош, танишлар билан дийдорлашиб келиш, бемор, қаровчиси йўқ ёлғизлар ҳолидан хабар олиш, саҳоват қўрсатиш, ўзаро уруш, жанжал, гина-кудратларга чек қўйиш, кексаларни, қабристонларни зиёрат қилиш, араз, гина-кудратларни унудиши, қўшнилар билан сан-манликка бормаслик ва улар билан тинч-тотувликда борди-келди қилиш – одамларни эзгу ишларга ўргатган, қалбларни эзгу тилакларга тўлдириб, меҳроқибатни кучайтирган. Гўзал қир-адрлар бағридаги лола сайллари, ўйин-кулги ва ҳозил-мутойибалар, обод кўчаларда болалар йиғилишиб қамиш, елим ва мойли хитой қофозлардан „лайлак“ парпираклар ясад осмонга учирish, „шоҳли“, „пахта“ варракларнинг тиниқ ва мусаффо осмонда училари ва уларнинг дириллаган овозлари гўё, осмон сирларидан дарак бериши, аргимчақ солиб учайдиган турналарнинг „қурай-қурайи“лари дилларни энтикириб, кувонч устига кувонч бағишлияди.

Хуллас, Наврўз қучогида, унинг бағрида ҳаммаёқ чаман, бутун олам гулларга бурканган, ёшу-кексанинг юзида табассум. Олам кўй-қўшиқларга тўлади, бутун борлиқ нурафшон бўлиб, қалблардаги ҳислар, дилдаги ўйлар беғубор ва меҳр тўла кўзлар чароғон бўлади.

*Наврӯз келса гуллайди боғлар,  
Наврӯз келса яшнайди тоғлар.  
Наврӯз келса дараҳтларда гул,  
Наврӯз келса гул очади чўл.*

*Наврӯз келса ариқларда сув.  
Наврӯз келса далада сурув.  
Наврӯз келса тилда ашула,  
Ғам дилига туширап ғулгула.*

Наврӯз тақвим удумлар жумласига киради. У дәҳқончилик мавсумининг бошланиши билан боғлиқ бўлган географик байрам. Дәҳқонларининг ерга уруғ қадашлари, дараҳтлар экиш муносабати билан ўтказиладиган маросимлар азалдан тантанали равиша нишонланиб келингган.

Кишлоқ оқсоқоллари ва тажрибали дәҳқонлар далага чиқиб, йернинг уруғ қадаш, сабзавот кучатларини экиш учун стилганлигини маҳсус ўрганишиб, ер етилган бўлса, одамларга „Ерга ҳамал келибди“, – деб эълон қилингган. Дәҳқонларга қўшилиб далага чиқған балалар эса бу хабарни эшитганларидан кейин қишлоқ кўчалари бўйлаб югуришган ва:

„Ҳамал келди, амал келди,  
Еримизга жамол келди“, – деб, уйма-уй юришиб, суюнчи олишган.

Мамлакатимизнинг барча қишлоқ ва шаҳарларида Наврӯзнинг рамзий образини гавдалантириб сайр қилувчи „Баҳорхоним“ байрамнинг бош қаҳрамони ҳисобланади.

Хозирги кунимизда ҳам Баҳорхонимнинг ўз дугоналари билан безатилган очиқ машиналарда карнай-сурнайлар садоси остида гўзал, кўркам обод кўча ва маҳаллаларимизни, марказий майдон, жаннатмакон ҳиёбонларни айланиб, аҳолини табриклаб, ўйин-кулгилар ташкил этиш, қўшиқлар айтиш – Наврӯзнинг янада мазмунан бойиб, шаклан ривожланиб бораётганлигидан далолат беради. Булардан ташқари кексаларнинг набира-авараларига, келажак авлодга атаб мевали дараҳтлар экиб боғ яратишлари, ҳар кимнинг ўз ижодий туҳфаси билан байрам кўргазмаларини ташкил этиши ҳам Наврӯзнинг қанчалик бой ва ранг-баранг мазмунга эга эканлигини кўрсатади.

Наврӯз фақат дам олиш омили бўлган оддий байрам эмас, У кутлуғ байрам, инсонлар орасида аҳиллик, уюшқоқлик, мустаҳкам

дўстлик уругларини сочади, ёшларда инсонийлик туйгуларини, она-  
Ватанга муҳаббат ва меҳнат кўнигмаларини шакллантиради.

Унга энг қадимий китобимиз „Авесто“да, буюк мутафак-  
кирларимиз Абулқосим Фирдавсий, Ал-Беруний, ат-Термизий, Умар  
Ҳайём, Алишер Навоий, Машраб ижодларида катта зътибор берилган.

Жумладан, олим, фозил ва художўй, илму-ҳикматда ниҳоятда  
комил, жами фанларнинг билимдони Ҳожи Али Ҳаким  
Термизийнинг „Наврўзнома“ ва „Солнома“ асрлари алоҳида дикқатга  
сазовордир.

„Наврўзнома“ рисоласида таъкидланишича, Наврўзи олам  
ҳафтанинг қайси куни кирса, ўша йили юртда қандай вақеалар  
содир бўлиши, „Солнома“да эса Наврўзи олам қайси мучал йили  
кирса қандай ҳадисалар рўй бериши баён этилган.

Кузатиб кўрайлик-чи? Янги 2013 йил „Илон ўили“, унинг 21  
марти эса пайшанбага тўғри келаяпти.

*Агарда Наврўзи Олам пайшанбага тўғри келса, Муштарий  
(Юпитер)га таалуқли бўлади. Ул ўши баъзи жойларда неъматлар кўп  
бўлиб ва баъзи жойларда оз бўлади. Ёмғирлар ўз вақтида ёғади, қор-  
ёмғир кўп бўлади. Подшолар ҳоли яхши бўлади ва ҳамма ҳунарпеша  
(ҳунарманд)лар касбларидан хурсанд бўлишади. Ва дарёлардаги  
киштилар (кемалар)га саломатлик бўлади, лекин ҳалоийиқлар ўртасида  
ёлғон сўз, беморлик кўп бўлади, савдо гарлик яхши бўлади. Шу ўили  
лашкарларнинг аҳволи ҳам яхши бўлади... деб ёзилади „Наврўзнома“да.  
Ишончимиз комилки, Наврўзи олам ҳар доимдагидек юртимизга  
фақат эзгулик, фаровонлик, тинчлик ва саломатлик ҳадя этиб,  
ёлғон гапларнинг барчаси 1 апрель куни ўтиб кетади.*

— Наврўз байрамининг энг муҳим фазилатли белгиси ва гултожи  
— сумалакдир. У неъматлар султони, энг шоҳона таом. Сервитаминли  
хушхўр, ҳаётбахш, тансиқ ва шифобахш масаллиқ. Уни тайёрлашнинг  
ўзи катта санъат ва моҳирликни талаб этади.

Сумалак тайёрлаш ва „Сумалак сайли“ ҳақидаги ривоятлардан  
бирини келтирамиз. Баҳор келиши билан деҳқон уругликка олиб  
қўйган охирги буғдойни сепиш учун ивитиб қўяди. Лекин бирдан  
ҳаво бузилади. Буғдой ивитилган идишда ниш уриб уна бошлайди,  
об-ҳаво эса ҳадеганда жўнашиб кетмайди. У оила аъзолари оч қолган  
бир пайтда буғдойни набуд қилмаслик чорасини излай бошлайди.  
Деҳқон таваккал қилиб, ниш урган ва анча бўй кўтарган донни  
қиймалайди ва уй бекасига бундан таом пиширишни илтимос  
қиласди.

Бүгдой қозонга солиниб, узоқ қайнатилади. Таом шундай ширин тайёрланадики, унинг ҳиди ёқимли, ўзи тўйимли, мазаси эса уни тановул қилган кишининг узоқ вақт эсида қолади. Натижада, келаси йил баҳорда яна шундай таом ейиш иштиёқи туғилади. Таом борган сари такомиллашиб, халқ ўртасида кенг тарқалиб боради ва баҳорнинг энг лаззатли таомига айланади.

Кейинчалик деҳқонлар донни фақат уруғликкагина эмас, балки сумалак пишириш учун бүгдойнинг қизгиш навидан сақлаб қўядиган бўлдилар. Сумалак асосан хонадон, маҳалла ва дала шиййонларида тайёрланади ва у билан фақат аёллар шуғулланадилар. Эркаклар эса қозон қуриш, ўчоққа ўт ёқиши каби юмушларда аёлларга кўмаклашадилар.

„Сумалак сайли“ сумалакни тайёрлаш ва сумалакхўрлик жараёнларидан иборат бўлиб, у ниҳоятда хушчақчақлик, ўйин-кулги, қўшиқ айтиш ва ҳазил-мутойибалар билан ўтади. Сайлга ташриф буюрган яқин қўни-қўшни ва қариндош уруғлардан иборат бўлиб, улар Наврўз дастурхонига анъанавий „кўк сомса“, кўк чучвара“, „юпқа“, „жатлама“, „ниёзли, ялпизли ва гўштили ноңлар, „варақи“, „ғилминди“, „норин“, турли замонавий пишириқлар ва миллий қандолат маҳсулотларини пишириб келадилар.

Сумалак деярли 24 соатда тайёр бўлади. Шундан кейин бошланадиган, сайл яна ўзгача тус олади. Қувноқ қўшиқ ва рақс садолари остида, нуроний кексаларнинг оқ фотиҳа ва эзгу тилаклари билан барчага сумалак тарқатилади.

*Келинлар зулфи камалак,  
Момолар тақар жамалак,  
Наврўзда юртимнинг қизлари,  
Пиширадилар сумалак.*

*Ял-ял ёнган-эй гулингдан,  
Хипчагина тол белингдан,  
Бол томади, эй, қизгина,  
Сумалак деган тилингдан.*

Наврўз бошқа байрамлардан фарқли ўлароқ чексиз хислат ва фазилатларга эга. Унинг очилиш ва бошланиш маросимларини қўриш мумкин-у, аммо байрамнинг ёпилиш маросими сезилмайди. Чунки у кўча ва хонадонлarda узоқ давом этади. Бу байрам билан боғлиқ бўлган ноз-неъматлар март ойида бошлангани билан деярлик май ойининг охирларигача давом этади. Наврўз ҳар бир кишининг

қалбіда бир йилга етадиган ёрқин таассурот қолдиради. Бу байрамдан кейин одамлар бардамлашган ва күч-күвватға тұлған ҳолда яхши кайфият, күттаринки руҳ билан ишга тушадилар. Хуллас, Наврұз деңқон пахтакорлар учун, мамлакатимизда яратувчилик, бунёдкорлик ва ободончилік учун бел боеглаган фидойи инсонларға шодиёна меңнат симфониясини бошлаб беради. Наврұз халқымыз ҳаётига теран илдіз отған күклам қүшиғи. У халқ табиатида, табиат қонуниятіда яшайды. Бундай улуғ байрам күнларыда буюқ бобокалонимиз Алишер Навоийнинг ўлмас руҳи күкламсеварлар қалбини такрор-такрор муборакбод этаверади:

*Ҳар түннің қадр ўлубон,*

*Ҳар күннің ўлсун Наврұз, яғни ҳар бир кечанғ Лайлалут қадр кечаси каби хайрли, күтлүғ тун бўлсин, ҳар бир күннің янги кун бўлсин.*

— Ҳаётда она табиат ва леҳқончилік билан боғлиқ бўлган миллий байрамлар кўп. Масалан, қир-адирлар ўзининг гўзаллигини тараннум этадиган баҳор мавсумида ўтказиладиган „Лола сайли“, дарёлар жўшиб оққандада ўюштириладиган „Сув сайли“, сабзавот ва меваалар фарқ пишганда нишонланадиган „Қовун сайли“, „Узум сайли“ ҳам халқимизнинг қадим-қадимдан атроф мұхитга, уни ободонластиришга, инсонларға бўлган меҳр-оқибатни байрамона нишонлаш доимий одат бўлиб келган.

Лекин бутун борлиқнинг жонланиши билан боғлиқ бўлган, тўрт минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган, қанчадан-қанча таъқиб, жабр-зулм ва камситишларга қарамай, аксинча янада гўзаллашиб боқий умр кечириб келаётган Наврұзнинг воқеаларга бой тарихи қалбларда ўзгача қизиқиши ҳосил қиласи. Наврұз Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган энг қадимий байрам.

Абу Райхон Берунийнинг „Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар“ номли асарида ёзилишича „Наврұз дастлаб Аҳамонийлар (эр. ав. IV—V асрлар) давридан кенг нишонлана бошлаган“.

Асарда шундай дейилади:

— У күнни Наврұз деб аташнинг сабаби шуки, Абулқосим Фирдавсийнинг „Шоҳнома“ достонида келтирилишича, Эрон подшоси Жамшид ўз салтанати даврида анчагина ижобий тадбирларни амалга оширган. Жумладан, давлат тузган, одамларни табақага ажратиб кийим кийишта ўргатади ва катта ободончилік ишларини амалга ошириб, ўша даврдаги мажусийлар динини ҳам янгилайди. Ана шундай ишлар қилинган күнни „Наврұз“, форс тилида „Янги кун“ деб аташган. Яна ўша „янги кун“ да Жамшид

ўзига арава ясаб, аравага чиқади. Жин ва шайтонлар уни ҳавога күтариб, бир куннинг ўзида Бобилга етказишади. Бундай ажойиб ва ғаройиб воқеаларни кузатган одамлар ана шу кунни ҳайит деб нишонлайдилар. Ҳатто Жамшид аравасида учишга таҳлид қилиб, махсус аргимчоқларда учгандар.

Жамшид давридаги ана шундай ижобий ўзгариш ва ободонлаштириш ишлари „Шоҳнома“ достонида ҳам ўз ифодасини топган:

*Ҳаммом, уй, саройлар бўлди бунёд.  
Халқ паноҳ топар, шаҳарлар обод.  
Табиблик очилди, касалга даво,  
Ҳар иллатга чора, ҳар дардга шифо.  
Дарду-дармондан созланди дунё,  
Инсондан чекинди, ўлим, дард, бало.*

Умар Ҳайём ҳам „Наврӯзнома“ асарида юқоридаги фикрларни тасдиқловчи далилларни келтиради:

Жамшид ҳамал ойининг биринчи кунини Наврӯз аталсин, деб фармон беради ва одамларга ҳар йили шу кунни байрам қилишни, уни Янги йил – деб ҳисоблашни буюради.

Хулоса қилиб айтганда, Наврӯз Жамшиидан олдин ҳам эъзозлаб келинган, лекин уни байрам, ҳайит қилиб нишонлаш Жамшид давридан бошланади.

Ривоятларнинг қандай бўлишидан қатъий назар, Наврӯзни белгилашда астрономик тамойилларга жиддий риоя қилинган. Унда коинот ва табиат қонунлари илмий ва амалий жиҳатдан ҳисобга олинган. Чунончи, қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кечадан кундузининг 22 март куни вақт жиҳатидан баробар бўлиши, кейин кундузининг узаябошлиши, ёруликнинг кўпайиши, баҳор бошланиб, табиатнинг уйғонишини Наврӯз, янги кун, янги йил деб белгиланган. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, „Наврӯз кунида бир соат (пайт) бўлади. Шу соатда фируз (яъни баҳт) фалаки руҳларни маҳлуқотни яратишга ҳайдайди“. „У куннинг энг саодатли соатлари Қуёш соатидир. Унинг тонгидаги ёруғлик имкон борича (ерга) яқинлашади, одамлар унга қараш билан ўзларини баҳтли санайдилар“.

Наврӯз мангуликка даҳидор байрам. У покизалик, ҳалоллик, яратувчилик ва янгиланиш рамзи бўлган, ўлимларни енгтан, гулханлардан ёнмай чиқсан, ҳар бир томчи қонидан минглаб ҳаёт униб чиқадиган афсонавий куш Қақнус ва қаҳрамон Сиёвушта қиёсланади: Сиёвуш „Шоҳнома“ достонида ҳазон бўлиб, яъни қайта

тирилувчи табиат рамзи сифатида таърифланганидек, Наврӯз ҳам ҳамиппа дилларни Қуёш каби иситиб ҳаётга янгитдан гўзаллик бахш этувчи, ўз тароватини йўқотмайдиган, ҳаётга замонавий рух бахш этувчи байрамлар байрамидир.

*Жаҳонда ботир йўқ Сиёвушсумон,  
Мақтовори замонга ёйилган чунон.  
Доим омон бўлгил, доим бахтиёр,  
Сиёвуш руҳи ҳам бўлсин мададкор.*

Афсуски, ана шундай мангулик ва эзгулилкка, поклик ва янгиланишга даҳлдор бўлган Наврӯзнинг кўрмаган жабру-жафоси қолмади. Халқимиз Грек-Македония, араб ва мўгуллар истеълоси, шўролар ҳукмронлиги даврида не-не машаққатлар кўрмади. Шоирлар ибораси билан айтганда Наврӯзнинг бойчечакларига тўп отишиди. Сумалагимизга заҳар солиб, қабр устида дуо қилганларнинг кўлини кестган вақтлар ҳам бўлди. Кўксига Искандару, Қутайба ва Чингизларнинг санчган тиғлари, шўролар давридаги амаллараст, мансаб гадоларининг ҳақорат ва камситишлари Наврӯзнинг бошига не кунжални солмади. Наврӯз қачон пайдо бўлган, ислом қайси асрда вужудга келганининг фарқига бормаган амалларастлар. у диний мазмунга эга деб, бу байрамни очиқдан-очиқ ман этиб кўйдилар.

„Наврӯзшунос“ билимдонлар „Наврӯз эскилил сарқити, у диний мазмунга эга, уни бекор қилиб, ўрнига апрель ойида „Хотира“ сифатида нишонлаш керак“, деб Наврӯзнинг отини аташни ҳам хоҳламай кўйдилар. Наврӯзни сунъий равиша „Навбаҳор“ байрамига айлантироқчи бўлдилар.

Буларнинг барчаси ўз Ватани, ҳалқининг бой маданий тарихини, миллий урф-одат ва қадриятини билмаслик, ўзлигини англамаслик, англаса ҳам кимлартадир яхши кўриниш, амал курсиси учун қилинган манқурт сотқин ва хоинлар иши эди.

Наврӯзнинг энг катта бахти – унга ҳалқ хиёнат қилмади. Ўзлигини унутмай, ақл-идрок чидам ва матонат билан у ғалаба қилди. Мустақилликнинг илк шабадасиёқ унинг қаддини ростлаб янада гўзаллаштириб юборди, онадан янги туғилгандек бўлди. 1989 йилда Юртбошимизнинг бевосита раҳнамоликларида Ўзбекистонда Наврӯзни кенг нишонлашга эътибор берилиб, 1990 йилдан бошлаб ҳукумат қарорига биноан 21 мартда Наврӯз миллий байрам сифатида белгиланиб, дам олиш куни деб эълон қилинди. Қандай гўзал байрам ҳаётга қайтадан келди. Ҳалқлар қувончи, дилларни покловчи,

күнгилларни шодликка бурковчи байрам. Ундан күркам байрам ҳеч қаерда йўқ. Янги режа, эзгу орзу-ҳаваслар, ободончилик Наврӯз билан туғилади.

Алишер Навоий кеча билан туннинг бараварлашуига ишора этиб, табиат қонуниятига таяниб, шундай гўзал ташбиҳ яратганлар.

*Васли аро кўрдим, тенг эмиш  
бўйиу сочи,  
Тун-кун тенг экан, зоҳир ўлур  
бўлди чу наврӯз.*

Яъни ёрнинг васлига эришгач, кўрдимки, маҳбубамнинг бўйи, узун сочи (оқ бадан билан қора соч) наврӯздаги кеча билан кундузлек тенг экан.

Янги кунда туғилган болалар исмини Наврӯз қўйиш, эл ичидан муносиб кишиларни ҳукумат раҳбари томонидан тақдирлаш, маҳбусларни озод этиш, Наврӯз номи билан куй ва қўшиқлар яратиш („Наврӯзи ажам“, „Наврӯзи араб“, „Наврӯзи бузруг“, „Наврӯзи баётий“, „Наврӯзи сабо“), шунингдек „Наврӯзий – бир хил дўпли“ номлар билан лиbosлар тикиш – бу улуг айёмнинг қанчалар олижаноб фазилатларга эга эканлигининг далилидир.

Наврӯз қайта тиклангач, айниқса, Истиқлолимиз шарофати билан замон талабларидан келиб чиқиб мазмунан бойиб бормоқда. Мустақиллик туфайли Наврӯз ўзига энг яқин содиқ ва вафодор дўстлар топиб олди. Яъни, Наврӯз ҳар йили мақсадлари бир-бирларига ҳамоҳант бўлган янги номлар билан кириб келаяпти. Наврӯзнинг 2013 йилдаги дўсти „Обод турмуш“. Ниҳоятда муносиб дўстлар. Иккенинг ҳам нияти холис, мақсади ободончилик, яратувчилик, бунёдкорлик ва тинчлик, касблари эса эзгулик ва олижаноблик!

Ҳа. Бахтимизга омон бўлсин, бор бўлсин Наврӯз, катта-кичик бахтиёр бўлсин, турмушимиз янада обод бўлсин, эл-юрт омон бўлсин, омон бўлсин мустақиллик, яшасин, яшнасин у, тургунча замон!

Наврӯз мухолифларига эса мархум шоиришимиз Муҳаммад Юсуф ибораси билан шундай деймиз:

*Эй сиз, соҳта шуҳрат-шон адолари,  
Эй сиз, эл ҳатоси, юрт ҳатолари,  
Мансаб гадолари, пул гадолари,  
Қалайсиз энди?  
Биз билан сумалак ялайсиз энди.*

## БОШЛИҚ БҮЛИШ ОСОН – БОШЛАМОҚ ҚИЙИН

— „Хаёт ўз йўлида давом этаверади. Раҳбарлар келиб кетади, эл-халқ қолади. Лекин ана шу раҳбар халқ кўнглидан ўзига жой топа оладими? Эсда қоладиган бирон ҳайрли иш қилдими?

Одамларнинг бошини қовуштириб, ўзи ибрат бўлиб, уларни улуғвор вазифаларни бажаришга сафарбар эта олдими? Назаримизда ҳар бир раҳбар бу ҳақда доимо ўйлаши, ўзига-ўзи савол бериб кўриши керак“.

Ислом Каримов

— Инсон ўз табиати билан шундай яратилганки, яшashi, фаолият кўрсатиши ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун ҳаётда кўп нарсаларга муҳтоj бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди ва уларга эга бўлиш учун одамларнинг жамоаси ҳамда раҳбарга муҳтоj бўлади. Оиласда ота бўлмаса у бошсиз танага ўхшаб қолгандек, бир неча юзлаб оиласлардан ташкил топган маҳаллани ҳам оқсоқолсиз бошқариб бўлмайди. Оила аъзолари ва маҳалла фуқородарининг маънавий юксалиши, бунёдкорлик, ободончилик, аҳиллик ва тотувлик ҳам ота-она ва маҳалла оқсоқолининг ақли, билими, одоби ва бурчига бўлган садоқати, масъулиятини чуқур ҳис этиши, ҳалоллик ва адолатпарварлигига боғлиқ.

Оила, маҳалла ва мактаб бевосита ҳамкорликда фаолият кўрсатувчи, бири иккинчисини тўлдируви, жамиятни мустаҳкамлаш ва равнақ топдириш занжирининг энг муҳим ҳалқаси ҳисобланади. Президентимиз ташабbusлари билан ишлаб чиқилган „Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги“ ҳақидаги Концепция ҳам ёшларни истиқбол foяларига садоқатли, маънавий баркамол, ватанпарвар этиб тарбиялашда кенг жамоатчилик фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги улуғвор дастурдир. Уни ҳаётга тадбиқ этишда тажрибаларнинг кўрсатишича маҳалла оқсоқолининг етакчилик вазифасини бажариши кўзланган натижаларни бермоқда. Бунинг учун эса маҳалла оқсоқоли ақл-заковатли, қобилиятли, ишни

ҳалоллик билан дилдан бажарадиган, ташаббускор ва талабчан, тажрибали ва турмуш сабоқларига қатый риоя қиласидиган, тарбиявий ишларда барчага ўрнак бўла оладиган моддий ва маъновий жиҳатдан ўзига тўқ намунали оила бошлиқларидан бўлишни талаб қиласи.

Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгаши депутати, „Қизғалдоқ“ ҚФЙ, Зоирхон Жалилов номидаги маҳалла оқсоқоли Мурод Мирзарасулович Мирзахалилов ҳам жўшқин юрак билан фаолият кўрсатиб келаётган, маҳалла ишини мансаб эмас, масъулият, бурч деб ҳис этувчи, турмуш мақсадларини тўғри тушинган, маҳалланинг ҳар бир иш куни ва иш соатини мангулуклар яратувчи серуним бўлишига эриша билган фидойи инсон. Фуқаролар дарди ва истакларига фақат адолат кучи билан қарав, элни шод этиб юмушлардан чарчамаслик, раиятпарварлик ва халқпарварлик, ўз қобилияти, фуқролар қобилияти ва имкониятларидан маҳалла манфаати йўлида мақсадли фойдалана билиш оқсоқол Мирзахалилов фаолиятининг энг муҳим жиҳатларидандири.

Маҳалланинг иш дастурида баркамол авлод тарбияси, маҳалла ободончилиги, оиласалар мустаҳкамлиги, осойишталик ва ҳам-жиҳатлик, миллӣ қадрият урф-одат, анъана ва ижтимоий муҳофаза масалалари бош мавзу ҳисобланади.

Жумладан, маҳалланинг мактаб ва оиласалар билан ҳамкорлиги, иқтидорли ва аълочи ўқувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ўзлаштириши ва тарбияси қийинроқ бўлган айrim ўқувчиларнинг оиласавий шароитлари билан яқиндан танишиб, уларни ота-оналари ва синф раҳбарларининг иштирокида маҳаллада муҳокама қилиб, қолоқликка барҳам бериш ва аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш учун жамоатчилик йўли билан маҳалла стипендияси ташкил этиш маҳалла ёшлари онгига ўқиш ва меҳнатга иштиёқ, шижоат ва она маҳалласига садоқат туйғуларини янада кучайтирмақда.

Масалан, биринчи ўрин учун юз минг, иккинчи ўринга етмиш беш минг ва учинчи ўринга эллик минг сўм белгиланган. Маҳалланинг Зоирхон Жалилов номидаги стипендияси ҳар йилнинг „Наврӯз“ байрами тантанасида ғолиб ўқувчиларга тақдим этиб келинмоқда.

Бундай эзгу тадбир „Обод турмуш“ йилида янада ўзгача мазмун кашф этди. Олдинги йиллар жами уч нафар аълочи ўқувчилар рағбатлантириб келинган бўлса, 2013 йилда уларнинг сони еттитага етди. Қолаверса ғолиб ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам маҳалла томонидан қимматбаҳо соввалар билан тақдирланиши оталиқдаги

56-үрта мактабида ўқувчиларнинг илм-фанга бўлган қизиқишларини янада орттириб бормоқда.

Миллий Турон курашининг Осиё ва жаҳон чемпиони Маҳфуз Абдуллаева эса юзга яқин ҳамқишлоқ ва маҳалладош ёшлар сафидан вилоят, республика ҳатто жаҳон чемпионаларини етишириб, она маҳалласининг довругини кўкларга кўтармоқда.

Маҳалланинг мактаб ва оиласалар билан ҳамкорликда Президентимиз асарларини ўрганиш, ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданият, миллий истиқолол мағкураси, миллий онг, миллий тафаккур, ўз-ўзини англаш ва миллий қадрият, миллий урфодатларни такомиллаштириш, ёшларни турли зарарли диний экстермистик оқимлар таъсиридан сақлаб қолишга оид мавзуларда ўтказиб турадиган машғулотлари ёшларнинг ҳаёт йўлини ақл-идрок, билим ва одоб нури билан ёритища ҳиссаси каттадир.

Оқсоқол Мирзахалилов ўз маҳалласининг маънавий-аҳлоқий аҳиллиги ва соғлигига суюниб ободончилик ва бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Катта замонавий мажлислар зали, сиёсий, бадиий адабиётлар, кундалик газета ва журнallар билан жиҳозланган маънавият ва маърифат хоналари, оқсоқол ва унинг маслаҳатчиси, котиба ҳамда участка нозирларининг алоҳида-алоҳида саришта ва саронжом хоналари киши эътиборини жалб этиб дилларни хушнуд этади.

Ота-боболар, хусусан Ватан учун қурбон бўлганларнинг хотирасини абадийлаштиришни муқаддас иш ва инсонларнинг покиза қалбидаги буюк хислат деб билган оқсоқол Мирзахалиловнинг саъий ҳаракати билан Зоирхон Жалилов номидаги маҳалласида иккинчи Жаҳон урушида иштирок этган жангчилар хотирасини абадийлаштириш учун қурилган „Мемориал ёдгорлик“ маҳалла гузарини янада файзли ва кўркам сайргоҳга айлантириб, марҳумлар оила аъзоларининг қалбига кувонч бағишилади.

Маҳалланинг экологик ҳолатини яхшилаш, кўчаларни таъминалаб, асфальт ётқизиш, аҳолини доимий ичимлик суви, электр, газ билан таъминлаш, телефон ва канализация ўтказиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш ишларини ижобий ва адолатли ҳал этиш, тўй ва маросимларда бош-қош бўлиш, миллий қадрият ва анъаналаримиз билан боғлиқ бўлган байрамларни кент жамоатчилик билан нишонлаш – маҳалла ҳаётининг моҳият ва мақсади тинимсиз яратувчилик, бунёдкорлик ва ободонлик учун кураш, интилиш, ташаббус ва фидойлиқдан иборат эканлигини англатади.

Мустақиллик салномаларига оид мавзулардаги олимлар билан утрашунлар, „Конституцион бурч“, „Соғлом она – соғлом бола“, „Оила баҳтиёрлик маскани“, „Келин-куёв – оила гули“, „Кенгашли түй тарқамас“, „Эпли қиз – сепли қиз“, „Оилада эр-хотин масъулияты“, „Отанг маҳалла – онанг маҳалла“, „Қариси бор уйнинг париси бор“ каби мавзулардаги машгулотлар маҳалла фуқоролари ҳәётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳаллада кимнинг, қандай масалада бўлмасин, қандай ҳожати тушмасин, уларга кўмак беришни оқсоқол ўзига вожиб деб билади.

Қаторасига бир нечта қаровчиси йўқ, кам таъминланган оиласарга зудлик билан моддий ёрдам кўрсатиш зарурияти туғилиб қолди. Заковат, ишбилармонлик ва ҳалоллик билан ёндашиш натижасида маҳалла тадбиркорларининг ёрдамида йўқдан бор бўлиб 30 млн сўм маблағ жамғарилди. Мұхтоҗларга ана шундай муносабатда бўлиш, ҳалоллик ва масъулият оқсоқол Мурод Мирзахалилов фаолиятида азалдан одатга айланиб, ҳәётига сингиб кетган.

Нафсоний тубанлик, масъулиятсизлик ва таъмагирликдан ҳоли бўлган раҳбарларгина эзгуликлар ижодкори бўла олади.

Дарҳақиқат, нажот излаб чиқсан фуқарога таъмагирлик қилиш – ўз фарзанди, келини, туғишганлари, ёки ота-онасига нисбатан бўлган таъмагирликдир. Зоро, ҳар бир оқсоқол ўзи яшаб турган маҳалланинг отасидир.

Зоирхон Жалилов номидаги маҳалла равнақида оқсоқол Мурод Мирзахалилов билан бир жон, бир тан бўлиб жонбозлик кўрсатиб келаётган Аҳрол Носиров, Назира Набиева, Зухра Жалилова, Ботирхўжа Зайнуддинхўжаев, Рихсивой Қосимов, Акбархўжа, Аъзамхўжа Имомовлар, Тоҳиржон Уморов, Хайрулла Баҳодиров, Равшан Ҳамзаев, Дилбар Гуломова ва Маҳфуза Абдуллаева каби жонкуяр фидойилар ҳам камтарлиқ, меҳнатсеварлик, адолат ва ҳалоллик либоси билан безанган инсонлардан.

– Шунга қарамасдан – дейди, оқсоқол Мурод ака, – раҳбарнинг бевосита ўзи бошқариши керак бўлган ишни бошқаларга ишониб топшириб қўйиш ҳам, худди оиласада отанинг ўзи бошқариши шарт бўлган ишни фарзандига ишониб буюргандек бўлиб қолади. Шулар қатори фаолларнинг бажарган ишларини мунтазам кузатиб бориш, уларга адолатли баҳо бериши, рағбатлантириб туриши ҳам бошлиқнинг доимий эътиборида бўлиб туриши лозим.

„Энг намунали маҳалла“ кўрик танловларида туман ва вилоят бўйича биринчи, Республикада эса тўртинчи ўринга сазовор бўлган Зоиржон Жалилов номидаги маҳалла аҳлиниң навбатдаги аҳди

республика голиблигини қўлга киритиш. Бунинг учун маҳаллада барча имконият мавжуд. Энг муҳими, маҳалланинг аҳил ва иноқ фуқаролари, фидойи жонкуярлари ҳар қандай баҳт-саодат ва шоншуҳрат — фақат ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва тотувлик, ҳалоллик ва адолат, меҳнат ва жасоратдан яратилишини қалбан чукур ҳис этадилар. Ва кимнинг ҳаёт йўли ақл, билим, одоб ва инсонпарварлик нури билан ёритилган бўлса, унинг барча ишлари ана шундай омадли бўлаверади.

— Яна шуни таъкидламоқ керакки, маҳалла оқсоқоли Мурод Мирзахалилов оиласи ҳам аҳил, иноқ, оқибат, ўзаро ҳурмат, меҳрмуҳаббат, қадр-қиммат ва садоғатни мустаҳкам сақлаб келаётган баҳтиёрлик масканларидан биридир. Ҳавас қиласа, ўрнак олса арзийдиган оила. Мурод аканинг падари бузруквори мархум Мирзарасул отанинг ҳаёт йўли ҳалоллик, ҳақиқат, адолат, ақл ва билим нури билан ёритилган бўлиб, жамият ва оиласининг оқилона равнақ топишини тартиб-интизомга амал қилишда деб билган.

У, Ватан мудофаасида мардоナвор курашиб, ҳарбий соҳада тўққиз йилга яқин масъул вазифаларни бажарган, умрининг сўнгги йилларигача эл манфаати йўлида жонбозлик кўрсатиб, Ватани, миллати ва оиласини севиб яшаган инсон эди.

— *Муқаддас ва азиз Ватанинг қадрига етинг. Ватан ва оиласдан азиз нарса йўқ. Ватан бўлмаса оила бўлмайди, оила бўлмаса Ватан бўлмайди. Бу иккаласи бўлмаса, инсоний баҳт-саодат, фароғат ҳам бўлмайди. Ватанинг, ҳалқинг, маҳалланг ва оиласинги қанчалик севсанг, қанчалик обод қиласанг, ҳрётнинг эзгу муқаддаслигини шунчалик англаб, севиб-севилиб яшайсан, — каби ибратли гаплар Мирзарасул отанинг ёшларга такрорлаб турардиган насиҳатларидан эди.*

Мирзарасул ота ва рафиқалари Ҳанифахон ая бутун умрлари давомида эришган ютуқларининг энг улуғ ва шарафлиси ўз замонига мос ақл-заковатли ўғил-қизларни тарбиялай билишда бўлди. Мурод ака, синглиси Флюра, укалари Умар ва Ботир оиласи тарбияни мукаммал эгаллаб, ўзлигини эзгулик йўлига бошқариб, нурафшон келажакларини яратиш баҳтига эришдилар. Мурод ака эса олган билимларини ўз фаолиятига мақсадли ва тўлиқ тадбиқ этишда мукаммал малака, маҳорат ва тезда хулоса чиқара билиш қобилияtlари билан алоҳида ажралиб турарди.

Армия сафидаги намунали хизматлар, Сурхондарё вилоят ёшлар кўмитасидаги жўшқин фаолиятлар, олийгоҳдаги билимга бўлган чанқоқлик, рус ва немис тилларида равон сўзлай билиш Мурод Мирзахалилов камолотининг навбатдаги мустаҳкам пойдевори бўлди.

Фойдали ишлар тўғрисида фикр юритиш ва унинг ижросига дилдан интилиш, халқи ва оиласининг баҳтиёр яшashi ҳамда Ватан тараққиёти учун фидойиликда хизмат қилиш, ҳаттоқи ўз ҳаётини ҳавф-хатарга қўйиб бўлса ҳам яратувчилик ишларини бажариш, мардлик ва жасорат кўрсатиш Мурод Мирзарасулович табиятита хос сифатдир.

Нафақага чиққач „Трактор эҳтиёт қисмлари“ фирмасидаги директорлик лавозимлар ва Зоиржон Жалилов номидаги маҳаллани қисқа вақтда намунали маҳаллалар сафиға олиб чиқа билиш фикримизнинг далили бўла олади. Мурод Мирзахалилов давлат юмушларидаги каби оиласда ҳам масъулиятни чуқур ҳис этади.

Эр ўз қалбини хотинига, хотини эса эрига руҳан ва жисман баҳшида этиб яшаганлари учун ҳам иқболли ҳаёт кечирмоқдалар. Барча олижаноб мақсадлари рӯёбга чиқиб, баҳтнинг зарли таҳтида даврон сурмоқдалар.

Мурод ака рафиқси Раиса опа билан бир жисму-жон бўлиб яшашларидан мақсад фарзандларини саодатли этиб тарбиялаш орзузи эди.

Орзунинг ижобати баҳт бўлганидек, ўғилларининг учаласи ҳам ота-она ва эзгулик изидан бориб, ўзларининг нурафшон келажакларини таъминлай оладиган ақл-заковатли инсон бўлиб етишдилар. Катта ўғил Эркин Тошкетдаги „Польфарм“ фирмасининг менежери, ўртанча ўғил Анвар Москва шаҳрида фирма директори ва кенжаси Рустам эса республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига етакчи мутахассис.

*Бундай оиласий баҳтга эришишининг еттита қалити бўлади, дейишади донишмандлар: Яхши орзу, ақл-билим, фаросат, яхши ҳулқ, интилиш, қасб-хунар ва фойдали меҳнат. Ҳамманинг ҳам оиласига ана шундай таҳтнинг олтин қалитлари насиб этаверсин.*

## ҲАЁТНИНГ МУҲАББАТИ ВА ОХИРАТ НАДОМАТИ

«... Кунингизни иккига бўлиб, бир қисмини охиратга тайёргарлик ишлари, қолганини ҳалол ризқ насиба топиш билан ўтказинг. Учинчи бўлимининг эса сизга фойдаси йўқ, зарари бор.

Молингизни ҳам иккига бўлинг. Бир қисмини бола чағангизга саралаб, қолганини охиратингиз учун озиқа қилинг. Учинчи қисмининг эса сизга фойдаси эмас, зарари борлиги учун унга эҳтиёжингиз йўқдир».

Абу Зарр Фифорий

Оилаларда фарзандларни молу-дунё, унинг лаззат-бойликларига кўнгил Қўйишининг меъёрида бўлишлиги ва охират йўлида ҳам солиҳ амаллар қилиб, бойликни охиратдан юқори қўймаслик руҳида тарбиялаш энг улуғ сифатлардан биридир.

Куръони Каримнинг „Ҳадид“ сурасида шундай дейилган: „Билингларки, бу дунё ҳаёти фақат ўйин, бехудалиқ, зийнат, ўзаро фахрланиш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдан иборат... Охиратда эса (қай бирларингиз учун) қаттиқ азоб (қай бирларингиз учун) Аллоҳ томонидан мағфират ва ризолик бордир. Дунё ҳаёти фақат алдов матосидир“.

Маътумки охират — охирги кун, дунёнинг тугаш куни демакдир. Ердаги ҳаётнинг тугаши, охирги кун келиши, инсонларнинг сўроқ қилинадиган кун, ҳар кимнинг қилмишига яраша жазо бериладиган кун, гуноҳ ва савобларнинг ўлчанадиган, дўзаҳ ва жаннатга ажратиладиган кун.

Ажратилган умрни яхши иш, солиҳ амаллар билан безаб ўтказиш катта неъмат. Лекин инсон ҳаётлик чоғида қанчалик молу дунё йиғмасин, уларни бехуда сарфлаб бойлик йиғиб, ҳамён ва сандиги тўла зеби-зийнати, ҳашаматли уй-жойи ва катта амалдор бўлмасин — барчаси ўткинчи ва тугаб борувчидир. Ман-ман деган бадавлат, амалдор ҳам, энг ночор камбағал ҳам бу дунёдан яланғоч кетади. Эзгу ишлар, ҳалқ манфаати учун қилинган бунёдкорлик, ободончилик ишлари, ҳалққа кўрсатилган мурувват, ширин сўз, ёзилган

китоблар абадий қолади. Улар энг боқий, туганмас неъмат бўлиб, абадий дунё кезиб юради. Дунё неъматлари эса вақти келиб ажал зарбаси билан яксон бўлади. Оилавий тарбия жараёнларида ўлим, унинг муқаррарлиги ҳақида, ўтганларни хотиралаш, охират ҳақида, қабристон ва масжидларни обод қилиш ҳақида эслатиб туриш ва уларга риоя қилиш инсон қалбини болалиқдан юмшатиб, ёмонликлардан узоқлаштириб туради. Қолаверса молпарастлик, амалпарастлик, ҳурматсизлик ва оқибатсизлик юкларидан ҳам ҳоли бўладилар. Инсон ҳаётлик чоғида қанчалик қиёматда Аллоҳга рўбарў бўлишдан ва У зотнинг азобидан қўрқса, Унинг раҳмати ва жаннатига интилса, шунчалик эзгу ишлар билан кўпроқ шуғулланиб, оқибатда улуғ нажот ва катта ҳурмат топади. Ислом маданиятининг улуғлиги шундаки, у бошқа маданияtlар сингари фақат шу дунё маданияти бўлиб қолмай, у охират маданияти ҳамdir. Ва шунинг учун ҳам одамларни охиратни эсалашга, ўлимнинг ҳақлигига, улар ҳақида тафаккур қилишга чақириш — жамият ва халқ ҳаётини ислоҳ қилишда муҳим ишлар сирасига киради.

Донишманлар бойлик билан охиратни икки оиласи бор кишига қиёслайдилар. Бирини рози қилса, иккинчиси ранжийди. Яъни қалбини дунё эгалласа, охират уни тарк этади ва охиратни ўйламай бу дунёда фақат бойлик излаганлар охиратда ҳам, ёруғ жаҳонда ҳам хор бўладилар. Мол-дунё инсонни семиртири броҳат баҳш этиб, айни вақтда уни хорликка ҳозирлаб борс., охират фикри кўнгилларни ўстириб боради. Фақат бойликка муҳаббат қўйиб охиратни эсдан чиқарганлар ўғирлик, зулм, ҳақсизлик, адолатсизликларнинг қилинишига, жамиятнинг қонун ва низомларининг бузилишига сабабга бўладилар.

Охират жазосидан қочиб қутилиб бўлмаслик ҳақида муҳтарам Президентимиз шундай деб таъкидлайдилар:

„... Одам ўз қилган гуноҳлари, қилмишлари учун замон қонунлари берадиган жазодан қочиши мумкин, аммо охиратда қаерга қочади?“

Ниҳоятда ибратли, ҳалоллик ва адолатга чорловчи, маънавиятга даъват этувчи фикр. Ахлоқий ўгит ва тиббий насиҳатлари билан дунёга машҳур бўлган улуғ инсон Луқмони Ҳиким ўзларининг уч минг ўгитларидан учтасини саралаб, шулардан биттасини, яъни одамларга қилган яҳшиликларини эсдан чиқариб, иккитасини, яъни Аллоҳ ва ўлимни ҳар доим эслаб юриш кераклигини уқдирадилар. Бинобарин, инсонни дунё ва охират саодатига бошловчи Аллоҳнинг буюк неъмати бўлган ақл билан яшаган киши охиратни деб бу

дунёни, бу дунёни деб охиратни эсдан чиқармайди. Дунёнинг азизлиги мол-мулкда бўлса, охиратнинг азизлиги солиҳ ишлар билан.

Зангиота тумани бош имом-хатиби Яхё хожи Турдиев шундай деганди:

— Ҳаёт шодлиги қанчалик лаззатли бўлмасин, унинг поёни андуҳдир. Бу дунё ўткинчи, бир қўниб ўтарлик работдир, ҳалос. Үнга кимлар қўниб, кимлар кетмайди. Аммо бу работда ҳеч ким қўним топмаган. Умр оқар дарё. Гоҳо шодон, гоҳо дилни хуноб айлаб, шитоб билан ўтиб бораверади. Бир лаҳзалик инсон умри учун ўлим ҳақдир. У мансаб, ёш талаб қўлмайди. Биз тириклар ўлимдан бехабармиз, ўлим эса доим биздан хабардордир. Шунинг учун бир нафаси олтинга тенг Аллоҳ берган умрнинг қадрига етмоқ керак. Жон қушининг кўйрак қафасини тарқ этиши олдида ночор қолган инсон яна бир нафас бўлсаям яшагиси келади. Афсуски, унинг иложи йўқ. Ҳатто етти иқлам подшоси Искандар Зулқарнайн ўлими олдидан бир нафас учун бутун бир оламни беришга тайёр эди. Лекин вақти-соат етганда ажални ҳеч нарса қайтара олмайди.

Мангу бу оламда, қани ким бўламиз,  
Бир лаҳза отиб тонг каби таслим бўламиз.  
На атру, на ранг, на завқ қолмайди абад,  
Яйраймиз бир, жим бўламиз... жим бўламиз.

Ислом дунёсининг буюк мутафаккири Абу Ҳомид ал-Ғаззалийнинг ўлим фалокат эмас, ҳақиқий фалокат ўлимдан кейин нима бўлишини билмасликдир, деган фикрларида чуқур маънно бор. Яъни ўлимдан кейинги сўроқ, савол-жавоб, жаҳаннам даҳшатлари, сирот ваҳималари, жаннат қайгулари энг улуғ қайгулардан ҳисобланади.

Масалан, қабр чуқурлиги ўлган одамга шундай деб хитоб қиласди:

— Мен ҳашорат уясиман. Мен ёлғизлик, мен гурбат, мен зулмат уйиман. Мен сенга ҳозирча шуларни ҳозирладим. Сен менга нима ҳозирладинг?

Демак, қабр охират йўлчилигининг биринчи қўналғасидир. Агар киши қабрдаги сўроқдан омон чиқса, ундан у ёғи осон кечади. Борди-ю омон чиқмаса ундан у ёғи машаққатли бўлади.

Қалбини офтоб қилиб, элга нур улашган, эзгу ниятлар билан, яхшиларни эъзозлаб, ёмонликлардан узоқда юриб, имон ва виждонига суюниб, охиратни эсдан чиқармаган, ҳар бир нафасни имон ва эзгулик гуллари билан безай билган мўминларгина қаро ер остидаги синовдан осонгина ўтадилар.

Бу нарса, Қуръони Каримнинг „Қасос“ сурасида ҳам „...биз ўша охират диёрини ер юзида зулм ва бузғунчилик қиласидиган кишилар учун яратурмиз...“ деб таъкидланган.

Инсон ҳәётининг сўнгти манзили бўлган қабристонларни зиёрат қилиш, уларни ободонлаштиришнинг одоб ва қоидаларини ёшлар онгига сингдириб бориш ҳам оиласий тарбиянинг муҳим қираларидан ҳисобланади. Қабристон – инсонларнинг мангу истиқомат қиласидиган, шоҳ ҳам, гадо ҳам асрлар давомида ёнма-ён тинчсукунатда ётадиган, ибрат ва ҳурмат назари билан боқиши зарур бўлган муқаддас даргоҳ.

Маълумки, жоҳилият даврида, яъни исломдан бурун одамлар қабристонларга борганида турли номақбул ва жирканч одат, хатти-ҳаракатларни содир этганлари учун қабристонлар зиёрати ман этиб қўйилганди. Қачонки одамлар Пайғамбаримизнинг мўъжизаларини ўз кўзлари билан кўриб, қалблари имон нури билан тўлгач, қабристонлар зиёратига руҳсат берилди. Пайғамбаримиз с.а.в.:

„Мен сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим, энди руҳсат этилди, бориб зиёрат қилинглар“, дедилар. Ва Пайғамбаримиз қабристонни зиёрат қилишта борганирида шундай деганлар:

— „Эй мўминлар ва мўминалар, қабристон аҳлари, сизларга салом бўлсин. Худо хоҳласа бизлар ҳам келиб сизларга қўшилурмиз. Ўзимизга ва сизга Аллоҳдан оғият ва тинчлик-саломатлик тилайман!“

Шу жиҳатдан марҳум шоир Чустийнинг „Индамаслар олами“ номли маснавийси кишини ниҳоятда ҳаяжонга солади.

*Индамаслар олами сайд айладим.  
Сайд этиб мен бериё ҳайр айладим.*

*Не ажаб олам экан бу олами,  
Сайд қилсан, бўлса ҳар кимнинг ғами.*

Қабристонни сайд этган киши не-не синоатларнинг гувоҳи бўлмайди. Бу манзилдаги синоатларни кўрган одам ёруғ жаҳон ташвишларининг қанчалар беҳуда эканлигига амин бўлади.

У ердаги жой олмиш бинолар дунё биноларига сира ўҳшамайди. На эшик, на туйнук, на сўрию айвон бор унда. Қариндошлар йўқламайдиган, меҳмонлар қадам босмас даргоҳ. Бу уйнинг тандир-ӯчиғи, палосу дастурхони ва уни безовчи таомлари ҳам йўқ. Уйлар томини ҳас-ҳашаклар ишғол этган. Бу уйларининг томи-ю девори, саҳни-ю шифти тупроқдан қилинган бўлиб, ичи даҳшатли гор,

қоронгилиқдан иборат. Усти эса чумолилар лашкари, ичи қурт-күмурсақаларга тұла, томи қор-ёмғир остида хароб, мархұмнинг дуркун танаси эса лойға айланған. Сөн-саноқсиз биноларнинг баъзиларида соҳибнинг номи ёзилған, баъзиси хору-зор ва баъзиларига мармар тош билан безак берилған. Куруқ устухонга айланған уй соҳиблари ким, эркакми, аўлми, қарими, ёшми, бойми ёки фақирми, ҳокимми ёки илм дарёсига фарқ бўлған олимми, ажал давосини излаган табибми, ёки бир бурда нонга зор гадоми, яхшими ё дилозор бузғунчими? Суяклар ранги бир хил бўлгач, уларнинг кимлигини яратгандан бўлак ҳеч ким билмайди.

Бу дунёда димоғдор мансабпасту енгилтак хушомадгўйлар йўқ, Зебу-зийнат бекәдэр. Бирор-бировни таҳқир этмайди. Ҳамма ўз ҳолича сокин. Дунё ҳаётида беш панҷасини оғзига тиққан баднафслар оғзига тупроқ тўлиб жим ётибди. Ҳаётини айшу-ишрат билан безаганлар юзида тупроқдан безак. Золимнинг зулмга мажоли, мазлумнинг йиғлашга ҳоли йўқ. Очкўзнинг кўзи тупроқ билан, тўлган, танасини ер кемиради. Кўёш билан ой неча минг марта ўрин алмашади, тонг отади, кун ботади, аммо индамаслар оламининг фуқаролари бундан ғоғил. Бу олам тўлиғича сукунатта таслим. Бунда ётмиш ота-она, оға-ини, опа-сингил, ҳеш-акрабо бир-бирининг ҳолидан бехабар.

Индамаслар дунёсини бир соат сайр айладим, аммо эй биродар, буни асло саёҳат демагин, надомат деб бил. Шу бир соат қалбимдаги хотиржамлик пардасини чок қилди, – дейди шоир Чустий Индамаслар оламида шоир ногаҳоний ҳазин овоздан ҳушёр торгади:

«... Менинг кўп фарзандларим бор эди. Уларни жондан ортиқ севардим, „кўзимнинг нури, юрагим қуввати“, дея улардан фахр этардим. Ҳар вақт эркалатордим. „Сен“ демасдим, „сиз“, дердим. Шабадани раво кўрмай асрар эдим. Ҳаста бўлсалар жондан кечиб даво излардим. Болаларим тўқис ўссин, деб ҳаловатим, соғлиғимдан кечдим. Ўзимни ўтга-чўққа урдим. Гоҳ қарздор бўлдим, гоҳ ташвишу изтироблар ботқогида ночор қолдим. Уларга уй-жой, боғ-роғ қолдирай деб дилим доғланди. Аммо индамаслар оламига булатининг барчасини ташлаб келдим. Фарзандларим, ёру-дўстларим қолиб кетди. Дўйтпайған тупроқ ости маконим бўлди. Туну-кун устида оёқлар дупурини эшишиб, беилож ётибман. Ҳеч зор ҳолимдан хабар олмайди. Фарзандларим ўйлига кўзларим интизор“.

Шу дам бошқа тарафдан яна бир нидо келди: „Бу садо жондан келмоқда, эшиггин, эй инсон! Тирикларга етқизгилки, аввало бир-бирларини қадрласинлар. Яна англагилки, ким болаларидан қадр кўрмоқ истаса, ўтган ажододларини эҳтиром қиласин“.

Ота-она рұхини шод айлаш, қабрларини нурафшон этиб, уларни Куръон нуридан баҳраманд қилиш ҳар бир фарзанднинг муқаддас бурчидир.

*Йиллар ўтиб кетди, тепанғдан ғир-ғир,  
Отанғ мозорига бордингми бирдам?  
Отанғ хотирига нима эзгулик  
Қылдингки, ўғлингдан кутасан сен ҳам?*

Модомики инсонларнинг сүнгіті манзилгоҳи қабристон экан, тирикларининг вазифаси имконият даражасида мозорларни обод ва күркем қилиб қўйишдир. Адолатли Аллоҳ қабристонда ётган шоҳга ҳам, гадога ҳам бир хил, икки газ бўзни ва ёғочсиз-наматсиз бир ярим қулоч ерни фарқламай раво кўрган экан, қабрларга ёдгорлик ўрнатиш ва у ерларни обод этиш масаласида ҳам ислом таълимотига амал қиласмоқ керак.

*Ривоятларда шундай дейилади:*

«Расулллоҳ қабрлар устини ганч қилишдан, устига тош қўйиб тошга „Бисмиллаҳ“ни, „Ла илоҳа иллаalloҳ“ни ва Куръон оятларини ёзишдан ва қабрни босишидан, яъни уни оёқ ости қилишдан қайтардилар».

Яна: „Расулллоҳ қабр устини ганч қилишни, унинг устига бино қуришни ва қабр устига ўтиришни ман қилдилар“.

Ислом одоби ва ахлоқига доир кўплаб адабиётларда ҳам қабрларнинг усти ганч билан сувалиши, устига сафана қуриш, қабрларга тош қўйиб, уларга марҳумнинг суратини солиш, қабрлар устига бино солиш, қабр устига ўтириш ёки уларни оёқ билан босиши мумкин эмаслиги ҳақида кўрсатмалар берилган. Фақат сизот сувлари ерга яқин жойлардагина ганч билан суваш, устига сафана қуришга рухсат этилган.

Қабрнинг устига тош қўйилган киши қиёматда фарзандларининг ёқасидан тутар экан:

*„Эй болам, сени тарбиялаб, вояга етказишдан умидим шумиди?  
Сенга нима ёмонлик қилган эдимки, устимга тош бостириб қўйдиснг?*

Маълумки, ердан ўсиб чиқадиган ҳар бир гиёҳ Аллоҳга тасбих айтади. Уларнинг тасбеҳи Аллоҳ таолога қилган ибодатлари, яъни ўсимликларнинг намози „Субҳаналлоҳи ва бихамдихи“ деган сўздан иборат. Куръони Каримнинг қатор сураларида ҳам! „Осмондаги ва ерда бор мавжудотларнинг барчаси Аллоҳга тасбеҳ айтур“, деган оят такорлашиб туради.

Жумладан, қабрлар устида ўсган гиёҳлар ҳам тасбек айтишганда, ундан ҳосил бўлган савобдан майитлар баҳра олишиб, азблари енгиллашади.

Болалик йилларимизда майит эгалари тобут олдига тушиб, тол дараҳтининг ҳўл шохидан қилинган ҳассага таяниб борардилар. Ва майит дағн этилиб тупроқ тортилгач, ҳассани қабр устига санчиб кетишарди. Кейин билсак, ана шу ҳўл ҳасса қуриб қолгунга қадар Аллоҳга тасбек айтиб тураркан.

Шарқнинг машҳур шоираси Зебунисо 1702 йилда оламдан ўтган. Зебунисо Бегимнинг қабри Дехлида бўлиб, қабр тошига шоиранинг фоят камтарлик билан айтган қуидаги байти ёзилган:

*,Багайри сабза напӯшад касе мазори маро,  
Ки қабрпӯши гарибон ҳамин гиёҳ бас аст“*

Яъни: менинг қабримни сабзадан ўзга ҳеч ким ёпмасин, гариблар қабрини ёлмоқ учун шу гиёҳнинг ўзи басдир.

Эътиборга лойиқ яна бир мисол. Буюк рус ёзувчиси Лев Толстойнинг шахсий табиби, Дамир исмли мусулмон киши бўлиб, таниқли адаб Файбуллоҳ ас-Саломнинг „Эй умри азиз“ номли китобида келтирилишича Дамир ва Толстой соатлаб, баъзан уззу кун суҳбатлашиб ўтиришар экан. Лекин қандай мавзулар ҳақида суҳбатлашганини ҳеч ким билмаган.

Файбуллоҳ ас-Саломнинг ёзишича Тула обlastининг Ясная Полянадаги Лев Толстойнинг ижодхонасида 1983 йилда Таврот, Инжил, Забур ва Қуръони Каримни кўрган. Демак, Толстой бизнинг муборак китобимиз Қуръони Каримни ўқиган. Ва яна муҳим бир жиҳати шундаки, Толстойнинг жасади унинг ўз васиятига биноан христианлар қабристонига эмас, балки Ясная Полянадаги адибнинг ўз чорбоги ўртасига дағн этилади. Қабр гир атрофи кўкаламзор, дов дараҳтлар билан ўралган майдончада жойлашган. Худди мусулмонларнинг дағн жойига ухшайди. Қабр усти яйдоқ. Кўм-кўк майсалар қўкариб турари ва дараҳтларда қушлар чугурлашиб, тинмай сайраб туради. Толстой ўлими олдидан, қариндошларини йиғиб, дағн маросимларида христиан удумларига риоя қиласликни, гўр устига ҳеч қандай ҳайкал, ёхуд бўлак бирон иншоот ўрнатмасликларини маҳсус тайинлаган, васият қилган. Ҳатто ўтган асрнинг 30-йили охирларида, юбилей тараддулари муносабати билан, собиқ Шўроларнинг маҳсус қарорига кўра, Лев Толстойнинг маҳобатли ҳайкалинини бунёд этиб, қабр тепасига ўрнатмоқчи бўлишганда

мархумнинг қариндошлари йиғилишиб васиятта қарши зид иш қилмаслик ҳақида қатъий турадилар ва ҳайкални ўрнатишга рухсат бермайдилар. Дарҳақиқат, қабр устига ёдгорлик, сурат, ҳайкал ўрнатиш, унинг атрофини занжирбанд қилиб ўраб ташлаш мутлақо мумкин эмас.

Демак, майитга фойда бермайдиган ва шароитга хилоф бўлган одатлардан бири бўлган қабрга сағаналар ўрнатиб, баланд-баланд мақбаралар куриш қабристонларни одобонлаштиришга кирмайди.

*Кўрдим, авлиёлар вафот этсалар.  
Қабрлари шоҳона бўлар.  
Сўнгги манзилда ҳам истарлар шуни,  
Фақиrlардан устун бўлсалар  
Мақбараңиз осмонўпар ва лекин  
Ҳамма учун тенг қазилар гўр.  
Ерга емиш бўлар бой ҳамда мискин,  
Хўш фақиrlдан қаерингиз зўр?!*

Йиллар давомида қабрлар устида ўсиб турадиган ўт ва майсалар, баҳор фаслидаги лола ва гунафшалар, райҳон ва атиргуллар, кўмкўк манзарали дарахтлар тасбехидан майитларга қанчалар фойда беришлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Модомики, инсон жисми табиатдан олинниб, яна табиатга, яъни ердан чиқиб ерга қайтаркан, ер остида ёлғиз ётганилар Аллоҳнинг раҳмат дарёсидан баҳраманд бўлишлари учун қабристонларни ямяшил майсалар, сержило ва мафтункор манзара ва гўзал гулзорлардан иборат манзилга айлантириш мархумларга бўлган олий даражадаги ҳурмат ва эҳтиром бўлади. Барҳаёт бўлиб қолишининг бирдан-бир имконияти эса ҳашаматли мармар тошлар эмас, балки ўзидан кейин ўлмайдиган мерос қолдиришdir. Шундай инсонлар борки, ўзларининг буюк ишлари билан ўзларига шундай ҳайкал қурадиларки, бу ҳайкал қуёш тургунча туради.



## НОН БИЛАН ТИРИҚДИР ОЛАМ

- \* Нон имондан азиз. Унинг ҳидида ҳаёт бор, мағзида мамот бор.
- \* Нон бўлса бас, ўзгаси ҳавас.
- \* Нонга ҳурмат – элга ҳурмат, нон мўллиги – эл тўқлиги.

Халқ мақоллари

Тафаккур гулшанида таъкидланишича ер юзидағи жамики гўзал нарсалар – офтобдан ва барча яхши нарсалар – инсондандир. Яна бошқа бир донишманд эса: „Инсон олам безаги, ҳаётимнинг энг оғир дақиқаларида ҳам , энг мушкул дамларида ҳам қалбим: „Яшасин инсон!“ деган мадҳияни кўйлаган“, – дейди.

Ҳақиқатан ҳам инсон энг улуғ, мўътабар ва азиз зот. Лекин азиз инсон жонини сақламоқда эса – нон азиз. Инсон ҳаётда мол-мулксиз, бошқа энг лаззатли таомсиз яшаши мумкин, лекин ҳеч қачон нонсиз яшаб бўлмайди.

Нон – Аллоҳ ва она табиатнинг инсонларга ато этган энг олий неъматидир. У неъматлар сultonи ва сардори.

“Заҳматсиз ризқ нималигини биласанми, деганлар Мавлоно Румий. Руҳларнинг озиги, пайғамбарларнинг насибалари заҳматсиз, ҳисобсиз ризқ қидирки, Жаброил сенга жаннатдан олма келтирсинг. Ҳатто бөгбоннинг гапларидан бошинг оғримасдан ҳам, осонгина жаннатдан ризқ оласан. Чунки нондаги фойда ва лаззат Аллоҳ эҳсонидир. Истаса ўша фойдали нарсани, яъни нонни восита қўлмай ҳам беради?

Алихонтўра Соғунийнинг „Тарихи Муҳаммади“ китобларида келтирилишича, ҳар бир банданинг ейдиган бир парча нони олтмиш қўлдан ўтиб, кейин унинг оғзига тушади. Биринчиси Микоил алайҳиссаллом бўлса, энг охиргиси новвой экан. Нон қандай пайдо бўлади?

Аввало инсон меҳнати, унинг мақсадга йўналтирилган фаолияти, унинг билимлари, иш тажрибалари донни, ерни, сувни, қуёш нурларини жамлаганда нон пайдо бўлади. Нонни яратища новвойга қадар селекционер олим, кетмончи, ўроқчи деҳқонларнинг, тегир-

мончи ва бошқа күплаб касбкорларнинг ҳиссаси бор. Шундай экан, нонни увол қилиш – меҳнатни қадрламаслик демакдир.

Нон энг муқаддас неъмат. У хонадоннинг жони, онадан кейинги энг меҳрибон боқувчи, жамиятнинг шодлиги, тўй томоша, меҳмондорчиликнинг файзи, аввало нон билан.

Нонни сифатсиз ёпмаслик, увол қилмаслик, уни тескари қўймаслик ва тескари ушатмаслик, устига бошқа нарса қўймаслик, устидан ҳатлаб ўтмаслик, ерга тушиб кетса дарҳол олиб, уч марта ўпид, пешонага суртиш, тўкилган нон ушогини олиб оғизга солиш, ёки покиза жойга олиб қўйиш қадимдан нонга бўлган ҳурмат ва эҳтиромнинг белгисидир. Азалдан давом этиб келаётган никоҳ тўй маросимларидағи „нон синдириш“ одатлари эса отанинг совчи юборган оиласа қизини узатишга рози эканини, ваъданинг қатъий ва муқаддаслигини, ҳамда келин-куёв, қудалар аҳил оила бўлиб яшашга билдирилган хоҳиш ва истакни англатади.

Шунингдек, инсон ўзининг поклигини исботламоқчи бўлиб „нон урсин“, – деб қасам ичади. Яхши ва ёмон истакларни билдиришда эса „нондек азиз бўлгин“, „Қўлингизда нонингиз бўлса, белингиз бақувват бўлади“, „Нон деб кесак тишлагин!“, „Қорнинг асло нонга тўймасин“, „Нонтепки“, „Нон кўр қилгур“, „Нонкўрга берган эсиз ошим, бевафога тўккан эсиз ёшим“, „Ноннинг икки кунлигини е, гўштнинг бир кунлигини“, „Нон бўлса, чайнашга тиш топилар“, „Нонсиз яшаб бўлмас, гапни ошаб бўлмас“, „Нон ёпмай мен ўлай, ҳамир қилмай синглим ўлсин, унни мақтамай – эгачим“ каби ҳалқ мақолларнинг ишлатилиши ҳақиқатан ҳам ноннинг ноз-неъматлар ичидан танҳо эканлигининг далилидир. Ҳатто юзлаб энг лаззатли таомлар ҳам битта ноннинг лаззати ва ҳидита тент келмайди.

Ҳирот сultonни Ҳусайн Байқаро „дунёдаги энг яхши ҳидни келтиринг“, дейди. Энг хушбуй нарсаларни келтиришса-да бирортаси ёқмайди. Охири сарой ахлига уч кун мухлат бериб, тополмасанг ҳаммангни жазога тортаман, дейди. Вазирлар тўғри Алишер Навоийнинг ҳузурига боришиди. Навоий эса бир бободеҳқондан эшигтан гапни эслаб, сultonга тандирда ёпилган бир сават иссиқ нон олиб боради. Бир зумда саройга ажиб бир ёқимли ҳид тарқалиб, ҳамманинг дилини яшнатиб юборади.

– Раҳмат, дўстим, – дебли Ҳусайн Байқаро қувониб, – кўнглим янги ёпилган нон исини истаётган экан, топиб келибсиз. Дунёда янги ёпилган нон исидан кўра азароқ, ёқимлироқ ҳид йўқ экан.

— Султоним, раҳматни менга эмас, дәхқон бобога айтинг, кўнглингиз хоҳишини шу киши топди, — деб жавоб беради Алишер Навоий.

Дўстининг камтарлигига, донолигига яна бир таҳсин ўқиган Хусайн Бойқаро дәхқон бобога бош-оёқ сарпо беришни буюради.

Нон чиндан ҳам инсониятнинг буюк қашфиёти. У бекиёсдир. Нон бор жойда қўшиқ ҳам янграйди. Шодлик ҳам, тамоша ҳам, хонадонларнинг ободонлиги-ю, кўнгилларнинг бардамлиги нон билан.

Ўтмишда очлик, қумматчилик ва қаҳатчилик йиллари кўп бўлган. Кўплаб одамлар, айниқса ёш болалар бир тишлам нонга зор бўлиб, очикдан қирилиб кетган даврлар ҳамон кексаларнинг кўз ўнгидан кетмайди.

Ўтган асрнинг 40–50 йилларидаги ва ундан олдин бўлиб ўтган даҳшатли очарчиликлар урушдан ҳам хавфли бўлган, Урушдан омон чиқиши мумкин-у, лекин очлик муқаррар равишда ўлимга олиб боради. Чорва молларига бериладиган кунжарани еб, қоринлари шишиб ҳаётдан кўз юмғанларнинг кўпини кўрганмиз.

Ҳазратим, очикдан ўлдим, егани нон бер менга,  
“Билло” демасман сенга, чун нури ишон бер менга!

*Гулханий*

Чопишур ёнтоқ ўтин марду заиф иссиқда куйиб,  
Ер загора нонини, топса отини қанд қўйиб.

*Муқимий*

Ожиз,  
Маҳкум,  
Хор ва беталбир  
— Нон, — дея,  
— Нон, —дея  
Сурилиб кечмишлар.

*Faфур Ғулом*

Болалиги қани бу болаларнинг?  
Қаёққа йўқолган ўйин-кулгиси?  
Туғилгандан бери оч эмиш булар.  
Нон бошқаларга-ю, буларга — иси.

*Уйғун*

Мағзини чақыбман етганды ёшим,  
Ха, табаррук экан „мозор босган нон“.  
Бир бутун нон учун олмай бошни  
Отаю боболар жон беришган, жон.

*Гулчехра Жұраева*

Бир очликнинг бир тўқлиги деганларидек, мамлакатимизда нон ва нон маҳсулотларининг бир мунча сероб бўлган йиллар ҳам бўлди. Аммо одамлар тез унитувчан бўлғанликлари учунми, ўтган кунларини эсдан чиқариб, нон исрофгарчилиги авжга чиқа бошлади. Нонни чиқиндилар қатори ахлатхоналарга чиқариб ташлаш янада ачинарли эди. Машинада ахлат ташибидиган бир йигитнинг ҳар куни чорваси учун тўрт-беш қопдан ахлатлар орасидан териб олган нонларни ўз кўзимиз билан кўрганмиз.

Ўзбекистон халқ шоири Уйғун ўзининг „Нон“ номли шеърида шундай деганди:

*Ўғлим нонни ерга ташлама,  
Ҳурмати зўр, қадри зўр ноннинг.  
Замирида тогдек беқиёс,  
Меҳнати бор бобо дехқоннинг.*

*Ўғлим, нонни ерга ташлама!  
Ташланган нон кўзни кўр қилур.  
Ерда ётган нонни кўтарсанг,  
Мартабангни баланд, зўр қилур.*

Жуда ачинарли ҳол. Нон исрофгарчилиги бободеҳқон меҳнатининг, ота-она ва Ватаннинг қадрига ета билмаслик, охиратни эсдан чиқариш билан баробар. Гап ноннинг сероблигига эмас, маънавий қашшоқлик, шўролар хукумати даврида миллий урфодат, қадриятларимиз поймол этилиб, диний-маърифий тарбиянинг йўқлигига эди. Шукроналар бўлсинки, Мустақиллик шарофати билан исрофгарчилик, манманлик ва дабдабозликка қарши кураш давлат дастури даражасига кўтирилди. Диний, маърифий ва тарбиявий ишларда, „Ақиқа“, „Амри-маъруф“ ва масжидлардаги маърузаларда меъёр, тежамкорлик, фаровон ва тўкин турмушимизнинг қадрига этиш, ношукурлик, исрофгарчилик ва манманликдан сақланиш каби масалаларнинг огоҳлантириб туриши ўзининг яхши самарасини бермоқда. Шундай бўлишга қарамай айрим тўй ва маросимларда меъердан ошиш, киши билмас даражадаги исрофгарчилик ва

эътиборсизликлар давом этмоқда. Айрим новвойлар томонидан ноннинг сифатсиз ёпилиши, дастурхонларда керагидан ортиқ нонларнинг ушатиб ташланиши нонга бўлган эътибор ва хурматини ҳамон етарли даражада эмаслигини кўрсатади. Баъзан шундай нонлар учраб қоладики, ушатаман десанг, резинага ўхшаб чўзилади, ичи эса ҳаддан ташқари ғовак. Айрим катта кўчаларнинг икки томонига усти очиқ нонларни териб қўйиш нонни интизор қилиб қўйишдан бошқа нарса эмас. Қолаверса, бу кўчаларнинг икки томонида кечакундуз қатнайдиган машиналардан чиқадиган заҳарли газ ва чанглар нонларга таъсирини ўтказмай қўймаса керак. Бизнингча нон исрофгарчилигига қарши кураш биринчи бўлиб новвойлардан бошланиши керак. Жоиз бўлса, бошқа соҳалардаги каби новвойлар аро мусобақалар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди. Бу аслида бор нарса. Жумладан қадимги Римда новвойларнинг мусобақаси ўtkазилиб, нонни лазиз, бўрсилдоқ ва хушбўй қилиб ёладиган ҳамда кўплаб шогирдлар етиштирган новвойлардан бирини танлаб, тириклик вақтидаёқ унга бронздан ҳайкал ўрнатилган. Икки минг йилдирки ана шу ҳайкал Рим шаҳрининг ҳиёбонларидан бирида сақланиб келмоқда. Ўзиниг ўн беш минг йиллик тарихига эга бўлган, хонадонларнинг жони, емишларнинг султони, дастурхоннинг сардори, табиатнинг энг олий неъмати нон ҳақида фарзандларга сўзлаб бериш, нонни бунёд этиш билан бўлган мashaққатли жараёнлар билан танишириш, қалбларда бободеҳқон меҳнатига меҳр-муҳаббат туйғусини уйғотиш, сифатли нонлар ёпиб, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, орттан нонлардан турли таомлар тайёрлаш намуналарини кўрсатиш – оиласвий ва баркамол авлод тарбиясининг энг муҳим қирраларидан бири бўлиб хизмат қиласди.

*Чин фазилат топди дехқон нон билан,  
Дилда шодлик, белда дармон нон билан.  
Сийланаркан барча меҳмон нон билан,  
Аҳли инсон сурди даврон нон билан.*

## ХОТИМА

Муҳтарам ўқувчи! Ниҳоят еттинчи китобимизга ҳам нуқта қўйиб, унга „Ҳаёт зийнати“ деб исм қўйишни маъқул деб билдик. Зеро обод турмушдан, жамиятнинг асосий бўғини, миллатнинг учиш майдони, маънавиятимиз қўргони, поклик, софлик ва садоқатга асосланган оиласдан муқаддасроқ қутлуғ даргоҳ йўқ. У илоҳий макон. Инсон ҳаётининг бош ўзаги, жамиятнинг ҳаётбахш хужайраси ва давлат ичидаги мўъжизагина давлат ҳам оиласидир. Фақат оиласагина илоҳий мўъжиза тарзда ҳаётдаги энт мураккаб мавжудод – янги жон, янги инсон дунёга келади. Буюк ва муқаддас мақсадлар учун дунёга келаган инсонда муҳаббат деб аталмиш шундай ажиб, нафис ва теран бир туёғу борки, бу туйгу фақат оиласагина олижаноб инсонларни, қаҳрамонларни етказишга пухта замин ҳозирлайди ва донишманд, муруватпешаларни тарбиялади.

Оила ишқи, унга бўлган эътибор ва ғамҳўрлик эса жамият ва Ватанга гўзаллик нурини баҳш этиб, инсонлардаги энг афзал, энг юксак маънавий сифатлар ҳам аввало оиласда таркиб топа бошлиди. Дастреб у она сути билан бошланиб, ота намунаси ва аждодлар ўғити билан такомиллашиб боради.

Қалбларга ором, ишда самара ва ҳаётда ҳаловат берадиган оиласавий тинчлик, тотувлик, аҳиллик – иноқлик ва барқарорлик жамият тараққиётининг энг муҳим омиллари дандир. Оила тинч, юрт тинч, – дейди доно ҳалқимиз. Ҳаётда оиласавий баҳт ва обод турмушдан лаззатланишдан ҳам буюкроқ саодат бўлмаса керак. Чунки, оила қутлуғ даргоҳ, у давлат аҳамиятига эга бўлган, инсон ҳаётига тўқислик бағишлийдиган, инсонларга баҳт ато этувчи энг мукаммал, энг шарафли ижтимоий гуруҳdir.

Ундаги соф муҳаббат эса инсон зурриётини кўпайтиради ва ғайриаҳлоқий кўринишларга қалқон бўлиб туради.

Муҳтарам Президентимиз „... бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод хамиша келажакни ўйлаб, эзгу-орзу ва интилишлар билан яшайди, – деганларидек, оила бор экан, у мустаҳкам экан, мамлакат обод, давлат ҳам қудратлидир.

Фаровонлик, ободонлик, ҳаётнинг лаззати-ю ва хузур ҳаловати ҳам фақат яхши оила туфайли. Жамиятнинг ҳаётбахш кучи фарзандлар ҳам оиласдан ва тартиб интизомнинг бош мактаби ҳам оиласадир. Лекин яшаш ва зафар томонга интилишдан иборат бўлган оиласавий ҳаётнинг бўронлари ҳам бор. У, ҳам кўркам, ҳам бири кам, гоҳ чаманзор, гоҳ чангальзордир. Файлласуфлар ибораси билан айтганда ҳаёт ҳамиша эзгулик ҳам эмас, ёвузлик ҳам эмас. У доимо ана шу эзгулик ва ёвузнику ғуз ичига қамраб олган омборга ўхшайди. Кимдир бу омборни эзгулик гулларига буркаб, ёвузликни қувиб чиқариб уни баҳтиёрик бўстонига айлантирса, батъзилар ёвузликнинг зимистон омборига айлантириб, бир умрга ғурбатда яшайдилар. Китобда эътиборингизга ҳавола этилган масалаларнинг бош мақсади ҳам юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан ҳолда оиласаларни фақат баҳтиёрик ва эзгуликлар уйига меҳр-муҳаббат, ҳалоллик, вафдорлик ва садоқатнинг жаннатсифат хонасига айлантиришнинг ҳамда оила аравасининг ўнқир-чўнқир йўллардан юришдаги азоб ва талабларга бардош бериш йўл-йўриқларини баён этишдан иборатдир. Оиласанинг энг мураккаб ва нозик ижтимоий гуруҳлигиданми, мустаҳкам оила куриш, обод турмуш омилларининг кўплиги, хилмажил ва серқириалигиданми, ёки умр нарвонининг саксониннчи поғонасида хира ва ожиз кўзлар билан ёзганимизданми, аввал гилларига нисбатан бу китобнинг бунёд этилиши бир мунча мураккаб кечди. Шунга қарамай, мустаҳкам оила ва обод турмуш масалаларига оид қирқдан ортиқ омилларни баён этишга улгурдик. Мантиций зиддият ва айрим қарама-қаршиликларидан эҳтиёт бўлиш мақсадида мазкур мавзуга тааллуқли бўлган мавжуд адабиётларни кўриб чиқиб, буюк донишманлар меросидан намуналар ҳам келтирдик. Бу ёғига холисона фикр билдириш сиз азиз китобхонларнинг эътиборига ҳавола.

Хитой фаласуфи Ван Шоужен таомнинг тами яхши ёки ёмонлигини билиш учун уни оғизга солиб, чайнаб кўрмоқ зарур. Таомдан татиб кўрмай туриб, унга баҳо бериб бўладими? Йўлнинг равон ёки норавонлигини аниқлаш учун ўша йўлни босиб ўтишингиз керак. Йўлни бориб кўрмасдан унинг қандайлигини айтиш мумкинми... деганидек, сиз азиз китобхонлар ушбуни ўқиганингиздан сўнг заррача бўлсада қалбингизга кўтаринкилик бахш эта олса, мустаҳкам, баҳтли оила ва обод турмуш борасида оз бўлса-да бегараз маслаҳаттўй дўст вазифасини бажара олса, кекса қалбимиз тоғдек кўтарилган бўлар эди. Китоб хақидаги холисона фикрингизни кутиб қолувчи:

\* \* \*

Мазкур китобнинг ёзилиш ва чоп этилиши жараёнида ўзларининг қимматли маслаҳат ва амалий ёрдамлари билан жонбозлик кўрсатган тарих фанлари номзоди Саидаҳмад Мирзахўжаев, математика фанлари номзоди доцент Файзулла Баҳромов, маъсулияти чекланган “Матонат” корхонасининг раҳбари Баҳодир Умаров ва Зангиота тумани Зоирхон Жалилов номидаги маҳалла оқсоқоли Мурод Мирзахалилов ҳамда Нўъмонхожи Муҳаммаджоновга ўзимизнинг чукур миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

*Муаллиф*



## МУНДАРИЖА

Эзгулик йўлида .....	4
Сўз боши .....	5

### I БОБ. ТАҚДИР БЕЛГИЛАШ – БАХТЛИ ОИЛА ПОЙДЕВОРИ

Ёлғизликда ёр яхши .....	8
Орзулар ижобати .....	13
Бегараз маслаҳатгўй .....	18
Бахтиёрик тадбирлари .....	32
Саодатга эришиш йўллари .....	35
Аждодлар ибрати .....	37
Кўзлар ўзи сўзлади .....	41
Меъерни англатан бахтсиз бўлмайди .....	45

### II БОБ. БАХТЛИ ВА ОБОД ҲАЁТ ИЖОДКОРЛАРИ

Эрдан садоқат, хотиндан итоат .....	49
Оила боғонлари ҳақида .....	54
Саодатинг – қайнонанг уйида .....	60
Келинни – қиз бил, куёвни ўғил .....	66
Кўнгил мевалари .....	70
Фарзанд – инсон ҳаётнинг кўрки .....	77
Онангни қуёш билсанг, отангни ой бил .....	80
Ота – билак, она – юрак .....	88

### III БОБ. МЕҲРУ ВАФО БИЛАН БАРҲАЁТДИР ОИЛА

Аёл олам безаги .....	95
Меҳру садоқатла ободдир ҳаёт .....	99
Фидойилик зийнатлари .....	109
Овсинлар иноқ бўлса, оға-инилар чиноқ бўлмас .....	113
Кундошлик уйга бахт боқмас .....	117
Рашк – муҳаббат посбоними? .....	121
Чин айтсанг ҳам сир айтма .....	126
Тил тинч бўлса, дилда ўқинч бўлмас .....	130

Ёлғон ёндирап – ҳақиқат қондирап .....	135
Хаё кетди – бало етди .....	143

#### IV БОБ. МАЬНАВИЯТ ВА ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ

Ҳам фарз, ҳам қарз .....	151
Қадриятилар султони .....	155
Китобсиз уй – жонсиз тана .....	162
Гўзал оҳанг – жон роҳати .....	168
Камолот мураббийлари .....	176
Мехри борнинг сеҳри бор .....	186
Қари бор уйнинг зари бор .....	190
Уруг аймогим – қулоқ қаймогим .....	197
Ён қўшнинг – жон қўшнинг .....	200
Саодат эшиги .....	203
Текоғли рўзғор – бекоғлик қўрғон .....	209
Яхшилик тўрга, ёмонлик гўрга элтар .....	213
Ёмонликлар онаси .....	220

#### V БОБ. ЭЛ ШОДЛИГИ – МАМЛАКАТ ОБОДЛИГИ БИЛАН

Мозий садоси, бугуннинг садоси .....	226
Наврўз билан элда ободлик .....	231
Бошлиқ бўлиш осон – бошламоқ қийин .....	240
Ҳаётнинг муҳаббати ва охират надомати .....	246
Нон билан тирикдир олам .....	254
Хотима .....	259

**ЭРКИН ФУЛОМОВ**

**ҲАЁТ ЗИЙНАТИ**

**«ISTIQLOL» – Тошкент – 2013**

<i>Мұхаррір</i>	<i>Ж. Раззоқов</i>
<i>Рассом</i>	<i>Х. Ёқубов</i>
<i>Мусақхұң</i>	<i>Н. Атабоеva</i>
<i>Сағиғаловчы</i>	<i>С. Пұлатов</i>

Лицензия рақами А1 № 217. 03.08.2012 й. Босишига рухсат этилди 31.07.2013 й. Бичими 60×84<sup>1/16</sup>. Шартлы босма табори 16,5. «Times Tad» гарнитурасыда. Алади 100 нұсқа. Офсет қоғози. Буюртма № 42.

«ISTIQLOL NASHRIYOTI», Тошкент ш., 100129, Навоий күчаси, 30-үй. Тел: 244-94-36, факс 244-51-98. Эл. пошта: gojpoligraf71@yahoo.com.

«ISTIQLOL NASHRIYOTI» матбая бўлимида чоп этилди. Тошкент ш., 100129, Навоий күчаси, 30-үй.